


ХЎЖАЁР ШЕННАЕВ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Ш 45


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАЁР ШЕННАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ

МОНОГРАФИЯ



Тошкент  
“IQTISOD-MOLIYA”  
2021

56  
11-15  
УЎК: 368.01(575.1)

КБК: 65.271(5Ў36)

**Такризчилар:** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Атаниязов Жасур Хамидович  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент  
Мухамедов Фарход Турсунбаевич

**Масъул муҳаррир:** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Хайдаров Низамидин Хамраевич

Ш 45 Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари: *Монография / Х.М. Шеннаев. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2021. – 336 б.*

Монографияда суғурта фаолиятининг назарий-методологик асослари, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожланиш босқичлари афрофлича тадқиқ этилган. Мазкур илмий асарда иқтисодиётнинг тараққий этишида суғуртанинг ўрни, рақобат шароитида суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича халқаро тажриба ёритилган. Муаллиф ўз илмий ишида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини химоя қилиш, суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш, суғурта компаниялари фаолиятини халқаро рейтинг агентликлари томонидан баҳолаш йўналишларини тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Тадқиқот ишида суғурта фаолиятини ривожланишига оид кўплаб статистик маълумотлар таҳлили келтирилган.

Монография олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимлари, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ваколатига эга давлат органи ходимлари, суғурта компаниялари мутахассислари, докторантлар, илмий изланувчилар ва суғурта соҳасига қизиқувчи барча ўқувчилар учун мўлжалланган.

Монография Тошкент молия институти Кенгашининг 2021 йил 29 мартдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (8/6.3-сонли баённома).

УЎК: 368.01(575.1)

КБК: 65.271(5Ў36)

ISBN 978-9943- 13-998-5

© Х.Шеннаев, 2021

©“IQTISOD-MOLIYA”, 2021

## КИРИШ

Жаҳонда глобал иқлимнинг ўзгариши, пандемия, технологик инновацияларнинг ривожланиши ҳамда кибер хавф-хатарларнинг тобора авж олиши жаҳон суғурта ҳамжамияти ва илмий, эксперт доиралари олдига ҳал этилиши долзарб аҳамиятга эга бўлган вазифаларни қўймоқда. Суғурта назорати халқаро ассоциацияси (International Association Insurance Supervisors)нинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Стратегик режасида<sup>1</sup> айнан, ушбу вазифаларнинг ўз аксини топиши халқаро миқёсда суғурта фаолиятини замонавий стандартлар ва талабларга мувофиқ такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Шунингдек, “2020 йилда табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар рўй бериши оқибатида жаҳон иқтисодиётига 187 млрд.АҚШ доллари миқдоридан зарар етказилган бўлиб, унинг 83 млрд.АҚШ доллари ёки 44,4 фоизи суғурталовчилар томонидан қопланган”<sup>2</sup>. Ушбу ҳолат суғурта фаолиятининг жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишидаги роли нечоғли юқори эканлигидан, бинобарин, бу борадаги илмий изланишларни янги форматда ривожлантириш зарурлигидан далолат беради.

Дунёда суғурта фаолиятини трансформация қилиш, соҳага рақамли технологияларни кенг қўламда жорий этиш, кибер хавф-хатарларни суғурталаш, суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш орқали суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, инклюзив ва микросуғуртани ривожлантириш халқаро даражада амалга оширилаётган тадқиқот ишларининг асосий йўналишларини ташкил этмоқда. Мазкур йўналишларда амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларнинг суғурта фаолиятида рискка асосланган ёндашув асосида суғурта

<sup>1</sup> The International Association of Insurance Supervisors, Strategic Plan 2020 – 2024, June 2019. <https://www.iaisweb.org/page/about-the-iais/strategic-plan/file/82533/2020-2024-strategic-plan>.

<sup>2</sup> Swiss Re Institute estimates USD 83 billion global insured catastrophe losses in 2020, the fifth-costliest on record. News release Swiss Re Institute. <https://www.swissre.com/dam/jcr:f6506ced-0eda-42fb-96da-14a38a4e03c7/nr-20201215-sigma-full-year-preliminary-natcat-loss-estimate-2020-en.pdf>.

секторини назорат қилиш ва тартибга солиш амалиёти жорий этилган ҳамда суғурта фаолиятида маркетинг технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, суғурта фаолиятининг иқтисодий ривожланишга таъсири эмпирик тадқиқотлар ўтказиш орқали чуқур таҳлил этилмаган, пандемия даврида суғурта фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш механизмига доир тадқиқот ишлари етарли эмас. Суғурта маҳсулотлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш даражасини ошириш ҳамда миллий суғурта компаниялари томонидан рейтинг агентликлари, шу жумладан халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг баҳосини олишлари бўйича муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни илмий-методологик жиҳатдан ўрганилмаганлиги тадқиқот ишининг долзарблигини янада оширади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибини диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига бозор механизмларини изчиллик билан жорий этиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш, рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, давлат компанияларини трансформация қилиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини ташкил этади. Мазкур иқтисодий ислохотлар доирасида “товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш<sup>3</sup>”, “ҳаёт суғуртаси тармоғини ҳамда шахсий суғуртани аҳоли орасида оммалаштириш, уларни кенг миқёсда тарғиб қилиш ҳамда янги ҳаёт ва шахсий суғурта турларини ривожлантириш<sup>4</sup>” бўйича долзарб вазифаларнинг белгиланганлиги мамлакатда суғурта фаолиятининг назарий-

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/5260791>.

методологик ва амалий асосларини такомиллаштириш, суғурта хизматларининг молиявий хизматлар таркибидаги салмоғи ва сифат даражасини ошириш юзасидан тадқиқот ишларини амалга ошириш заруриятини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон, 2021 йил 3 февралдаги #2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон фармонлари, 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1060-сон ва 2020 йил 14 декабрдаги “Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 780-сон қарорларида кўзда тутилган вазифаларни бажариш ва суғурта фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Суғурта фаолияти ривожланишининг асосий йўналишлари билан боғлиқ кўп қиррали тадқиқот ишлари жаҳоннинг нуфузли илмий, таҳлилий марказлари ва олий таълим муассасалари, соҳага алоқадор халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, National Bureau of Economic Research (NBER), Wharton School of the University of Pennsylvania, Massachusetts Institute of Technology (MIT), Institute for Economic Policy Research of the Stanford University, Columbia University (АҚШ), London School of Economics and Political Science (LSE) (Буюк Британия), Toulouse School of

Economics (TSE) (Франция), Norwegian School of Economics (NHH) (Норвегия), International Association of Insurance Supervisors (IAIS), European Insurance and Occupational Pensions Authority (EIOPA), European Insurance and Reinsurance Federation, Swiss Re Institute, The Geneva Association (Швейцария), Insurance Information Institute, McKinsey & Company (АҚШ), Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, Российский экономический университет им.Г.В.Плеханова (Россия), Белорусский государственный экономический университет (Беларусь), Тошкент молия институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда<sup>5</sup>.

Суғурта фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар, жумладан, қуйидаги натижаларга эришиш имкониятини берган: суғурта шартномаларида суғурталовчи ва суғурта килдирувчи манфаатларининг адолатли ва ўзаро тенглик асосида акс этирилиши ҳамда суғуртага бўлган ишонч суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги математик моделлар асосида исботланган (National Bureau of Economic Research (NBER); суғурталовчилар фаолиятини рейтинг агентликлари томонидан баҳолашда рейтинг стандартлари ва кўрсаткичларининг шаффофлигини таъминлашнинг зарурлиги назарий ва методологик жиҳатдан асосланган (Wharton School of the University of Pennsylvania); суғурта бозорининг ривожланиши, кўп

---

<sup>5</sup> Тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида ишлаб чиқилган: National Bureau of Economic Research (NBER). [https://www.nber.org/papers?page=1&perPage=50&sortBy=public\\_date](https://www.nber.org/papers?page=1&perPage=50&sortBy=public_date); Wharton School of the University of Pennsylvania. <https://www.wharton.upenn.edu/research-centers/>; Massachusetts Institute of Technology (MIT). <https://economics.mit.edu/faculty/afink>; <https://economics.mit.edu/faculty/afink>; Institute for Economic Policy Research of the Stanford University. <https://siepr.stanford.edu/people/senior-fellows>; Department of Economics, Columbia University. <https://econ.columbia.edu/>; London School of Economics and Political Science. [https://www.lse.ac.uk/Statistics/Research/Probability-in-Finance-and-Insurance?from\\_serp=1](https://www.lse.ac.uk/Statistics/Research/Probability-in-Finance-and-Insurance?from_serp=1); Toulouse School of Economics (TSE). <https://www.tse-fr.eu/solving-key-economic-and-social-issues>; International Association of Insurance Supervisors. <https://www.iaisweb.org/home>; European Insurance and Occupational Pensions Authority. <https://www.eiopa.europa.eu/>; European insurance and reinsurance federation. <https://www.insuranceurope.eu/search/type/Publication>; Swiss Re Institute. <https://www.swissre.com/>; The Geneva Association. <https://www.genevaassociation.org/publications>; Insurance Information Institute. <https://www.iii.org/>; McKinsey & Company. <https://www.mckinsey.com/search?q=insurance%20industry>; Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации. <http://www.fa.ru/org/dep/ses/f/Pages/Home.aspx>; Российской экономический университет им.Г.В.Плеханова. <https://www.rea.ru/>; Белорусский государственный экономический университет. <http://nir.bseu.by/scientific/publish.htm>.

жиҳатдан, суғуртага бўлган талабнинг асосини ташкил этувчи суғурта хизматларининг хилма-хиллигига боғлиқ эканлиги тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар такомиллаштирилган (London School of Economics and Political Science (LSE); суғурта фаолиятида ахборотлар асимметриясининг мавжудлиги суғурталовчи суғурта маҳсулоти тўғрисида суғурта қилдирувчига нисбатан кўпроқ ахборотга эга эканлигини назарда тутиши, бироқ, рақобат ахборотларнинг тўлиқ шаффофлигини таъминлашга олиб келиши илмий-назарий нуқтаи-назардан асосланган (Toulouse School of Economics, Institute for Economic Policy Research of the Stanford University, Columbia University); глобал суғурта секторида кузатилаётган тенденция ва ўзгаришларни инобатга олган ҳолда суғуртанинг тамойиллари, стандартлари ҳамда баҳолаш йўриқномаси ва методологияси ишлаб чиқилган (International Association of Insurance Supervisors (IAIS); суғурта соҳасида рақамли платформага асосланган бизнес-моделни яратиш орқали суғурта қилдирувчилар билан мулоқот ўрнатишнинг афзалликлари методологик жиҳатдан такомиллаштирилган (Massachusetts Institute of Technology (MIT), Institute for Economic Policy Research of the Stanford University, European Insurance and Reinsurance Federation, Swiss Re Institute, The Geneva Association, Insurance Information Institute, McKinsey & Company); халқаро интеграция жараёнларнинг кучайиши шароитида миллий суғурта тизимларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш асосида Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини уйғунлаштиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган (Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, Российский экономический университет им.Г.В.Плеханова, Белорусский государственный экономический университет).

Жаҳонда суғурта фаолиятини амалга оширишнинг назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашда суғурта фаолиятининг имконияти ва салоҳиятидан самарали



фойдаланиш услубларини такомиллаштириш; глобал иқлимнинг ўзгариши натижасида табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар рўй бериши жиддий тус олаётган ҳозирги шароитда суғурта компанияларининг бизнес-жараёнларини мувофиқлаштириш орқали уларнинг суғурта ҳодисалари содир бўлиши оқибатида юзага келаётган зарарларни бартараф этишдаги ролини кучайтириш; суғурта компанияларининг тўлов қобилятларини мустаҳкамлаш ва суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг методологик асосларини такомиллаштириш; суғурта фаолиятини рақамли технологиялар асосида трансформация қилишнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш; пандемия даврида суғурта фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш, инклюзив суғуртанинг методологик асосларини такомиллаштириш.

Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг назарий-методологик асослари ва асосий йўналишлари хорижлик олимлар Нобель мукофоти лауреати Joseph E. Stiglitz, Jungyoll Yun, Andrew Kosenko, Kenneth S. Abraham, Jeffrey R. Brown, Benjamin L. Collier, J. David Cummins, David M. Cutler, Leemore Dafny, Liran Einav, Amy Finkelstein, Christian Gollier, Jonathan Gruber, Scott E. Harrington, Robert W. Klein, Howard Kunreuther, Daniel Schwarcz, Sharon Tennyson, Christian Thimann, Motohiro Yогонинг илмий ишларида кенг ёритилган<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup> Joseph E. Stiglitz, Jungyoll Yun, Andrew Kosenko. Characterization, Existence and Pareto Optimality in Insurance Markets with Asymmetric Information with Endogenous and Asymmetric Disclosures: Revisiting Rothschild-Stiglitz. NBER Working Paper series, Working Paper 24711/ June 2018. [https://www.nber.org/system/files/working\\_papers/w24711/w24711.pdf](https://www.nber.org/system/files/working_papers/w24711/w24711.pdf); Joseph E. Stiglitz, Jungyoll Yun, Andrew Kosenko. Equilibrium in a Competitive Insurance Market under Adverse Selection with Endogenous Information. NBER Working Paper series, Working Paper 23556/ June 2017. [https://www.nber.org/system/files/working\\_papers/w23556/w23556.pdf](https://www.nber.org/system/files/working_papers/w23556/w23556.pdf); Kenneth S. Abraham. The Long-tail Liability Revolution: Creating the New World of Tort and Insurance Law. University of Virginia School of Law Public Law and Legal Theory Paper Series 2020-29, March 2020. [https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract\\_id=3555887](https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=3555887); Jeffrey R. Brown. Are the Elderly Really Over-Annuitized? New Evidence on Life Insurance and Bequests. [https://www.nber.org/system/files/working\\_papers/w7193/w7193.pdf](https://www.nber.org/system/files/working_papers/w7193/w7193.pdf); Benjamin L. Collier. Strengthening Local Credit Markets Through Lender Level Index Insurance. 13 February 2019. <https://doi.org/10.1111/jori.12277>, Journal of Risk and Insurance 2/2020. Pages: 319-349. <https://onlinelibrary.wiley.com/toc/15396975/2020/87/2>; Cummins J. David and Rubio-Misas Maria. Integration and Convergence in Efficiency and Technology gap of European Life Insurance Markets (August 3, 2020). P.49. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=2965742> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.2965742>; David M. Cutler and Richard Zeckhauser. Extending the Theory to Meet the Practice of Insurance. Harvard University and NBER, April 2004. Brookings-Wharton Papers on Financial Services, 2004, edited by R. Litan and R. Herring. Washington DC: Brookings Institution. [https://scholar.harvard.edu/files/cutler/files/cutler\\_zeckhauser\\_theory\\_and\\_practice\\_of\\_insurance.pdf](https://scholar.harvard.edu/files/cutler/files/cutler_zeckhauser_theory_and_practice_of_insurance.pdf); Leemore

МДХ мамлакатлари олимлари, хусусан, Н.Г.Адамчук, Н.С.Антонович, Ю.Т.Ахвледяни, Г.Н.Джабаров, К.К.Жуйриков, Н.В.Кириллова, И.А. Конончук, Ю.В. Крупенко, Г.А.Насырова, Г.Т.Сапарова, А.К. Сембеков, А.А. Цыганов, Н.Ф.Челухина, Ш.Шамсуллозоданинг илмий ишларида сугурта фаолиятини ривожлантиришнинг айрим йўналишлари тадқиқ этилган<sup>7</sup>.

Dafny. Are Health Insurance Markets Competitive? NBER Working paper series, Working Paper 14572. December 2008. American Economic Review, vol. 100, no. 4, september 2010, (pp. 1399-1431). <https://www.aeaweb.org/articles?id=10.1257/aer.100.4.1399>; Liran Einava, Amy Finkelstein, Paul Schrimpf. Bunching at the kink: Implications for spending responses to health insurance contracts. Journal of Public Economics 146 (2017) 27-40. <https://doi.org/10.1016/j.jpubeco.2016.11.011>. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0047272716301670?via%3Dihub>; Gollier C. To Insure or Not to Insure? An Insurance Puzzle. The Geneva Papers on Risk and Insurance Theory, 28, 5-24 (2003). <https://doi.org/10.1023/A:1022112430242>, <https://link.springer.com/article/10.1023/A:1022112430242#citeas>; Jonathan Gruber. MIT and NBER, October, 2014, he Impact of Workers Compensation Insurance on Disability Insurance Claims. <https://www.nber.org/sites/default/files/2020-05/NB13-QT1%20Gruber.pdf>; Harrington Scott E. The Economics and Regulation of Captive Reinsurance in Life Insurance (January 1, 2015). Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=2608141> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.2608141>. [https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract\\_id=2608141](https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2608141); Robert W. Klein. A Primer on The Economics of Insurance. Technical Report, December 2014, DOI: 10.13140/2.1.4487.9681. [https://www.researchgate.net/publication/270500085\\_A\\_Primer\\_on\\_The\\_Economics\\_of\\_Insurance](https://www.researchgate.net/publication/270500085_A_Primer_on_The_Economics_of_Insurance); Benjamin L. Collier, Daniel Schwartz, Howard C. Kunreuther, Erwann O. Michel-Kerjan. Risk Preferences in Small and Large Stakes: Evidence from Insurance Contract Decisions. NBER Working paper series, Working Paper 23579. [https://www.nber.org/system/files/working\\_papers/w23579/w23579.pdf](https://www.nber.org/system/files/working_papers/w23579/w23579.pdf); Sharon Tennyson, Hae Kyung Yang. The role of life experience in long-term care insurance decisions. <https://doi.org/10.1016/j.joep.2014.04.002>, Journal of Economic Psychology Volume 42, June 2014, Pages 175-188. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S016748701400021X>; Christian Thimann. How Insurers Differ from Banks: A Primer on Systemic Regulation SRC Special Paper No 3, July 2014. [http://eprints.lse.ac.uk/61218/1/sp-3\\_1.pdf](http://eprints.lse.ac.uk/61218/1/sp-3_1.pdf); Ralph Koijen & Motohiro Yogo. The Fragility of Market Risk Insurance. Working Paper 24182, Issue date January 2018, DOI 10.3386/w24182. <https://www.nber.org/papers/w24182>.

<sup>7</sup> Адамчук Н.Г. Мировой рынок страховых услуг в условиях глобализации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. – М.: - 2005. – с.56; Антонович Н.С. Механизм перестрахования в условиях развития страхового рынка Республики Беларусь. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Минск., - 2014. – с.25; Ахвледяни Ю.Т. Жилищное страхование в условиях социально-экономических преобразований. Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. – М.: - 2003. – с.36; Джабаров Г.Н. Современные тенденции развития страхового рынка в Республике Таджикистан. Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. – Душанбе., -2019. –с.167.; Жуйриков К.К. Страхование: теория, практика, зарубежный опыт. Учебник для студентов вузов и колледжей. Алматы. – Экономика, 2015. - 408 с.; Кириллова Н.В. Страхование промышленных предприятий: теория, методология, практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. – М.: - 2007. – с.41.; Конончук И.А. Реализация налоговой политики, стимулирующей страхование в Республике Беларусь. // ISSN 2078-5410 Экономика и банки. 2017. № 1. – с.8.; Крупенко Ю.В. Финансовая устойчивость перестраховщиков как фактор стабилизации рынка страховых услуг. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Минск. – 2018. – с.28.; Насырова Г.А. Институциональное обеспечение системы регулирования страховой деятельности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. – СПб.: - 2017. –с.38.; Сапарова Г.Т. Обязательное медицинское страхование в Республике Казахстан. // М.: - Вестник финансового университета, том 21, № 2,2017. – с. 145-153.; Сембеков А.К. Организация защиты интересов страхователей – потребителей услуг на Казахстанском страховом рынке. DOI: 10.17223/2229388/26/1 // журнал “Проблемы учета и финансов”, - № 26 2017. – с.15.; Цыганов А.А. Институциональное развитие страхового рынка Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н.-М.: - 2007. – с.50.; Челухина Н.Ф. Развитие страхования финансовых рисков человеческого капитала в России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. – М.: - 2017.- с.49.; Шамсуллозада Ш. Развитие страхового рынка в системе экономической безопасности Республики Таджикистан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Душанбе.; - 2009. – с.27.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар И.Х.Абдурахмонов, Г.Дж.Адилова, М.Т.Асқарова, Д.А.Баратова, Т.М.Баймуратов, Т.К.Иминов, Ш.Б.Имомов, У.Ғ.Имомов, Н.А.Маврулова, И.Ғ.Кенжаев, А.С.Нуруллаев, С.А.Умаров, Х.С.Умаров, Қ.М.Қўлдошев, А.А.Ядгаров, Г.Т.Халикулова, Б.Ў.Ҳақбердиев, С.Р.Шеров, Л.Ғ.Эргашеванинг илмий ишларида суғурта фаолиятини комплекс ривожлантириш қисман тадқиқ этилган<sup>8</sup>.

Бироқ, юқорида қайд этилган тадқиқотчиларнинг илмий асарларини таҳлил қилиш натижалари суғурта фаолиятининг назарий, методологик жиҳатлари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари комплекс, тизимли ва яхлит шаклда чуқур ўрганилмаганлигини кўрсатди. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш муаммосининг долзарблиги ва мазкур муаммонинг иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу муммони тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

<sup>8</sup> Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: - 2010. – 20 б.; Адилова Г.Дж. Иқтисодий глобализация шароитида суғурта хизматларини такомиллаштиришнинг йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2020.-60 б.; Асқарова М.Т. Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований Республики Узбекистан. – Т.: - 2002. – с.20.; Баратова Д.А. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасини ривожлантириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2020. – 54 б.; Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: -2004. – 22 б.; Иминов Т.К., Хасанов Ф.Р. Перспективы развития страхования информационных рисков в Узбекистане. // “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”- “Экономический вестник Узбекистана” журналы, 2015. -№2. – с.70-71.; Имомов Ш.Б. Суғурта – жийдтий иш. // “Бозор, пул ва кредит” журналы, 1999 й. - №11. 22-24 б.; Имомов У.Ғ. Инновацион иқтисодиёт шароитида банк суғуртаси ва уни ривожлантириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2020. – 53 б.; Маврулова Н.А. Суғурта компанияларининг молиявий баркарорлигини таъминлашда қайта суғуртанинг ролини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2019. – 62 б.; Кенжаев И.Ғ. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самардорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: 2019. -59 б.; Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжалиқларини суғурталаш масалалари. – Т.: 2007. - 24 б.; Умаров С.А. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2012. - 49 б.; Умаров Х.С. Страховой рынок Узбекистана: основные проблемы и тенденции развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – М.: - 2013. – с.27.; Қўлдошев Қ.М. Ўзбекистонда ўзаро суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2019. – 75 б.; Ядгаров А.А. Атросаноат мажмуи корхоналари фаолиятини суғурталаш. Монография. – Т: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2020 - 135 б.; Халикулова Г.Т. Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2019. –62 б.; Ҳақбердиев Б.Ў. Ўзбекистонда суғурта компанияларининг молиявий баркарорлигини таъминлаш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 63 б.; Шеров С.Р. Суғурта институти ва уни инновацион ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: 2019. - 64 б.; Эргашева Л.Ғ. Совершенствование использования маркетинга в развитии имущественного страхования в Узбекистане. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Т.: - 2006. – с.24.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация ва трансформация қилишнинг стратегик мақсадларига монанд тарзда суғурта фаолиятини такомиллаштириш ҳамда “Суғурта назарияси ва амалиёти”, “Суғурта иши” ва “Халқаро суғурта бозори” фанларини илмий-назарий жиҳатдан ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан суғурта фаолиятини тараққий эттириш ва тартибга солиш механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва “Йўл харита”ларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасаларида ўқитиладиган суғурта фаолиятига оид фанларнинг ўқув дастурларини мазмунан бойитишда фойдаланиш мумкин.

# Ї БОБ. СУВУРТА ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## §1.1. Суғурта фаолиятига оид назарий қарашлар ва ёндашувларнинг киёсий таҳлили

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш тизимига ўтказилиши сугурта фаолиятида туб ўзгартиришларни амалга оширишни тақозо этди. Аввало, янги шароитда суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга эътибор қаратилди. Чунончи, 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонунда (мазкур қонун 2002 йилда янги таҳрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган) суғурта фаолиятини бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига ҳамоҳанг тарзда амалга ошириш имконини берди. Мазкур қонунда суғуртага қуйидагича таъриф берилди: “Суғурта – инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий офатлар, фавқулудда ҳодиса ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талафотларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган суғурта бадаллари (суғурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлар демакдир”<sup>9</sup>.

Шу ерда қуйидаги учта жиҳатга эътибор қаратишни лозим, деб ҳисоблаймиз: пул фондлари; жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари; муносабат. Суғуртада пул фондлари мавжуд бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз. Бунинг сабаби шундаки, суғурта ҳодисалари содир бўлиши оқибатида юзага келадиган зарарлар, айнан, ушбу

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 6 майда қабул қилинган. (Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 5 апрелдаги 359-II-сонли “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/106047>.

пул фондлари ҳисобидан амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлари бўлмаган жойда суғурта ҳам бўлмайди. Демак, суғурта бўлиши учун манфаат бўлиши зарур. Зеро, ушбу қоида суғурта назариясининг фундаментал асосларидан бири ҳисобланади. Муносабат тушунчаси суғуртанинг асл моҳиятини очиб берувчи сўз, яъни суғурта – бу муносабатдир. Савол туғилиши табиий: суғурта қандай муносабатларни ўзида акс эттиради. Суғурта – бу мақсадли пул фондларини шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатдир<sup>10</sup>. Дарҳақиқат, суғурта, бир томондан, Е.Коломин таъкидлаганидек, муносабат, иккинчи томондан, ўзи суғурта деб табиий ва бошқа стихияли кучлар таъсири натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш, олдини олиш ҳамда оғохлантириш учун мақсадли йўналишдаги пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисига айтилади<sup>11</sup>.

Таъкидлаш лозимки, суғурта фаолиятининг назарий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда тадқиқотчилар томонидан суғурта фаолиятининг умумий йўналишлари доирасида муайян илмий изланишлар амалга оширилаётганлигини тан олган ҳолда қайд этиш зарурки, мазкур тадқиқот ишлари, асосан, ахборот-таҳлилий ва амалий тусга эга. Ҳолбуки, Ўзбекистон шароитида суғурта фаолияти ва уни амалга оширишнинг назарий масалалари тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг асрлар давомида шаклланган суғурта фаолияти билан боғлиқ назарий қарашлари ва ёндашувлари маҳаллий олимлар ва мутахассислар томонидан чуқур ўрганилмаган десак, бу ҳам тўғри бўлади.

Шу жиҳатдан, суғурта фаолиятининг назарий қоидаларини ривожланган мамлакатларнинг тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган соҳага доир назарий қарашлар ва ёндашувлар билан

<sup>10</sup> Коломин Е.В. Проблемы развития страховых исследований. “Нет ничего практичнее хорошей теории” //М.- журнал “Финансы”, №6 2003, с.40.

<sup>11</sup> Шеннаев Х.М. ва бошқалар. Суғурта иши. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан талабалар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган./Т.: “Иқтисод-молия”, 2014 йил, 8-б.

қиёсий таҳлил этиш асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Зеро, табиий офатлар, ёнғин ва бошқа нохуш ҳодисалар юз бериши натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашда суғурта муҳим аҳамиятга эга<sup>12</sup>.

Шубҳасиз, хорижий мамлакатларда, биринчи галда иқтисодий тараққий этган мамлакатларда суғурта ва суғурта фаолиятига оид назарий қарашлар бизнинг илмий адабиётларда талқин этиладиган назарий қоидалардан тубдан бўлмасида, ҳар ҳолда фарқ қилади. Буни куйида келтирилган адабиётлар шарҳи ҳам кўрсатиб турибди.

Felipe Verdou ўз тадқиқотида суғурта фаолияти XVI асрнинг охирида Буюк Британияда пайдо бўлганлигига урғу беради<sup>13</sup>. Унинг фикрича суғурта фаолиятининг вужудга келишига 1666 йил рўй берган Буюк Лондон ёнғини ва Буюк Британиянинг жаҳон денгиз савдосидаги ўрни юқори бўлганлиги сабаб бўлган. Суғуртанинг мақсади молиявий йўқотишлардан ҳимоялаш ҳисобланади. Суғурта фаолияти назарияси хусусида тўхталиб, Shauhin Talesh суғуртанинг анъанавий ва устун концепцияси ихтиёрий шартнома келишувига асосланган бўлиб, унга кўра бизнес тузилмалари ўзларининг рискларини суғурталовчига ўтказди, деб ҳисоблайди<sup>14</sup>. Бизнинг назаримизда, Shauhin Taleshнинг ушбу қараш суғуртанинг тор доирадаги маъносини ёритди, холос. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, суғурта ҳимояси, фақат бизнес тузилмаларини эмас, балки давлатга қарашли тузилмалар ва кўп сонли аҳолини ҳам қамраб олади.

Нобель мукофоти лауреати Joseph E. Stiglitz риск ва суғуртанинг ўзаро боғлиқлигини англаш фундаментал тусга эга эканлигини ҳамда риск содир бўлиши оқибатида юзага келадиган муаммолар бутун иқтисодиёт бўйлаб тарқалганлигини

<sup>12</sup> Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия: дарслик. (24-боб. “Суғурта” Х.М.Шеннаев томонидан ёзилган). – Т.: “Иқтисод-Молия”. – 2019. – 588-б.

<sup>13</sup> Felipe Verdou. Target Insurance, G06Q40/02; G06Q40/08; (IPC1-7): G06F17/60. 2004. <https://www.freepatentsonline.com/20040010426.pdf>.

<sup>14</sup> Shauhin A. Talesh. A New Institutional Theory of Insurance. UC Irvine Law Review, Vol.5, No.3, 2015, pp.617-650, UC Irvine School of Law Research Paper No. 2015-77. [https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract\\_id=2651508](https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2651508).

таъкидлайди<sup>15</sup>. Бундан ташқари, у сўнги икки ўн йилликда риск ва суғуртанинг асосини ташкил этадиган асосий принциплар тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилганлигини баён этади. Stephanie Hussels ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида суғурта тармоги жаҳон молия бозорининг ажралмас қисми ва суғурта компаниялари йирик институционал инвестор эканлиги қайд этилган<sup>16</sup>.

Peter Wakker, Richard Thaler ва Amos Tverskyнинг тадқиқотида суғурта – бу жисмоний шахс тўлайдиган суғурта мукофоти эвазига хавф-хатар пайдо бўлган ҳолатда суғурталовчи тегишли тўловни амалга оширишни ваъда қилувчи шартнома ҳисобланиши қайд этилган<sup>17</sup>. Ушбу фикрга қўшилиш қийин. Бунинг сабаби шундаки, суғурта шартномасида жисмоний шахслардан ташқари, юридик шахслар ҳам иштирок этади. Е.Князеванинг қайд этишича, суғуртанинг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий мазмунини аниқлашга қаратилган дастлабки назарий ёндашувлардан бири А.Вагнер томонидан илгари сурилган зарарларни қоплаш назарияси ҳисобланади<sup>18</sup>. Бироқ, илмий жамоатчилик ушбу назарияни фақат мулк суғуртасига дахлдор эканлигини таъкидлаган.

Суғурта фаолиятининг назарий асосларини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшган йирик олим А.Манзэ ўзининг “Суғурта иши асослари” номли фундаментал асарида суғурта ҳақида шундай ёзган эди: “Қачонки, айрим ҳолатларнинг рўй бериши зарарларни пайдо бўлишига олиб келиши натижасида моддий аҳволни яхшилаш учун олдиндан маълум бўлган маблағлар зарур бўлади. Пул маблағларига бўлган ушбу зарурият тўлиқ ёки қисман суғурта

<sup>15</sup> Joseph E. Stiglitz. *Risk, Incentives and Insurance: The Pure Theory of Moral Hazard, The Geneva Papers on Risk and Insurance*, 8 (No 26, January 1983), pp.4-5. <https://www.jstor.org/stable/41950058?refseqid=excelsior%3A052513012729d3ca0849392ec4e3fab6&seq=1>.

<sup>16</sup> Stephanie Hussels, Damian Ward and Ralf Zurbrugg. *Stimulating the Demand for Insurance*. *Journal “Risk Management and Insurance Review”*, 2005, Vol. 8, No. 2, p.259. <https://doi.org/10.1111/j.1540-6296.2005.00059.x>. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/j.1540-6296.2005.00059.x>.

<sup>17</sup> Peter Wakker, Richard Thaler & Amos Tversky. *Probabilistic Insurance*, *Journal of Risk and Uncertainty* 15, 7–28 (1997). <https://doi.org/10.1023/A:1007799303256>. <https://link.springer.com/article/10.1023/A:1007799303256#citea>.

<sup>18</sup> Князева Е.Г. Основные теории страхования и их современные интерпретации. // *Journal of new economy*. 2003. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-teorii-strahovaniya-i-ih-sovremennye-interpretatsii> (дата обращения: 21.12.2020).



воситасида қаноатлантирилади”<sup>19</sup>. У суғуртанинг назарий жиҳатларини ёритар экан, агар оила бошлиғи бўлган эркак келажакда турмуш ўртоғи ва болаларини боқиш учун оладиган иш ҳақидан керакли маблағни жамғаришга улгурмасдан вафот этган тақдирда, агарки у ўлим ҳолатидан суғурталанган бўлса, у ҳолда унинг ўлиmidан сўнг суғурта корхонаси томонидан бериладиган суғурта суммаси оиласини қўллаб-қувватлаш учун хизмат қилади, деган назарий қондани илгари сурган. Бизнинг фикримизча, А.Манэснинг мазкур назарий қондаси бугунги кунда ҳам суғурта фаолияти назарияси ва амалиёти учун ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бизнинг фикримизча, суғурта фаолиятининг назарий йўналишлари МДХ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг иқтисодий адабиётларида қарор топган қондалардан фарқли равишда ғарб иқтисодчилари томонидан турли нуқтаи назардан тадқиқ этилган<sup>20</sup>. Масалан, Wolfgang Muller асрлар давомида юридик фанлари суғурта концепциясини шакллантирган, деб ҳисоблайди ҳамда суғурта назарияси ва амалиётининг кўплаб соҳалари юридик концепция ва тафаккурга асосланганлигини эътироф этади<sup>21</sup>. Зотан, суғурта шартномавий муносабатларга қурилган, ҳар бир суғурта маҳсулотини сотиш шартнома асосида амалга оширилади. Буни ҳеч ким инкор этмайди, албатта. Wolfgang Muller ўз фикрини давом эттириб, суғуртада тизимли назария мавжуд эмас, деган хулосага келган. Бироқ, у суғурта назариясига оид алоҳида, баъзи ҳолларда ўзаро бир-бири билан боғланмаган назарий қарашлар илм-фанда вужудга келганлигини қайд этади.

Суғурта назариясини унга яқин бўлган бошқа назариялар билан ўзаро алоқадорликда ўрганиш бўйича Mark J.Machina ҳам тадқиқот ўтказган<sup>22</sup>. Тадқиқот натижалари қутилмаган фойда назарияси ва иқтисодий суғурта назарияси ўртасида боғлиқлик

<sup>19</sup> Манэс А. Основы страхового дела /сокр. пер. с нем. - Репринтное издание. - М.: Издательский центр “Анкит”, 1992. - 108 с.

<sup>20</sup> Шеннаев Х.М. Суғурта фаолияти: назарий қондалар, ёндашувлар ва тамойиллар. // “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. – VI-сон. ноябрь - декабрь, 2020. – 90-б.

<sup>21</sup> Wolfgang Muller. Theoretical Concepts of Insurance Production. The Geneva Papers on Risk and Insurance, (21 October 1981) p.67. <https://www.jstor.org/stable/41950020?seq=1>.

<sup>22</sup> Mark J. Machina. Non-Expected Utility and the Robustness of the Classical Insurance Paradigm. The Geneva Papers on Risk and Insurance Theory, 20:9-50 (1995). <https://www.jstor.org/stable/41953308?seq=1>.

кузатилганлигини намоён этган. Кутилмаган фойда кутилаётган фойданинг муқобили эмас, балки Кобб-Дуглас (Cobb–Douglas) фойдалилик функциясининг умумлашган шакли ҳисобланади. Кутилаётган фойда гипотезасига мувофиқ суғурта назариясини ривожлантириш, фақат, Кобб-Дуглас фойдалилик функциясидан фойдаланган ҳолда истеъмол талаби назариясини ривожлантирган инсон билан боғлиқ вазиятга ўхшайди. Кобб-Дуглас фойдалилик функцияси - ишлаб чиқариш ҳажмининг уни яратишнинг ишлаб чиқариш – меҳнат сарфлари омилларига боғлиқлигини ўзида акс эттиради. Мазкур қоида биринчи марта Knut Wicksell томонидан таклиф этилган ҳамда 1928 йилда Чарльз Кобб ва Пол Дуглас ҳаммуаллифлигидаги “Ишлаб чиқариш назарияси” номли мақолада статистик маълумотларга таянилган ҳолда ўрганилган. Мазкур мақолада АҚШнинг қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига сарфланаётган капитал ва меҳнатнинг таъсирини эмпирик таҳлил асосида аниқлашга ҳаракат қилинган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, John Von Neumann ва Oskar Morgenstern суғурта назариясида муҳим ўрин тутувчи ўйинлар назариясининг математик методларини қўллаган ҳолда суғурта фаолияти тараққиёти учун йирик аҳамиятга эга бўлган ва бутун илмий йўналишни ривожлантиришга асос солган кутилаётган фойда назариясини яратган<sup>23</sup>. Улар томонидан таклиф этилган фойдалилик функцияси рискка мойиллиги бўлмаган иктисодий агентнинг суғурта хизматлари учун тўловни амалга оширишга тайёр эканлигини намоён этади.

Mark J. Machinанинг фикри бўйича суғурта назариясининг тадқиқ этилмасдан қолган бир нечта муҳим соҳалари мавжуд. Улардан бири риск ўзгаришининг суғурта хизматларига бўлган талабга таъсирининг назарий асосларини тадқиқ этишдан иборат.

Суғурта назариясининг кам ўрганилган йўналишларидан яна бири суғуртада асимметрик ахборотлардан (asymmetric(al)

<sup>23</sup> Oskar Morgenstern. The Collaboration Between Oskar Morgenstern and John von Neumann on the Theory of Games. Journal of Economic Literature, Vol. 14, No. 3 (Sep., 1976), pp. 805-816 (12 pages), Published by: American Economic Association. <https://www.jstor.org/stable/2722628>; John Von Neumann, Oskar Morgenstern. Theory of Games and Economic Behavior, Science and Society 9 (4):366-369 (1944). <https://philpapers.org/rec/VONTOG-3>.

information) фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу йўналиш Michael Rothschild ва Нобель мукофоти лауреати Joseph Stiglitz томонидан суғурта назариясининг катта қисмини ташкил этувчи ноқулай танлаш назариясини<sup>24</sup>, Нобель мукофоти лауреати Kenneth J. Arrow томонидан эса маънавий риск назариясини яратилишига тўртки бўлган<sup>25</sup>. Маълумот ўрнида айтиш керакки, асимметрик ахборот деганда контрактда иштирок этаётган томонлар ўртасида ахборотларнинг нотекис тақсимланиши тушунилади. Ахборотларнинг асимметрик тақсимланиш ҳолатида контрактнинг предмети, уни тузиш шартлари ва ижро этиш жараёни хусусида бир тараф бошқа тарафга нисбатан кўпроқ ахборотга эга бўлади. Яъни, суғурта шартномаларини тузишда суғурталовчи ёки унинг вакили суғурта қилдирувчига нисбатан мазкур шартноманинг шартлари ҳақида кўпроқ ахборотга эга ҳисобланади. Асимметрик ахборотнинг мавжудлигига илк марта Нобель мукофоти лауреати Kenneth J. Arrow “The American Economic Review” журналида эълон қилинган “Ноаниқлик ва соғлиқни сақлашда фаровонлик иқтисодиёти” (Uncertainty and the Welfare Economics of Medical Care) номли мақоласида ўз эътиборини қаратган<sup>26</sup>.

Ривожланган хорижий мамлакатлар олимларининг фикри бўйича суғурта назариясининг тадқиқ этишни талаб этадиган жиҳатларидан яна бири ноаниқлик ҳолатида суғурта, яъни аниқлаштирилган субъектив эҳтимолликнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Қутилмаган фойда назарияси ҳамон танлаш парадокси ва муқобил моделни жамлашнинг бошланғич фазасидан риск иқтисодиёти ва суғуртанинг стандарт масалаларини қайта кўриб чиқишнинг кейинги босқичига ўтиш жараёнида турибди<sup>27</sup>.

<sup>24</sup> Michael Rothschild and Joseph Stiglitz. Equilibrium in Competitive Insurance Markets: An Essay on the Economics of Imperfect Information. The Quarterly Journal of Economics, Vol. 90, No. 4 (Nov., 1976), pp. 629-649 (21 pages). Published By: Oxford University Press. <https://doi.org/10.2307/1885326>. <https://www.jstor.org/stable/1885326>.

<sup>25</sup> Kenneth J. Arrow. The Economics of Moral Hazard: Further Comment. The American Economic Review, Vol. 58, No. 3, Part 1 (Jun., 1968), pp. 537-539 (3 pages). Published By: American Economic Association. <https://www.jstor.org/stable/1813786>.

<sup>26</sup> Kenneth J. Arrow. Uncertainty and the Welfare Economics of Medical Care. The American Economic Review, Vol. 53, No. 5 (Dec., 1963), pp. 941-973 (33 pages). Published By: American Economic Association. <https://www.jstor.org/stable/1812044?seq=1>.

<sup>27</sup> Шеннаев Х.М. Суғурта фаолияти: назарий қондалар, ёндашувлар ва тамойиллар. // “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. – VI-сон, ноябрь - декабрь, 2020. – 91-б.

Кутилмаган фойда назариясини тадқиқ этувчилар кутилган фойда назарийчиларининг илгари яратган илмий асарлари учун миннатдор бўлишлари керак.

Landes Xavier амалга оширган тадқиқотда саноати ривожланган мамлакатларда суғурта механизми ҳам давлат, ҳам хусусий секторда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилган<sup>28</sup>. Унинг фикрича, суғурта замонавий давлат умумий фаровонлигининг (давлат тиббий суғуртаси, ишсизлик бўйича нафақа ва бошқалар) асосини ташкил этади. Landes Xavier иктисодиётда умумқабул қилинган технология сифатидаги суғурта ва ижтимоий амалиётни назарда тутувчи ижтимоий назария ўртасидаги боғлиқликни муқобил назарий қараш тарзида тақлиф этади. У давлат мамлакатда умумий фаровонликни таъминлашда кўпроқ суғуртанинг ҳар хил турларига таянишини таъкидлайди.

Ulrich Schmidt ўз тадқиқот ишида суғуртага бўлган талабни истиқбол назарияси доирасида субъектларнинг бозорда суғурта полисини сотиб олиши ва сотиб олмаслиги ўртасидаги муносабатларини содда математик моделлаштириш воситасида ўрганган<sup>29</sup>. Модел вариантларининг бирига кўра, суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта полисига эга бўлмаган субъект зарарларни қоплаш бўйича давлатдан ёрдам кутади, иккинчи моделга мувофиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта полисига эга субъект кўрган зарарлар суғурталовчи томонидан қопланади.

Liran Einav ва Amy Finkelstein “Social Security and Medicare” ижтимоий суғурта дастурларининг (АҚШда - таъкид бизниқи) кенг кўламда амалга оширилиши мулк ва бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича хусусий суғурта компаниялари фаолиятини катъий назорат қилиш билан боғлиқ давлат аралашувини юзага

---

<sup>28</sup> Landes Xavier. The Normative Foundations of (Social) Insurance Technology. Social Practice and Political Philosophy, Centro Einaudi, Laboratorio di Politica Comparata e Filosofia Pubblica with the support of Compagnia di San Paolo, Working Paper-LPF n. 6 2013. p.4. <https://www.centroeinaudi.it/lpf/working-papers/wp-all/164-wp-lpf-2013/8796-the-normative-foundations-of-social-insurance-technology.-social-practice-and-political-philosophy.html>.

<sup>29</sup> Ulrich Schmidt. Insurance Demand and Prospect Theory. Kiel Institute for the World Economy, Kiel Working Paper No. 1750, January 2012. <https://www.econstor.eu/bitstream/10419/57274/1/69009776X.pdf>.

келишига сабаб бўлганлигини қайд этади<sup>30</sup>. Давлатнинг суғурта соҳасига бундай аралашувининг сабаби 1970 йилларда асос солинган ноқулай танлаш фундаментал назариясининг муаммосидир. Ушбу муаллифларнинг тасдиқлашича, сўнгги йилларда суғурта бозорида ноқулай танлаш назарияси муаммоларини ўрганиш юзасидан эмпирик тадқиқотлар сони кўпайган. Liran Einav ва Amy Finkelstein ўтказган тадқиқот натижалари ноқулай танлаш баъзи суғурта бозорларида амал қилишини, бошқаларида эса мавжуд эмаслигини кўрсатган. Тадқиқотда “фойдали танлаш”ни намоён этган суғурта бозорлари бўлиши мумкинлиги аниқланган ва бу ҳолат, сўнгги назария сифатида қаралмасдан, балки ноқулай танлашнинг классик кўринишига нисбатан оқилона давлат сиёсати ва суғуртани мувозанатли тақсимлаш учун турли оқибатларга эга бўлади. Шу ерда ноқулай танлаш назариясининг моҳияти ҳақида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ноқулай танлаш суғурта бозоридаги шундай ҳолатки, унда харидорлар ва сотувчилар турлича маълумотларга эга бўлади ҳамда бозор иштирокчиси танлов асосида савдода қатнашади. Натижада бозор иштирокчиси бошқа иштирокчи ҳисобидан кўпроқ фойда олиши мумкин. Сотилаётган товар ёки хизмат тўғрисида тегишли ахборотга эга бўлмаган тараф адолатсиз савдодан хавотир олади, аксинча, сотилаётган товар ёки хизмат тўғрисида барча маълумотларга эга бўлган тараф, яъни сотувчи бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланади. Савдодаги бундай фирибгарлик, пировардида, хавотир олаётган тарафни сотувчи билан ўзаро муносабатини бузилишига, бинобарин, бозорда савдо ҳажмининг камайишига олиб келади.

Биз юқорида суғурта назариясини талқин этишнинг ғарбона ёндашувини ўзида ифода этган тадқиқотчиларнинг илмий ишларини шарҳлаш ва таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Энди, суғурта ва суғурта фаолиятининг назарий қоидаларини ёритишга бағишланган МДХ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонлик

<sup>30</sup> Liran Einav and Amy Finkelstein. Selection in Insurance Markets: Theory and Empirics in Pictures (2013). Journal of Economic Perspectives, Volume 25, Number 1, Winter 2011, pp. 115–138. <https://www.aeaweb.org/articles?id=10.1257/jep.25.1.115/>.

тадқиқотчиларнинг илмий ишларини таҳлил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда асосий эътиборни ривожланган мамлакатларда аллақачон яратилган суғурта назариясига доир ёндашув ва қарашлар билан МДХ мамлакатлари олимларининг бу борадаги ёндашув ва қарашларини киёсий таққослашга қаратамиз.

Д.Фролов суғуртанинг институционал назарияси ҳақида мулоҳаза юритар экан, суғурта фаолияти кенг маънода муайян субъект ва унинг ҳамкорлари, шунингдек ташқи агентлар томонидан инсон фаолиятининг умумий институциясини англатади, деб ҳисоблайди<sup>31</sup>. Назаримизда, суғурта фаолиятига берилган мазкур таъриф унчалик тўғри эмас. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, аввало суғурта фаолияти назарий жиҳатдан риск, манфаат ва пул фонди тушунчалари билан боғланган.

Суғурта ва суғурта фаолияти тушунчаларининг мазмунан фарқли жиҳатлари ривожланган мамлакатларнинг илмий нашрларида алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаган. Балки, бунга эҳтиёж ҳам бўлмагандир. Бироқ, суғурта атамаларининг изоҳли луғатларида суғурта ва суғурта фаолияти тушунчаларига изоҳ берилган. Масалан, NAICнинг суғурта терминлари изоҳли луғатида суғуртага қуйидагича таъриф берилган: “Суғурта – бу жисмоний шахс томонидан рискни компанияга узатувчи ва бирлашиш йўли билан ноаниқлик riskини камайтирувчи иктисодий механизм”<sup>32</sup>. Ушбу глоссарийда суғурта фаолиятига таъриф берилмаган.

IAISнинг расмий сайтида келтирилган суғурта терминларининг изоҳли луғатида суғурта соҳасига оид зарур терминларнинг изоҳи берилган<sup>33</sup>. Бироқ, унда суғурта ва суғурта фаолияти тушунчаларига изоҳ берилмаган. Мазкур халқаро ташкилот томонидан ишлаб чиқилган “Суғуртанинг асосий принциплари”да (Insurance Core principles) суғурта суғурталовчи ва қайта суғурталовчиларнинг бизнесига оид эканлиги кўрсатилган ҳамда суғурта фаолиятига қуйидагича таъриф берилган: “Суғурта фаолияти

<sup>31</sup> Фролов Д. Эволюция институциональной теории страхования. // М.: журнал “Финансы”, №6 2008. с.54.

<sup>32</sup> Glossary of Insurance terms. National Association of Insurance Commissioners (2020). [https://content.naic.org/consumer\\_glossary.htm](https://content.naic.org/consumer_glossary.htm).

<sup>33</sup> Glossary. <https://www.iaisweb.org/page/supervisory-material/glossary/file/90938/iais-glossary>.

иктисодий, молиявий, корпоратив корхоналар ҳамда уй хўжаликларининг рискени қоплайди. Молиявий секторнинг бошқа ташкилотлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга”<sup>34</sup>. Шунингдек, унда бошқа кўплаб молиявий маҳсулотлардан фарқли равишда суғурта ишлаб чиқариш циклининг ўзгариши, яъни суғурта шартномаси тузилган пайтда суғурта мукофотини олиш ва муайян суғурта ходисалари содир бўлганда даъволарни кўриб чиқиш билан боглик эканлиги кўрсатилган. Ривожланган хорижий давлатларнинг суғурта терминлари изоҳли лугатини ўрганиш, уларнинг аксариятида суғурта тушунчасига изоҳ берилган ҳолда суғурта фаолиятига изоҳ берилмаганлигини кўрсатди.

Аксинча, МДХ мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда мавжуд қонунчилик ҳужжатлари ҳамда илмий-тадқиқот ишларида ушбу тушунчаларнинг фарқли жиҳатларига эътибор қаратилган. Масалан, 2002 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида суғуртага шундай таъриф берилган: “Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан, шунингдек суғурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ходисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”<sup>35</sup>. Кўриниб турибдики, ушбу таъриф юридик ва иқтисодий мазмунга эга. Айнан, мазкур қонунда суғурта фаолияти тушунчасига ҳам таъриф берилган. Унга кўра, “Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боглик фаолияти тушунилади”. Ўз-ўзидан маълумки, бир томондан, суғурта ва суғурта фаолияти тушунчалари ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланган, иккинчи томондан, суғурта – бу ҳимоя воситаси ва уни

<sup>34</sup> Insurance Core principles, updated November 2018. <https://www.iaisweb.org/page/supervisory-material/insurance-core-principles-and-comframe/file/87203/all-icps-adopted-in-november-2018>.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган. <https://www.lex.uz/docs/40253>.

амалга ошириш, том маънода, суғурта фаолиятининг мазмунини акс эттиради.

Қ.Қўлдошевнинг фикрига кўра, суғурта фаолияти тадбир-корлик таваккалчилиги оқибатларини, халқаро муносабатлардаги савдо, туризм ва бошқа жараёнларда юзага келадиган хатарларни бартараф этиши, ижтимоий ҳаётдаги барқарорликни таъминлаши ҳамда иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш учун сезиларли манбаларни шакллантириши, инвестиция фискаларини юмшатиши билан ажралиб туради<sup>36</sup>. Х.Шеннаев эса суғурта фаолиятига доир ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этган: “Суғурта ташкилотлари фаолияти кўп жиҳатдан, аҳолининг фуқаролар маблағлари билан операцияларини амалга оширадиган банклар ва пенсия жамғармалари сингари суғурта институтига нисбатан ишончи даражасига боғлиқ”<sup>37</sup>. И.Абдурахмонов суғурта моҳиятан мураккаб ва кўп қиррали тушунчадир ва бу атама иқтисодий ишлаб чиқариш ва истеъмол, табиий офатлар ва кўнгилсиз ҳодисалар, шунингдек, инсон ҳаётида содир бўладиган турли фавқулодда ҳодисалар билан чамбарчас боғланган, деб ҳисоблайди<sup>38</sup>.

Маълумки, суғуртанинг назарий масалалари таркибида суғурта фаолияти ва давлат ўртасидаги муносабатлар муҳим ўрин тутди. Шу боис Е.Коломин суғурта фаолияти ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг назарий асосларини такомиллаштиришга ўз эътиборини қаратиб шундай ёзади: “Агар давлат суғурта ҳимояси билан тўлиқ таъминламаса, бундай ҳолатда у суғурта фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаши шарт”<sup>39</sup>. Мазкур тадқиқот-чининг суғурта фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ назарий қарашлари О.Икромов ва Х.Шеннаевнинг қуйидаги илмий хулосаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган: “... Юқорида қайд этилган фармон ва қарорлар асосида суғурта соҳасининг ривожла-

<sup>36</sup> Қўлдошев Қ. “Ўзбекистонда ўзaro суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш”. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит иқтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: 2019. 5-6.

<sup>37</sup> Шеннаев Х. Ўтиш даври иқтисодиётида суғурта масаласи ва унинг истиқболлари. // “Бозор, пул ва кредит” журнали, №3 (94), 2005. 35-6.

<sup>38</sup> Абдурахмонов И. Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма., Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2018. 23-6.

<sup>39</sup> Коломин Е. Новый шаг к консолидации научных сил. // М.: -журнал “Финансы”, №2 2003. с.47.



ниши учун қулай шарт-шароитларнинг яратилиши, шубҳасиз, суғурта хизматлари бозорининг жадал суръатлар билан тараққий этишига имконият яратади<sup>40</sup>. Фикримизча, суғурта фаолиятини бозор муносабатларига мувофиқ тарзда ривожлантиришнинг дастлабки босқичида ушбу фаолиятни тараққий эттириш учун давлатнинг иштироки зарур бўлиши мумкин. Бироқ, иқтисодий ривожланиш маълум бир босқичга кўтарилгандан сўнг суғурта фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, балки, мақсадга мувофиқ эмасдир. Бунинг сабаби шундаки, бозор тамойиллари амал қилган шароитда суғурта бизнеснинг муҳим шакли сифатида ва рақобат муҳити шароитида ўз фаолиятини амалга оширади.

Умуман, жамиятнинг барқарор ривожланиши унинг аъзоларининг суғурта ҳимоясига асосланган иқтисодий ва молиявий хавфсизлиги билан узвий боғланган. Шу туфайли, И.Хоминич ва С.Тихомиров кайд этганларидек, суғурта соҳасини тадқиқ қилишда илмий тизимли ёндашувни қўллаш тармоқ архитектурасига, суғурта жараёнларига синчиклаб қараш ҳамда номувофиклик ва истиқболни аниқлаш имкониятини яратади<sup>41</sup>. М.Мирсадиқов ва Б.Шамсуддинов иқтисодиётнинг ихтисослашган тармоғи сифатида суғуртанинг асосий вазифаси олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий ҳодисалар, техноген авариялар ва ижтимоий ҳалокатлар содир бўлиши оқибатида етказилган зарарларни қоплашни назарда тутувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкрий манфаатларини суғуртавий ҳимоялашнинг самарали тизимини яратишдан иборат, деб ҳисоблайди<sup>42</sup>. Бироқ, Ш.Имомов ўзаро боғланган категория сифатида молиявий жиҳатдан барқарор суғурта тизими ва замонавий суғурта маданиятини шакллантириш суғурта секторининг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда, деган фикрни баён этган<sup>43</sup>. М.Мирсадиқовнинг фикрича, суғурта миллий иқтисодиёт тараққиё-

<sup>40</sup> Икромов О., Шеннаев Х. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори. // “Молия” илмий журнали, 2008 йил 1-сон. 36-б.

<sup>41</sup> Хоминич И. и Тихомиров С. Методология формирования национальной страховой системы в контексте системного анализа. // М.: журнал “Финансы”, №3 2008. -с.44.

<sup>42</sup> Мирсадыков М., Шамсуддинов Б. Актуарные аспекты государственного регулирования страхового рынка. // журнал “Рынок, деньги и кредит”. -№5, май 2003. -с.34.

<sup>43</sup> Имомов Ш. Страхование как инструмент защиты бизнеса. // журнал “Рынок, деньги и кредит”, №6 июнь, 2002. -с.28.

тига кўмаклашувчи ижтимоий йўналтирилган механизм ҳисобланади ва турли-туман салбий омилларнинг таъсир даражасини камайтириши билан бирга мамлакатнинг макроиктисодий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади<sup>44</sup>.

Назарий жиҳатдан қаралганда, суғурта фаолияти риск билан боғланган. Юқорида қайд этганимиздек, риск мавжуд бўлмаган жойда суғурта ҳам бўлмайди. И. Кирилук ва А. Свиридов ҳам шундай фикрда, яъни суғурта рискларни бошқаришнинг элементи ҳисобланади<sup>45</sup>. Улар рискларни юзага келган зарарларни қоплаш ва оғоҳлантириш йўли билан бошқариш мумкин, деган назарий ёндашувни илгари сурадилар. Дарҳақиқат, суғурта фаолиятида оғоҳлантириш функцияси амал қилади. Ушбу функция ҳақида Х.Собиров қуйидаги фикрларни айтиб ўтган эди: “Суғуртанинг оғоҳлантириш тадбирларига сарфлаш учун ажратиладиган маблағлари фавқулудда зарарларни ва унинг оқибатларини камайтиришда катта аҳамият касб этади. Ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир”<sup>46</sup>. Бироқ, ривожланган мамлакатларнинг суғурта соҳасига оид илмий-назарий тусдаги адабиётларини таҳлил қилиш натижалари суғуртанинг оғоҳлантириш функцияси ҳақида умуман тадқиқотлар амалга оширилмаганлигини кўрсатди.

Суғурта фаолиятининг назарий-методологик тамойиллари Т.Баймуратов томонидан ҳам тадқиқ этилган<sup>47</sup>. Унинг фикри бўйича, дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида ўзаро фойдали молиявий-иктисодий муносабатларни амалга оширишда субъектлар томонидан рискларни тақсимлаш (қайта тақсимлаш)да суғурта ўрнини алмаштириб бўлмайдиган асосий механизм сифатида қаралмоқда. С.Умаровнинг иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини

<sup>44</sup> Мирсадыков М. Современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана. // журнал “Рынок, деньги и кредит”, №8, август 2001. -с.31.

<sup>45</sup> Кирилук И., Свиридов А. Рынок страхования в России: текущее состояние и перспективы. // М.: -журнал “Вопросы теоретической экономики”, 2019. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rynok-strahovaniya-v-rossii-tekushchee-sostoyanie-i-perspektivy> (дата обращения: 24.12.2020).

<sup>46</sup> Собиров Х.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: “Мехнат” нашриёти, 1999. 17-б.

<sup>47</sup> Баймуратов Т. Суғурта фаолиятининг назарий-методологик тамойиллари. // “Молия” илмий журнали, 1/2018, 133-б.

тадқиқ қилишга бағишланган илмий ишида, суғурта назариясининг замонавий концепциялари шундан келиб чиқадики, унда суғуртанинг асосини потенциал суғурта қилдирувчининг суғурта қалтислиги ташкил этиши кўрсатилган<sup>48</sup>. Албатта, суғуртанинг асосини риск ташкил этиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Шу ерда таъкидлаш керакки, С.Умаров ўз тадқиқотида риск тушунчасини “қалтислик” деб аташни таклиф этади. Бизнинг назаримизда, унинг ушбу таклифи бироз баҳс-мунозарали туюлади. Сабаби, тадбиркор фойда олиш учун қалтис ҳаракат қилиши мумкин. Балки, шу маънода С.Умаровнинг фикри билан келишиш ўринлидир. Бирок, суғурта фаолиятида кўп қўлланиладиган табиий офатлар, хусусан, zilзила, яшин уриши ёки сув тошқини ҳодисасини қалтислик деб аташ қанчалик ўринли бўлади.

Суғурта ва суғурта фаолиятига оид кўплаб олимларнинг илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил этиш асосида биз “суғурта” тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: олдиндан кўриб бўлмайдиган воқеа-ҳодисалар содир бўлиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарларни улар томонидан тўланган суғурта мукофотларидан шакллантирилган пул жамғармаси ҳисобидан қоплаш билан боғлиқ муносабатларга суғурта дейилади. Суғурта фаолияти деганда эса суғурталовчиларнинг суғурта, қайта суғурта ва ўзаро суғуртани амалга ошириш, шунингдек, суғурта брокерларининг суғурта ва қайта суғурта билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича фаолияти тушунилади.

Тадқиқот натижасида олинган илмий янгиликлардан энг асосийси ривожланган давлатлар олимлари ва мутахассисларининг суғурта фаолиятининг назарий масалаларига доир тадқиқот ишлари, асосан, математик аппаратга бой бўлган эмпирик таҳлил, математик ва эконометрик моделлаштириш усуллари асосида амалга оширилганлигидан далолат беради. Аксинча, МДҲ ва Ўзбекистонлик олимларнинг суғурта назариясини ёритиш билан

---

<sup>48</sup> Умаров С. “Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожланишини бошқариш”. 08.00.13-Менежмент ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2012.-20-б.

боғлиқ тадқиқотларида математик моделлаштириш, эмпирик таҳлил усуллари унчалик кўп қўлланилмайди.

Ривожланган хорижий давлатларда суғурта фаолиятининг назарий асослари рисклар назарияси (Risk theory), ўйинлар назарияси (Game theory), ноқулай танлаш назарияси (Adverse Selection theory), контрактлар назарияси (Contract theory), маънавий риск назарияси (Moral Hazard theory), суғурта маҳсулотининг назарий концепцияси (Theoretical Concept of Insurance Production) ва бошқа назариялар ҳамда концепцияларнинг суғурта фаолиятига татбиқи нуқтаи назаридан тадқиқ этилган<sup>49</sup>. Шу маънода, суғурта назариясининг кўп йўналишлари математика фани билан чамбарчас боғлиқ, деган хулоса чиқариш мумкин.

## **§1.2. Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш босқичлари**

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришишидан олдин қарийб 70 йил давомида мамлакатимизда суғурта фаолияти “Госстрах” деб аталмиш давлат суғурта органлари томонидан амалга ошириб келинган. 1991 йилда режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқ кенг қўламли ислохотларнинг амалга оширилиши, жамиятда хусусий мулкчилик ва рақобат муҳитининг вужудга келиши, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун ҳуқуқий шарт-шароитларнинг яратилиши, шубҳасиз, суғурта фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилди.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда суғурта фаолиятининг ривожланишини маълум босқичларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш, назаримизда, асосланган хулосалар чиқариш ва кейинги тараққиёт йўналишларини белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд илмий-иқтисодий адабиётларни таҳлил этиш натижалари олим ва мутахассислар томонидан мукамал бўлмасада, бу борада тадқиқот ишлари амалга оширилганлигини кўрсатди. Масалан, С.Умаров

<sup>49</sup> Шеннаев Х.М. Суғурта фаолияти: назарий қондалар, ёндашувлар ва тамойиллар. // “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. – VI-сон. ноябрь - декабрь, 2020. – 94-б.

миллий суғурта бозори ривожланишини шартли равишда 3 та босқичга ажратган<sup>50</sup>. Бирок, ушбу муаллифнинг миллий суғурта бозорини ривожланиш босқичларига ажратиш билан боғлиқ қарашларини таҳлил этиш натижалари бу борадаги тадқиқот ишларини янада такомиллаштиришга зарурат мавжудлигини кўрсатди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш босқичларини муайян мезонларга асосланган ҳолда йирик босқичларга ажратиш лозим. Бунда асосий мезон сифатида миллий суғурта секторининг ривожланишида муҳим йўналишни белгилаб берган ва суғурта фаолияти тараққиёти учун алоҳида аҳамият касб этган қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниш ҳамда суғурта фаолиятининг ривожланишида чуқур из қолдирган даврларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан, биз мустақиллик йиллари мамлакатимизда суғурта фаолияти ривожланишини куйидаги босқичларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи босқич 1991-1997 йилларни қамраб олади ва мазкур босқич суғурта соҳасида давлат монополиясининг бекор қилиниши, тармоққа хусусий мулкчиликка асосланган суғурта компанияларининг кириб келиши, кредит рискинини суғурталашнинг авж олиши, ҳукумат ташаббуси билан давлат капитали иштирокида йирик суғурта компанияларининг тузилиши, суғурта фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини шаклланиши билан тавсифланади.

Суғурта мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги босқичга кўтарилди<sup>51</sup>. 1991 йилда дастлабки нодавлат суғурта компанияларининг ташкил этилиши хусусий суғурта секторининг шаклланиш йўлида муҳим қадам бўлди. Масалан, 1991 йил 26 февралда кичик корхона шаклида 100,0 минг рубль устав капиталига эга бўлган “АстроВАЗ” суғурта компанияси ташкил этилди<sup>52</sup>. 1991 йил

<sup>50</sup> Умаров С.А. “Иқтисодийetni модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш”. 08.00.13-Менежмент ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: - 2012. – 74-92 б.

<sup>51</sup> Шеннаев Х.М. Суғурта сизга нима беради? – Т.: “Фан ва технологиялар маркази”, 2003. – 8-б.

<sup>52</sup> История общества. [https://kapitalsugurta.uz/About/Istoriya\\_Kompanii](https://kapitalsugurta.uz/About/Istoriya_Kompanii).

28 ноябрда эса “АЖСКА” ўз фаолиятини бошлади ва давлат суғурта органлари билан бир қаторда юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатишни йўлга қўйди. Шунингдек, ушбу йили “Аско Восток”<sup>53</sup> ва “Умид” суғурта компанияларининг тузилиши тармоқда рақобат муҳитининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

1992-1993 йилларда Ўзбекистоннинг хусусий суғурта секторида фаолият кўрсатган суғурталовчилар сони 10 тадан ошди. “Девор-Дост”, “Зафарбек”, “Хумо”, “Қалқон”, “Химоя”, “Барқарор”, “Буюртма” ва “ТЭСКО” каби суғурта компаниялари иқтисодийётнинг турли соҳаларини суғурта йўли билан ҳимоя қилиш борасида ўзига хос суғурта хизматларини кўрсата бошлади. Бироқ, мамлакатимизда турли мулкчилик шаклларига асосланган хусусий суғурта компанияларининг вужудга келиши ижобий ҳолат сифатида баҳолансада, уларнинг бозордаги улуши унчалик катта бўлмаган<sup>54</sup>. Мамлакатимизда суғурта фаолияти ривожланишининг дастлабки босқичида давлат суғурта органларининг мавқеи ва нуфузи юқори даражада сақланиб қолган. Буни шу билан изохлаш мумкинки, “Госстрах” узоқ йиллар давомида суғурта фаолиятини амалга оширувчи ягона монопол ташкилот сифатида танилган эди ва мазкур ҳолат 1991-1996 йилларда ҳам давом этган. Буни қуйидаги статистик маълумотлардан ҳам кўриш мумкин.

#### 1.1-жадвал

#### 1993-1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органларининг асосий кўрсаткичлари таҳлили<sup>55</sup>

№	Кўрсаткичлар	1993 й.	1994 й.	1995 й.	1996 й.
1.	Жами суғурта бадаллари (минг сўм), шу жумладан	26728,3	246549,5	703396,8	2039462,7
2.	Мажбурий суғурта (минг сўм)	21871,9	184961,3	523878,2	1674037,6
3.	Ихтиёрий суғурта (минг сўм)	4856,4	61588,2	179518,6	365425,1
4.	Жами суғурта бадаллари таркибида мажбурий суғуртанинг улуши (фоиз)	81,8	75,0	74,5	82,1

<sup>53</sup> О компании. <https://askovostok.uz/about/>.

<sup>54</sup> Шеннаев Х.М. Проблемы становления страхового рынка в Узбекистане. Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. по специальности 08.00.10-Финансы, денежное обращение и кредит. – М.: - 1995. – с.27.

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат суғуртаси бош бошқармасининг 1993-1996 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1993–1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари томонидан тўпланган суғурта бадаллари ҳажми мунтазам ўсиб борган. Масалан, 1994 йилда суғурта бадаллари ҳажми 1993 йилга нисбатан 9,2 мартага ошган. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мазкур йилларда иқтисодийни ислоҳ қилиш ва нархларни эркинлаштириш натижасида инфляция даражаси ва маҳсулот ҳамда товарларнинг нархи кескин ошиши суғурта бадалларининг ошишига сабаб бўлган. Шунингдек, ушбу ўсиш асосан мажбурий суғурта бўйича келиб тушган суғурта бадаллари ҳажмининг қарийб 8,5 мартага ошганлиги билан боғлиқдир. Бироқ, мазкур даврда ихтиёрий суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта бадаллари ҳажми 1,3 мартага ошган.

Таҳлил этилаётган даврда жами суғурта бадаллари таркибида мажбурий суғуртанинг салмоғи яққол устунликка эга бўлганлиги кузатилган. Жумладан, 1993 йилда жами суғурта бадаллари таркибида мажбурий суғуртанинг улуши 81,8 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 1996 йилга келиб 0,3 пунктга кўпайган. Мамлакат миқёсида давлат суғурта органлари томонидан йиғилган ялпи суғурта бадаллари ҳажмида мажбурий суғуртанинг катта улушни ташкил этиши куйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 605-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари тўғрисидаги низом”га мувофиқ давлат суғурта органларига транспортдаги йўловчиларни, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фуқароларнинг мол-мулки ҳамда диний ташкилотларга ижарага берилган давлат иморатларини мажбурий суғурта қилиш ваколати берилган эди<sup>56</sup>.

<sup>56</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 605-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари тўғрисидаги низом” (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги 125-сонли “Ўзгросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори билан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/547907>.

Иккинчидан 1993-1996 йилларда “Госстрах”нинг республика-нинг барча вилоят марказларида бошқармалари, туман ва шаҳарларда эса бўлимлари мавжуд бўлган. Бизнинг эксперт баҳомизга кўра, давлат суғурта органлари шу даврларда мамлакат бўйича амалга оширилган суғурта операцияларининг қарийб 90-95 фоизини қамраб олган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги 608-сон қарорига асосан 1994 йилнинг 1 январидан бошлаб хўжаликлараро ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикасининг барча вазирликлари ва идораларининг қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси жорий қилинганлиги ва уни давлат суғурта органлари томонидан ўтказилишининг белгилаб қўйилганлиги<sup>57</sup> ҳам “Госстрах” бўйича тўпланган барча суғурта бадаллари таркибида мажбурий суғурта улушининг 80 фоиздан юқори бўлишини таъминлаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 декабрда “Фуқароларга қарашли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги 609-сон қарори асосида 1994 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларга қарашли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси жорий этилган ва ушбу суғурта тури ҳам давлат суғурта органлари томонидан амалга оширилган<sup>58</sup>.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожланишининг биринчи босқичида алоҳида ўрин тутган ҳолатлардан бири 1993 йил 6 майда “Суғурта тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлигидир<sup>59</sup>. Ушбу қонун 34 та моддадан

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги 608-сон қарори (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги 125-сон “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/897179>.

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 декабрда “Фуқароларга қарашли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги 609-сон қарори (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/897181>.

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 6 майда қабул қилинган. (Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 5 апрелдаги 359-II-сонли “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/106047>.



иборат бўлиб, унда суғурта тушунчаси, суғурта объектлари ва шакллари, мажбурий ва ихтиёрий суғурта, суғурта шартномасини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари каби ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган. Қонунда суғурта соҳасида давлат монополиясининг назарда тутилмаганлиги ва барча суғурталовчилар учун тенг шароитларнинг яратилганлиги миллий суғурта хизматлари бозорининг шаклланишида муҳим омил бўлди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг суғурта фаолиятида янги даврни бошлаб берди. 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида”ги Қонуни асосида йўловчиларнинг мажбурий суғуртаси жорий этилди<sup>60</sup>. Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда ушбу суғурта тури дастлаб давлат суғурта органлари, кейинчалик эса давлат ва давлат иштирокида тузилган суғурта компаниялари томонидан амалга оширилди.

Афсуски, 1991-1996 йилларда Ўзбекистонда суғурта компанияларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ишлари тизимли ташкил этилмади. Буни шу даврлар мобайнида мамлакат миқёсида суғурталовчиларни ягона рўйхатга олиш ва реестрини юритишни олиб борилмаганлигида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун биз тадқиқотда кўпроқ давлат суғурта органлари фаолиятига оид статистик маълумотлар билан чекланганмиз. Шундай бўлишига қарамай баъзи мутахассислар, жумладан, Ш.Байгин 1995 йилда Ўзбекистонда суғурта компаниялари сони 30 тага етганлигини қайд этган<sup>61</sup>.

У ўз фикрини давом эттириб, маҳаллий суғурта компанияларининг сони ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмаслигини

<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 7 майда қабул қилинган. (Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июндаги ЎРҚ-388-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонуни билан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/101288?ONDATE=20.05.1993%2000#102842>.

<sup>61</sup> Байгин Ш. Если “у страха глаза велики” – покупайте страховку (рядовой клиент в массе своей редко прибегает к услугам страховых компаний – такого особенность нашего рынка) // газета “Бизнес-вестник Востока”, №23 (179) 9-15 июня 1995 г. с.5.

таъкидлаган ва суғурта бозори иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштирадиган давлат суғурта назорати органи ҳали ташкил этилмаганлигига урғу берган.

Суғуртанинг иқтисодиётдаги муҳим ролини эътиборга олиб, Ўзбекистон ҳукумати 1994-1995 йилларда суғурта соҳасини ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг суғурта ҳимоясини таъминлашга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги 206-сон қарорига мувофиқ “Ўзбекинвест” Миллий суғурта компанияси ташкил қилинди<sup>62</sup>. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни фаоллик билан жалб этиш босқичида ватанимиздаги ва чет эллик мулкчиликнинг барча шаклларидаги инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётига йўналтираётган инвестицияларини, шунингдек, Ўзбекистон инвесторлари ва чет мамлакатлардаги экспортёрларнинг иқтисодий манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоя қилиш мазкур компания фаолиятининг асосий мақсади сифатида белгиланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 ноябрдаги “Ўзбекинвест интернешнл”, “Ўз-АИГ” қўшма суғурта компанияларини ва “АИГ-Ўзбекинвест” агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 565-сон қарори асосида устав капитали 100 млн.АҚШ доллари миқдорида қароргоҳи Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлган “Ўзбекинвест интернейшнл” қўшма суғурта компанияси тузилди<sup>63</sup>. Шунингдек, Ўзбекистонда АҚШнинг йирик суғурта компанияларидан бири “Американ Интернейшнл Групп (АИГ)” билан ҳамкорликда устав капитали 2,0 млн.АҚШ долларига тенг “Ўз-АИГ” қўшма суғурта компанияси ташкил этилди.

---

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг суғурта ҳимоясини таъминлашга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги 206-сон қарори (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 524-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги қарори асосида ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/818000>.

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 ноябрдаги “Ўзбекинвест интернешнл”, “Ўз-АИГ” қўшма суғурта компанияларини ва “АИГ-Ўзбекинвест” агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 565-сон қарори. <https://www.lex.uz/docs/706017?ONDATE=23.11.1994%2000%706027>.

Суғурта фаолияти ривожланишининг биринчи босқичида айрим мажбурий суғурта турларининг ҳукумат қарорлари асосида жорий этилганлиги эътиборни ўзига жалб этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги 632-сон қарорига биноан 1995 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртаси жорий этилди<sup>64</sup>. Ушбу қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчиликнинг барча шаклларидаги транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртасига жалб қилинган. Мажбурий суғуртанинг мазкур тури мамлакатимизда қарийб 13 йил давомида амалда бўлди. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори билан ўз кучини йўқотган. Бизнинг эксперт баҳомизга кўра, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси 1995-2008 йиллар мобайнида самарали амалга оширилмаган.

Маълумки, 1991 йилдан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодийётдаги ролини оширишга мунтазам аҳамият бериб келинмоқда. Айниқса, иқтисодий вазият оғирлашган, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши кузатилган 1991-1996 йилларда ушбу соҳаларни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш ва даромад манбасини шакллантириш давлат

<sup>64</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги 632-сон қарори (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори билан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/890730>.

томонидан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишига айланди. Шунини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи агентликни ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-1207-сон фармонида асосан Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Ўздекҳончиликсаноатбанк”, “Тадбиркорбанк”, “Савдогарбанк”, “Мевасабзавотбанк”, Тадбиркорлар уюшмаси, Шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмаси ва Ишбилармон хотин-қизлар уюшмаси муассислигида устав капитали 10,0 млн.сўм миқдоридан бўлган “Мадад” суғурта агентлиги ташкил этилди<sup>65</sup>. Хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнесга кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар олиш учун тақдим этиладиган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва экспертиза қилиш, тадбиркорлик таваккалчиликларидан имтиёзли шартлар асосида суғурта йўли билан ҳимоя этиш, кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорнинг масъулиятини суғурталаш, республикада хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтириладиган хорижий сармояларини суғурта йўли билан ҳимоя қилинишни таъминлаш ушбу агентликнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Бизнинг назаримизда, мамлакат мустақиллигининг дастлабки б йилида суғурта фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишида 1996 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг аҳамияти катта бўлганлигини алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқ<sup>66</sup>. Фуқаролик кодексида суғурта шартномасининг муҳим шартлари ва уларни суғурта қондаларида белгилаб қўйиш, суғурталовчининг суғурта хавфини баҳолаш ҳуқуқи ва суғурта сири каби ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи агентликни ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-1207-сон Фармони (Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПФ-4993-сонли “2017 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Фармонида асосан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/184776>.

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм, 52-боб. Суғурта. <https://www.lex.uz/docs/180552>.

топган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам суғурта амалиётида асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида фойдаланилади. Шуниси диққатга сазоворки, Фуқаролик кодексида тўлиқ бўлмаган мулкий суғурта, кўшимча мулкий суғурта, суғурта шартномасининг ҳақиқий эмаслиги ва суғурта қилдирувчини алмаштириш сингари нормалар 2021 йилда ҳам суғурталовчилар томонидан ишлаб чиқиладиган суғурта махсулотларининг ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлашда самарали хизмат қилмоқда. Қайд этиш керакки, 1993 йили “Суғурта тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши суғурта компаниялари ва суғурта қилдирувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишдаги мавжуд бўшлиқни маълум маънода тўлдиришга хизмат қилган бўлишига қарамай, мулкий ва шахсий суғурта бўйича шартномаларни тузишга оид айрим масалалар очиқ қолган эди. Фуқаролик кодекси эса, айнан, ана шу бўшлиқни тўлдирганлиги билан ажралиб туради.

Суғурта фаолияти ривожланишининг иккинчи босқичи 1997-2002 йилларни ўз ичига олади ва уни ҳақли равишда мустақиллик йиллари Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожланишидаги муҳим босқичлардан бири сифатида кўрсатиб ўтиш жоиз. Айнан, ана шу йиллари мамлакатимизда илк марта суғурта фаолияти классификатори тасдиқланган ва суғурталовчилар фаолиятини лицензиялаш амалга оширилган. Шунингдек, мазкур босқичда миллий суғурта бозорини ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган фармон ва қарорлар қабул қилинган.

Суғурта фаолияти ривожланишининг иккинчи босқичига хос бўлган муҳим ўзгаришларга давлат суғурта органларининг тубдан ислоҳ қилиниши ва унинг негизида давлат капитали иштирокида йирик суғурта компанияларининг ташкил этилганлигини киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 февралдаги “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-1710-сон Фармони асосида<sup>67</sup> 1994 йил 13 апрелда ташкил этилган “Ўзбекинвест”

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 февралдаги “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-1710-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/168879>.

миллий суғурта компанияси устав капитали 60,0 млн.АҚШ долларига тенг бўлган “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилди. Сармоя, технологиялар, товарлар ва хизматларни миллий экспорт қилувчиларни халқаро бозорларда сиёсий, тижорат ва тадбиркорлик таваккалчиликларидан суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган тижорат банклари томонидан технологиялар, товарлар ва хизматлар экспортини маблағ билан таъминлаш учун ажратиладиган экспорт кредитларини қоплашга суғурта кафолатлари бериш, комплекс маркетинг таҳлилини ва Ватанимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг технологиялар, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларига самарали кириб бориши стратегияси ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларига жалб қилинаётган чет эл инвестицияларини комплекс суғуртавий ҳимоя қилиш ушбу компания фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги “Ўзагроосуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-1713-сон Фармонининг қабул қилиниши<sup>68</sup>, шубҳасиз, мамлакатимизда давлат суғурта органлари тизимининг буткул ислох қилинишига олиб келди. Ушбу фармонга мувофиқ “Ўзагроосуғурта” давлат акциядорлик суғурта компанияси акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинди ҳамда у барча мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат суғуртаси бош бошқармасининг ҳуқуқӣ вориси ҳисобланди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоялаш компания фаолиятининг асосий йўналишлари этиб ҳамда компаниянинг устав капитали 2,0 млрд.сўм миқдорида белгиланди. Асосий муассис ҳисобланган Ўзбекистон

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги “Ўзагроосуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-1713-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/358335>.

Республикаси Молия вазирлигининг компания устав капиталидаги улуши 1,5 млрд.сўми ёки 75,0 фоизни ташкил этди.

2020 йил якунлари бўйича Ўзбекистон суғурта бозорида энг йирик 5 та суғурталовчилар таркибига кирувчи “Кафолат” суғурта компаниясининг ҳам 1997 йил 14 мартда Вазирлар Маҳкамасининг 144-сон қарорига биноан ташкил этилганлиги<sup>69</sup> ва унинг зиммасига республика шаҳарларида жойлашган юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматлари кўрсатиш вазифасининг юклатилганлиги суғурта бозори ривожланишининг иккинчи босқичда амалга оширилган муҳим воқеалардан бири бўлди.

Бирок, биз томондан амалга оширилган тадқиқот натижалари 1997 йилда мамлакат суғурта бозорида 80 дан ортиқ суғурта компаниялари фаолият кўрсатган бўлишига қарамай мамлакат ҳудудларида суғурта хизматларини кўрсатиш собиқ давлат суғурта органлари негизда ташкил этилган “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг туман бўлимлари томонидан амалга оширилганлигини кўрсатди. 1997 йил якунлари бўйича барча суғурта компаниялари томонидан жами 2,03 млрд.сўм миқдоридида суғурта мукофотлари тўпланган бўлса, унинг 910,7 млн.сўми ёки 44,3 фоизи “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компанияси ҳиссасига тўғри келган<sup>70</sup>.

1995-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилган “Мадад” суғурта агентлиги, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ҳамда “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компанияларининг фаолиятига оид статистик маълумотларни таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (1-иловага қаранг). Юқорида номлари қайд этилган 4 та энг йирик суғурта компаниялари томонидан 1997 йил якунлари бўйича жами 1724,5

<sup>69</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 144-сон қарори. (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПҚ-3317-сонли “Кафолат суғурта компанияси” акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/517076?ONDATE=14.03.1997%2000#974608>.

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

млн.сўм суғурта бадаллари тўпланган бўлиб, унинг 52,8 фоизи “Ўзгросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компанияси ҳиссасига тўғри келган. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мазкур компаниянинг республиканинг барча ҳудудларида дирекция ва бўлимлари фаолият кўрсатган. Шунингдек, ушбу компания республика бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий суғурталовчи сифатида намоён бўлган. Таҳлил этилаётган даврда 4 та суғурта компанияси томонидан 284,9 млн.сўм миқдорда суғурта тўловлари амалга оширилган бўлиб, уларнинг 196,1 млн.сўми ёки 68,8 фоизи “Ўзгросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясига тегишли бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 январдаги 36-Ф-сон фармойиши асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан марказлашган кредит ресурсларининг тижорат банкларига ажратилиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича ўтказилган текшириш натижалари турли суғурта компанияларининг ликвидлиги, аксарият ҳолатларда, улар қабул қилган мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмаганлиги сабабли кредит рискларини қайтарилишини суғурталаш полислари бўйича юзага келган зарарлар тижорат банкларига қоплаб берилмаган. Бу ҳолат мамлакатимизда суғурта фаолиятини назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг ташкил этилмаганлиги билан изоҳланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1998 йилнинг биринчи ярим йиллигига қадар мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича ваколатли давлат органининг ташкил этилмаганлиги соҳада суғурта компанияси нуқоти остида турли фирибгарликлар билан шуғулланган суғурталовчиларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Масалан, 1996 йилда “Бухоро” суғурта компанияси юқори фоиз тўлаш шарти билан аҳолининг катта миқдордаги пул маблағларини жалб этган. Бироқ, зиммасига олган мажбуриятни бажара олмасдан мижозларга йирик миқдорда зарар етказган. Бундай салбий ҳолатлар, “шундай



ҳам аҳоли ва ҳуқуқий шахслар ўртасида оммавий бўлмаган суғурта ишига қатта зарба бериши, шубҳасиз”<sup>71</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 286-сон қарори билан Молия вазирлигига давлат суғурта назорати функцияси юклатилди ва унинг ҳузурида суғурта назорати давлат инспекцияси ташкил этилди<sup>72</sup>. Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи суғурта компаниялари уч ой муддатда Молия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтиши шарт эканлиги белгиланган эди.


Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида амалга оширилган тадбирлар натижасида Ўзбекистонда 80 дан ортиқ турли мулкчилик шаклларида фаолият юритаётган суғурта компаниялари мавжуд эканлиги аниқланган. Бироқ, 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 27 та суғурта компанияси қайта рўйхатдан ўтказилган (2-иловага қаранг). Маълумотлардан кўриниб турибдики, нодавлат секторидagi аксарият суғурта компанияларининг устав капитали давлат капитали иштирокида ташкил этилган суғурта компанияларининг устав капиталига нисбатан жуда кам. Масалан, “Сайёҳ” суғурта компаниясининг устав капитали 6,2 минг сўмни ташкил этган. Ҳолбуки, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг устав капитали “Сайёҳ” суғурта компаниясининг устав капиталига нисбатан 589 мартага кўпдир. Суғурта фаолиятида суғурталовчилар капиталлашув даражасининг қанчалик юқори бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, капиталлашув

<sup>71</sup> Шеннаев Х.М. Фаолият назорати. // “Иқтисод ва ҳисобот” журнали, №7-8. -1997. – 20-21 б.

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 286-сон қарори. (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/806503>.

даражаси суғурталовчининг молиявий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Куйидаги расмда Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишининг иккинчи босқичида мазкур тармоққа оид асосий кўрсаткичлар динамикаси келтирилган (1.1-расмга қаранг).



**1.1-расм. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланиши иккинчи босқичининг асосий кўрсаткичлари динамикаси (млрд.сўм)<sup>73</sup>**

1.1-расмда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижалари 1997-2002 йилларда ялпи суғурта мукофотларининг ҳажми доимий ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўрсатган. Масалан, 2002 йилда барча суғурталовчилар томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг ҳажми 1997 йилда йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан 10,7 мартага, 2000 йилга нисбатан эса 2,6 мартага ошган. Бундай ўсишнинг сабабини шу билан тушунтириш мумкинки, мамлакат миқёсида макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши, тадбиркорлик фаолиятининг жадал суръатлар билан ривожланиши, пировард натижада, суғурта мукофотлари ҳажмининг кескин ўсишига туртки бўлган.

<sup>73</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Таҳлил этилаётган даврда ялпи суғурта тўловлари ҳажмида унчалик катта ўсиш кузатилмаган. Чунончи, 2002 йилда барча суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажми 2,4 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, бу 2001 йилнинг тегишли кўрсаткичидан 0,9 млрд.сўмга камдир. Агар ушбу кўрсаткични 1997 йилда амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажми билан таққосласак, ўсиш 7,3 мартани ташкил этганлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткич ялпи суғурта мукофотлари ҳажми ўсишининг таҳлил этилаётган даврдаги ўсиш кўрсаткичидан анча пастдир.

2002 йилда суғурта фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди<sup>74</sup>. Суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2002 йил 31 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3022-сон Фармонининг қабул қилиниши суғурта фаолияти ривожланишини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди<sup>75</sup>. Ушбу фармонга асосан 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мулкчилик шаклларида қатъи назар, суғурта компаниялари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинди. Солиқ тўлашдан озод қилиниш ҳисобига бўшаб қолган пул маблағлари суғурта компанияларининг моддий-техника базасини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шохобчаларини ташкил этишга, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шу жумладан, чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилиши белгилаб қўйилди.

<sup>74</sup> Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: “infoCOM.UZ” нашриёти, 2010. – 8-б.

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3022-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/150015>.

1993 йилда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти кейинги 9 йил давомида суғурта фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган замонавий талабларга жавоб бермай қолди. Шунини ҳисобга олган ҳолда 2002 йил 5 апрелда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди<sup>76</sup>. Қонунда илк марта суғурта қўйидаги 2 та мустақил тармоққа ажратилди: умумий суғурта тармоғи ва ҳаётни суғурта қилиш тармоғи. Шунингдек, ушб қонунда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари ва суғурта фаолиятини лицензиялаш каби нормаларнинг кўрсатилиши суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш имкониятини яратди.

Тан олиш керакки, 1991 йилдан то 2002 йилнинг охиригача мамлакатимизда суғурта компаниялари махсус лицензиясиз фаолият юритди. Албатта, бунинг салбий оқибатлари ҳам юзага келди. Бу ҳақда юқорида тўхталиб ўтган эдик. Шу ерда қайд этиш лозимки, айтарли дунёнинг барча мамлакатларида суғурта фаолияти махсус ваколатли давлат органлари томонидан лицензияланади. Шу нуқтаи назардан, 2003 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сон қарорига мувофиқ суғурта фаолиятини лицензиялаш тартибининг тасдиқланганлигини муҳим воқеа сифатида баҳолаш мумкин<sup>77</sup>. Ушбу қарорга асосан суғурталовчилар устав капиталининг энг кам миқдорига қўйидаги талаблар белгиланди:

ҳаётни суғурта қилиш тармоғида ихтисослашаётган суғурталовчилар учун - 250 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги суммада;

умумий суғурта тармоғига ихтисослашаётган суғурталовчилар учун - 150 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги суммада;

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган. <https://www.lex.uz/docs/40253>.

<sup>77</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сон қарори. <https://www.lex.uz/docs/342368?ONDATE=27.11.2002%2000#342386>.

қайта суғурта қилиш фаолиятига ихтисослашаётган суғурталовчилар учун (агар фаолият мавзуси фақат қайта суғурта қилиш бўлса) – 2 млн. АҚШ долларига тенг суммада белгиланди.

Мажбурий суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурталовчилар учун устав капиталининг энг кам миқдори 500 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги суммада белгиланган эди.

Шундай қилиб, мустақиллик йиллари Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишининг иккинчи босқичи мазкур тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида муҳим ҳужжатлар қабул қилинган босқич сифатида из қолдирди.

2003-2009 йилларни мамлакатда суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг навбатдаги учинчи босқичи сифатида эътироф этиш мумкин. Айнан шу йиллари суғурта хизматлари соҳасида рақобат муҳити суғурталовчилар ва уларнинг ҳудудий тузилмалари сонининг ошиши ҳисобига кучайди. Шунингдек, суғурта фаолияти ривожланишини иқтисодий рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг фаолият юритишлари учун шарт-шароитларни яхшилаш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва суғурта йўналишида бакалавр кадрлар тайёрлаш бўйича бошланган ишлар давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон қарори асосида “2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислох қилиш ва ривожлантириш дастури”нинг маъқулланганлиги ва Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциациясининг ташкил этилганлиги миллий суғурта фаолияти тараққиётида алоҳида ўринни эгаллаган<sup>78</sup>. Ушбу дастурга мувофиқ 2007-2010 йилларда суғурта хизматлари ҳажмини 3 баравар, суғурталовчилар суғурта захирасини 2,5 баравардан ортиқ, суғурта

<sup>78</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон қарори. <https://www.lex.uz/docs/1168263>.

компаниялари ялпи капиталини 2 баравардан ортиқ кўпайтириш вазифаси белгиланди.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари 2009 йилда суғурта хизматлари ҳажми 2003 йилга нисбатан 5,4 мартага, 2007 йилга нисбатан 1,9 мартага ортганлигини кўрсатди.

1.2-жадвал

**2003-2009 йилларда Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожланишига оид кўрсаткичлар динамикаси**<sup>79</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						
		2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
1.	Суғурталовчилар сони, бирлик	21	22	25	27	27	31	33
2.	Суғурталовчиларнинг капиталлашув даражаси, млрд.сўм	10,3	75,1	89,3	100,1	108,6	135	183
3.	Ялпи суғурта мукофотлари, млрд.сўм	27,1	32,9	42,6	49,7	73,6	88,0	146,1
4.	Ялпи суғурта тўловлари, млрд.сўм	9,9	12,5	11,3	13,9	11,8	17,6	14,2
5.	Ялпи суғурта мажбуриятлари, трлн.сўм	4,6	18,2	19,0	22,3	29,2	35,7	54,8
6.	Ялпи суғурта захираси, млрд.сўм	14,1	16,5	18,6	27,7	40,3	57,9	85,9
7.	Суғурталовчилар ялпи активи, млрд.сўм	142,5	165,4	194,6	243,9	261,8	309,2	374,9

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, суғурта фаолияти ривожланишининг учинчи босқичида суғурталовчилар сони доимий тарзда ўсиб борган. Масалан, 2003 йилда суғурта компаниялари сони 21 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб уларнинг сони 33 тага етган ёки 1,6 мартага ошган.

2003 йилда суғурталовчиларнинг капиталлашув даражаси 10,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 183 млрд.сўмга тенг бўлган. 2003-2009 йилларда ялпи суғурта мукофотлари тушуми 5,4 мартага ошган ҳолда ялпи суғурта тўловлари ҳажми 1,4 мартага ортган. Бу ҳолат мамлакатимизда

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

суғурта операцияларининг зарарлилик коэффиценти нихоятда кам эканлигидан далолат беради. Чунончи, 2009 йилда ялли суғурта тўловларининг ялли суғурта мукофотлари тушумига нисбати, яъни зарарлилик коэффиценти 9,7 фоизни ташкил этган.

Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил этиш йиллар давомида ялли суғурта мажбуриятлари, ялли суғурта захираси ва суғурталовчиларнинг ялли активи ҳажми мунтазам ўсиб борганлигини кўрсатди. Масалан, 2009 йилда суғурталовчилар томонидан қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ҳажми 54,8 трлн.сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2003 йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан қарийб 12 мартага ошган. Худди шундай, таҳлил этилаётган даврда ялли суғурта захиралари ҳажми 6,1 мартага, суғурталовчиларнинг активи эса 2,6 мартага кўпайган.

Юқорида келтирилган жадвалга разм солиб, 2009 йилда ялли суғурта мукофотлари ҳажми 2008 йилга нисбатан кескин ошганлигини аниқлаш қийин эмас. Яъни, ялли суғурта мукофотлари ҳажми 2008 йилдаги 88,0 млрд.сўмдан 2009 йилга келиб 146,1 млрд.сўмни ёки ўсиш 1,7 мартани ташкил этган. Бизнинг фикримизча, бунга асосий сабаб 2008 йил 21 апрелда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”<sup>80</sup>ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлигидир<sup>80</sup>. Қонун 41 та моддадан иборат бўлиб, унда мазкур қонуннинг мақсади, асосий тушунчалар, мажбурий суғуртанинг асосий принциплари, мажбурий суғуртани амалга ошириш шартлари ва тартиби, суғурта ҳодисалари бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш, компенсация тўловлари, мажбурий суғурта бўйича тўловларни кафолатлаш каби боблар мавжуд. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур қонуннинг 41-моддасида “Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин кучга киради”, деб кўрсатиб ўтилган эди. Ушбу қонун қабул қилингандан сўнг уни амалга оширишни таъминлашга қаратилган ҳукумат қарорини қабул қилишга зарурат туғилди ва 2008 йилнинг 26 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

<sup>80</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган. <https://www.lex.uz/docs/1342474>.

Маҳкамаси “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чоратadbирлари ҳақида” 141-сонли қарор қабул қилди<sup>81</sup>. Мазкур қарорга асосан “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари” тасдиқланди. Шунингдек, қарорда Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасини ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилган. Энг муҳими, мазкур қарор асосида мажбурий суғуртани амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун суғурталовчиларга муайян талаблар белгиланди. Улар куйидагилардан иборат:

- транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳуқуқини олиш учун суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрдан кам бўлмаслиги керак;

- транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳуқуқини олиш учун суғурталовчилар Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий суғурта шартномаларини тузиш, жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси)нинг суғурта тўловлари тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ва суғурта тўловларини амалга ошириш ваколати берилган ўз филиалларига ва бошқа алоҳида бўлинмаларига эга бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 28 январдаги “Суғурта агентлари тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 19-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 1 февралда 1213-сон билан рўйхатга олинган “Суғурта агентлари тўғрисидаги низом”<sup>82</sup> мамлакатимизда

<sup>81</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сон қарори. <https://www.lex.uz/docs/1366339>.

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 28 январдаги “Суғурта агентлари тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 19-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 1 февралда 1213-сон билан рўйхатга олинган “Суғурта агентлари тўғрисидаги низом”. <https://www.lex.uz/docs/402720>.



суғурта компаниялари ва суғурта агентлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тажрибанинг кўрсатишича, миқозларни қидириб топиш ва уларга суғурта маҳсулотларини сотишда суғурта агентларининг роли катта. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 19 январдаги “Суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 18-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 мартда 1328-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом”<sup>83</sup> ўз мазмун-моҳиятига кўра, суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва шу асосда кўп сонли суғурта истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялашда катта аҳамият касб этди.

2009 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди<sup>84</sup>. Ушбу қонун суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган дастурида кўзда тутилган мажбурий суғуртанинг иккинчи турини татбиқ этишни назарда тутди. Ушбу қонунни қабул қилишдан кўзда тутилган асосий мақсад меҳнат жараёнида жароҳат олган, касб касаллиги ёки хизмат бурчини бажараётган вақтида саломатлигига зиён етган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдан иборат. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-


---

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 19 январдаги “Суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 18-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 мартда 1328-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом”. (Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 8 февралдаги 10-сонли “Суғурталовчиларнинг алоҳида суғурта таваккалчиликлари бўйича мажбуриятлари, жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп ҳажми ва тўлов қобилияти меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига (рўйхат рақами 1565, 22.04.2006 й.) мувофиқ ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/820607>.

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Адлия вазирлиги, 2009 йил, 16-сон.

тадбирлари ҳақида” 2009 йил 24 июнда қабул қилинган 177-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари”да ўз ифодасини топган<sup>85</sup>. Мажбурий суғурталаш қоидалари мазкур суғурта турини амалга оширишга рухсатномаси мавжуд барча суғурталовчилар учун бир хилда амал қилади.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг тўртинчи босқичи 2010-2016 йилларни қамраб олади. Ушбу йилларда мамлакатимизда суғурта фаолияти жадал суръатлар билан ривожланди. Буни қуйидаги расмда келтирилган маълумотлардан ҳам кўриш мумкин (1.2-расмга қаранг).



1.2-расм. 2010-2016 йилларда ялпи суғурта мукофоти ва суғурта тўловлари ҳажмининг динамикаси<sup>86</sup>, (млрд.сўм)

Расмдаги маълумотларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2010-2016 йилларда ялпи суғурта мукофотлари ва ялпи суғурта тўловлари ҳажми доимий ўсиш тенденциясини намоён этган. Ушбу даврда ялпи суғурта мукофотлари тушуми

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 177-сон қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари”. <https://www.lex.uz/docs/1493389>.

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

қарийб 4 баробарга, ялпи суғурта тўловлари ҳажми эса 4,7 баробарга ўсган. Суғурталовчилар ўртасида рақобатнинг кучайиши ва суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг суғуртага оид билим ва савиясининг ошиши суғурта тўловлари ҳажмининг ошишига сабаб бўлган. Негаки, суғурта ҳодисалари туфайли кўрилган зарарларни ўз вақтида қоплаш ва ортиқча сансалорлиликка йўл қўйиш, пировард натижада, ўз фаолиятига зиён етказишини англаган суғурта компаниялари бу борада адолатли ва ҳаққоний қарор қабул қилишга ҳаракат қилганлар.

Қайд этиш керакки, 2010 йилда миллий суғурта бозорида 34 та суғурта суғурта компанияси фаолият кўрсатган бўлса, 2016 йилга келиб уларнинг сони 8 тага камайган<sup>87</sup>. 2012 йилда “INTER-TESKO”, “UNIBALTIK INSURANCE” ва “STANDARD INSURANCE” суғурта компанияларига берилган лицензияларнинг амал қилиши тўхтатилган бўлса<sup>88</sup>, 2013-2016 йилларда “Ark Sug`urta”, “Silk Road Insurance”, “Chartis Uzbekistan”, “Uvt-Inhurans” ва “Agro Invest Sug`urta” суғурта компанияларига берилган лицензиялар суғурта назорати давлат органи томонидан чақириб олинган.

Бизнинг фикримизча, суғурта бозори ривожланишининг мазкур босқичида муҳим ўрин тутган воқеалардан бири 2010 йилнинг 26 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сон қарорининг қабул қилиниши бўлди<sup>89</sup>. Ушбу қарор

---

<sup>87</sup> Отчет по регулированию и надзору за страховой деятельностью в Республике Узбекистан за 2010 год. Государственная инспекция по страховому надзору при Министерстве финансов Республики Узбекистан. <https://www.mf.uz/media/file/insurance/reports/report2010.pdf>; Отчет по регулированию и надзору за страховой деятельностью в Республике Узбекистан за 2016 год. Государственная инспекция по страховому надзору при Министерстве финансов Республики Узбекистан. <https://www.mf.uz/media/file/insurance/reports/report2016.pdf>.

<sup>88</sup> Отчет по регулированию и надзору за страховой деятельностью в Республике Узбекистан за 2016 год. Государственная инспекция по страховому надзору при Министерстве финансов Республики Узбекистан. <https://www.mf.uz/media/file/insurance/reports/report2012.pdf>.

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ПҚ-1438-сон қарори. (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда

асосида 2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юкори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари Дастури маъқулланди.

Мазкур дастурда “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари домонидан ажратилган микрокредитларнинг таъминоти сифатида кредитларнинг қайтариллишини суғурталаш бўйича суғурта полисларидан фойдаланиш амалиётидан янада кенгроқ фойдаланиш, 2015 йилда умумий суғурта соҳасида суғурталовчиларнинг устав капитали энг кам миқдорига ўрнатилган талабни 1,5 млн.еврога ва ҳаётни суғурталаш соҳасида фаолият кўрсатувчи суғурталовчиларнинг устав капитали энг кам миқдорига ўрнатилган талабни 2,0 млн.еврога, мажбурий суғурталаш бўйича суғурталовчилар устав капиталининг энг кам миқдорига ўрнатилган талабни 3,0 млн.еврога, қайта суғурталаш соҳасида мазкур талабни 6,0 млн.еврога етказиш чораларини кўриш, суғурта бозори профессионал иштирокчилари, шу жумладан аджастерлар, сюрвейерлар, актуарийлар ва ассистанс хизмати кўрсатувчи компанияларнинг фаолиятини кенгайтириш орқали суғурта бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш вазибалари белгиланди.

Мазкур қарорнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда 2011 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1544-сон қарори қабул қилинди ва суғурта фаолияти турларига қараб, суғурталовчиларнинг устав капитали энг кам миқдорларини 2012-2014 йиллар мобайнида босқичма-босқич, табақалаштирилган тарзда ошириб борилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди. Яъни, қайд этилган йилларда

---

ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға асосан ўз кучини йўқотган).  
<https://www.lex.uz/docs/1707681>.

суғурталовчилар устав капиталининг энг кам миқдорлари қуйидаги миқдорларда шакллантириши зарур бўлган (1.3-жадвалга қаранг).

1.3-жадвал

**Суғурталовчилар учун устав капиталининг энг кам  
МИҚДОРЛАРИ<sup>90</sup>**

(эквиваленти минг евро)

<b>Суғурта фаолияти турлари</b>	<b>2012 йил 1 июлдан</b>	<b>2014 йил 1 июлдан</b>
Умумий суғурта соҳасида	1 125,0	1 500,0
Ҳаётни суғурталаш соҳасида	1 500,0	2 000,0
Мажбурий суғурталаш бўйича	2 250,0	3 000,0
Фақат қайта суғурталаш бўйича	5 000,0	6 000,0

Кўриниб турибдики, суғурта компаниялари устав капиталининг энг кам миқдорлари фаолият турларига қараб фаркланади. Масалан, умумий суғурта соҳасида фаолият юритувчи суғурта компаниялари устав капиталининг энг кам миқдори 2014 йил 1 июлга келиб 1,5 млн.евро эквивалентига тенг суммада шакллантирилган бўлиши шартлиги қайд этилди. Акс ҳолда, мазкур талабга жавоб бермаган суғурталовчиларнинг фаолияти конунда белгиланган тартибда тўхтатилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишининг навбатдаги бешинчи босқичи 2017 йил ва ундан кейинги йилларда иқтисодийнинг суғурта секторидида кузатилган муҳим ўзгаришларни ўз таркибига олади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган “2017-

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 майдаги “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1544-сон қарори. (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги ПФ-5197-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Фармонига асосан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/1812843>.

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.1.- бандида “суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш”<sup>91</sup> вазифаларининг белгиланганлиги кейинги йилларда суғурта фаолиятининг иқтисодиётдаги ўрни ва ролини янада ошириш зарурлигини назарда тутди.

### **I боб бўйича хулосалар**

Биринчи боб доирасида тадқиқотни амалга ошириш натижасида суғурта фаолиятининг назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим хулосалар қилинди. Илмий натижалар, биринчи ғалда, ҳозирги кунда ривожланган хорижий мамлакатлар олимларининг суғурта фаолияти билан боғлиқ назарий қарашлари ва ёндашувларига асосланган.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари ривожланган хорижий давлатлар олимларининг суғурта фаолиятига оид қарашларини умумлаштирган ҳолда ушбу фаолиятнинг назарий асосларини ўзида мужассамлаштирган ягона назария мавжуд эмаслигини, балки рисклар назарияси, ўйинлар назарияси, ноқулай танлаш назарияси, маънавий риск назарияси каби назарияларнинг суғурта фаолиятига татбиқи юзасидан қарашлар, ёндашувлар ва концепциялар амал қилишини кўрсатди.

Бизнинг назаримизда, биринчидан, ўйинлар ва рисклар назариясининг математик татбиқини Ўзбекистон суғурта фаолиятида шаклланган реал ҳолатни ҳисобга олган ҳолда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, иккинчидан, ноқулай танлаш назариясини

---

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. <https://www.lex.uz/docs/3107036>.

суғурта фаолиятига татбиқини Ўзбекистон шароитида ўрганиш, учинчидан, ахборотлар асимметриясини суғурта фаолиятида қўллаш бўйича кенг тадқиқотларни амалга ошириш лозим.

Ушбу бобда илк марта мустақиллик йиллари Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш босқичлари қонунчилик ҳужжатлари ва расмий статистик маълумотларга таянилган ҳолда бешта босқичга ажратилган ҳолда тизимли тадқиқ этилди. Биринчи босқич доирасида амалга оширилган тадқиқот натижалари суғурта соҳасида хусусий суғурта компанияларининг вужудга келишига қарамай, давлат суғурта органлари (Госстрах)нинг бозорда устун мақои сақланиб қолганлигини кўрсатди.

Суғурта фаолияти ривожланишининг иккинчи босқичида Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси асосида давлат суғурта органлари тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши ва унинг негизида давлат капитали иштирокида “Ўзагросуғурта” ва “Қафолат” суғурта компанияларининг тузилиши ҳамда “Ўзбекинвест” миллий суғурта компаниясининг “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси сифатида қайта ташкил этилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шунингдек, ушбу босқичда суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича давлат органининг тузилганлиги ва суғурта бозори ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ҳужжатларнинг қабул қилинганлигини Ўзбекистонда суғурта фаолияти тараққиётида алоҳида аҳамият касб этганлиги эътироф этилди.

Мамлакатимизда суғурта фаолияти ривожланишининг учинчи босқичи 2003-2009 йилларни қамраб олган бўлиб, тадқиқот натижалари маъмур босқичда миллий суғурта бозорида рақобат муҳити ҳамда миқдорларга суғурта хизматларини кўрсатиш қўлаи кенгайганлигини кўрсатди. Айнан, ушбу даврдан бошлаб суғурта компанияларининг иккита мустақил тармоқ, яъни умумий ва ҳаётни суғурта қилиш тармоғи бўйича фаолият юрийтиши йўлга қўйилди.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари суғурта фаолияти ривожланиши тўртинчи босқичининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имкониятини яратди. Хусусан, 2010-2016 йилларни ўз

ичига қамраб олган мазкур босқичда суғурталовчилар сони 8 тага камайган. 2012 йил 1 июлдан суғурта компанияларининг устав капитали энг кам миқдорига белгиланган талабнинг кучайтирилиши суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини ошишига, бинобарин, миллий суғурта компанияларининг суғурта сиғимини кенгайтишига сабаб бўлди.

Биринчи боб доирасида амалга оширилган тадқиқот натижалари суғурта фаолияти ривожланишининг бешинчи босқичи 2017 йил ва ундан кейинги йилларни қамраб олганлигини кўрсатди. Бу даврда миллий суғурта бозорининг ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларга ҳамоҳанглиги билан тавсифланади.



## II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

### §2.1. Суғурта фаолиятининг иқтисодий ўсишга таъсирининг таҳлили

Суғурта фаолиятининг иқтисодий ўсишга таъсирига доир илмий-тадқиқот ишлари кўплаб олим ва мутахассислар томонидан амалга оширилган. Хусусан, Milijana Novović Burić ва бошқаларнинг фикрича, суғурта бизнеси иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади<sup>92</sup>. Чунки, ривожланган суғурта бозори мамлакатнинг иқтисодий ўсишини рағбатлантиради. Ушбу муаллифлар ҳаёт суғуртасининг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли ҳақида тадқиқот ўтказиб, қуйидаги хулосага келишган: “Суғурта компаниялари бизнесининг барқарорлиги, хавфсизлиги ва масъулиятлилиги ҳаёт суғуртаси маҳсулотлари ёрдамида аҳолининг суғурта тизимига бўлган ишончига таъсир қилади”. Бизнинг фикримизча, фуқароларнинг ҳаёт суғуртасига оид маҳсулотлар ҳақида тушунча ва маълумотларга эга бўлиши суғурта бозорининг ривожланишига олиб келади.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ҳолати айни пайтда суғурта секторининг ҳолатини ўзида акс эттиради. Бу ҳақда Afzalur Rashidn тўхталиб, иқтисодий ўсиш аҳолининг тўлов қобилиятини оширади, деб ҳисоблайди<sup>93</sup>. Wong Hong Chau ва бошқалар ўтказган тадқиқот натижалари сўнги йилларда суғурта фаолияти ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масаласи ўзига катта эътиборни қаратганини, бу борада амалга оширилган эмпирик тадқиқотлар суғурта сектори ва иқтисодий ривожланиш ўртасида

<sup>92</sup> Milijana Novović Burić and other. Impact of economic factors on life insurance development in Western Balkan Countries. Zbornik Radova Ekonomskog Fakultet au Rijeci (2017) 35(2):331-352. DOI:10.18045/zbefri.2017.2.331. [https://www.researchgate.net/publication/322399714\\_impact\\_of\\_economic\\_factors\\_on\\_life\\_insurance\\_development\\_in\\_Western\\_Balkan\\_Countries](https://www.researchgate.net/publication/322399714_impact_of_economic_factors_on_life_insurance_development_in_Western_Balkan_Countries).

<sup>93</sup> Afzalur Rashidn. Board independence and firm performance: Evidence from Bangladesh, Future Business Journal 4 (2018) 34–49. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2314721016300238>.

узоқ муддатли ўзаро боғлиқлик мавжуд эканлигини тасдиқлаган<sup>94</sup>. Peter Haiss, Kjell Sümegi суғурта хизматларининг аҳоли учун қулайлиги иқтисодий барқарорлиги учун муҳим аҳамиятга эга ва бу ҳолат, бизнес иштирокчиларини юқори рискларни қабул қилишга мажбур қилиши мумкин, деган ғояни илғари суради<sup>95</sup>. Суғурта компаниялари қабул қилинган рисклар ҳажмига мос келадиган суғурта захираларини шакллантиришлари лозим. Суғурталовчилар кафолатланган даражада янчки пул оқимлари ва капитал бозорига жойлаштирилган йирик микдордаги активларни кўпайтириш ҳисобига иқтисодий ўсишга кўмаклашади.

Annalise Vucetich, Roger Perry ва Richard Dean Янги Зеландия мисолида суғурта секторининг иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилиш бўйича илмий изланишлар олиб боришган<sup>96</sup>. Илмий изланишлар натижалари суғурта сектори рискларни трансформация қилиш ҳисобига Янги Зеландиянинг иқтисодий ривожланиши ва фаровонлигига сезиларли ҳисса қўшганлигини тасдиқлаган. Муаллифларнинг қайд этишича, суғурта сектори инвестиция ва инновацияларни қўллаб-қувватлайди ва шу туфайли барқарор ҳамда яхши фаолият кўрсатадиган суғурта бозори амал қилиши зарур. Idrissa Ouedraogo, Samuel Guerineau, Relwende Sawadogolarнинг тадқиқотлари ривожланаётган давлатлар тажрибаси асосида ҳаёт суғуртасининг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганишга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир<sup>97</sup>. Ушбу тадқиқотчилар танлаб олиш асосида жаҳоннинг 86 та ривожланаётган мамлакатларининг 1996-2011 йиллардаги тажрибасини ўрганиш

---

<sup>94</sup> Wong Hong and other. Economic Development Cointegration and Malaysian Life and General Insurance Consumption. Australian Journal of Basic and Applied Sciences, 7(10): 538-546, 2013 ISSN 1991-8178. [https://www.researchgate.net/publication/282787957\\_Economic\\_Development\\_Cointegration\\_and\\_Malaysian\\_Life\\_and\\_General\\_Insurance\\_Consumption](https://www.researchgate.net/publication/282787957_Economic_Development_Cointegration_and_Malaysian_Life_and_General_Insurance_Consumption).

<sup>95</sup> Peter Haiss, Kjell Sümegi. The Relationship of Insurance and Economic Growth – A Theoretical and Empirical Analysis. Paper for presentation at the 2006 EcoMod Conference, Hongkong, June 28-30, 2006. <https://ecomod.net/sites/default/files/document-conference/ecomod2006/1454.pdf>.

<sup>96</sup> Annalise Vucetich, Roger Perry and Richard Dean. The insurance sector and economic stability. Reserve Bank of New Zealand Te Pūtea Matua Bulletin Volume 77, No. 3, September 2014. [https://www.rbnz.govt.nz/-/media/ReserveBank/Files/Publications/Bulletins/2014/2014\\_sep77-3.pdf](https://www.rbnz.govt.nz/-/media/ReserveBank/Files/Publications/Bulletins/2014/2014_sep77-3.pdf).

<sup>97</sup> Idrissa Ouedraogo, Samuel Guerineau, Relwende Sawadogo. Life Insurance Development and Economic Growth: Evidence from Developing Countries. CERDI - Centre d'Études et de Recherches sur le Développement International (2016). <https://halshs.archives-ouvertes.fr/halshs-01385002/document>.

орқали ҳаётни суғурталаш фаолиятини ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили эканлигини илмий жиҳатдан асослаган.

Sunita Mall ўз тадқиқотларида, айтарли барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг молия секторларида суғуртанинг салмоғи кескин ошиши кузатилаётганлиги ва бу ўз навбатида, суғуртанинг муҳим институт эканлигидан далолат беришини илмий асослашга ҳаракат қилган<sup>98</sup>. Унинг фикрича, суғурта компаниялари инвестиция ва пенсия жамғармалари билан бир қаторда акция, облигация ва кўчмас мулк бозорларида йирик институционал инвестор ҳисобланади.

Суғурта компаниялари жабрланганларга суғурта қопламаси тўланишини кафолатлаш орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради. Шунингдек олган ҳолда David Okelue Ugwunta ва Uche Boniface Ugwuanyi ўтказган тадқиқотларнинг кўрсатишича, корхона ва ташкилотларда товар ва хизматларни, айниқса, қиммат товар ва хизматларни сотиб олишга мойиллик ҳосил бўлади<sup>99</sup>. Шу сабабли, суғурта ишлаб чиқариш ва бандликни рағбатлантиради ҳамда товар ва хизматларга талаб ва истеъмолни барқарорлаштиради. Агар суғурта компаниялари бўлмаганида иқтисодий зарарларнинг катта қисми қопланмасдан қолар, бинобарин, умумий иқтисодий фаровонликка эришиб бўлмас эди. Бошқача сўз билан ифодалаганда, юқори даражада хавфсизликни таъминлаш орқали суғурта иқтисодий ўсишга ёрдам беради ва инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

Бироқ, кўпчилик тадқиқотларда иқтисодий ўсишнинг суғуртага таъсири ёки, аксинча суғуртанинг иқтисодиётга таъсири ўрганилган. Фақат, санокли илмий тадқиқот ишларигина суғурта фаолияти ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларига бағишланган. Масалан, Chien-Chiang Lee, Chi-Chuan Lee, Yi-Bin Chiu ўтказган тадқиқот натижалари самарали иқтисодий ўсиш

---

<sup>98</sup> Sunita Mall. Contribution of Insurance on economic growth in India: An Econometric Approach (2016). <https://www.gtap.agecon.purdue.edu/resources/download/8576.pdf>.

<sup>99</sup> David Okelue Ugwunta & Uche Boniface Ugwuanyi. Insurance Development and Economic Growth: An Examination of the Non-Bank Financial Institutions in Nigeria. International Journal of Financial Research, Vol. 10, No. 2; 2019. DOI: <https://doi.org/10.5430/ijfr.v10n2p16>. <http://www.sciedupress.com/journal/index.php/ijfr/article/view/14934>.

суғурта мукофотларининг юқори даражада ошишига, аксинча, иктисодий ўсиш даражаси кам бўлган ҳолатларда суғурта мукофотларининг тушуми ҳам кам миқдорни ташкил этишидан гувоҳлик берувчи ҳаёт суғуртаси бозори ва иктисодий ўсиш ўртасида, бир томондан узок муддатли, иккинчи томондан, қисқа муддатли икки томонлама сабаб-оқибатли алоқа мавжудлигини кўрсатган<sup>100</sup>. Суғурта сектори ва иктисодий ўсиш ўртасидаги сабаб-оқибат алоқалари йўналишлари иктисодий ривожланиш мобайнида ўзгариб туради. Бизнинг фикримизча, иктисодий ўсиш бошланиши билан суғурта бозори инновацион кўринишдаги реал инвестицияларни рағбатлантириши ва иктисодий ўсишга олиб келиши мумкин.

Athenia Bongani Sibindi, Ntwanano Jethro Godiнинг фикрича, молиявий ва реал секторнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги баҳс-мунозаралар тўхтагани йўқ<sup>101</sup>. Ушбу баҳс-мунозаралар, асосан, банк сектори ёки фонд бозорига қаратилган бўлиб, суғурта сектори ва реал сектор ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун тадқиқотлар кам ўтказилган. Шунини таъкидлаш керакки, суғурта сектори ўз моҳиятига кўра, зарарларнинг ўрнини қоплаш ва жамғармаларни рағбатлантириш туфайли ҳар қандай иктисодиёт учун ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бир нечта эмпирик тадқиқотларда суғуртанинг аҳоли кенг қатлами ва корхоналарга кириб бориши ҳамда қамраб олиниш даражасидан фойдаланган ҳолда суғурта ва иктисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтиришга ҳаракат қилинган. Масалан, Nadhek Zouhaier суғурта ва иктисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш мақсадида маълумотларнинг статик панель моделидан фойдаланган ҳолда 1990-2011 йилларда OECDга аъзо 23 та мамлакатларнинг

<sup>100</sup> Chien-Chiang Lee, Chi-Chuan Lee, Yi-Bin Chiu. The link between life insurance activities and economic growth: Some new evidence. *Journal of International Money and Finance* 32 (2013) 405-427. <https://doi.org/10.1016/j.jimonfin.2012.05.001>. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0261560612000927>.

<sup>101</sup> Athenia Bongani Sibindi, Ntwanano Jethro Godi. Insurance Sector Development and Economic Growth: Evidence from South Africa. *June 2014 Corporate Ownership and Control* 11 (4):530-538, DOI: 10.22495/cocv11i4c6p3. <https://core.ac.uk/download/pdf/43178084.pdf>.

тегишли маълумотлар тўпламини таҳлил қилган<sup>102</sup>. Муаллиф томонидан ўтказилган эмпирик тадқиқот натижалари ҳаёт суғуртасидан ташқари, бошқа суғуртанинг аҳоли ва корхоналарга кириб бориши нуктаи назаридан иқтисодий ўсишга ижобий таъсир таъсир қилишини кўрсатган. Суғуртанинг зичлиги жиҳатидан ҳаёт суғуртасидан бошқа умумий суғурта иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади, деган хулосага келинган.

Zuzana Richterová, Petr Koráb тасодифий самарадорликка асосланган метатаҳлил моделидан фойдаланган ҳолда суғурта секторининг иқтисодий ўсишга таъсирини тадқиқ этишган<sup>103</sup>. Тадқиқот натижалари метатаҳлил орқали аниқланган самарадорликнинг умумий миқдори ижобий эканлигини ва шу боис суғурта сектори иқтисодий ўсишга самарали таъсир кўрсатишини тасдиқлаган. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, рискларни юмшатувчи механизм сифатида суғурта замонавий иқтисодиёт тараққиётида катта аҳамият касб этмоқда. Глобал суғурта компанияларидан бири AXA Group экспертлари Denis Kessler, Amélie de Montchalin ва Christian Thimannнинг қайд этишича, инсон фаолиятининг катта қисми ноаниқликлар билан боғланган<sup>104</sup>. Иқтисодий ўсиш эса молиявий ва бошқа рисклар билан боғлиқ қарорлар қабул қилишга асосланган. Бизга суғурта ушбу умумий ноаниқликларни бошқариш имкониятини беради.

Макроиқтисодий омилар ҳаёт суғуртаси соҳасида ялли суғурта мукофотлари ҳажми ўсишини таъминловчи асосий восита эканлиги Вc.Lenka Cepelakovанинг тадқиқотида ўз исботини топган<sup>105</sup>. Мазкур муаллиф ўтказган тадқиқотда қайд этилишича, ЯИМнинг ўсиши, ишсизлик даражаси ва мамлакат ҳукуматининг

---

<sup>102</sup> Hadhek Zouhaier. Insurance and economic growth. Journal of Economics and Sustainable Development. ISSN 2222-1700 (Paper) ISSN 2222-2855 (Online), Vol.5, No.12, 2014. <https://core.ac.uk/download/pdf/234646443.pdf>.

<sup>103</sup> Zuzana Richterová, Petr Koráb. Impact of Insurance Sector Activity on Economic Growth – a Meta-analysis. Acta Universitatis Agriculturae et Silviculturae Mendelianae Brunensis. Volume LXI 300 Number 7, 2013. <http://dx.doi.org/10.11118/actaun201361072677>. [https://acta.mendelu.cz/media/pdf/actaun\\_2013061072677.pdf](https://acta.mendelu.cz/media/pdf/actaun_2013061072677.pdf).

<sup>104</sup> Denis Kessler, Amélie de Montchalin and Christian Thimann. Insurance is Invisible Yet Everywhere, AXA Groupe. (2016). [https://www-axa-com.cdn.axa-contento-118412.eu/www-axa-com%2Ffec4f313-4fa7-42a0-a9e8-ed8119968f9\\_axa\\_brochure\\_insurance-everywhere.pdf](https://www-axa-com.cdn.axa-contento-118412.eu/www-axa-com%2Ffec4f313-4fa7-42a0-a9e8-ed8119968f9_axa_brochure_insurance-everywhere.pdf).

<sup>105</sup> Вc. Lenka Cepelakova. The Impact of the Macroeconomic Environment on Insurance Companies. Master's Thesis, Charles University in Prague, Faculty of Social Sciences Institute of Economic Studies. (2015) <http://www.is.cuni.cz › zpp › download/>.

самарадорлиги ҳаёт суғуртасини ривожлантиришнинг муҳим драйверлари ҳисобланади. Вc.Lenka Cepelakovанинг фикрича, ҳаётни суғурта қилиш сектори, нисбатан, макроиқтисодий муҳитга боғлиқ. Бироқ, ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта сектори кўпроқ иқтисодий омилларга сезгирроқ.

Satyajit Hottанинг фикрига кўра, молиявий воситачилар орасида суғурта компаниялари муҳим роль ўйнайди<sup>106</sup>. Улар бошқа компаниялар ва жисмоний шахслар учун рискларни бошқаришнинг асосий дастаги ҳисобланади. Суғурта полисларини сотиш орқали суғурта компаниялари йирик миқдордаги пул маблағларини тўплайди ва ушбу пул маблағларини реал инвестицияларни молиялаштириш учун йўналтиради. Бинобарин, суғурта сектори иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллардан бирига айланади.

Satyajit Hottанинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда Teresa H.Bednarczyk ўз илмий тадқиқот ишида суғурта фаолияти оила ва бизнеснинг молиявий барқарорлигини оширади ҳамда уларнинг кредит қобилиятини кенгайтириш ва умумий рискларни пасайтириш ҳисобига савдо ва тижоратни ривожлантириш, рақобатбардошликни оширишга кўмак беради, деган хулосага келган<sup>107</sup>. Шунингдек, у суғурта фаолияти давлат секторининг хавфсизлик дастурларини молиялаштириш харажатларини камайитиришга ва тиббий тадқиқотлар, ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ дастурларни ҳам маблағ билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётганлигини таъкидлаган.

Sajid Mohy Ul Din, Arpah Abu-Bakar ва Angappan Regupathi ўз тадқиқотларида бошқа молиявий институтлар, жумладан, банк иши ва фонд бозори каби суғурта ҳам ҳар қандай давлатнинг барқарор иқтисодий ўсиши учун зарур, деб ҳисоблашган<sup>108</sup>. Тадқиқот

<sup>106</sup> Satyajit Hotta. Insurance Sector Development and Economic Growth. (2014). <http://www.aims-international.org/aims13/aims13cd/pdf/B342-Final.pdf>.

<sup>107</sup> Teresa H. Bednarczyk. Insurance development as a factor in long-term economic growth. *Insurance Review* 4/2013 / Wiadomości Ubezpieczeniowe 4/2013. [https://piu.org.pl/public/upload/ibrowser/WU/WU4\\_2013/bednarczyk.pdf](https://piu.org.pl/public/upload/ibrowser/WU/WU4_2013/bednarczyk.pdf).

<sup>108</sup> Sajid Mohy Ul Din, Arpah Abu-Bakar & Angappan Regupathi. Does insurance promote economic growth: A comparative study of developed and emerging/developing economies, *Cogent Economics & Finance*, 5:1, 1390029 (2017). DOI: 10.1080/23322039.2017.1390029 ISSN: (Print) 2332-2039 (Online) Journal homepage: <https://www.tandfonline.com/loi/oaef20>.

натижаларига асосланган ҳолда муаллифлар ривожланган мамлакатларда ҳаёт суғуртаси иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади ва энг муҳими ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади, деган хулосани илгари сурган.

Дунёнинг қайси мамлакатида иқтисодиёт қудратли ва аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми юқори бўлса, мазкур мамлакатда суғурта сектори кучли ривожланган, деган фикр баҳс-мунозарали ҳисобланади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2019 йилда жаҳон бўйича ЯИМ ҳажми 87 698 млрд.АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг 67 199,7 млрд.АҚШ доллари ёки 76,6 фоизи ушбу кўрсаткич бўйича рейтингда энг юқори ўринларни эгаллаган 16 та давлат ҳиссасига тўғри келган<sup>109</sup>. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (2.1-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми бўйича АҚШ жадвалда келтирилган давлатлар ичида биринчи ўринни эгаллаган. АҚШ нафақат, суғурта мукофотларининг ЯИМдаги салмоғи, балки аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти миқдори бўйича ҳам етакчилик қилмоқда. Swiss Re Institute халқаро тадқиқот маркази эълон қилган статистика бўйича 2019 йилда АҚШ суғурта сектори 2 460,1 млрд.АҚШ доллари миқдорида суғурта мукофотлари тўплашга эришган<sup>110</sup>. Бу жаҳон суғурта бозорининг 39,1 фоизига тенг демакдир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, АҚШда суғурта сектори иқтисодиётнинг барча жабҳаларини қамраб олган ва аҳоли ичига кириб борган. Яъни, суғурта иқтисодиёт ривожланишига хизмат қилмоқда.

---

<sup>109</sup> Gross domestic product 2019. <https://databank.worldbank.org/data/download/GDP.pdf>. GDP (current US\$) World Bank national accounts data and OECD National Accounts data files. <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD>.

<sup>110</sup> World insurance: riding out the 2020 pandemic storm. Swiss Re Sigma No 4 /2020. [https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4\\_2020\\_en.pdf](https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4_2020_en.pdf).

Сугуртанинг иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлари<sup>111</sup> (2019 йил)

Мамлакатлар	ЯИМ ҳажми (млрд. АҚШ доллари)	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми (АҚШ доллари)	Сугурта мукофоти (млрд. АҚШ доллари)	Сугурта мукофотининг ЯИМдаги улуши (фоизда)	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугурта мукофоти (АҚШ доллари)	Жаҳон сугурта бозоридаги улуши (фоизда)
АҚШ	21427,7	65,118.4	2460,1	11,43	7 495	39,1
Хитой	14342,9	10,261.7	617,4	4,30	430	9,81
Япония	5081,8	40,246.9	459,3	9,00	3 621	7,30
Германия	3845,6	46,238.9	243,8	6,33	2 934	3,88
Ҳиндистон	2875,1	2,104.1	106,7	3,76	78	1,69
Буюк Британия	2827,1	42,300.3	366,2	10,30	4 362	5,82
Франция	2715,5	40,493.9	262,3	9,21	3 586	4,17
Италия	2001,2	33,189.6	167,8	8,3	2 764	2,67
Бразилия	1839,8	8,717.2	74,1	4,03	351	1,18
Канада	1736,4	46,194.7	133,2	7,67	3 548	2,1
Россия Федерацияси	1699,9	11,585.0	22,9	1,35	157	0,36
Корея	1642,4	31,762.0	174,5	10,78	3 366	2,77
Испания	1394,1	29,613.7	71,0	5,10	1 508	1,13
Австралия	1392,7	54,907.1	68,7	4,95	2 702	1,09
Мексика	1258,3	9,863.1	30,5	2,42	239	0,48
Индонезия	1119,2	4,135.6	22,3	1,99	82	0,35

<sup>111</sup> Ушбу жадал Жаҳон банки (World Bank) ва Swiss Re institute таъкилот марказининг расмий веб-сайтларидан фойдаланган ҳола таъкилотчи томонидан ишлаб чиқилган. (GDP per capita (current US\$). <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.CD?end=2018&start=1960&view=chart>).



AIАнинг маълумотларига кўра, биргина бахтсиз ҳодисалардан суғурталашга ихтисослашган суғурта компаниялари 1,4 трлн.АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағларини иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирган. Ушбу пул маблағлари акциялар, корпоратив ва давлат облигацияларни сотиб олиш ҳамда кўчмас мулкка инвестиция қилиш, қурилиш иншоотларини молиялаштириш орқали бутун мамлакат бўйлаб иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини қўллаб-қувватламоқда.

Сўнги йилларда Хитой иқтисодиёти барқарор ривожланиш тенденцияларини намоён этмоқда. 2019 йил якунлари бўйича ушбу мамлакат иқтисодиёти АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган. Буни юқоридagi жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин. Swiss Re Institute халқаро тадқиқот маркази маълумотларига мувофиқ, 2019 йилда Хитой суғурта компаниялари томонидан 617,4 млрд.АҚШ доллари миқдорида суғурта мукофотлари тўпланган. Бу кўрсаткич бўйича Хитой АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Хитой банк ва суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича комиссияси СВIRCнинг маълумотига кўра, 2020 йилнинг дастлабки етти ойида ушбу давлат суғурта бозори бўйича жами 3 трлн.юан (437,3 млрд.АҚШ доллари) миқдорида суғурта мукофотлари тўпланган

2.1-жадвалда келтирилган маълумотлар АҚШдан ташқари Корея Республикаси (10,78), Буюк Британия (10,30), Франция (9,21), Япония (9), Италия (8,3), Канада (7,67) ва Германия (6,33)да суғуртанинг ЯИМдаги улуши юқори эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, ЯИМ ҳажми бўйича жаҳонда юқори ўринларда турган айрим давлатларда суғуртанинг иқтисодиётдаги ўрнини яхши деб бўлмайди. Масалан, 2019 йилда Ҳиндистон ЯИМ ҳажми бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллаган. Ҳолбуки, шу йили мазкур давлатда суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши 3,76 фоизни ташкил этган. Албатта, ушбу кўрсаткичга демографик омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Россия Федерациясида эса суғуртанинг ЯИМдаги салмоғи 1,35 фоизга тенг бўлган. Бу ҳолат ушбу давлатда суғуртанинг иқтисодиёт ривожланишига таъсири юқори

эмаслигидан далолат беради. Мексика ва Индонезияда ҳам суғуртанинг иктисодиёт ривожланишидаги роли унча сезиларли эмас.

АКРА таҳлилий-рейтинг агентлиги мамлакатнинг фаровонлик даражаси (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми) ва ҳаёт суғуртасидан ташқари, бошқа суғурта турлари (non-life) бўйича суғурта мукофотининг ЯИМдаги салмоғи ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжудлигини қайд этган<sup>112</sup>. Мазкур агентликнинг баҳолашича, 2007-2018 йилларда иккала кўрсаткич ўртасидаги Пирсон корреляция коэффиценти 0,89 га тенг бўлган. АКРА агентлигининг хулосасини юқорида келтирилган жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, 2019 йилда АҚШда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 65 118,4 АҚШ долларини ташкил этган. Айни шу даврда non-life ва life суғурта мукофотининг ЯИМдаги салмоғи 11,43 фоизга тенг бўлган. Яна бир мисол: 2019 йилда Буюк Британияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 42 300,3 АҚШ долларини ташкил этган ҳолда суғурта мукофотининг ЯИМдаги салмоғи 10,30 фоизга тенг бўлган. Бунга яна Корея Республикаси, Япония, Франция, Канада ва Италияни мисол келтириш мумкин.

Бизнинг фикримизча, айрим мамлакатларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ва ушбу мамлакатларнинг жаҳон суғурта бозоридаги улуши ўртасида нотекис корреляцион боғлиқлик мавжуд. Жумладан, 2019 йилда АҚШда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 7495 АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг жаҳон бозоридаги улуши 39,1 фоизга тенг бўлган. Худди шундай, Японияда ҳам аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 3621 АҚШ долларини ва мазкур мамлакатнинг жаҳон суғурта бозоридаги улуши 7,30 фоизни ташкил этган. Бироқ, 2019 йилда жаҳон суғурта бозорининг 9,81 фоизи Хитойга тўғри келган. Ушбу кўрсаткич бўйича Хитой АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Лекин,

---

<sup>112</sup> Развитие страхового сектора отражает уровень благосостояния страны. Анализ международной статистики рынков страхования. 20 февраля 2020. <https://www.acra-ratings.ru/research/1671>.

Хитойда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 430 АҚШ долларига тенг бўлган. Мазкур кўрсаткич бўйича Хитой АҚШдан 17,4 марта ортда қолган. Бу ерда, албатта, Хитой аҳолиси сонини ҳам эътиборга олиш лозим.

Тадқиқот натижалари суғуртанинг иқтисодий ўсишдаги аҳамияти катта эканлигини кўрсатди. Liyan Han ва бошқалар суғуртанинг иқтисодиётга таъсирига доир кўплаб тадқиқот ишларининг таҳлилига асосланиб суғурта фаолияти иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатиши керак, деган фикрни ўртага ташлаган<sup>113</sup>. Бироқ, улар ушбу таъсир мамлакатларнинг иқтисодий ҳолатига кўра ва суғурта бизнесининг йўналишлари бўйича фарқ қилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Denis Kessler ва бошқаларнинг фикрига кўра, заиф иқтисодий ривожланиш, одатда, суғуртанинг иқтисодиёт ва аҳоли орасига паст даражада кириб борганлиги билан боглик<sup>114</sup>. ЯИМ ҳажми аҳоли жон бошига 3000 АҚШ долларидан 5000 АҚШ долларигача миқдорда тўғри келганда ЯИМ ҳажмининг ўсишига нисбатан суғуртанинг иқтисодиёт ва аҳоли орасига кириб бориш даражаси тезроқ ўсади.

Steven Weisbart кўплаб муҳим функцияларни бажарувчи суғурта, шу жумладан қайта суғурта иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, деб тўғри таъкидлайди<sup>115</sup>. Унинг фикрича, суғурталовчилар, нафақат, бизнес ва уй хўжаликларининг молиявий хавфсизлиги ва руҳан хотиржамлигини таъминлайди, балки молиявий бозорлар, умуман иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминловчи узоқ муддатли капиталнинг ҳаётий муҳим манбаи ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, суғуртанинг иқтисодий ўсишга таъсири турли давлатларда ҳар хил кечади. Биз юқорида ЯИМ ҳажми бўйича жаҳонда етакчи бўлган 16 та давлатда

---

<sup>113</sup> Liyan Han and other. Insurance Development and Economic Growth. The Geneva Papers, 2010, 35, (183–199), 2010 The International Association for the Study of Insurance Economics 1018-5895/10. [www.palgrave-journals.com/gpp/](http://www.palgrave-journals.com/gpp/).

<sup>114</sup> Denis Kessler, Amelie de Montchalin and Christian Thimann. Insurance and Economic Development: Growth, Stabilization and Distribution. International Labor Office Geneva: ILO, 2016, 37 p. (Paper; no.46), ISBN: 978-92-2-126328-9 (Web PDF). <http://www.impactinsurance.org/sites/default/files/MP46%20final.pdf>.

<sup>115</sup> Steven Weisbart. How Insurance Drives Economic Growth. Insurance Information Institute, June 2018. <https://www.iii.org/sites/default/files/docs/pdf/insurance-driver-econ-growth-053018.pdf>.

суғуртанинг иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилган эдик. Ушбу давлатларнинг таркибида “Катта еттилик” (G 7) гуруҳига кирувчи Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Буюк Британия ва АҚШ мамлакатлари ҳам мавжуд.

Бизнинг назаримизда, 2.1-жадвалда келтирилган давлатларнинг ЯИМ ва суғурта мукофоти, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳамда суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши ва жаҳон суғурта бозоридаги улуши ўртасида регрессион ва корреляцион боғлиқлик мавжуд. Бунга қуйида ишлаб чиқилган эконометрик моделлаштириш орқали аниқлик киритамиз.

2.1.-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги регрессион модел ишлаб чиқилди:

$$Y = a_0 + a_1X$$

Бу ерда:

Y - ЯИМ ҳажми (млрд.АҚШ доллари);

X - суғурта мукофоти (млрд.АҚШ доллари).

Ушбу модел бўйича регрессион таҳлил натижалари қуйида келтирилган жадвалга мувофиқ кўринишга эга бўлди.

2.2-жадвал

### Регрессион таҳлил натижалари<sup>116</sup>

Ўзгарувчилар	Коэффициент	Std. хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
Озод ҳад	1318,112116	635,150168	2,075276341	0,056871547
x	8,731613797	0,959468223	9,100472104	2,96306E-07
R <sup>2</sup>	0,829840586			
Тузатилган R <sup>2</sup>	0,817686342			

2.2-жадвалда моделнинг миқдорлари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи регрессия миқдори мавжуд. Бундан ташқари, стандарт хатолик, статистикалар ва эҳтимолликлар берилган.

<sup>116</sup> Эконометрик таҳлил натижалари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

$R^2 = 0,83$  тенг, яъни юқоридаги ушбу омиллар  $Y$  боғлиқ ўзгарувчида бўладиган ўзгаришнинг 83,0 фоизини тушунтириб беради. Ушбу статистика танланма регрессия тенгламаси олинган предикторлар ёрдамида  $Y$  ўзгаришининг аҳамиятли қисмини тушунтириб бера оладими ёки йўқми, деган гипотезани текшириш учун қўлланилади. Нолинчи ва бир ёклама муқобил гипотезаларни куйидагича тузамиз:

$$H_0: \rho^2=0$$

$$H_1: \rho^2>0$$

$\alpha=0,05$  аҳамиятлилик даражаси учун  $F$  нинг критик қийматини куйидаги формула асосида топамиз:

$$F_{\text{ж}}=F_{\alpha}(k-1;n-k)=F_{0,05}(2;16)=2,62$$

Дисперсион таҳлил (ANOVA) жадвалини тузамиз (2.3.-жадвалга қаранг).

2.3-жадвал

### Дисперсион таҳлил (ANOVA) натижалари<sup>117</sup>

Дисперсия манбаи	Эркинлик даражаси (DF)	Квадратлар йиғиндиси (SS)	MS	F-нисбат
Регрессия	1	401682459,9	401682459,9	82,81859251
Қолдиқлар хатолиги	14	67902076,92	4850148,351	
Жами	15	469584536,8		

$$F \text{ танланманинг ҳисобланган қиймати } F = \frac{SSR/(k-1)}{SSE/(n-k)} = 82,82$$

га тенг.

Бу ерда,

$n$ -кузатувлар сони;

$k$ -ўзгарувчилар сони;

SSR – регрессия квадратларининг йиғиндиси;

SSE – қолдиқ квадратларининг йиғиндиси.

Хал қилувчи қоида:  $F_{\text{ж}} < F$  бўлгани учун  $H_0$  гипотеза рад этилади.

<sup>117</sup> Эконометрик таҳлил натижалари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Демак, омиллар катта таъсирга эга ва унда бўладиган ўзгаришларни тушунтириб беради.

Ушбу эконометрик модел бўйича t-тест ўтказишдан мақсад бош тўпламнинг тахмин қилинган чизикли регрессия тенгламаси коэффицентларининг нолдан аҳамиятли фарқ қилишини, яъни уларнинг тасодикий эмаслигини текширишдан иборат.

Мос нолинчи ва бир ёқлама гипотезаларни қуйидагича тузамиз:

$$H_0: \beta_1 \leq 0 \quad H_0: \beta_2 \leq 0$$

$$H_1: \beta_1 > 0 \quad H_1: \beta_2 > 0$$

$\alpha=0,05$  аҳамиятлилик даражаси учун t нинг критик қийматини топамиз:

$$t_{cr} = t_{\alpha}(n-k) = t_{0,05}(16) = 1,71$$

Энди эса t нинг танланма ҳисобланган қийматини топамиз. Бунинг учун, аввало, бизга зарур баъзи статистик қийматларни аниқлаштириб оламиз.

Регрессия коэффицентларининг стандарт хатолиги қуйидагига тенг

$$S_{b_1} = 635,15; \quad S_{b_2} = 0,96$$
$$t_1 = \frac{b_1 - \beta_1}{S_{b_1}} = 2,07 \quad t_2 = \frac{b_2 - \beta_2}{S_{b_2}} = 9,10$$

Ҳал қилувчи қоида:  $t_{cr} < |t_i|$  ( $i=1,2,3$ ) бўлгани учун барча ҳолда  $H_0$  гипотеза рад этилади. Демак, бош тўпламнинг тахмин қилинган регрессия тенгламасининг  $b_1$ ,  $b_2$  коэффицентлари мусбат сонлардан иборат. Танлаб олинган модел F-тест ва t-тестдан муваффақиятли ўтди.

Яқуний регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$y = 1318,11 + 8,73x$$

Ушбу модел натижалари суғурта мукофотлари ва ЯИМ ўртасида корреляцион ва регрессион боғланиш мавжуд эканлигини кўрсатди. Модел натижаларига кўра, суғурта мукофотларининг бир бирликка ўзгариши ЯИМнинг 8,73 бирликка ўзгаришига олиб келади.

Энди, суғурта секторининг иқтисодиётга таъсирини ўрганишга оид тадқиқот ишимизни ривожланаётган давлатлар тоифасига кирувчи МДХга аъзо-мамлакатлар мисолида давом эттираемиз. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига мазкур минтақавий ташкилотга 11 та давлат аъзо бўлиб ҳисобланади.

Куйидаги жадвалда ушбу ҳамжамиятга аъзо-мамлакатлар иқтисодиёти ва суғурта секторининг ривожланишини ифода этувчи кўрсаткичлар келтирилган (2.4.-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, МДХ мамлакатларидан бирортаси жаҳон суғурта бозорида 0,5 фоиздан кўп улушга эга эмас. Ҳолбуки, Россия Федерацияси бундан олдинги жадвалда кўрганимиздек, 2019 йилда ЯИМ ҳажми бўйича дунёда 11 ўринни эгаллаган. Тўғри, Россия МДХ мамлакатлари орасида жадвалдаги, айтарли, барча кўрсаткичлар бўйича юқори ўринга эга. Фақат, суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши бўйича Украина Россиядан бироз юқори кўрсаткичга эга бўлган.

МДХ мамлакатларининг 7 тасида ёки 63,6 фоизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 4000 АҚШ долларидан юқори. Таққослаш учун: G7 гуруҳига кирувчи давлатларда (Италиядан ташқари) аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 40000 доллардан ошади, яъни МДХ мамлакатларининг тегишли кўрсаткичидан 10 баравар юқори.

Биз олдинги жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилганимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми қанчалик юқори бўлса, суғуртанинг ЯИМдаги улуши ҳам юқори бўлиши, бинобарин, суғуртанинг иқтисодий ўсишга таъсири ҳам кучли бўлиши ҳақида фикр билдирган эдик.

2.4-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда Тожикистонда суғуртанинг ЯИМдаги улуши 0,3 фоизни ташкил этган. Энг ачинарлиси, ушбу давлатда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 870,8 АҚШ долларига тенг бўлган. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич бўйича Тожикистон дунёда 211 давлат ичида 189 ўринни эгаллаган. Мазкур мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 2,6 АҚШ долларини ташкил этган.

## МДҲга аъзо-мамлакатларнинг иқтисодий ва сугурга секторини ривожланиш ҳолатини акс

118

## Эттирувчи кўрсаткичлар

(2019 йил)

Мамлакатлар	ЯИМ ҳажми, (млрд.АҚШ доллари)	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми (АҚШ доллари)	Сугурга мукофоти (млрд.АҚШ доллари)	Сугурга мукофотининг ЯИМдаги улуши (фонзда)	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугурга мукофоти (АҚШ доллари)	Жаҳон сугурга бозоридаги улуши (фонзда)
Россия Федерацияси	1699,9	11585,0	22,9	1,35	157	0,36
Қозоғистон	180,2	9731,1	1,2	0,69	53	0,02
Украина	153,8	3659,0	2,2	1,52	66	0,04
Беларусь	63,1	6663,3	0,7	1,06	71,3	0,01
Ўзбекистон	57,9	1724,8	0,2	0,4	7,9	0,004
Озарбайжон	48,0	4793,6	0,6	1,2	39,8	0,01
Туркменистон	40,8	6966,6	-	-	-	-
Арманистон	13,7	4622,7	0,1	0,7	34,7	0,002
Молдова	11,9	4498,5	0,1	0,8	34,8	0,001
Қирғизистон	8,5	1309,4	0,02	0,2	2,9	0,0003
Тожикистон	8,1	870,8	0,02	0,3	2,6	0,0004

118 Мазкур жадвал Жаҳон банки (World Bank) ва Swiss Re institute тадқиқот маркази ҳамда тегишли давлатларнинг Молия вазирликлари, Марказий (Миллий) банклари ҳамда молия бозорини тартибга солувчи давлат органлари расмий веб-сайтларидан олинган маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.



Афсуски, МДХга аъзо-давлат бўлган Туркменистонда суғуртани ривожланишига оид маълумотларни топишнинг имконияти мавжуд эмас. Фақат, ушбу давлатнинг ЯИМ ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган салмоғи тўғрисидаги маълумотларни Жаҳон банкининг расмий веб-сайтидаги электрон ресурсдан олиш мумкин<sup>119</sup>. Swiss Re institute халқаро тадқиқот маркази томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган жаҳон суғурта бозори ривожланишига оид статистик маълумотлар тўпламида ҳам, фақат, Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон Республикалари бўйича маълумотларга кўзимиз тушади. МДХнинг бошқа мамлакатлари суғурта секторининг ҳолатига оид маълумотлар Swiss Re Institute халқаро тадқиқот маркази маълумотлар тўпламида мавжуд эмас. Юқоридаги жадвалда МДХнинг бошқа мамлакатлари суғурта сектори бўйича келтирилган маълумотлар тадқиқотчининг турли манбалар, хусусан, Молия вазирликлари, Марказий (Миллий) банклари ва молия бозорини тартибга солувчи давлат органларининг расмий веб-ресурсларидан олинган ва ишончли ҳисобланади.

Юқоридагиларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, МДХга-аъзо давлатларда иқтисодиётнинг унчалик тараққий этмаганлиги суғурта секторининг умумий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Суғуртанинг иқтисодиёт ва аҳоли орасига кириб бориш даражаси, яъни суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши жуда паст. Худди шундай, аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳам Россияни ҳисобга олмаганда 2019 йилда 100 АҚШ долларидан ошмаган. Демак, суғурта ва иқтисодий ўсиш бир-бирига чуқур боғланган. Агар иқтисодий ўсиш юқори бўлса, ўз-ўзидан, суғурта секторининг ривожланиши ҳам юқори бўлади ёки аксинча. Бунини МДХга аъзо-давлатларнинг кўрсаткичлари ҳам тасдиқлаб турибди.

---

<sup>119</sup> Shennaev Kh.M. The Impact of Insurance on Economic Growth. International Journal of Economics, Commerce and Management, United Kingdom. ISSN 2348 0386 Vol. VIII, Issue 12, Dec 2020. SJIFactor - 6.932. p. 521.

Бизнинг назаримизда, МДХ давлатларида ЯИМ ва суғурта мукофотининг ўзаро таъсирини ўрганиш мақсадида унинг эконометрик моделини тузиш мақсадга мувофиқ.

Y - ЯИМ ҳажми (миллиард АҚШ доллари);

X - суғурта мукофоти (миллиард АҚШ доллари).

Маълумотлар 2.4-жадвалда келтирилган бўлиб, уларни таҳлил қилиш натижасида регрессион модел ишлаб чиқилди ва у куйидаги кўринишда бўлади.

$$\ln y = a_0 + a_1 \ln x$$

Ушбу модел бўйича регрессион таҳлил натижалари куйидаги жадвалда келтирилган.

2.5-жадвал

### Регрессион таҳлил натижалари<sup>120</sup>

Ўзгарувчилар	Коэффициент	Std. хатолик	t- статистика	Эҳтимоллик
Озод ҳад	4,715005513	0,157608344	29,91596389	1,69075E-09
x	0,747994053	0,067419887	11,09456107	3,88898E-06
R <sup>2</sup>	0,94			
Тузатилган R <sup>2</sup>	0,93			

Ушбу жадвалда моделнинг миқдорлари ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи регрессия миқдори берилган. Шунингдек, стандарт хатолик, статистикалар ва эҳтимолликлар мввжуд. **R<sup>2</sup> = 0,94** тенг, яъни юқоридаги омилар Y боғлиқ ўзгарувчида бўладиган ўзгаришнинг 94,0 фоизини тушунтириб беради.

Ушбу статистика танланма регрессия тенгламаси олинган предикторлар ёрдамида Y ўзгаришининг аҳамиятли қисмини тушунтириб бера оладими ёки йўқми, деган гипотезани текшириш учун қўлланилади. Нолинчи ва бир ёқлама муқобил гипотезаларни куйидагича тузамиз:

$$H_0: \rho^2 = 0$$

$$H_1: \rho^2 > 0$$

<sup>120</sup> Эконометрик таҳлил натижалари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилди.

$\alpha=0,05$  аҳамиятлилик даражаси учун F нинг критик қийматини куйидаги формула ёрдамида топамиз.

$$F_{\alpha} = F_{\alpha}(k-1; n-k) = F_{0,05}(2; 10) = 2,62$$

Дисперсион таҳлил (ANOVA) жадвалини куйидагича тузамиз.

2.6-жадвал

**Дисперсион таҳлил (ANOVA) натижалари**<sup>121</sup>

Дисперсия манбаи	Эркинлик даражаси (DF)	Квадратлар йиғиндиси (SS)	MS	F-нисбат
Регрессия	1	24,0447839	24,0447839	123,0892854
Қолдиқлар хатолиги	8	1,562753984	0,195344248	
Жами	9	25,60753788		

F танланманинг ҳисобланган қиймати куйидагига тенг:

$$F = \frac{SSR / (k - 1)}{SSE / (n - k)} = 123,08$$

Бу ерда,

n-кузатувлар сони;

k-ўзгарувчилар сони;

SSR – регрессия квадратларининг йиғиндиси;

SSE – қолдиқ квадратларининг йиғиндиси.

Ҳал қилувчи қоида:  $F_{\alpha} < F$  бўлгани учун  $H_0$  гипотеза рад этилади.

Демак, омилар катта таъсир этади ва унда бўладиган ўзгаришларини тушунтириб беради.

Моделда t-тест ўтказишдан мақсад бош тўпламнинг гипотеза қилинган чизикли регрессия тенгламаси коэффицентларининг нолдан аҳамиятли фарқ қилишини, яъни уларнинг тасодифий эмаслигини текширишдан иборат.

Мос нолинчи ва бир ёқлама гипотезаларни куйидагича тузамиз:

$$H_0: \beta_1 \leq 0 \quad H_0: \beta_2 \leq 0$$

$$H_1: \beta_1 > 0 \quad H_1: \beta_2 > 0$$

<sup>121</sup> Эконометрик таҳлил натижалари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилди.

$\alpha=0,05$  аҳамиятлилик даражаси учун  $t$  нинг критик қийматини топамиз:

$$t_{cr}=t_{\alpha}(n-k)=t_{0,05}(10)=1,71$$

Энди эса  $t$  нинг танланма ҳисобланган қийматини топамиз. Бунинг учун, аввало баъзи статистик қийматларни аниқлаштириб оламиз.

Регрессия коэффициентларининг стандарт хатолиги куйидагига тенг:

$$S_{b_1}=0,15; S_{b_2}=0,06$$
$$t_1 = \frac{b_1 - \beta_1}{S_{b_1}} = 29,9 \quad t_2 = \frac{b_2 - \beta_2}{S_{b_2}} = 11,09$$

Хал қилувчи қоида:  $t_{cr} < |t_i|$  ( $i=1,2,3$ ) бўлгани учун барча ҳолда  $H_0$  гипотеза рад этилади. Демак, бош тўпламнинг тахмин қилинган регрессия тенгламасининг  $b_1$ ,  $b_2$  коэффициентлари мусбат сонлардан иборат. Танлаб олинган модел F-тест ва t-тестдан муваффақиятли ўтди.

Якуний регрессия тенгламаси куйидагига тенг:

$$\ln y = 4,72 + 0,75 \ln x$$

Ушбу модел натижаларидан кўринадики, МДХ давлатларида ЯИМ ҳажми ва суғурта мукофотлари ўртасида корреляцион ва регрессион боғланиш мавжуд. Модел натижаларига кўра, суғурта мукофотининг 1,0 бирликка ўзгариши ЯИМ ҳажмининг 0,75 бирликка ўзгаришига олиб келади.

2019 йилда ЯИМ ҳажми бўйича жаҳонда энг юкори ўринни эгаллаган 16 та давлат ва МДХга аъзо-давлатларнинг тегишли маълумотларига таянган ҳолда эконометрик моделлар ишлаб чиқилди (2.7-жадвалга қаранг).

Юқорида келтирилган моделлардан кўришиб турибдики, МДХ мамлакатларида суғурта фаолиятининг иқтисодий ўсишга таъсири унчалик сезилмайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятининг ривожланиши талаб даражасида эмас. Суғурта фаолияти соҳасидаги эксперт ва таҳлилчиларнинг фикрига кўра, мамлакатимизда суғурта фаолиятининг салоҳияти ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

## Суғурта фаолияти ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи эконометрик моделлар<sup>122</sup>

№	Модел номлари	Модел кўриниши	F test	R2
1.	Дунёда ЯИМ ҳажми бўйича юқори бўлган 16 та давлатлардаги суғурта мукофоти ва ЯИМ орасидаги корреляцион-регрессион боғланиш	$y = 1318,11 + 8,73x$	82,8	83%
2.	МДХ бўйича 10 та давлатдаги суғурта мукофоти ва ЯИМ орасидаги корреляцион-регрессион боғланиш	$\ln y = 4,72 + 0,75 \ln x$	123,08	94%

Ханузгача, суғуртанинг аҳолининг кенг қатламлари ичига кириб бориш даражаси қониқарсиз, аксарият фуқаролар суғуртанинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин этмайди<sup>123</sup>. Натижада йиллар давомида суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши 0,5 фоиздан кам миқдорни намоён этиб келмоқда. Масалан, 2019 йилда суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши 0,4 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич АҚШда 11,43 фоиз, Корея Республикасида 10,78 фоизга тенг. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 2019 йилда 7,9 АҚШ долларини ташкил этган. Бу жуда паст кўрсаткич ҳисобланади.

Юқоридагиларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, ЯИМ ҳажми бўйича дунёда энг юқори ўринда турувчи 16 та давлатда суғурта фаолияти ва иқтисодий ўсиш ўртасида корреляцион-регрессион боғлиқлик мавжуд. Эконометрик моделлаштириш натижалари суғурта мукофотининг бир бирликка ўзгариши ушбу давлатларда ЯИМнинг 8,73 бирликка ўзгаришига олиб келишини кўрсатди. МДХ мамлакатларида эса суғурта мукофотларининг бир бирликка ўзгариши ЯИМ ҳажмининг 0,75 бирликка ўзгаришига олиб келади. Бундан кўриниб турибдики, МДХ мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг иқтисодий ўсишга таъсири паст даражада.

<sup>122</sup> Эконометрик таҳлил натижалари асосида талқинотчи томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>123</sup> Шеннаев Х.М. Суғуртанинг макрониктисодий барқарорликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти. // "Макрониктисодий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ўрта муддатли истиқболда давлат молиясини ислох қилишнинг устувор йўналишлари" мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2019 йил 30 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. – Тошкент. 2019. 40-б.

## **§2.2. Суғурта фаолиятини рақобат асосида ривожланишининг жорий ҳолати ва тенденциялари**

Диссертациянинг биринчи боби иккинчи параграфда эътироф этилганидек, мустақиллик йиллари суғурта хизматлари соҳасининг ривожланишида туб ўзгаришлар содир бўлди. Аввало, суғурта компанияларининг ўзаро рақобатга асосланган муҳитда эркин ва тенг фаолият юритишлари учун ижтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий аҳамиятга молик шарт-шароитлар яратилди. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддаси суғурта бозорида рақобатни ривожлантиришга бағишланган бўлиб, унда шундай дейилган: “Суғурта бозорида рақобатни чеклаш ёки баргараф этишга, бир суғурталовчиларга бошқаларига қараганда асоссиз афзалликлар берилишига ёки олинишига, суғурта қилдирувчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди”<sup>124</sup>.

2019 йил 2 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш, шунингдек, суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир<sup>125</sup>. Айнан, ушбу ҳолатлар истиқболда мамлакатимиз суғурта хизматлари бозорида рақобатнинг янада кучайишига, бинобарин, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларига тақдим этиладиган суғурта маҳсулотларининг сифат даражасини ошишига хизмат қилиши, табиий.

<sup>124</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган. <https://www.lex.uz/docs/40253>.

<sup>125</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори. <https://www.lex.uz/docs/4459802>.

Шу билан бирга, суғурта соҳасидаги таҳлилчилар, экспертлар, шу жумладан, бизнинг фикримизча, бугунги кунда суғурта хизматлари бозорида қарор топган рақобат муҳити бозор муносабатлари тараққий этган мамлакатларнинг суғурта бозоридаги рақобат муҳитидан анча ортда қолган. Суғурталовчилар мижозларни жалб этишда носоғлом рақобат усулларидан фойдаланаётгани, айна ҳақиқат. Шунингдек, бозорда рақобат муҳитини чеклашга йирик истеъмолчи мақомига эга суғурта қилдирувчиларнинг ҳам таъсири катта.

Суғурта хизматлари бозорида рақобатнинг вужудга келиши, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда суғурта фаолиятининг самарадорлиги ва кўламининг кенгайишида рақобатнинг ўрни хусусида хорижлик ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга кўплаб илмий изланишлар амалга оширилган.

Суғурта хизматлари бозорига рақобатнинг таъсири бўйича Gulumser Murat, Roger S. Tonkin ва D.Johannes Jüttne ўтказган тадқиқот натижалари суғурталовчиларнинг нарх сиёсати рақобат ёки монополистик бозорнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этишини кўрсатган<sup>126</sup>. Michael Rothschild ва Joseph E. Stiglitz тиббий суғуртада рақобат ҳолати тўғрисида тўхталиб, ноқулай танлов истеъмолчиларни суғурта маҳсулотларини рискларни камраб олиш нуқтаи назаридан танлашга мажбур қилади ва бу ҳолат, пировардида тиббий суғурта хизматлари бозорида рақобатни ривожланишига олиб келади, деган фикрни илгари сурган<sup>127</sup>.

Тадқиқотчилар томонидан суғурта хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш юзасидан эмпирик таҳлиллар ҳам амалга оширилган. Масалан, Jamie Brown Kruse, Rachel Davidson табиий офатлардан суғурта қилиш бозорида рақобатни математик моделлаштириш асосида тўғридан-тўғри суғурталашнинг бирламчи бозоридаги рақобат концентрацияси алоҳида суғурта компаниялари


<sup>126</sup> Murat G., Tonkin R.S. & Jüttner D.J. Competition in the general insurance industry. Zeitschr. f. d. ges. Versicherungsw. 91, page 2. (2002). <https://doi.org/10.1007/BF03190772>. <https://link.springer.com/article/10.1007/BF03190772#citeas>.

<sup>127</sup> Michael Rothschild ва Joseph E. Stiglitz. Competition and Insurance Twenty Years Later. The Geneva Papers on Risk and Insurance Theory Vol. 22, No. 2. Special Issue on Asymmetric Information (December 1997), pp. 73-79. <https://www.jstor.org/stable/41953766?seq=1>.

учун тезкор қарор қабул қилиш юзасидан турли фарқларни келтириб чиқариши мумкин, деган хулосага келишган<sup>128</sup>. Уларнинг фикрича, суғурталовчилар сонининг ошиши уй-жой эгалари учун танлов имкониятини кенгайтиради.

Энди, Ўзбекистонда рақобат асосида суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, 2021 йил 1 февраль ҳолатига Ўзбекистонда турли мулкчилик шаклларига асосланган 40 та суғурта компанияси фаолият юритмоқда<sup>129</sup>.

Таъкидлаш керакки, суғурта хизматлари бозоридаги рақобат муҳитига, нафақат, тақлиф этилаётган суғурта маҳсулотларининг хилма-хиллиги, тариф сиёсати, молиявий барқарорлик ва бошқа омиллар, балки суғурталовчилар сони ҳам таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан, биз шу ерда сўнги 20 йил давомида суғурта компаниялари сонининг ўзгариши бўйича маълумотни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (2.1-расмга қаранг).



**2.1-расм. 2000-2020 йилларда Ўзбекистонда суғурта компаниялари сонининг ўзгариш динамикаси**<sup>130</sup>

<sup>128</sup> Jamie Brown Kruse, Rachel Davidson. Modeling Competition in a Market for Natural Catastrophe Insurance. January 2016, Journal of Insurance Issues 39(1):38-68. [https://www.researchgate.net/publication/292158859\\_Modeling\\_Competition\\_in\\_a\\_Market\\_for\\_Natural\\_Catastro-phe\\_Insurance\\_1](https://www.researchgate.net/publication/292158859_Modeling_Competition_in_a_Market_for_Natural_Catastro-phe_Insurance_1).

<sup>129</sup> Реестр действующих лицензий на право осуществления страховой деятельности страховщиков и страховых брокеров на 01.02.2021 г. [https://www.mf.uz/media/file/insurance/license/01\\_02\\_2021/license2021\\_02\\_01.pdf](https://www.mf.uz/media/file/insurance/license/01_02_2021/license2021_02_01.pdf)

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.



2.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, ўтган қарийб 20 йил давомида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари сони динамикасида кескин ўзгаришлар содир бўлган. Масалан, 2000 йилда суғурталовчилар сони 27 тани ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига келиб уларнинг сони 40 тани ташкил этган ёки 1,5 мартага кўпайган. Шуниси эътиборлики, 2015 йилга нисбатан 2020 йилда суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензия олган суғурталовчилар сони 10 тага ошган.

Суғурта тармоқлари кесимида суғурта компаниялари сонини ўрганиш натижалари, уларнинг 32 таси умумий суғурта тармоғида, 8 таси ҳаётни суғурталаш тармоғида фаолият юритишини кўрсатди. Бундан 17 йил олдин мамлакатда 20 та суғурта компанияси фаолият юритган бўлиб, ҳаётни суғурталашга ихтисослашган суғурта компаниялари умуман мавжуд эмас эди. Қуйидаги расмда 2000-2020 йилларда суғурта тармоқлари кесимида Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган суғурта компаниялари сонидagi ўзгаришлар динамикаси тўғрисидаги маълумот келтирилган (2.2-расмга қаранг).




2.2-расм. Суғурта тармоқлари бўйича суғурта компаниялари сонидagi ўзгаришлар динамикаси<sup>131</sup>

<sup>131</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

2.2-расмдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, 2000-2020 йилларда Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари сонининг динамикасида нотекис ўзгаришлар содир бўлган. Масалан, 2009 йилда суғурта компаниялари сони 33 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб уларнинг сони 3 тага камайган. Аксинча, таҳлил этилаётган даврда ҳаётни суғурта қилиш бўйича компаниялар сони барқарор ўсиб борган. Ушбу компаниялар сони 2006 йилда 2 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони 4 мартага ошган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон аҳолиси 34 558,9 минг кишини ташкил этган<sup>132</sup>. Демак, шу санада 863 972 нафар фуқарога ўртача битта суғурта компанияси тўғри келган. Мавжуд суғурта компанияларининг ярмидан кўпи масъулияти чекланган жамият шаклида фаолият кўрсатмоқда.

Суғурта компаниялари сонининг ортиб бориши, пировард натижада, суғурта қамрови даражасининг ошишига, бинобарин, суғурта мукофотлари тушумининг кўпайишига олиб келади. Буни қуйида келтирилган маълумотлардан ҳам кўриш мумкин (2.3-расмга қаранг).




2.3-расм. Суғурта мукофотлари ва тўловлари ҳажмининг динамикаси<sup>133</sup>

<sup>132</sup> Demografiya. Asosiy demografik ko'rsatkichlar. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>.

<sup>133</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Расмда келтирилган маълумотлар 2000-2020 йиллар мобайнида Ўзбекистонда суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми мунтазам ўсиб борганлигини кўрсатмоқда. Чунончи, 2000 йилда суғурта мукофотлари ҳажми 8,3 млрд.сўмга тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилга келиб 2 213,7 млрд.сўмни ташкил этган ёки 266,7 мартага ўсган. Таҳлил этилаётган йилларда энг юқори даражада ўсиш 2018 йилга тўғри келган, яъни шу йили 2016 йилдаги суғурта мукофотлари ҳажмига нисбатан ўсиш 236,1 фоизни ташкил этган.

Маълумотларга қараганда, суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари миқдори ҳам 2000-2020 йилларда ошиб борган (2.4-расмга қаранг).



2.4-расм. Суғурта операцияларининг зарарлилик кўрсаткичи (фоизда)<sup>134</sup>

Масалан, 2018 йилда амалга оширилган суғурта тўловлари миқдори 460,8 млрд.сўмни ташкил этган ёки суғурта операцияларининг зарарлилик кўрсаткичи 28,2 фоизни ташкил этган. Бу ҳақдаги маълумотлар қуйидаги расмда келтирилган.

Сўнги 20 йил давомида суғурта операцияларининг зарарлилик кўрсаткичи турлича кўринишга эга бўлганлигини 2.4-расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкин. Масалан, таҳлил

<sup>134</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

этилаётган даврда суғурта операцияларининг энг кам зарарлилик кўрсаткичи 2004 йилга тўғри келган бўлса, энг юқори зарарлилик кўрсаткичи 2000 ва 2020 йилларда кузатилган.

Шундай бўлишига қарамадан, бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда суғурта операцияларининг зарарлилик кўрсаткичи хорижий мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичи билан таққослаганда анча паст. Мазкур кўрсаткич 2019 йилда Япония умумий суғурта тармоғида 63,9 фоизни ташкил этган<sup>135</sup>.

2020 йил яқунларига кўра, умумий суғурта тармоғида суғурта мукофотлари тушуми бўйича энг юқори кўрсаткични “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти эгаллаган (2.8-жадвалга қаранг).

2.8-жадвал

**2020 йилда суғурта мукофотлари тушуми бўйича умумий суғурта тармоғидаги ТОП-10 та суғурта компаниялари**<sup>136</sup>

№	Суғурта компаниялари номи	Суғурта мукофотлари (млрд.сўм)	Ялпи суғурта мукофотлари тушумидаги улуши (фоизда)
1.	Ўзбекинвест	262,9	14,0
2.	Gross Insurance	251,8	13,4
3.	Ўзагросуғурта	178,2	9,5
4.	Кафолат	149,4	7,9
5.	Evroasia Insurance	144,9	7,7
6.	Apex Insurance	120,3	6,4
7.	My Insurance	101,3	5,4
8.	Alfa Invest	97,3	5,2
9.	Temiryo'l-Sugu'rta	52,8	2,8
10.	Asia Inshurans	51,4	2,7

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, “Ўзбекинвест” суғурта компанияси томонидан 2020 йилда 262,9 млрд сўм миқдоридида суғурта мукофотлари йиғиб олинган. Бу Ўзбекистон суғурта бозори бўйича тўпланган суғурта мукофотларининг 14,0 фоизи демақдир. Энг кўп суғурта мукофотлари тушумига

<sup>135</sup> Fact Book 2019–2020 General Insurance in Japan. The General Insurance Association of Japan. P.5. // <https://www.sonpo.or.jp/en/publication/ue089i00000000sa-atu/fb2020e.pdf>.

<sup>136</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

эришган ТОП-10 та суғурта компаниялари таркибида 3 та давлат капитали иштирокидаги суғурта компанияларининг бозор улуши 31,4 фоизни, қолган нодавлат секторидаги суғурта компанияларининг бозор улуши 41,6 фоизни ташкил этган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, умумий суғурта тармоғида суғурта мукофотлари тушуми бўйича ТОП-10 та суғурта компаниялари ичида нодавлат суғурта компанияларининг салмоғи юқори бўлган. Демак, суғурта бозорида рақобат муҳити кенгаймоқда.

Бизнинг назаримизда, суғурта компанияларининг фаолиятини баҳолашда суғурта мукофотлари тушуми ҳажмига қараб эмас, балки амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажмига қараб баҳо бериш мақсадга мувофиқ. Шу муносабат билан қуйидаги жадвал маълумотларини таҳлил қиламиз (2.9-жадвалга қаранг).

2.9-жадвал

**2020 йилда амалга оширилган суғурта тўловлари бўйича  
умумий суғурта тармоғидаги ТОП-10 та суғурта  
компаниялари<sup>137</sup>**

№	Суғурта компаниялари номи	Суғурта тўловлари (млрд.сўм)	Ялпи суғурта тўловларидаги улуши (фоизда)
1.	Ўзагросуғурта	91,4	21,8
2.	Ўзбекинвест	66,6	15,9
3.	Gross Insurance	49,0	11,7
4.	Кафолат	36,8	8,8
5.	Evroasia Insurance	30,2	7,2
6.	Asia Inshurans	19,4	4,6
7.	Alfa Invest	16,1	3,8
8.	Аско-Восток	15,0	3,6
9.	My Insurance	14,5	3,5
10.	Алском	14,4	3,4

2020 йилда “Ўзагросуғурта” суғурта компанияси суғурта ходисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш учун 91,4 млрд.сўм миқдорида суғурта тўловларини амалга ошириб, мамлакатимизда нафақат, ушбу кўрсаткич бўйича ТОП-10 талиқда етакчилик қилган, балки бутун умумий суғурта тармоғи бўйича биринчи ўринни эгаллаган (3-иловага қаранг). Энг кўп

<sup>137</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

суғурта тўловларини амалга оширган ТОП-10 та суғурталовчилар ичида иккинчи ўринни “Ўзбекинвест” суғурта компанияси банд этган. Иккала компаниянинг суғурта тўловлари бўйича бозор улуши 37,7 фоизни ёки 158 млрд.сўмни ташкил этган. 3-иловада келтирилган маълумотга кўра, 2020 йилда умумий суғурта тармоғидаги барча суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажми 419,6 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, “Ўзагросуғурта” ва “Ўзбекинвест” компаниялари томонидан, юқорида қайд этилганидек, 158,0 млрд.сўм миқдоридан суғурта тўловлари амалга оширилган.

Одатда, юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган суғурта хизматлари мажбурий ҳамда ихтиёрий тусга эга. Юқоридаги жадвалда 2002-2020 йилларда Ўзбекистонда ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотларининг ҳажми солиштирма таҳлил этилган (2.10-жадвалга қаранг).

## 2.10-жадвал

### Ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотларининг солиштирма динамикаси<sup>138</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар									
		2002	2004	2006	2008	2010	2012	2014	2016	2018	2020
1.	Суғурта мукофотлари, жами (млрд.сўм)	21,7	32,9	49,7	88,0	175,5	285,9	439,1	692,6	1635,2	2213,7
2.	Ихтиёрий суғурта (млрд.сўм)	18,3	30,2	46,9	80,6	128,7	206,8	300,7	485,0	1371,7	1852,8
3.	Мажбурий суғурта (млрд.сўм)	3,4	2,8	2,8	7,4	46,8	79,1	138,4	207,6	263,5	360,9
4.	Жами суғурта мукофотлари таркибида мажбурий суғуртанинг салмоғи (фоизда)	15,7	8,5	5,6	8,4	26,7	27,7	31,5	30,0	16,1	16,3

<sup>138</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2002–2020 йилларда суғурта мукофотлари тушуми бўйича ихтиёрий ва мажбурий суғурта ўртасидаги нисбат нотекис ривожланиш тенденциясига эга бўлган. Агар, 2004, 2006 ва 2008 йилларда жами суғурта мукофотлари таркибида мажбурий суғуртанинг улуши ўртача 8,5 фоиздан ошмаган бўлса, 2010–2016 йилларда 26,7 фоиздан 31,5 фоизгачани ташкил этган. 2020 йилда эса жами суғурта мукофотлари таркибида мажбурий суғуртанинг улуши 18,1 фоизга тенг бўлган. Тадқиқотчилар ва экспертлар ўртасида мажбурий ва ихтиёрий суғурта ўртасидаги оқилона нисбат қандай даражада бўлиши хусусида турлича фикр-мулоҳазалар мавжуд. Айрим олимлар, бозор муносабатлари шароитида ихтиёрий суғурта устувор бўлиши керак деб таъкидлашса, баъзи мутахассислар мажбурий суғуртанинг ролига ижобий баҳо беришади. 2020 йил 1 декабрь ҳолатига Қозоғистон Республикасида жами суғурта мукофотлари таркибида мажбурий суғуртанинг улуши 21,8 фоизни ташкил этган бўлса<sup>139</sup>, ушбу кўрсаткич Россияда 16,0 фоизга тенг бўлган<sup>140</sup>.

Энди, 2002–2020 йилларда ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта тўловларининг солиштирма динамикасини таҳлил қиламиз.

Жами суғурта мукофотлари таркибида мажбурий суғурта турлари бўйича амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажмида 2002–2020 йилларда энг кўп суғурта тўловлари 2014 йилга тўғри келганлигини 2.11-жадвалдаги маълумотлардан билиб олиш қийин эмас. Шу йили жами суғурта тўловларида мажбурий суғурта бўйича амалга оширилган суғурта тўловларининг ҳажми 39,3 фоизга тенг бўлган. Бизнинг эксперт баҳомизга асосан мажбурий суғурта турлари бўйича амалга оширилган суғурта тўловларининг катта қисми транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга тўғри келади. Чунки,

<sup>139</sup> Текущее состояние страхового сектора Республики Казахстан по состоянию на 1 декабря 2020 года. // <https://finreg.kz/cont/Тек.%20состояние%20на%2001.12.2020г.%20рус.pdf>.

<sup>140</sup> Страховой рынок: рост вопреки пандемии. Обзор ключевых показателей деятельности страховщиков. Банк России. № 4 2020 год. с.6. // [https://www.cbr.ru/Collection/Collection/File/32073/review\\_insure\\_20Q4.pdf](https://www.cbr.ru/Collection/Collection/File/32073/review_insure_20Q4.pdf).

ушбу суғурта тури бўйича суғурта ходисаларининг кўп содир бўлиши ортидан суғурта тўловлари ҳажми ҳам ошган.

2.11-жадвал

**Ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта тўловларининг солиштирма динамикаси<sup>141</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар									
		2002	2004	2006	2008	2010	2012	2014	2016	2018	2020
1.	Суғурта тўловлари, жами (млрд.сўм)	5,4	4,1	6,9	15,5	27,6	46,0	74,6	130,5	460,8	737,6
2.	Ихтиёрий суғурта (млрд.сўм)	5,2	3,4	6,0	13,9	18,7	32,1	45,3	97,4	389,3	603,9
3.	Мажбурий суғурта (млрд.сўм)	0,2	0,7	0,9	1,6	8,9	13,9	29,3	33,1	71,5	133,7
4.	Жами суғурта тўловлари таркибида мажбурий суғуртанинг салмоғи (фоизда)	3,7	17,1	13,0	10,3	32,2	30,2	39,3	25,4	15,5	18,1

2003 йил январь ойдан Ўзбекистонда суғурта фаолияти икки тармоққа ажратилган бўлиб, ҳамон айтарли барча кўрсаткичлар бўйича умумий суғурта тармоғида фаолият кўрсатаётган суғурталовчилар ҳаётни суғурталовчи компанияларга қараганда устунликка эга. Бу ҳақда қуйидаги расм маълумотлари гувоҳлик бермоқда.

<sup>141</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.





**2.5-расм. Суғурта тармоқлари кесимида суғурта мукофотларининг ўсиши (млрд.сўм)<sup>142</sup>**


2012-2020 йилларда умумий суғурта тармоғида фаолият кўрсатган суғурталовчилар томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажмида барқарор ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса, ҳаётни суғурталовчи компаниялар эса 2018 йилгача ушбу тенденцияга эга бўлган. Бироқ, 2020 йилда ҳаётни суғурталовчи компаниялар томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 2018 йилнинг тегишли кўрсаткичига нисбатан 82,8 млрд.сўмга ёки 19,8 фоизга камайган. Бунинг сабаби 2020 йилда республика ҳукумати томонидан пандемия туфайли кўрилган чоралар билан боғлиқ эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Шу ерда таъкидлаш лозимки, 2020 йилда жами суғурта мукофотларининг 84,9 фоизи умумий суғурта тармоғига, 15,1 фоизи ҳаёт суғуртаси тармоғига тўғри келган.

Ваҳоланки, 2019 йилда энг кўп суғурта мукофотларини тўплаган дунёнинг ТОП-10 та давлатлари таркибига кирувчи Японияда жами суғурта мукофотлари ҳажмида ҳаётни суғуртаси

<sup>142</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

бўйича йиғилган суғурта мукофотларининг улуши 74,3 фоизни ёки 341,4 млрд.АҚШ долларини ташкил этган (4-иловага қаранг).

Суғурта фаолиятига оид асосий кўрсаткичларни таҳлил қилар эканмиз, бу борада жами суғурта мукофотлари таркибида минтақаларнинг улушини ўрганиш катта аҳамиятга эга.



**2.6-расм. Ялли суғурта мукофотлари таркибида минтақаларнинг улушидаги ўзгаришлар динамикаси (фонзда)<sup>143</sup>**

Сўнгги 10 йил давомида мамлакатимиз миқёсида тўпланган жами суғурта мукофотлари таркибида минтақаларнинг, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг улушида жиддий ўзгариш содир бўлмаган. Ўзбекистон бўйича йиғилган жами суғурта мукофотлари таркибида Тошкент шаҳрининг улуши 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 7,5 пунктга камайган бўлсада, умумий ҳолатда ушбу минтақанинг улуши юқориликча қолмоқда. 2016-2020 йилларда эса жами суғурта мукофотлари таркибида Тошкент шаҳрининг улуши яққол устунликни намоён этган.

Бунга, албатта, бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Хусусан, 2021 йил 1 февраль ҳолатига Ўзбекистонда 40 та суғурта компанияси фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг барчаси

<sup>143</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Тошкент шаҳрида жойлашган. Республика ҳудудларида эса уларнинг филиал ва бўлимлари фаолият кўрсатиб, ҳозирги кунга қадар ҳудудларда бирорта суғурта компанияси ташкил этилмаган. 5-иловада суғурта мукофотларининг минтақалар бўйича тақсимланишидаги ўзгаришлар динамикаси келтирилган бўлиб, унга кўра 2020 йилда республика минтақалари ичида суғурта мукофотлари тушуми бўйича Тошкент шаҳридан кейинги ўринни 8,1 фоиз билан Тошкент вилояти эгаллаган. Шу йили суғурта мукофотлари тушуми бўйича энг кичик кўрсаткич 2,1 фоиз билан Сирдарё вилоятига тўғри келган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, республика минтақаларида суғурта соҳасида юзага келган рақобат муҳитини Тошкент шаҳрида кузатилаётган рақобат муҳити билан таққослаб бўлмайди.

Шу ерда қайд этиш керакки, суғурта хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш масалалари мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан амалга оширилган илмий ишларда маълум даражада ўз аксини топган. Хусусан, С.Умаровнинг таъкидлашича, суғурта бозори юқори даражада монополлашган ва суғурта хизматларининг асосий сегментини давлат улушига эга бўлган 3 та компания намоён этади<sup>144</sup>. Шу ерда изоҳ бериб ўтиш керакки, ушбу фикр муаллиф томонидан 2012 йилда баён этилган. Бизнинг назаримизда, 2018–2020 йилларга келиб миллий суғурта бозоридаги рақобат муҳитига юқорида қайд этилган 3 та давлатга тегишли компанияларнинг таъсир доираси бироз оз бўлсада сусайган. Қуйида келтирилган расмдаги маълумотларни таҳлил этиш натижалари бизга шундай хулоса қилиш учун асос бўлди.

---

<sup>144</sup> Умаров С.А. “Иқтисодийни модернизация қилиш шариоитида Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш” мавзусида 08.00.13 – “Менежмент” иқтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2012. -21-б.



**2.7-расм. Давлат капитали иштирокидаги ва нодавлат суғурта компанияларининг бозор улуши динамикаси (фоизда)<sup>145</sup>**

Маълумки, кўп йиллар давомида мамлакат суғурта хизматлари бозорида давлат ёки давлат капитали иштирокида тузилган суғурта компанияларининг асосий кўрсаткичлар бўйича яққол устунлиги намоён бўлиб келган. Гарчи, 2.7-расмда давлат капитали иштирокида тузилган суғурта компаниялари ва нодавлат суғурта компанияларининг бозордаги улуши 2000 йилдан кейинги маълумотлар асосида ёритилган бўлсада, бизнинг назаримизда, 1991–2000 йиллар давомида ҳам давлат капитали иштирокида ташкил этилган суғурталовчиларнинг бозор улуши юқори даражада бўлган.

2.7-расмдаги маълумотларни таҳлил қилиш натижалари сўнги 15 йил мобайнида давлат капитали иштирокида ташкил этилган суғурта компаниялари ва нодавлат суғурта компаниялари ўртасида ялпи суғурта мукофотлари тушуми нисбатидаги ўзгариш нотекис кўринишга эга бўлганлигини кўрсатди. Масалан, 2008 йилда давлат

<sup>145</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида талқинотчи томонидан ишлаб чиқилган. 2020 йил маълумотлари умумий суғурта тармоғи бўйича келтирилган.

капитали иштирокида тузилган суғурта компанияларининг бозор улуши 38,8 фоизни ташкил этганлигини ва ушбу кўрсаткич 2016 йилга келиб 7,7 фоизга ошганлигини расмдаги маълумотлардан кўриш мумкин.

Бирок, 2020 йилга келиб нодавлат суғурта компанияларининг бозор улуши олдинги йилларга нисбатан кескин ошган. 2000 йилда нодавлат суғурта компанияларининг бозор улуши 15,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 68,6 фоизни ташкил этган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, аста-секинлик билан суғурта хизматлари бозорида давлат капитали иштирокидаги суғурта компаниялари бозор улушининг камайиб бориши, бир томондан рақобат муҳити янги паллага кирганлигидан, иккинчи томондан нодавлат суғурта компанияларининг рақобатбардошлик даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, 2021 йил 1 февраль ҳолатига Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорида давлат иштирокида ташкил этилган суғурта компаниялари таркибига “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти, “Кафолат суғурта компанияси” акциядорлик жамияти ва “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти киради. Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан давлат ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхона ва ташкилотларни трансформация қилиш масалалари кенг муҳокама этилмоқда. Яқин келажакда давлат капитали иштирокида ташкил этилган суғурта компанияларини давлатга тегишли улушларини ҳам босқичма-босқич потенциал инвесторларга сотиш механизми йўлга қўйилиши прогноз қилинмоқда.

Суғурта бозорида рақобат даражасининг ижобий ёки салбий тарафга ўзгаришини кўрсатувчи омиллардан бири суғурталовчиларнинг суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта тўловлари бўйича концентрациялашув даражаси ҳисобланади (2.12-жадвалга қarang).

**2020 йилда умумий суғурта тармоғида суғурталовчиларнинг  
концентрациялашув даражаси<sup>146</sup>**

№	Суғурта компанияларининг номи	Суғурта мукофотлари (млрд.сўм)	Бозор улуши (фоизда)	Суғурта тўловлари (млрд.сўм)	Бозор улуши (фоизда)
1.	Ўзбекинвест	262,9	14,0	66,6	15,9
2.	Gross insurance	251,8	13,4	49,0	11,7
3.	Ўзагросуғурта	178,2	9,5	91,4	21,8
4.	Кафолат	149,4	7,9	36,8	8,7
5.	Evroasia Insurance	144,9	7,7	30,2	7,2
6.	Бошқа суғурта компаниялари	892,1	47,5	145,6	34,7
<b>Жами</b>		<b>1879,3</b>	<b>100,0</b>	<b>419,6</b>	<b>100,0</b>

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилда жами суғурта мукофотларининг 52,5 фоизи ёки 987,2 млрд.сўми 5 та суғурта компанияси ҳиссасига, 47,5 фоизи ёки 892,1 млрд.сўми эса қолган суғурта компаниялари ҳиссасига тўғри келган. 5 та суғурта компанияси ичида суғурта мукофотлари йиғими бўйича энг юқори кўрсаткичларни “Ўзбекинвест” ва “Gross insurance” суғурта компаниялари намоён этган. Ушбу компанияларнинг жами суғурта мукофотларидаги улуши 2020 йилда 27,4 фоизни ташкил этган. 2020 йилда амалга оширилган жами суғурта тўловлари ҳажмида 2.7-жадвалда келтирилган 5 та суғурта компаниясининг улуши 65,3 фоизга тўғри келган. Қолган компаниялар томонидан эса 34,7 млрд.сўм миқдориди суғурта тўловлари амалга оширилган. Бу жами суғурта тўловларининг 34,7 фоизи демакдир. Қизиғи шундаки, 2012 йилда суғурта мукофотлари бўйича суғурталовчиларнинг концентрацияси 5 та компания бўйича 56,9 фоизга тенг бўлган (6-иловага қаранг). Шу йили суғурта тўловлари бўйича бозор концентрацияси 5 та компания бўйича 62,0 фоизни ташкил этган. 2017 йилда ҳам суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта тўловлари

<sup>146</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

бўйича бозор концентрацияси 5 та суғурталовчи бўйича мос равишда 52,9 ва 69,0 фоизни ташкил этган (7-иловага қаранг).

Умум эътироф этилган қондаларга кўра, мамлакат миқёсида тўпланган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги салмоғи ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти миқдори ушбу мамлакатда суғурта фаолиятининг ривожланганлик даражасини акс эттирувчи асосий индикаторлар ҳисобланади. Шунини инобатга олган ҳолда 2000-2020 йилларда суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги салмоғини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (2.13-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми 2020 йилда 2000 йилга нисбатан 178,2 мартага ошган. Шу давр мобайнида суғурта мукофотлари ҳажми эса 278,8 мартага кўпайган. Бироқ, суғурта мукофотларининг ЯИМдаги салмоғи ўтган 20 йил давомида 1,6 мартага ошган бўлсада, ушбу кўрсаткич ҳамон пастлигича қолмоқда. Масалан, 2020 йилда суғурта мукофотларининг ЯИМдаги салмоғи 0,4 фоизни ташкил этган бўлиб, мазкур кўрсаткич айрим хорижий мамлакатларда, хусусан 2019 йили Тайванда 19,94 фоизни, Жанубий Кореяда эса 10,78 фоизни ташкил этган (8-иловага қаранг).

Мамлакатимиз ЯИМда суғурта мукофотлари салмоғининг ниҳоятда паст даражада эканлигини шу билан изоҳлаш мумкинки, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида суғурта хизматларига талаб яхши шаклланмаган. Шунингдек, салоҳиятли мижозларнинг суғурта ҳимояси билан қамраб олинishi даражаси қониқарли эмас. Суғурталовчиларни мавжуд имконият ва салоҳиятларини тўлиқ ишга солган ҳолда самарали фаолият кўрсатаётти, деб айтиб бўлмайди.

Сугурга мукофотларнинг ЯИМдаги салмоғи<sup>147</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар																				
		2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	ЯИМ, млрд. сўм	3 255,6	4925,3	7 450,2	9844,0	12 261,0	15923,4	21 124,9	28190,0	38 969,8	49375,6	74 042,0	96949,6	120 242,0	144548,3	177 153,9	210183,1	242 495,5	302536,8	406 648,5	510117,2	580 203,2
2.	Сугурга мукофотлари, млрд. сўм	8,3	16,2	21,7	27,1	32,9	42,7	49,7	73,6	88,0	146,1	175,5	221,8	285,9	338,5	439,1	515,7	692,6	927,4	1 635,2	2313,9	2213,7
3.	ЯИМда сугурга мукофотларининг салмоғи, %	0,25	0,32	0,29	0,28	0,27	0,27	0,24	0,26	0,23	0,30	0,24	0,23	0,24	0,23	0,25	0,24	0,28	0,31	0,40	0,45	0,38



**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугурта мукофоти улуши**<sup>148</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар																				
		2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Сугурта мукофотлари, млрд.сўм	8,3	16,2	21,7	27,1	32,9	42,7	49,7	2756,5	3 247,2	5312,7	6 267,8	7622,0	9 691,5	11283,3	14 396,7	16635,5	21 917,7	28891,0	50 159,5	69486,5	64 165,2
2.	Аҳоли сони, млн. киши	24,5	24,8	25,1	25,4	25,7	26,0	26,3	26,7	27,1	27,5	28,0	29,1	29,5	30,0	30,5	31,0	31,6	32,1	32,6	33,3	34,5
3.	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугурта мукофотининг салмоғи, сўм	338,8	653,2	864,5	1066,9	1 280,0	1642,3	1 889,7	2756,5	3 247,2	5312,7	6 267,8	7622,0	9 691,5	11283,3	14 396,7	16635,5	21 917,7	28891,0	50 159,5	69486,5	64 165,2

Суғурта фаолиятининг ривожланганлигини ифода этувчи кўрсаткичлардан яна бири аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти миқдоридир (2.14-жадвалга қаранг). Статистик маълумотлар таҳлили 2020 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажми 67069,6 сўмни ёки 6,4 АҚШ долларини ташкил этган (2021 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 1 АҚШ доллари 10476,92 сўмга тенг бўлган<sup>149</sup>). Тўғри, 2020 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 2000 йилга нисбатан 198 мартага ошган. Бироқ, 2020 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти миқдорини хорижий давлатларнинг тегишли кўрсаткичи билан таққосласак, мамлакатимизнинг бу борадаги кўрсаткичини кескин ошириш лозимлиги маълум бўлади. Маълумот учун, 2019 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти миқдори АҚШда 7495 АҚШ долларини, Швейцарияда 6 860,5 АҚШ долларини ташкил этган (9-иловага қаранг). Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотлари миқдорининг анча паст эканлиги, биринчидан, суғуртанинг кенг халқ оммаси ичига етарли даражада кириб бормаганлигидан, иккинчидан, аҳоли ўртасида суғурта хизматларига бўлган қизиқишнинг кам эканлигидан далолат беради.

Афсуски, амалга оширилган тадқиқотлар, Ўзбекистон миқёсида жами молиявий хизматлар ҳажмида ҳам суғурта хизматларининг ҳажми жуда кичик миқдорни ташкил этганлигини кўрсатапти.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, 2020 йилда жами молиявий хизматлар ҳажмида суғурта мукофотларининг салмоғи 4,8 фоизни ёки 2213,7 млрд.сўмни ташкил этган. Бироқ, ушбу кўрсаткич айрим йиллари бироз юқори бўлган, масалан, 2018 йилда 7,7 фоизга, 2016 йилда эса 7,0 фоизга тенг бўлган. Умуман, сўнги 10 йилда суғурта мукофотларининг молиявий хизматлар

---

<sup>149</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Валюталар курслари архиви. <https://cbu.uz/oz/arkhiv-kursov-valyut/>.

таркибидаги салмоғи 8,0 фоиздан ошмаган. Бунга асосий сабаб, юқорида қайд этилганидек, суғурта фаолияти ҳали-бери иқтисодиётнинг ривожланишига сезиларли таъсир этадиган омилга айланган эмас.

2.15-жадвал

**Молиявий хизматлар таркибида суғурта мукофотлари салмоғининг ўзгариши<sup>150</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2010	2012	2014	2016	2018	2020
1.	Молиявий хизматлар ҳажми (млрд.сўм)	2643,7	4208,8	6728,2	9898,4	21296,3	45817,3
2.	Суғурта мукофотлари ҳажми (млрд.сўм)	175,5	285,9	439,1	692,6	1635,2	2213,7
3.	Молиявий хизматлар таркибида суғурта мукофотининг салмоғи (фоизда)	6,6	6,8	6,5	7,0	7,7	4,8

Рақобат суғурта бозорининг илдам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда суғурта фаолиятининг юқори суръатларда тараққий этиши соғлом ва кучли рақобат муҳитининг шаклланганлиги билан изоҳланади.


суғурта хизматларига бўлган талабнинг пастлиги бозорда соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига ҳалақит бермоқда. Бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг тўлов қобилияти, даромад даражаси ва суғурта маҳсулотлари ҳақида етарли ахборотга эга эмаслиги, шунингдек, суғурта қилдирувчилар учун қулай нарх шартларини назарда тутувчи суғурта дастурларининг лозим даражада яратилмаганлиги суғурта хизматларига бўлган талабнинг паст бўлишига таъсир кўрсатмоқда.

Бизнинг фикримизча, суғурта фаолиятини ривожлантириш учун ушбу соҳа хизматларига бўлган талабни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, айниқса, корхона ва

<sup>150</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

ташкilotларнинг суғурта хизматларини сотиб олишга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш лозим.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида Ўзбекистонда суғурта фаолияти мутлақо ривожланмаяпти, деган хулосага келишдан йироқмиз. Суғурта ҳамжамияти мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантириш бўйича имконият даражасида ҳаракат қилаётганлигини ҳам эътироф этиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Буни қуйида келтирилган расмдаги маълумотларни таҳлил этиш этиш натижалари ҳам кўрсатиб турибди.



2.8-расм. ЯИМ ва суғурта мукофоти ўсиш суръатларининг динамикаси<sup>151</sup>

2.8-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнги 20 йил ичида Ўзбекистонда ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръати нотекис тенденцияни намоеън этган. Масалан, 2008 йилда ушбу кўрсаткич 109,0 фоизни ташкил этган бўлиб,

бу 2020 йилнинг тегишли кўрсаткичидан 7,4 пунктга юқоридир. Таҳлил этилаётган даврда суғурта мукофотлари йиллик ўсиш суръатининг энг юқори

даражаси 2018 йилга тўғри келган бўлиб, у 176,3 фоизга тенг бўлган. Бирок, 2020 йилда суғурта мукофотининг йиллик ўсиш

<sup>151</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

суръати 2018 йилга нисбатан 80,6 пунктга камайган. Албатта, бунга 2020 йилда бутун дунёда кузатилгани каби Ўзбекистонда ҳам коронавирус инфекциясининг тарқалишини олдини олиш мақсадида карантин чораларининг кўрилганлиги сабаб бўлган. Бу ҳақда ушбу тадқиқот ишининг кейинги бобида батафсил тўхталиб ўтилади.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга оширишда рақобатнинг таъсири сезилишига қарамай, бу йўналишда қуйидаги қатор муаммолар мавжуд:

суғурта маҳсулотларини сотишда носоғлом рақобатнинг баъзи элементлари шаклланган. Айниқса, мижозларни жалб этишда суғурта тарифини асосиз камайтириш, яъни демпинг амалиёти вужудга келган. Бу ўз навбатида, суғурта компаниясининг тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

айрим суғурта турлари, масалан, гаровга қўйилган мулкни суғурталашда кредит олувчиларнинг суғурта компаниясини эркин танлаш имконияти чекланган. Бу ерда суғурта қилдирувчига суғурталовчини танлашда банк ходимининг таъсири сақланиб қолмоқда. Шунингдек, мижозларни, айниқса, йирик мижозларни суғуртага жалб этишда воситачилик ҳақининг қанчалик юқори белгиланганлиги муҳим роль ўйнамоқда. Бу ҳолат ҳам соғлом рақобат муҳитини ривожланишига ғов бўлаяпти;

суғурта қилдирувчи томонидан суғурта компанияси ёки суғурта хизматини танлашда таниш-билишларнинг тавсияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Ваҳоланки, суғурта қилдирувчи суғурта компанияси ёки суғурта маҳсулотини мавжуд ахборотларни таҳлил қилиш асосида ўзи танлаши лозим. Табиий монопол ва монопол мавқега эга бўлган давлат компаниялари, корхоналари томонидан суғурта маҳсулотларини харид қилишда очиқ ва шаффоф бўлган тендер танловларини ташкил этиш яхши йўлга қўйилмаган.

Рақобат шароитида суғурта фаолиятини ривожлантириш ва потенциал суғурта қилдирувчиларга суғурта ташкилотларини эркин

танлаш имкониятини яратиш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

суғурта маҳсулотини, шу жумладан мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта маҳсулотини сотиб олишда суғурта қилдирувчиларга суғурта ташкилотини эркин танлаш имкониятини яратиш, суғуртага мижозларни жалб этиш жараёнида суғурталовчилар ўртасида ўзаро ҳурмат ҳиссини шакллантириш, бунда бозор тамойилларига риоя қилиш, суғурта тарифлари ставкаларини асосиз пасайтиришнинг олдини олиш;

бозорда суғурта ташкилотининг рақобат устунигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида суғурта полисини расмийлаштириш ва суғурта тўловларини амалга ошириш жараёнида “суғурта қилдирувчининг вақтини тежаш” тамойилига риоя қилиш;

соғлом рақобат асосида суғуртага мижозларни жалб этиш учун суғурта тарифини оптималлаштирган ҳолда суғурта маҳсулоти сифатини яхшилаш ва самарали суғурта сервисини йўлга қўйиш;

рақобат шароитида суғурта қилдирувчилар учун қулай нарх белгиланишига таъсир этувчи франшизалар ва суғурта рисклари тўпламини мустақил танлаб олиш имкониятини берувчи суғурта дастурларини кенгайтириш;

оммавий суғурта турлари бўйича рақобат муҳитини баҳолаш механизми ва тизимли аҳамиятга эга бўлган йирик давлат, шу жумладан, табиий монопол ва монопол компаниялар томонидан суғурта маҳсулотларини шаффоф ва очик тендер танловларини ўтказиш асосида харид қилинишини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши кўп минг сонли суғурта қилдирувчиларга сифатли суғурта хизматларини кўрсатилишини таъминлаш билан бир қаторда суғурта компанияларини эркин танлаш имкониятини яратади. Бу ўз навбатида, суғурта фаолиятини

барқарор ривожланишига, мамлакат даражасида суғурта камровининг кенгайишига хизмат қилади.

### **§2.3. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг халқаро тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш йўллари**

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича сўнги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорига асосан суғурта соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини ҳамда ушбу соҳадаги энг яхши жаҳон тажрибаларини изчил жорий этиш мамлакат суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган<sup>152</sup>. Шунингдек, мазкур қарорда миллий суғурта бозорининг ижобий имижини шакллантириш ва юқори даражада ушлаб туриш ҳамда инвестициявий жозибадорлигини, шу жумладан миллий суғурта бозорини халқаро ва хорижий суғурта бозорлари билан интеграциялаш орқали ошириш вазифаларининг қўйилганлиги суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича халқаро тажрибани изчил ва чуқур ўрганиш, унинг энг сўнги ютуқларини Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш ва тартибга солиш жараёнида қўллаш зарурлигини кўрсатади.

Суғурта фаолияти иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларидан тубдан фарқ қилади. Бунини шу билан изоҳлаш мумкинки, суғурта компанияси дастлаб суғурта маҳсулотини сотганлиги учун суғурта мукофоти тарзида хизмат ҳақи олади. Мобода, суғурта шартномаси амалда бўлган давр ичида суғурта ҳодисаси содир бўлгандагина

---

<sup>152</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4459802>.

суғурталовчи зиммасига олган мажбуриятни, яъни “ваъда”ни бажаради. David Blandнинг таъбири билан айтганда суғурталовчи суғурта қилдирувчига ваъдани сотади<sup>153</sup>. Суғурта компанияларнинг мазкур хусусияти уларнинг тўлов қобилияти мустаҳкам бўлишини ва ҳар қандай ҳолатда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш заруриятини келтириб чиқаради.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида суғурта бозори давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тартибга солиб борилади<sup>154</sup>. Шуниси диққатга сазоворки, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизими давлатларнинг тузилиши, иқтисодий сиёсати ва бошқа омилларидан келиб чиқиб, биридан фарқ қилади. Масалан, АҚШда азалдан суғурта фаолиятини тартибга солиш федерал даражада эмас, балки штатлар даражасида амалга оширилган. ЕИда эса суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, бир томондан Иттифоқ доирасида, иккинчи томондан, унга аъзо-давлатларнинг ваколатли идоралари зиммаларига юклатилган. ЕИ доирасида ЕЮРА ташкил этилган бўлиб, у Европа Комиссиясининг мустақил маслаҳат органи ҳисобланади<sup>155</sup>. Унинг асосий вазифаси ЕИ доирасида суғурта фаолиятини тартибга солишга оид қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш, аъзо-давлатлар билан келишган ҳолда ушбу ҳужжатларни ЕИ Парламенти ва Кенгашига тақдим қилишдан иборат.

Ҳозирги кунда жаҳонда суғурта фаолиятини тартибга солиш борасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунга мисол тариқасида бутун дунёда глобализация жараёнларининг тез суръатлар билан кенгайиши ва бу ҳолат, ўз навбатида давлатларнинг суғурта фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқлаштириш, суғурта соҳасида мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш бўйича

<sup>153</sup> Bland David. Insurance: Principles and Practice. The Chartered Insurance Institute. 1993, ISBN 1-85369-112-7, page 26.

<sup>154</sup> Шеннаев Х.М. Ўзбекистон суғурта бозори. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2013. – 130-б.

<sup>155</sup> At the heart of insurance and pensions supervision in Europe. <https://www.eiopa.europa.eu/>.



хамкорликни кучайтиришни тақозо этмоқда. Глобализация жараёнларининг суғурта фаолиятига таъсири тўғрисида Е.Жегалова ўз тадқиқот ишида тўхталиб ўтар экан, глобализация жараёни алоҳида давлатларнинг жаҳон молия ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиши баробарида янги технологияларни жорий этиш ҳисобига молиявий барқарорлигини оширишларига катта имконият яратишини қайд этган<sup>156</sup>.

Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг ҳолати, муаммолари ва истиқболлари хусусида кўплаб олимлар, мутахассислар ҳамда халқаро ташкилот ва компаниялар томонидан илмий ва таҳлилий тусдаги тадқиқот ишлари амалга оширилган. Масалан, Robert W.Klein ўз тадқиқотида рискларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш ва суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун суғурта тармоғининг аста-секин ривожланиши давомида тартибга солувчи органлар ўзларининг назорат қилиш услублари, дастаклари ва сиёсатини такомиллаштириб борганлигини қайд этган. Унинг нуқтан назарига кўра, суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича ислохотлар узлуксиз жараён ҳисобланади ва бунга кўплаб омиллар, хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлари жиддий таъсир кўрсатади<sup>157</sup>.

Andy Winkler амалга оширган тадқиқот натижалари 2008-2009 йилда бўлиб ўтган жаҳон молиявий инқирози глобал тизимли аҳамиятга эга бўлган суғурта компанияларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатганидан сўнг алоҳида давлатлар ва суғурта секторини тартибга солувчи халқаро органлар суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ капиталга ўрнатилган талаблар ва бошқа стандартларни қайта кўриб чиқиш бўйича фаол ҳаракат қилаётганлигини кўрсатган<sup>158</sup>. Тадқиқот муаллифи мазкур глобал

<sup>156</sup> Жегалова Е. Развитие регулирования и надзора на мировом страховом рынке в условиях глобализации: зарубежный и российский опыт. // М.: -журнал "Экономические науки". -№10 (131). -2015.-с.113.

<sup>157</sup> Robert W. Klein. Principles for Insurance Regulation: An Evaluation of Current Practices and Potential Reforms. The Geneva Papers on Risk and Insurance - Issues and Practice volume 37, pages 175-199 (2012). <https://link.springer.com/article/10.1057/gpp.2011.9>.

<sup>158</sup> Andy Winkler. Developments in the Regulation of Global Insurers: A Primer, may 13, 2015. <https://www.americanactionforum.org/research/developments-in-the-regulation-of-global-insurers-a-primer/>.

суғурта компаниялари ва уларнинг кўп сонли шуъба компаниялари бутун дунё бўйлаб миқозларга суғурта хизматларини кўрсатишлари бир қанча юрисдикцияларни қамраб олган тартибга солувчи органлар фаолиятини тузилмавий қайта кўриб чиқиш зарур деган хулосага келган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) экспертлари суғурта компанияларининг турлари суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органларига таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди<sup>159</sup>. Уларнинг фикрларига кўра, суғурта компанияларининг ҳажми ва мураккаблиги тартибга солувчи орган фаолиятига таъсир кўрсатиши, кўпроқ, тегишли давлат органида ишлайдиган ходимлар сони ва бюджетига таъсир кўрсатади.

Суғурта фаолиятини тартибга солишга оид олим ва мутахассисларнинг қараш ва ёндашувларини таҳлил этар эканмиз, Baird Webel ва Carolyn Cobbнинг бу борадаги илмий изланишлари эътиборимизни тортди<sup>160</sup>. Ушбу муаллифнинг ёзишича, суғурта фаолиятини тартибга солишнинг классик шаклланган мақсади суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва уларнинг бизнес фаолиятини мониторинг қилиш орқали суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Baird Webel фикрини давом эттириб, таъкидлайдики, гоё шундан иборатки, одатда, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари суғурта компанияси билан бир хил позицияда турмайди, шу туфайли, суғурта шартномаси шартларини давлат назорат қилиши лозим.

Henry Ellis умумий суғурта тармоғида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларига нисбатан ҳаётни суғурталаш билан шуғулланаётган компаниялар фаолиятини давлат томонидан қаттиқ тартибга солиш ва назорат қилиш керак, деган фикрни илгари сурган<sup>161</sup>. Унинг таъкидлашича, суғурта полиси эгалари, наф олувчилар ва акциядорларга тегишли бўлган йирик миқдордаги пул

<sup>159</sup> Policy Guidance on the Structure of Insurance Regulation and Supervision, OECD 2020, <http://www.oecd.org/finance/insurance/Policy-Guidance-on-the-Structure-of-Insurance-Regulation-and-Supervision.htm>.

<sup>160</sup> Baird Webel, Carolyn Cobb. Insurance Regulation: History, Background, and Recent Congressional Oversight. <https://www.everycrsreport.com/reports/RL31982.html>.

<sup>161</sup> Henry Ellis. Government Regulation of Insurance Companies. Journal A Guide to Insurance Management, Palgrave Macmillan, London. [https://doi.org/10.1007/978-1-349-07495-2\\_17](https://doi.org/10.1007/978-1-349-07495-2_17), Online ISBN 978-1-349-07495-2. [https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-1-349-07495-2\\_17](https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-1-349-07495-2_17).

маблағларини сақловчи ва ҳаракатга келтирувчи ҳаётни суғурталашга ихтисослашган компаниялар фаолиятини назорат қилиш ўринли. Бунга асосий сабаб шуки, ушбу тоифадаги суғурта компанияларининг иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қилиши ва молиявий барқарорлигини йўқотиши, пировардида, салбий иқтисодий ва сиёсий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунга кўра, умумий суғурта тармоғида фаолият юритадиган суғурта компанияларига нисбатан ҳаётни суғурта қилувчи компаниялар фаолиятини қаттиқроқ назорат қилиш зарур, деган хулосага келган Henry Ellis.

И.Пугач суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича илмий қарашларини баён этиб шуни таъкидлайдики, суғурта секторида давлатнинг тартибга солиш бўйича фаоллиги XX асрнинг 90 йилларига нисбатан бугунги кунда сезиларли ошган<sup>162</sup>. Уни баён этишича, бунга иккита сабаб мавжуд: биринчидан, ҳалокатли зарарлар эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган хўжалик субъектлари ўртасидаги рискларни тақсимлаш барқарор иқтисодий ўсишнинг шарти ҳисобланади. Иккинчидан, суғурта компаниялари иқтисодиётга инвестицион ресурсларни, шу жумладан, узоқ муддатли инвестицион ресурсларни етказиб берувчи муҳим молиявий ташкилот сифатида намоён бўлади.

Суғурта фаолиятини тартибга солувчи органлар, нафақат, мамлакат ҳудудидаги суғурталовчилар, балки ушбу мамлакатда фаолият кўрсатаётган хорижий суғурта компанияларини ҳам назорат қилади. Бунда, ҳар бир давлат тегишли қонунчилик ҳужжатларига асосан мамлакатда фаолият юритаётган хорижий суғурта компанияларига нисбатан талабларни белгилайди. Бу ҳақда И.Котловский ва А.Саган шундай ёзади: “Хитой Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида миллий суғурта ташкилотлари учун етарли даражадаги “протекционистик” чораларни қўришни қаттиқ туриб ҳимоя қилган”<sup>163</sup>. Гап шундаки, Хитой қонунчилиги ушбу мамлакатда суғурта бизнесини юритмоқчи бўлган


<sup>162</sup> Пугач И. Государственное регулирование страхового рынка Узбекистана и пути его совершенствования. // журнал “Экономическое обозрение”, №11 (122), 2009. -с.33.

<sup>163</sup> Котловский И.Б., Саган А.И. Государственное регулирование страхового рынка России в условиях вступления в ВТО. // М.: Журнал “Финансы”, №12, 2012. -с.50.

хорижий суурта компанияларининг капитализация ва рейтинг баҳолаш даражаси бўйича қаттиқ талабларни белгилаган.

И.Абдурахмонов ўз тадқиқотида суғурталашни давлат томонидан тартибга солиш воситаларидан фойдаланиш умуман иқтисодиётнинг, хусусан молия секторининг стратегик ривожланиш мақсадларига мувофиқ бўлиши керак, деган хулосага келган<sup>164</sup>. Шунингдек, у суғурта фаолиятини молиявий тартибга солиш тизимини шакллантиришга илмий асосланган ёндашувнинг асоси макро ва микро даражаларни қамраб олган пруденциал тартибга солиш механизмига асосланиши керак, деб ҳисоблайди.

Маълумки, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш суғурта фаолиятини назорат қилувчи давлат органининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунда суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини ошириш муҳим ўрин тутаети (2.9-расмга қаранг).




2.9-расм. Суғурта компаниялари капиталлашув даражасининг ўсиши, млрд.сўм<sup>165</sup>

<sup>164</sup> Абдурахмонов И. Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2020 й.-11-б.

<sup>165</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган

2000-2020 йиллар давомида Ўзбекистон суғурта компанияларининг капиталлашув даражаси мунтазам ошиб борганлигини ушбу расмдан кўриш мумкин. Бундан 20 йил муқаддам суғурта компанияларининг капиталлашув даражаси 7,1 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб унинг миқдори 1439,2 млрд.сўмга етган ёки ўсиш 208,3 мартага тенг бўлган. Айниқса, 2020 йилда суғурта компанияларининг капиталлашув даражаси 2018 йилнинг тегишли кўрсаткичига нисбатан 2,6 мартага ошган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2020 йил 1 июлдан бошлаб суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар)нинг устав капиталига нисбатан белгиланган минимал миқдорлар оширилганлиги сабаб бўлган (10-иловага қаранг).

Суғурта компанияларининг молиявий барқарор фаолият кўрсатиши, кўп жиҳатдан, улар зиммасига олган мажбуриятларнинг ўз вақтида ва ишончли бажара олиш қобилиятига боғлиқ. Шунинг эътиборига олиб қўйидаги расмдаги маълумотларни таҳлил қиламиз.




2.10-расм. Суғурта мажбуриятларининг ўсиши<sup>166</sup>, трлн.сўм

<sup>166</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида таҳлилотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Расмдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, 2000-2020 йилларда суғурта компанияларининг тузилган шартномалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлари ҳажми мунтазам ошиб бориш тенденциясига эга бўлган. Масалан, 2020 йилда суғурта мажбуриятларининг миқдори 1091,1 трлн.сўмга тенг бўлган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2010 йилнинг тегишли кўрсаткичидан 1020,2 трлн.сўмга кўндир. Суғурта мажбуриятларининг ошиб бориши, ўз навбатида, суғурта компанияларида етарли миқдорда суғурта захиралари, ўзлик маблағлари ва активлари бўлишини талаб этади. Зеро, баён этилганлар суғурта компанияси ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлайди. Қуйидаги расмда суғурталовчининг суғурта захиралари, ўзлик капиталлари ва активлари тўғрисида маълумот келтирилган (2.11-расмга қаранг).

Сўнги 10 йил ичида суғурталовчиларнинг суғурта захиралари миқдори қарийб 14 баробарга ўсган бўлиб, 2020 йилда 1899,6 млрд.сўмни ташкил этган.




**2.11-расм. Суғурталовчининг суғурта захиралари, ўзлик капиталлари ва активларининг ўсиш динамикаси<sup>167</sup>, млрд.сўм**

<sup>167</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Суғурта компанияларининг ўзлик капиталлари миқдори 2010 йилда 281,1 млрд.сўмга тенг бўлган бўлса, 2020 йилга келиб унинг миқдори 2246,2 млрд.сўмга етган. Яъни, ушбу давр мобайнида ўзлик капиталлари ҳажми қарийб 8 баробарга ошган. Суғурта мажбуриятларининг бажарилишида муҳим ўрин тутувчи суғурталовчиларнинг активлари ҳажми ҳам сўнги 10 йил давомида 10,8 баробарга кўпайган.

Бизнинг фикримизча, суғурта компанияларининг суғурта захиралари, ўзлик капиталлари ва активларининг доимий ўсиб бориши суғурталовчиларнинг молиявий барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти давлат томонидан қаттиқ назоратга олинади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, амалдаги суғурта қонунчилиги суғурталовчиларга вақтинча бўш турган маблағларини инвестиция объектларига жойлаштириш имокниятини яратган. Бироқ, суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган талабга риоя этишлари лозим. Қуйидаги расмда суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятига онд маълумотлар келтирилган (2.12-расмга қаранг).




2.12-расм. Суғурта компаниялари инвестицияларининг ўсиш динамикаси, (млрд.сўм)<sup>168</sup>

<sup>168</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

2020 йилда суғурталовчиларнинг инвестициялари ҳажми 3382,7 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, 2002 йилга нисбатан қарийб 70 баробарга, 2018 йилга нисбатан эса 1,7 баробарга ўсган. 2004 йилда суғурта компанияларининг инвестициялари ҳажми 141,1 млрд.сўмни ташкил этиб, унинг 94,5 млрд.сўми ёки 67,0 фоизи қимматли қоғозларга, биринчи галда, давлат облигациялари ҳамда акцияларга жойлаштирилган (11-иловага қаранг).

2010 йилда эса суғурта компанияларининг қимматли қоғозларга йўналтирган инвестиция ресурслари жами инвестиция маблағларининг 40,8 фоизини ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса 28,3 фоизи қимматли қоғозларга жойлаштирилган. Кўриниб турибдики, ўтган 18 йил давомида суғурталовчилар инвестиция портфелида қимматли қоғозларнинг улуши сезиларли равишда камайиш тенденциясини кўрсатган.

2020 йил якунлари бўйича суғурта компанияларининг инвестиция портфелини таҳлил қилиш натижалари умумий инвестиция ҳажмида банк депозитларининг улуши юқори эканлигини намоён этган (2.13-расмга қаранг).



2.13-расм. 2020 йилда суғурта компаниялари инвестиция портфелининг таркибий тузилиши, (фоизда)<sup>169</sup>

<sup>169</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.



2020 йилда суғурта компанияларининг инвестиция портфелида банк депозитлари миқдори жами инвестиция маблағларининг 53,8 фоизини ташкил этган бўлиб, кўчмас мулкнинг улуши эса 8,4 фоизни, корхоналарнинг устав фондидаги иштироки бўйича йўналтирилган инвестиция маблағлари ҳажми 8,0 фоизни ташкил этган. Суғурта компанияларининг банк депозитларига йирик миқдордаги пул маблағларини жойлаштиришлари, биринчидан, суғурта компаниялари ва тижорат банклари ўртасидаги муносабатлар самарали йўлга қўйилганлигини, иккинчи томондан, пул маблағларининг банк депозитларига жойлаштирилиши фоиз кўринишида яхши даромад келтириши билан бирга хавфсиз эканлиги билан изоҳланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига кириши тўғрисида”ги 202-сон қарорига мувофиқ мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ваколатига эга бўлган Молия вазирлиги Суғурта назорати халқаро ассоциациясига аъзо бўлиб кирди<sup>170</sup>. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг мазкур ассоциация билан ҳамкорлигини суғурта қонунчилигини такомиллаштириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишларида кучайтириш лозим бўлади.

Бизнинг фикримизча, суғурта бозорини тартибга солишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ҳақида сўз борганда, аввало, АҚШнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Гап шундаки, АҚШ суғурта бозори, аксарият кўрсаткичлар бўйича дунё миқёсида етакчи мавқега эгаллиги билан илмий-амалий қизиқиш уйғотади. Swiss Re Institute халқаро тадқиқот марказининг маълумотларига кўра, 2019 йил якунлари бўйича АҚШ суғурта компаниялари жами 2460,1 млрд.АҚШ доллари миқдорида суғурта

---

<sup>170</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига кириши тўғрисида”ги 202-сон қарори. <https://www.lex.uz/ru/docs/1391267>.

мукофотлари тўплашга эришган<sup>171</sup>. Агар, шу йили глобал суғурта бозори бўйича тўпланган суғурта мукофотларининг миқдори 6292,6 млрд.АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, бунда АҚШнинг хиссаси 39,10 фоизни ташкил этганлигини аниқлаш қийин эмас.

АҚШда суғурта фаолиятини тартибга солиш тизими бошқа давлатларнинг суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимидан кескин ажралиб туради. Ушбу давлатда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш федерал даражада эмас, балки штатлар даражасида амалга оширилади. 1945 йилда АҚШ Конгресси суғурта бизнесини штатлар ҳукуматлари томонидан тартибга солиниши ижтимоий манфаатларга мос келишини назарда тутувчи МакКарран-Фергюсон Қонунини (McCarran–Ferguson Act) қабул қилган<sup>172</sup>. Ҳар бир штатда суғурта комиссариатлари ташкил этилган бўлиб, уларга суғурта комиссарлари раҳбарлик қилади.

АҚШда суғурта фаолияти расман штатлар доирасида тартибга солинсада, шу билан бирга федерал даражада ташкил этилган турли ташкилот ва ассоциациялар мавжуд. Улардан бири 1871 йилда АҚШ штатларининг суғурта соҳасини тартибга солувчи органлари бир штат доирасидан ташқари, бошқа штатларда ҳам суғурта хизматларини кўрсатадиган суғурта компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласини ҳал қилиш мақсадида NAICни ташкил этган<sup>173</sup>. Ассоциация томонидан АҚШ суғурта компаниялари учун ягона бўлган молиявий ҳисоботни ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Шундан сўнг мазкур ассоциация томонидан яратилган қонунчилик концепциялари, маълумотларни тўплаш ва уларни етказишнинг янги тажрибаси ҳамда йирик технологик салоҳият сари интилиши NAICни кўп қиррали мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органи сифатидаги ролини янада оширди.

Ҳозирги кунда NAIC АҚШ штатларининг суғурта комиссариатларига суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти, молиявий

<sup>171</sup> World insurance: riding out the 2020 pandemic storm. Swiss Re Sigma No 4 /2020. [https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4\\_2020\\_en.pdf](https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4_2020_en.pdf).

<sup>172</sup> McCarran–Ferguson Act USA. [https://en.wikipedia.org/wiki/Insurance\\_in\\_the\\_United\\_States#cite\\_ref-14](https://en.wikipedia.org/wiki/Insurance_in_the_United_States#cite_ref-14).

<sup>173</sup> National Association of Insurance Commissioners. A Tradition of Consumer Protection. [https://content.naic.org/index\\_about.htm](https://content.naic.org/index_about.htm).

ҳисоботи, рискка асосланган капиталнинг етарлилиги, бухгалтерия ҳисоби, қайта суғурта, инвестиция ва халқаро суғурта соҳаларида техник экспертиза хизматини кўрсатмоқда.

2010 йилда АҚШ Конгресси Уолл-стрит ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида Додд-Фрэнк Қонунини (Dodd–Frank Wall Street Reform and Consumer Protection Act) қабул қилди<sup>174</sup>. Ушбу қонунга асосан АҚШ газначилик департаменти (U.S. Department of the Treasury's) таркибида суғурта секторининг барча йўналишларини мониторинг қилиш, суғурта фаолиятининг пруденциал жиҳатлари бўйича халқаро ташкилотларда, жумладан IAISда АҚШ номидан иштирок этиш каби вазифалар юклатилган Федерал суғурта офиси (Federal Insurance Office) ташкил этилган<sup>175</sup>.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий модели Буюк Британия ва Германияда шаклланган десак, асло муболаға бўлмайди. Буюк Британия суғурта бозори дунёда энг ривожланган бозорлар тоифасига мансуб бўлиб, суғурта компанияларининг аксарияти хорижий мамлакатларда ўз филиаллари ва ваколатхоналарига эга.

2013 йил 1 апрелдан Буюк Британияда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ишларини куйидаги иккита ташкилот амалга оширади:

Англия Банкининг Пруденциал назорат хизмати (Prudential Regulation Authority, PRA);

Молия бозорларида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш хизмати (Financial Conduct Authority).

Пруденциал назорат хизмати, нафақат молия-кредит ташкилотларининг, балки инвестиция ва суғурта компанияларининг фаолиятини назорат қилади. Унинг асосий вазифаси мазкур суғурталовчиларнинг хавфсиз ва ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳисобланади. Хизмат суғурта компанияларининг

<sup>174</sup> Mayhall Van. "A Brief Chronicle of Insurance Regulation in the United States, Part II: From McCarran-Ferguson to Dodd-Frank". Insurance Regulatory Law. Archived from the original on 20 January 2013. [https://en.wikipedia.org/wiki/Insurance\\_in\\_the\\_United\\_States#cite\\_note-Mayhall-16](https://en.wikipedia.org/wiki/Insurance_in_the_United_States#cite_note-Mayhall-16).

<sup>175</sup> Federal Insurance Office. <https://home.treasury.gov/policy-issues/financial-markets-financial-institutions-and-fiscal-service/federal-insurance-office/about-fio>.

молиявий ҳолатини баҳолайди ва полис эгаларининг етарли даражада ҳимояланишини таъминлайди. Пруденциал назорат хизматининг ваколатлари 2012 йилда қабул қилинган “Молиявий хизматлар тўғрисида”ги (the Financial Services Act) Қонунда ўз аксини топган<sup>176</sup>.

Молия бозорларида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш хизмати 2013 йил 1 апрелдан фаолият юритади ва унинг асосий вазифаси молия бозорининг яхши ишлашини таъминлаш, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, самарали рақобат муҳитини яратиш ҳисобланади<sup>177</sup>. Мазкур хизмат мустақил давлат органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолияти натижалари бўйича Буюк Британия молия тизими учун масъул бўлган - Англия Ҳазначилигига ва Парламентига ҳисобдордир. Молия бозорларида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш хизмати тўлиқ ўзининг назоратида бўлган компаниялар томонидан молиялаштирилади. Шунингдек, суғурта агентлари ва брокерларининг фаолияти ҳам мазкур ташкилот томонидан тартибга солинади.

Бизнинг назаримизда, Европада суғурта фаолиятини тартибга солиш соҳасида илғор тажриба орттирган Германияда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Мазкур давлатда суғурта компанияларининг фаолиятини назорат қилиш “Суғурта назорати тўғрисида”ги Қонунга (Versicherungsaufsichtsgesetz - VAG) асосланади<sup>178</sup>. 2002 йил 1 майда Суғурта назорати федерал хизмати Банк назорати ва қимматли қўғозлар федерал хизмати билан бирлашди ҳамда унинг негизида ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб келаётган Германия Молиявий назорат федерал хизмати (Bundesanstalt für Finanzdienstleistungsaufsicht - BaFin) ташкил этилди<sup>179</sup>. “BaFin” деб аталувчи мазкур хизматнинг асосий вазифаси молия секторининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш орқали молиявий

<sup>176</sup> The Financial Services Act United Kingdom. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2012/21/enacted>.

<sup>177</sup> About the FCA. <https://www.fca.org.uk/about/the-fca>.

<sup>178</sup> Act on the Supervision of Insurance Undertakings (German Insurance Supervision Act, Versicherungsaufsichtsgesetz - VAG). 04.06.2019. [https://www.bafin.de/SharedDocs/Downloads/EN/Aufsichtsrecht/dl\\_vag\\_en\\_va.html](https://www.bafin.de/SharedDocs/Downloads/EN/Aufsichtsrecht/dl_vag_en_va.html).

<sup>179</sup> Insurance Supervision in Germany. History of Insurance Supervision. [https://www.bafin.de/EN/DieBaFin/AufgabenGeschichte/Versicherungsaufsicht/versicherungsaufsicht\\_node\\_en.html](https://www.bafin.de/EN/DieBaFin/AufgabenGeschichte/Versicherungsaufsicht/versicherungsaufsicht_node_en.html).

маҳсулотлар, шу жумладан суғурта маҳсулотлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

“Суғурта назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 294-моддасига мувофиқ ВаFin суғурта қилинган шахсларнинг лозим даражада ҳимояланганлигини, суғурта шартномалари бўйича суғурта компанияси ўз зиммасига олган мажбуриятлар доимо бажарилишини ҳамда бизнес-жараён тўғри ва қонунчилик нормаларига риоя этган ҳолда амалга оширилаётганлигини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб, ВаFin суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратади. Чунинчи, суғурталовчилар мажбуриятларининг тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш учун мос даражада техник захираларни шакллантириши, ўзининг активларини “ақл-идрок тамойили”га мувофиқ инвестиция қилиши ҳамда сифатли бизнес амалиёти қоидаларига риоя қилишлари зарур.

Германия молиявий назорат Федерал хизмати амалдаги қонунчилик талабларини бузган барча суғурта компанияларига тегишли жазо чораларини қўллаш ваколатига эга. “Суғурта назорати тўғрисида”ги Қонунга асосан суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларига зиён келтирадиган ҳар қандай салбий ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўладиган тартибга солиш бўйича турли норматив ҳужжатлар қабул қилиши мумкин. Бунга яна қўшимча равишда Федерал хизмат суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларига зарар келтирадиган ҳолатларда суғурта компаниясининг директорлар Кенгаши, Кузатув кенгаши ва бошқа бошқарув тузилмасини алмаштириш йўли билан махсус комиссарни тайинлашга ҳақли. Бизнинг фикримизча, Германиянинг ушбу тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш анча самарали бўлиши мумкин.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича Япония тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Чунки, Япония суғурта сектори дунёда АҚШ, Европа давлатлари билан рақобатлашиш салоҳиятига эга. 2019 йил якунлари бўйича мазкур давлат суғурта компаниялари томонидан 459,3 млрд.АҚШ доллари миқдоридан суғурта

мукофотлари тўпланган. Ушбу кўрсаткич бўйича Япония дунёда АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи ўринни эгаллаган<sup>180</sup>.

Японияда суғурта фаолиятини тартибга солиш Молиявий хизматлар агентлиги (Financial Services Agency) томонидан амалга оширилади<sup>181</sup>. 1995 йили қабул қилинган “Суғурта бизнеси тўғрисида”ги Қонунда (Insurance Business Act Japan) суғурта компанияларининг фаолиятини назорат қилишга оид меъёрлар мавжуд<sup>182</sup>. Шуниси эътиборлики, суғурта компанияларига фаолиятни амалга ошириш бўйича лицензияни ҳамда уни чақириб олишни Япония Бош вазири амалга оширади. “Суғурта бизнеси тўғрисида”ги Қонун доирасида Молиявий хизматлар агентлиги суғурта компаниялари, суғурта холдинг компаниялари, суғурта брокерлари ҳамда уларнинг филиалларини текширишга ва ҳисоботлар талаб қилишга ҳақли. Шунингдек, Агентлик қонунчилик ҳужжатларига риоя этилмаган тақдирда суғурта компаниялари, шу жумладан суғурта холдинг компанияларига маъмурий чоралар кўриш ваколатига ҳам эга.

Япония Молиявий хизматлар агентлиги “Суғурта бизнеси тўғрисида”ги Қонун доирасида суғурталовчилар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишга доир қоидалар ишлаб чиқиши мумкин. Суғурта компаниялари ҳар бир молия йили учун оралик бизнес-ҳисобот ва йиллик ҳисоботни Агентликка тақдим этиши шарт. Молиявий ҳисоботга суғурталовчининг бизнес мақоми ва мулкига оид тушунтириш ҳужжатлари ҳам илова қилинади. Агар суғурта компанияси ўзининг таъсис шартномасидан ташқари, бошқа базавий ҳужжатларига ўзгартириш киритмоқчи бўлса, бу масалада Агентликнинг дастлабки рухсатномасини олиши талаб этилади.

Япониянинг “Суғурта бизнеси тўғрисида”ги Қонуни суғурталовчи бизнесининг барқарорлигини баҳолаш стандарти

<sup>180</sup> World insurance: riding out the 2020 pandemic storm. Swiss Re Sigma No 4 /2020. [https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4\\_2020\\_en.pdf](https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4_2020_en.pdf).

<sup>181</sup> Shinichi Takahashi, Yukihito Machida, Takahiro Sato and Ayako Onishi, Nishimura and Asahi. A Q&A guide to insurance and reinsurance in Japan. [https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/0-501-3163?transitionType=Default&contextData=\(sc.Default\)&firstPage=true&bhcp=1](https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/0-501-3163?transitionType=Default&contextData=(sc.Default)&firstPage=true&bhcp=1).

<sup>182</sup> Insurance Business Act Japan. Act No. 105 of June 7, 1995. [http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail\\_main?re=&vm=2&id=2054](http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?re=&vm=2&id=2054).

сифатида тўлов қобилияти маржаси коэффицентини назарда тутди. Маржа коэффицентини эълон қилинган капитални суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган стандарт прогноздан ошган эҳтимол тутилган рискка мувофиқ келадиган захира ва бошқа пул маблағларига бўлиш орқали ҳисобланади. Суғурта компанияларига суғурта ва унга яқин бўлган фаолият турларидан бошқа ҳар қандай бизнес билан шуғулланишга йўл қўйилмайди<sup>183</sup>.

1980 йилдан бошлаб Хитой суғурта секторининг ривожланиши жадаллашди ва ушбу соҳа иқтисодиётнинг энг тез раванқ топаётган соҳаларидан бирига айланди. Суғурта мукофотларининг йиллик ўсиши ўртача 30 фоизни ташкил этди ва натижада 2019 йилга келиб, Хитой суғурта сектори дунёда иккинчи ўринга чиқди. Суғуртада хусусий секторнинг ривожланиши ортидан соҳани давлат томонидан тартибга солишга эҳтиёж туғилди. 1995 йилда Хитойнинг “Суғурта тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва ушбу қонун асосида Хитой халқ банки таркибида суғурта компанияларини назорат қилиш функцияси юклатилган Суғурта бўлими ташкил этилди<sup>184</sup>. Кейинчалик ушбу бўлим негизида Хитой суғурта фаолиятини тартибга солиш комиссияси тузилди.

2018 йил 18 мартда халқ вакилларининг бутун Хитой йиғилишида давлатни институционал ислоҳ қилиш режаси эълон қилинди. Унга мувофиқ Хитой халқ банки банк ва суғурта фаолиятини тўғридан-тўғри назорат қилиш вазифасини ўз зиммасига олди. 2018 йил 8 апрелда Хитойнинг банк фаолиятини тартибга солиш комиссияси (China Banking Regulatory Commission) ва суғурта фаолиятини тартибга солиш комиссияси (China Insurance Regulatory Commission) тугатилиб, унинг негизида ҳозирги кунда

<sup>183</sup> Hironori Nishikino, Koji Kanazawa. Chambers Global Practice Guides. Japan – Law and Practice. Contributed by Chuo Sogo Law Office, P.C. Insurance. <https://www.clo.jp/wp-content/uploads/2018/03/Insurance2018Jp.pdf>.

<sup>184</sup> Bingzheng Chen, Sharon Tennyson, Maoqi Wang, Haizhen Zhou. The Development and Regulation of China's Insurance market: History and perspectives. Risk Management and Insurance Review, 2013, Vol. 17, No. 2, 241-263? DOI: 10.1111/rmir.12012. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/rmir.12012>.

фаолият кўрсатаётган CBIRC ташкил этилди<sup>185</sup>. Ушбу комиссиянинг асосий вазифаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ молия хизматлари истеъмолчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, банк ва суғурта секторларининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашдан иборат.

Сўнги ўн йилликда Хитой суғурта бозори тез суръатлар билан ривожланиш тенденцияларини намоён қилмоқда. Pedro Gonçalves Хитой суғурта секторининг салоҳияти ҳақида тўхталиб, Пекиннинг суғурта тармоғи учун биринчи миллий стандартни ишлаб чиққанлиги унинг дунё суғурта бозорида суғурта мукофотлари ҳажми бўйича иккинчи ўринни эгаллашга бўлган интилишидан далолат беради, деб ҳисоблайди<sup>186</sup>. CBIRCнинг маълумотларига кўра, миллий стандарт 817 та моддадан иборат бўлиб, суғурта секторига оид барча терминларга фундаментал аниқлик киритади. Шунингдек, миллий стандартда барча суғурта маҳсулотлари, суғурта шартномаси, суғурта қопламалари, маркетинг ва сотиш бўйича атрофлича маълумотлар берилган. Миллий стандарт суғурта маҳсулоти истеъмолчиларига мўлжалланган бўлиб, суғурта компаниялари томонидан тақдим этиладиган суғурта маҳсулотлари тўғрисида яхши тушунча олишда истеъмолчиларга ёрдам беради.

Европа Иттифоқи Комиссияси таркибида ташкил этилган Европа суғурта ва меҳнат пенсиялари хизмати Евроҳудда жойлашган суғурта компанияларининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича аъзо-давлатларнинг миллий органларига суғурта назоратини тўғри ва самарали ташкил этиш мақсадида турли стандартлар, масалан 2016 йил 1 январдан кучга кирган халқаро Solvency II стандартини жорий қилиш, миллий қонунчилик ҳужжатларини Иттифоқ доирасида мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш борасида ўзига хос ўринни эгаллайди

<sup>185</sup> Guide for Foreign Investors in China's Banking and Insurance sectors. The Insurance Asset Management Association of China Law Offices, May 2019. <https://www.iamac.org.cn/xhgz/201906/P020190628547942563466.pdf>.

<sup>186</sup> Pedro Gonçalves. China sets national standards for insurance industry. <https://www.internationalinvestment.net/news/4001824/china-sets-national-standards-insurance-industry>.



Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ва таҳлил этишга оид биз томондан амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш ва тақлифларни шакллантириш имкониятини яратди.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония ва Хитой каби суғурта сектори юқори даражада ривожланган давлатларнинг суғурта соҳасини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича тажрибасини ўрганиш тартибга солиш билан боғлиқ баъзи жиҳатларни Ўзбекистон суғурта секторини тартибга солишда қўллаш мумкин, деган хулоса чиқаришга асос бўлди.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг Суғурта назорати халқаро ассоциацияси билан ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз<sup>187</sup>. Ҳамкорлик йўналишлари мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солиш жараёнида халқаро ташкилот томонидан ишлаб чиқилган стандартлар, услубий кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатларидан самарали фойдаланиш, шунингдек кадрлар салоҳиятини ошириш ишларини қамраб олиши даркор.

NAIC ва АҚШ штатларининг суғурта комиссариатлари ўртасида суғурта секторини тартибга солиш юзасидан ишчан ва самарали алоқа ўрнатилган. Бу фақат суғурта секторини ривожланишига хизмат қилади. Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ва Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси ўртасида суғурта бозорини тартибга солиш ва назорат қилиш борасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари, СВIRC томонидан суғуртанинг фундаментал терминлари, барча суғурта маҳсулотлари, суғурта шартномаси, суғурта қопламалари, маркетинг ва сотиш бўйича атрофлича маълумотларни ўз ичига олган миллий

<sup>187</sup> Шеннаев Х.М. Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси. // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jumali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil. – 238-б.

стандартнинг ишлаб чиқилганлиги бизда катта қизиқиш уйғотди. Фикримизча, мана шундай стандартни Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки, мазкур стандарт орқали кўп сонли суғурта маҳсулоти истеъмолчилари суғурта фаолиятига оид билим ва қарашларини ўзгартириш имкониятига эга бўлади.

Илғор халқаро тажрибани ўрганиш натижалари кўпгина халқаро, минтақавий ташкилотлар ва давлатларнинг суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари ҳузурида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертизадан ўтказиш, суғурта фаолиятини ривожлантириш бўйича тавсиялар бериш ваколатига эга бўлган Маслаҳат кенгашлари ташкил этилганлигини кўрсатди.

Масалан, ЕИ комиссияси ва унинг таркибидаги хизматлар, хусусан, ЕЮРА ҳузурида ана шундай ваколатга эга бўлган банк иши, тўловлар ва суғурта бўйича экспертлар гуруҳи (The Expert Group on Banking, Payments and Insurance - EGBPI) ташкил этилган.

ЕОИИнинг ЕОИК ҳузурида Молиявий бозорлар бўйича маслаҳат қўмитаси ташкил этилган. Унинг фаолияти ЕОИИга аъзо-давлатларнинг молия бозорлари соҳасидаги миллий қонунчилигини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган.

2016 йилда Белоруссия Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғурта масалалари бўйича жамоатчилик маслаҳат кенгаши ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси суғурта фаолияти бўйича ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни объектив кўриш ва муҳокама қилиш, кўриб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича тавсиялар тайёрлаш, суғурта фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрланишини таъминлаш, суғурта соҳасидаги муаммовий масалаларни муҳокама қилиш ҳисобланади.

Суғурта фаолиятини модернизация қилиш ва ривожлантириш, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, миллий суғурта бозорининг рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибдорлигини ошириш юзасидан тавсиялар

ишлаб чиқиш мақсадида мамлакатимизнинг суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи органи хузурида Маслаҳат кенгаши ташкил этилмаган. Шунинг ҳисобига олган ҳолда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш давлат органи хузурида Суғурта фаолиятини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгашининг ташкил этиш тавсия этилади.

Кенгашнинг мақсади Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиш, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш асосида миллий суғурта бозорини ислоҳ қилиш, республика суғурта бозорини жаҳон суғурта бозорига интеграциялашувини таъминлаш бўйича халқаро стандартлар ва нормаларни мамлакат суғурта бозорига татбиқ этиш ҳамда суғурта бозорини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ва норматив ҳужжатларни тизимли такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш давлат органи раҳбариятига тақдим этишдан иборат. Суғурта фаолиятини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгашнинг фаолият йўналишлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иш регламенти ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган низомда ўз аксини топади

Юқоридагиларни умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш натижалари бўйича шакллантирилган хулоса ва тақлифлар мамлакатимизнинг суғурта фаолиятини тартибга тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

## **II боб бўйича хулосалар**

Диссертация ишининг иккинчи боби доирасида амалга оширилган тадқиқот натижалари суғурта фаолияти иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади, деган муҳим хулосани чиқаришга асос бўлди. Суғурта мукофотининг ЯИМдаги салмоғи ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳар қандай

мамлакатда суғурта фаолиятининг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлашда асосий мезон эканлиги инобатга олинди. 2019 йилда ЯИМ ҳажми бўйича дунёда энг юқори ўринда турувчи 16 та давлатнинг суғурта фаолиятига оид кўрсаткичларини тадқиқ этиш асосида мамлакат ЯИМда суғурта мукофотларининг салмоғи қанчалик юқори бўлса, ушбу мамлакатда суғурта фаолиятининг иқтисодий ўсишга таъсири юқори бўлиши ҳақида асослаган хулоса шакллантирилди. ЯИМ ва суғурта мукофотининг ўзаро таъсирини ўрганиш мақсадида тузилган эконометрик моделлаштириш мазкур омиллар орасида регрессион-корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди.

Тадқиқот ишининг мазкур бобида МДҲга аъзо бўлган 11 та давлатда (Туркменистон Республикасидан ташқари) суғурта фаолиятининг иқтисодий ривожланишга таъсири ўрганилди. Амалга оширилган тадқиқот натижалари жаҳон суғурта бозорида мазкур мамлакатларнинг бирортасининг суғурта мукофотлари ҳажми бўйича улуши 0,5 фоизга ҳам етмаслигини кўрсатди. Шунингдек, суғуртанинг иқтисодиёт ва аҳоли орасига кириб бориш даражаси, яъни суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши жуда паст.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича хорижий тажрибанинг кўрсатишича, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ваколатли давлат органларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бунда суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини ошириш, суғурта захиралари ва активлар ҳажмини қабул қилинган суғурта мажбуриятларига мутаносиблигини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг IAIS, иккинчи томондан Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси билан ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим.

Кўп сонли суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг суғурта фаолиятига оид билим ва қарашларини бойитиш мақсадида суғуртанинг фундаментал терминлари, барча суғурта

маҳсулотлари, суғурта шартномаси, суғурта қопламалари, маркетинг ва сотиш бўйича атрафлича маълумотларни ўз ичига олган миллий стандартнинг ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Суғурта фаолиятини ривожлантириш, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда миллий суғурта бозорининг рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи орган ҳузурида Маслаҳат кенгашини тузиш лозим.

## III БОБ. КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА УНИНГ СУҒУРТА ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ

### §3.1. Пандемия шароитида глобал суғурта секторидаги рецессия ҳолати ва унинг ўзгариши

Коронавирус пандемиясига қарши курашиш доирасида дунё мамлакатлари ҳукуматлари томонидан кўриладиган чора-тадбирлар, фавқулодда ҳолат ва карантин режимининг жорий этилиши, глобал иқтисодиётда кузатиладиган салбий ҳолатлар, шубҳасиз, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, шу жумладан суғурта секторида ҳам йирик йўқотишлар ва иш фаолиятида узилишларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Амалга оширилган тадқиқотлар, аксарият мамлакатларда суғурталовчилар, бир томондан ва уларнинг мижозлари бўлган суғурталанувчилар, иккинчи томондан, чекловлар ва иқтисодий сустлик шароитида ўзаро коммуникацияларни йўлга қўйиш, бизнесни тўғри ташкил этишга унчалик тайёр эмаслигини кўрсатди<sup>188</sup>. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда пандемия даврида суғурта секторини давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши ва ушбу соҳага рақамли технологияларни жорий этиш анча илгарилаб кетган бўлишига қарамай мазкур сектор анча йўқотишларга дуч келганлигини таъкидлаш лозим.

Глобал суғурта бозорининг етакчи операторларидан бири “Lloyd’s of London” корпорацияси бош директори John Neal COVID-19 коронавирус пандемияси туфайли кўрилган зарарлар глобал суғурталовчиларга 203 млрд.АҚШ долларга тушишини прогноз қилган ва ушбу пандемия туфайли кўриладиган чеклов тадбирлари 2020 йилнинг учинчи чорагида ҳам давом этадиган бўлса, суғурта компаниялари томонидан тўланадиган зарарлар

---

<sup>188</sup> Шеннаев Х.М. Пандемия даврида глобал суғурта сектори: рецессия давом этмоқда. // “Молия ва банк иши”

электрон илмий журнали, IV сон. июль - август, 2020. – 98-б.

миқдори янада ошиши мумкинлигини қайд этган<sup>189</sup>. “Lloyd’s of London” корпорацияси коронавирус пандемияси сабаб суғурталанувчилардан келиб тушадиган суғурта даъволари бўйича 4,3 млрд.АҚШ доллари миқдориди суғурта тўловларини амалга ошириши мумкин. Мазкур пандемия билан боғлиқ глобал инқироз 2001 йил 11 сентябрда АҚШда жойлашган савдо марказига уюштирилган террорчилик ҳаракатига тенглаштирилган. John Nealнинг фикрича, 2020 йилда коронавирус пандемияси ортидан глобал суғурталовчилар кўрадиган зарарнинг тахминан 107 млрд.АҚШ доллари соф суғурта тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, 96 млрд.АҚШ доллари инвестиция портфелидаги молиявий йўқотишлар сабаб юзага келиши прогноз қилинган.

COVID-19 коронавирус пандемияси даврида глобал суғурта бозорида рўй бераётган ўзгаришлар, суғурта хизматлари кўрсатиш ҳажмининг кескин пасайганлиги, ўз-ўзидан глобал суғурта секторида рецессия жараёнини бошланганлигини англатади. Коронавирус пандемияси шароитида глобал суғурта бозорида кузатилаётган салбий ҳолатлар ва уларни бартараф этиш бўйича таниқли олимлар ва мутахассислар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий тадқиқот ишларида коронавируснинг аҳоли ўртасида кенг тарқалишини олдини олиш ва камайтириш мақсадида ҳукуматлар томонидан қўлланилаётган карантин чекловлари туфайли иқтисодиётда инқирозли ҳолатларнинг вужудга келиши, пировард натижада, глобал суғурта секторида рецессия жараёнининг кузатилаётганлиги турли ёндашув ва қарашлар асосида таҳлил этилаётганлигини кўриш мумкин. Масалан, суғурта соҳасидаги йирик экспертлар тоифасига мансуб бўлган Underwood Alice ўз тадқиқотларида пандемиянинг потенциал қўлами ва уни тизимли тусга эга эканлигини инобатга олиб келгусида пандемик хавфлар муаммосини ҳал этиш учун давлат томонидан суғурта секторини қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги тўғрисида баҳс-

<sup>189</sup> John Neal, CEO of Lloyd’s. COVID-19 will see historic losses across the global insurance industry. Thu 14 May 2020. <https://www.lloyds.com/news-and-risk-insight/press-releases/2020/05/covid19-will-see-historic-losses-across-the-global-insurance-industry>.

мунозаралар бошланганлигини ёритган<sup>190</sup>. Шунингдек, Underwood Alice Франция ҳукумати келгусида коронавирус пандемияси даврида суғурта хизматларини кўрсатиш муаммоларини тадқиқ этиш учун махсус ишчи гуруҳ ташкил этганлигини баён этган.

Нуфузли глобал рейтинг компанияси ҳисобланган Fitch Ratings компанияси 2020 йил 7 майда эълон қилган “For Commercial Insurance Market is Hardening” номли ҳисоботида сўнги икки йил давомида жаҳон миқёсида рўй берган йирик фалокатлар туфайли кўрилган зарарларни қоплаш учун суғурта компаниялари амалга оширган тўловлар, ўз навбатида, суғурта тарифларини ошириш орқали молиявий ҳолатларини яхшилашга қаратилган бир пайтда коронавирус пандемиясининг оқибатлари натижасида суғурталовчилар 2021 йилнинг иккинчи ярмига қадар фойда олиши амри маҳол эканлигини қайд этган<sup>191</sup>. АҚШдаги йирик глобал суғурта компанияларидан бири “AIG” компанияси бош директори В.Дуперреaultнинг фикрича, COVID-19 суғурта саноати учун катта йўқотишларга олиб келади<sup>192</sup>. Глобал суғурта секторида фаолият кўрсатаётган йирик суғурта компанияларининг ўзаро бирлашиши, қўшилиши ва бирининг иккинчиси томонидан ютиб олиниши соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган David Lambert, Isabelle Santenas COVID-19 қисқа ва ўрта муддатли истикболда бирлашишлар ва ютиб олишлар соҳасида сезиларли даражада фаоллик кўрсатмайди, деган фикрни илгари сурган<sup>193</sup>. Бироқ, уларнинг фикрича пандемия суғурта секторидаги заиф тузилмаларга эгиб-борни кучайтиради ҳамда суғурта соҳасида бирлашишлар ва ютиб олишлар борасидаги операцияларни рағбатлантиради. Шубҳасиз шу нуқтаи назардан, David Lambert ва Isabelle Santenasнинг илмий қарашлари таҳсинга сазовор.

<sup>190</sup> Underwood Alice. COVID-19 general insurance losses range from \$32 billion to \$80 billion across key classes in U.S. and U.K., May 1, 2020. //https://www.willistowerswatson.com/en-US/News/2020/05/covid-19-general-insurance-losses-range-from-32-billion-dollar-to-80-billion-dollar? mod=article\_inline.

<sup>191</sup> For Global Insurers, Pandemic Likely to Erase Profits Until 2021 Second Half: Fitch, May 11, 2020. https://www.insurancejournal.com/news/international/2020/05/11/568137.htm.

<sup>192</sup> Brian Dupereault. CEO of American International Group, Forbes Global 2000: Pandemic Will Roil the Insurance Sector. https://www.forbes.com/sites/advisor/2020/05/13/forbes-global-2000-pandemic-will-roil-the-insurance-sector/#d83390b1b5b8.

<sup>193</sup> David Lambert, Isabelle Santenas. How COVID-19 will impact M&A in the insurance sector (2020). //https://www.ey.com/en\_gl/insurance/how-covid-19-will-impact-m-a-in-the-insurance-sector.



Коронавирус инфекциясининг суғурта секторига таъсирини ўрганар экан, Ben Dickson шундай ёзади: “Инқирозлар ва ҳалокатлар шароитида бизнесни қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган суғурта саноати шундай бир мураккаб даврда олдинги қаторда турган секторлардан бири ҳисобланади”<sup>194</sup>. Биз ушбу тадқиқотчининг фикрларини маъқуллаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаймизки, барча бошқа секторларда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сингари суғурта компаниялари ҳам пандемиянинг оқибатларидан хулоса чиқармоқда.

Айрим илмий тадқиқот ишларида коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган зарарларни суғурта сектори кўмагида қоплаш мумкинлиги ҳақида баҳс-мунозара талаб ёндашувлар мавжуд. Масалан, Daniel S.Glaser суғурталовчилар коронавирус пандемияси туфайли кўрилган зарарларни қоплаш учун миллиардлаб доллар миқдоридида суғурта тўловларини амалга оширади. Бироқ, бу билан суғурта секторининг пандемияга жавоб чоралари тугамайди, – деб фикрини давом эттиради Daniel S.Glaser<sup>195</sup>. Бизнинг назаримизда, мазкур муаммонинг кўлами шундай ёндашувни талаб этадики, бунда суғурта компаниялари, ҳукумат ва суғурта полиси эгалари биргаликда келажақда пайдо бўладиган ҳар қандай пандемияга қарши курашиш бўйича самарали стратегик ишланма яратишлари лозим.

Lloyd Dixon, Bethany Saunders-Medina COVID-19 сабаб суғурталовчилар тузилган суғурта шартномалари доирасида тадбирларни бекор қилиш натижасида кўриладиган зарарлар, савдо кафолати ва ходимларга компенсациялар тўлаш билан боғлиқ йирик суғурта суммаларини тўлашга мажбур эканлигига илмий жамоатчилик эътиборини қаратади, деб ҳисоблайди<sup>196</sup>. Шунингдек, ушбу тадқиқотчилар суғурта компаниялари аксарият ҳолатларда ижтимоий масофани сақлаш мақсадида ишчи-ходимларни таътилга чиқариш

<sup>194</sup> Ben Dickson. How the coronavirus crisis is changing the insurance industry? (2020). <https://thenextweb.com/growth-quarters/2020/06/09/how-the-corona-virus-crisis-is-changing-the-insurance-industry/>.

<sup>195</sup> Daniel S. Glaser. CEO of Marsh & McLennan, how we can set up America's insurance system for a future pandemic// <https://fortune.com/2020/06/04/coronavirus-pandemic-risk-insurance/>.

<sup>196</sup> Lloyd Dixon. Bethany Saunders-Medina. Is It Time for a Federal Pandemic Insurance Program? // <https://www.rand.org/blog/2020/06/is-it-time-for-a-federal-pandemic-insurance-program.html>.

ва ишдан бўшатиш натижасида бизнесни тўхтаб қолиши билан боғлиқ харажатларни қопламасликлари мумкинлигига ишора қилади.

Bruce Carnegie-Brown ўтказган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, суғуртанинг асосий мақсади корхона ва ҳамжамиятларга улар дуч келаётган хавф-хатарларни олдини олиш ва бартараф этишда кўмаклашиш, стихияли ҳодисалар содир бўлиши оқибатида пайдо бўлган зарарларни қоплаш орқали уларнинг хавфсизлигини ва иқтисодий ўсишини таъминлашдан иборат<sup>197</sup>. Ушбу тадқиқотчининг хулосаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда Andrew Brooks куйидагиларни ёзади: “Ўзининг имкониятларини фаоллаштириш ва кадр-қимматини жамиятга намоиш этиш учун суғурта секторининг айна даври келди”<sup>198</sup>. Пандемия шароитида суғурта секторининг фаоллигини сақлаб қолиш ва рецессия ҳолатидан муваффақиятли чиқишини таъминлаш масалалари бўйича Benjamin Robertsonнинг ғоялари илмий-амалий жиҳатдан қизиқиш уйғотади. У ёзади: “Жаҳоннинг йирик суғурта бозорлари таркибига кирувчи “Lloyds London” келажакда пандемия ва шунга ўхшаш глобал таҳдидлардан ҳимоя қилишни назарда тутувчи ҳукумат томонидан молиялаштириладиган янги суғурта полисларини яратиш бўйича таклифларни илгари сурмоқда. Янги шакл ва мазмундаги суғурта полислари пандемия шароитида ҳукумат томонидан кўрилган қатъий карантин чоралари туфайли ёпилган корхоналарнинг бой берилган даромадларини суғурта механизми орқали тиклаш учун мўлжалланган”<sup>199</sup>. Бизнинг фикримизча, “Lloyds London” томонидан ишлаб чиқилган таклиф ўринли ва бу баҳс-мунозара талаб этмайди.

<sup>197</sup> Bruce Carnegie-Brown. Lloyd's Chairman, Lloyd's presents solutions for global industry and government partnerships to fast-track societal and economic COVID-19 recovery. // <https://www.lloyds.com/news-and-risk-insight/press-releases/2020/07/lloyds-presents-solutions-for-global-industry-and-government-partnerships>.

<sup>198</sup> Andrew Brooks. CEO of Ascot Group, Lloyd's presents solutions for global industry and government partnerships to fast-track societal and economic COVID-19 recovery//. <https://www.lloyds.com/news-and-risk-insight/press-releases/2020/07/lloyds-presents-solutions-for-global-industry-and-government-partnerships>.

<sup>199</sup> Benjamin Robertson. Markets Lloyd's of London Steps Up Call for Expanding Pandemic Insurance. // <https://www.bloomberg.com/news/articles/2020-06-30/lloyd-s-of-london-steps-up-call-for-expanding-pandemic-insurance>.

COVID-19 коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган рецессия ҳолатидан қисқа муддатда чиқиш учун баъзи суғурта компаниялари янги инновацион ёндашувларга таянмоқда. Жумладан, “Swiss Re China” суғурта компанияси бош директори John Chen “Пандемия даврида суғурта қамровини кенгайтириш учун Хитой суғурта компаниялари мақсадли ва индивидуал функцияга эга маҳсулот ҳамда хизматларни ишга тушириши лозим”, - деб ҳисоблайди<sup>200</sup>. Унинг фикрича, ҳозирги кунда Хитой суғурта бозори олдида кўндаланг турган муаммолар қаторига пандемиядан кейин иқтисодий тиклаш, андеррайтинг сиёсатидаги ўзгаришлар, иқлимнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳалокатлардан муҳофазаланишдаги узилишлар, автосуғуртани комплекс ислоҳ қилиш, тиббий суғуртанинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва рақамлаштириш масалаларини киритиш мумкин.

Жаҳоннинг нуфузли рейтинг компаниялари томонидан пандемия даврида глобал суғурта секторида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларига тақдим этилган халқаро рейтинг кўрсаткичларини турли нуқтаи-назардан таҳлил қилишга киришмоқдалар. Чунончи, Fitch Ratings компанияси томонидан 2020 йил 16 июнда эълон қилинган ҳисоботда қайд этилишича, пандемия бошланган ва давом этаётган жорий йилнинг ўтган саккиз ҳафтаси ичида барча рейтинг кўрсаткичлари бўйича салбий натижалар 30 фоизни ташкил этган<sup>201</sup>. Рейтинг компанияси таҳлилчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, ушбу кўрсаткич суғурта секторининг пандемияга қарши туриши барқарор ва бу ҳолат, ишончли ликвидлик ва инвестицион рискларни бошқариш қобилиятининг юқорилиги билан изоҳланади.

Коронавирус пандемиясининг глобал иқтисодийга салбий таъсири нақадар юқори эканлиги ва бундай шароитда суғурта

---

<sup>200</sup> John Chen, Swiss Re China CEO, China: Reinsurer advises on growth strategy after pandemic (2020). <https://www.asiainsurancereview.com/News/View-NewsLetter-Article/id/72737/Type/eDaily/> China-Reinsurer-advises-on-growth-strategy-after-pandemic.

<sup>201</sup> Fitch's Rating Actions Demonstrate Resiliency of Global Insurance Sector. // <https://www.fitchratings.com/research/insurance/fitch-rating-actions-demonstrate-resiliency-of-global-insurance-sector-16-06-2020>.

секторининг ролини кучайтириш мақсадида АҚШ Конгресси томонидан “Пандемик рисклардан суғурта қилиш тўғрисида” Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бироқ, ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида Конгресс аъзолари ўртасида ўзаро келишмовчилик вужудга келди. Evan Greenberg пандемия туфайли иқтисодиётга етказилган зарарни қоплашда давлат-хусусий шерикчилик тамойилини жорий этиш, яъни ушбу зарарларни қоплашда давлатнинг иштирокини таъминлаш зарурлигига урғу берган<sup>202</sup>. Мазкур қонун лойиҳасига мувофиқ, пандемия туфайли қўрилган дастлабки зарарлар суғурталовчилар томонидан, қолган қисми эса ҳукумат томонидан қопланади. Суғурта секторида йирик зарарларни қоплашда давлат-хусусий шерикчилик тизимини жорий этиш чуқур илмий асосланмаган бўлишига қарамай, бизда катта қизиқиш уйғотди. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчилик тизимини қўллаш масаласига Ўзбекистонда ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда суғурта соҳасида давлат-хусусий шерикчилик тамойилларини жорий этишга глобал тус берилаётганлиги диққатга сазовор.

Пандемия даврида глобал суғурта секторида энг кўп жабр кўрган соҳалардан бири, бу албатта, туризм суғуртаси ҳисобланади. Дунё мамлакатлари ҳукуматлари томонидан қатъий карантин чораларининг жорий этилиши, давлат чегараларининг ёпилиши, авиация, темир йўл ва автомобиль транспортида халқаро йўловчи ташувларнинг кескин қисқариши оқибатида туризм саноати катта зарар кўрди. Бу ҳолат, ўз навбатида халқаро миқёсда туризм суғуртаси бўйича хизматлар кўрсатиш ҳажмининг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда Gareth Shaw шундай ёзади: “Коронавирус туризм суғуртаси бозорига кучли таъсир кўрсатди, ўнлаб суғурта хизмати кўрсатувчи компаниялар амалдаги суғурта полисларига ўзгартиришлар киритди ёки уларни тўлиқ ўзгартирди. Ҳукумат, суғурталовчилар ва туризм саноати биргаликда

<sup>202</sup> Evan Greenberg, chief executive Chubb. US insurance industry rift deepens over pandemic cover (2020). <https://www.ft.com/content/4d7249eb-efa5-4b51-86ec-fe36a1467185>.

коронавирус сабабли келиб чиққан кўплаб муаммоларнинг ечимини топиши лозим”<sup>203</sup>. Lauren Haighнинг қайд этишича, айрим суғурта компаниялари мижозларга янги суғурта полислари сотишни тўхтатган бир пайтда суғурталанувчилар томонидан компанияларга келиб тушаётган даъво аризалари сони кескин кўпайган<sup>204</sup>. АВНнинг ҳисоб-китобларига кўра, коронавирус пандемияси туфайли туризм суғуртаси бўйича амалга ошириладиган суғурта тўловлари миқдори 275 млн.фунт стерлингни ташкил этади<sup>205</sup>.

Умуман суғурта соҳасида жаҳоннинг етакчи олимлари, экспертлари ва таҳлилчилари томонидан чоп этилган илмий адабиётларни ўрганиш натижалари, ҳақиқатан пандемия даврида жаҳон суғурта бозорида кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилаётганлигини, бу ҳолат пировардида, глобал суғурта секторининг рецессия ҳолатига тушиб қолганлигини кўрсатди.

COVID-19 коронавирус пандемияси глобал суғурта секторига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни IAISнинг қуйидаги мулоҳазаларидан ҳам кўриш мумкин: “COVID-19 пандемияси инсоният соғлигини сақлаш бўйича катта иктисодий зарарларни юзага келтирди. Коронавирус пандемиясининг глобал суғурта секторига таъсирини баҳолаш мақсадида молия тизими учун халқаро стандартлар ишлаб чиқувчи ташкилот мақомига эга FSB ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади<sup>206</sup>”. Амалга оширилган таҳлил натижалари коронавирус пандемиясининг суғурта секторига салбий таъсири қуйидагиларда намоён бўлишини кўрсатди.

Биринчидан, коронавирус инфекцияси аҳоли ўртасида тез тарқалиши ва тиббиёт тизимининг ушбу вирусни даволашга

---

<sup>203</sup> Gareth Shaw. The global travel insurance industry adapts to Covid-19 (2020). // <https://www.itij.com/latest/long-read/global-travel-insurance-industry-adapts-covid-19>.

<sup>204</sup> Lauren Haigh. Record-high payouts (2020). // <https://www.itij.com/latest/long-read/global-travel-insurance-industry-adapts-covid-19>.

<sup>205</sup> Association of British Insurers (ABI). (2020). // <https://www.itij.com/latest/long-read/global-travel-insurance-industry-adapts-covid-19>.

<sup>206</sup> IAIS Executive Committee confirms continued focus on addressing the impact of Covid-19 on the global insurance sector while advancing key IAIS projects (2020). // <https://www.iaisweb.org/news/press-release-iais-executive-committee-confirms-continued-focus-on-addressing-the-impact-of-covid-19-on-the-global-insurance-sector-while-advancing-key-iais-projects>.

ожизлиги оқибатида инсонларнинг қурбон бўлиш эҳтимоли кучаяди. Албатта, бу ҳолат суғурталовчиларнинг инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш бўйича тузилган шартномалари бўйича кўплаб суғурта тўловларини амалга оширишга сабаб бўлади. Шу муносабат билан Divya Kirti, Mu Yang Shin куйидагиларни таъкидлайди: “Суғурталовчилар активлари ва ўлим ҳамда касаллик ҳолатларининг ҳаддан ташқари кўпайиши ўртасидаги молиявий номувофиклик суғурталовчилар олдида турган мураккаб вазифадир. Бунда айниқса, ҳаётни суғурталовчи компаниялар катта зарар кўради”<sup>207</sup>.

Иккинчидан, иқтисодий ҳаётнинг издан чиқиши, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг чекланган ҳолда фаолият кўрсатиши ёхуд тўхтаб қолиши натижасида кутилган даромадларни ололмаслик хавфининг юзага келиши суғурта секторига суғурта маҳсулоти истеъмолчилари томонидан катта ҳажмда суғурта даъволарини тақдим этилишини келтириб чиқаради.

Учинчидан, пандемия шароитида молия ва капитал бозорининг сусайиши, акция ва облигациялар нархининг пасайиши, ўз-ўзидан равшанки, глобал суғурта компаниялари активига салбий таъсир кўрсатади. Суғурталовчилар инвестиция портфелининг беқарорлиги эса улар тўлов қобилиятининг заифлашувига олиб келади. Бизнинг ушбу фикримизни Nobuyasu Sugimoto ва Peter Windsor ҳам тасдиқлайди. Улар ёзади: “COVID-19 суғурта секторига, асосан суғурталовчилар инвестицияси ҳамда нисбатан кам даражада суғурта даъволари ҳисобидан таъсир кўрсатади”<sup>208</sup>. Шуниси эътиборлики, АҚШда суғурта компаниялари мамлакатда муомалада бўлган барча корпоратив облигацияларнинг 21,0 фоизига, муниципал облигацияларнинг эса 20,0 фоизига эгалик қилади.

---

<sup>207</sup> Divya Kirti, Mu Yang Shin. The impact of COVID-19 on insurers (2020). // <https://voxeu.org/article/impact-covid-19-insurers>.

<sup>208</sup> Nobuyasu Sugimoto, Peter Windsor. Regulatory and Supervisory Response to Deal with Coronavirus Impact—The Insurance Sector (2020). // [www.imf.org/ Publications](http://www.imf.org/Publications).

Swiss Re Institute экспертларининг фикрича, глобал суғурта мукофотларининг ҳажми, фақат 2021 йилга келиб COVID-19 пандемияси бошланган давргача бўлган даражага етади. Пандемия туфайли 2020 йилда бутун дунёда суғурта хизматларига бўлган талаб пасаяди, бинобарин глобал суғурта мукофотлари ҳажми ҳам камаяди. Маълумотларга кўра, 2020 йилда дунё бўйича суғурта мукофотлари ҳажми 3 фоизга камайиши кутилади. Буни куйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

3.1-жадвал

**Пандемия даврида глобал суғурта мукофотлари ҳажмининг ўзгариши<sup>209</sup>, (фоизда)**

Давлатлар	2019 йил	2019 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариш	2020 йил (прогноз)	2021 йил (прогноз)	2021 йилда 2020 йилга нисбатан ўзгариш (прогноз)
Ривожланган давлатлар	2,1	1,6	-4	2	-1
Ривожланаётган давлатлар	6,6	7,1	1	7	4
Жаҳон бўйича	2,9	2,4	-3	3	0

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Жаҳон банки таснифига асосан ривожланган давлатлар тоифасига АҚШ, Еврохудуд ва Япония давлатлари киради. Ривожланаётган давлатлар тоифасига эса Тинч океан ҳавзаси ва Шарқий Осиё, Европа (Еврохудудга қирмайдиган давлатлар) ва Марказий Осиё, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи мамлакатлари, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, Жанубий Осиё, Саҳарадан жанубдаги Африка давлатлари киради.

Жадвал маълумотларининг гувоҳлик беришича, 2019 йилда глобал суғурта бозори 2,9 фоизга ўсган. Агар Swiss Re Institute маълумотларига кўра, 2019 йилда глобал суғурта сектори бўйича

<sup>209</sup> Global insurance industry to recover strongly from COVID-19 induced pull-back (2020). Swiss Re Institute// www.swissre.com. маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 6,3 трлн.АҚШ долларига етганлигини инобатга олсак, ўсиш рақамларда 182,7 млрд.АҚШ долларига тенг бўлганлигини кўриш мумкин<sup>210</sup>. Бироқ юқорида қайд этилганидек, 2020 йилда жаҳон суғурта бозорининг 2019 йилга нисбатан 3 фоизга ёки 189 млрд.АҚШ долларига камайиши прогноз қилинган. Ушбу камайиш, асосан ривожланган давлатлар ҳисобига кузатилади. Яъни, жорий йилда АҚШ, Еврохудудга кирувчи давлатлар ва Япония суғурта бозорларида рецессия ҳолати юқори даражага кўтарилиши натижасида суғурта бозори 2019 йилга нисбатан 4 фоизга камаяди.

Пандемия давом этишига қарамасдан Хитой бошчилигидаги ривожланаётган давлатлар суғурта бозори глобал даражада 1,0 фоиз ўсишни таъминлайди. “Swiss Re Group” глобал компанияси бош иқтисодчиси Jerome Jean Haegeli жаҳон суғурта секторидаги рецессия жараёни хусусида куйидаги фикрларни баён этган: “COVID-19” пандемияси ордидан келиб чиққан иқтисодий таназзул шароитида суғурта саноати барқарорлик ҳолатини намоён этмоқда. Бу йил глобал иқтисодий пасайиш 4 фоизни ташкил этишига қарамай, суғурта саноатидаги йўқотишлар миқдори 2008-2009 йилларда бўлиб ўтган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кузатилган йўқотиш миқдорига тенг бўлади”. Jerome Jean Haegeli бу борадаги фикрларини давом эттириб, “Глобал иқтисодиёт ҳозирги кунда оғир рецессия жараёнини бошидан кечираётган бўлиши баробарида суғурта сектори қисқа муддатда ўз фаоллигини тиклайди”, - дейди.

2020 йилда пандемия туфайли ҳаётни суғурта қилиш (Life Insurance) бўйича глобал суғурта мукофотлари ҳажми 6 фоизга камайиши прогноз қилинмоқда (3.2-жадвалга қаранг).

---

<sup>210</sup> Jerome Jean Haegeli, Chief Economist at Swiss Re Group. Global insurance industry to recover strongly from COVID-19 induced pull-back (2020). //www.swissre.com.



**Пандемия даврида ҳаётни суғурталаш (Life Insurance) бўйича глобал суғурта мукофотлари ҳажмининг ўзгариши<sup>211</sup>, (фоизда)**

Давлатлар	2019 йил	2019 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариш	2020 йил (прогноз)	2021 йил (прогноз)	2021 йилда 2020 йилга нисбатан ўзгариш (прогноз)
Ривожланган давлатлар	1,3	0,6	-8	2	-3
Ривожланаётган давлатлар	5,6	6,5	0	7	3
Жаҳон бўйича	2,2	1,5	-6	3	-2

суғурта мукофотлари ҳажми 2916 млрд.АҚШ долларини ташкил этган<sup>212</sup>. 2019 йилда тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 2018 йилга нисбатан 1,5 фоизга кўп бўлган. COVID-19 коронавирус пандемияси бошланган 2020 йилда эса жаҳон бўйича ҳаётни суғурта қилиш секторида тўпланган суғурта мукофотлари ҳажмининг камайиши 2019 йилга нисбатан 6 фоизни ёки 175,2 млрд.АҚШ долларини ташкил этиши прогноз қилинган бўлиб, бу ҳолат асосан ривожланган давлатларда ҳаётни суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотларининг 8 фоизгача камайиши билан боғлиқ.

Бундай салбий ҳолатни шу билан изоҳлаш мумкинки, коронавирус пандемияси даврида ишсизлар сонининг кескин ошиши ва аҳоли даромадларининг пасайиб кетиши, ўз навбатида ҳаётни суғурталаш бўйича талабнинг, бинобарин, суғурта мукофотлари ҳажмининг камайишига олиб келади.

Swiss Re Institute халқаро тадқиқот маркази экспертларининг прогнозларига кўра, 2021 йилда глобал ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта мукофотлари ҳажми 3 фоизга ошади. Бироқ, ушбу

<sup>211</sup> Global insurance industry to recover strongly from COVID-19 induced pull-back (2020), Swiss Re Institute// www.swissre.com. маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>212</sup> COVID-19 related losses and impact on insurance rates. World insurance: riding out the 2020 pandemic storm, Sigma, No 4 /2020// www.swissre.com.

кўрсаткич 2020 йилнинг тегишли кўрсаткичи билан солиштирганда 2 фоизга камдир. Бизнинг тахминимизга кўра, COVID-19 инқироzi қисқа ва ўрта муддатли истиқболда глобал ҳаётни суғурта қилиш секторининг ўсишига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Биз томондан амалга оширилган тадқиқот натижалари кейинги икки йил давомида глобал ҳаётни суғуртаси бўйича мукофотлар ҳажми ўртача йиллик 1,5 фоизга камайишини кўрсатди.

Коронавирус пандемияси туфайли 2020 йилда ҳаётни суғурта қилишдан бошқа суғурта (non-life Insurance) бўйича суғурта мукофотлари ҳажми 0,1 фоиз миқдорида камайиши прогноз қилинмоқда.

### 3.3-жадвал

#### Пандемия даврида ҳаётни суғурталашдан бошқа суғурта (non-life Insurance) бўйича глобал суғурта мукофотлари ҳажмининг ўзгариши<sup>213</sup>, (фоизда)

Давлатлар	2019 йил	2019 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариш	2020 йил (прогноз)	2021 йил (прогноз)	2021 йилда 2020 йилга нисбатан ўзгариш (прогноз)
Ривожланган давлатлар	2,7	2,6	-1	3	1
Ривожланаётган давлатлар	7,7	7,7	3	7	5
Жаҳон бўйича	3,5	3,2	0	3	2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йил натижалари бўйича ҳаётни суғурталашдан бошқа суғурта (non-life insurance) секторидида глобал ўсиш 3,5 фоизни ташкил этган. Ҳолбуки, ҳаётни суғурталашдан бошқа суғурта (non-life insurance) соҳасида сўнги 10 йилдаги ўртача ўсиш кўрсаткичи 3,2 фоизни ташкил этган. 2019 йили жаҳон миқёсида мазкур суғурта тармоғи

<sup>213</sup> Global insurance industry to recover strongly from COVID-19 induced pull-back (2020), Swiss Re Institute// www.swissre.com. маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

бўйича 3 376,0 млрд.АҚШ доллари миқдорида суғурта мукофотлари тўпланишига эришилган<sup>214</sup>.

Бизнинг фикримизча, бундай юқори кўрсаткичнинг таъминланиши, шубҳасиз, ривожланаётган давлатлар: Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Гонконгда ҳаётни суғурталашдан бошқа суғурта (non-life insurance) хизматлари бўйича қатта ўсиш тенденцияси кузатилганлиги билан боғлиқ.

2020 йилда COVID-19 коронавирус пандемияси даврида глобал ҳаётни суғурталашдан бошқа суғурта (non-life insurance) секторида айтарли ўсиш рўй бермаслиги прогноз қилинмоқда. Бироқ, тиббий ва мулк суғуртасига талаб нотекис тусга эга бўлиб, глобал суғурта мукофотлари ўсишида оз бўлсада ижобий таъсир кўрсатиши прогноз қилинади. Ривожланган давлатлар АҚШ, Еврохудуд ва Япония давлатларида карантин режимининг амал қилиши автомобиль суғуртаси бўйича глобал суғурта мукофотларининг 5 фоизгача камайишига олиб келиши кутилади. Ишсизлар сонининг ошиши жавобгарлик суғуртаси бўйича тўловларнинг ошишига таъсир қилиш билан бир қаторда суғурта мукофотлари ҳажмининг пасайишига сабаб бўлиши тахмин қилинади.

Экспертлар пандемия давом этган 2020 йилда глобал ҳаётни суғурталашдан бошқа суғурта (non-life insurance) секторида ўсиш ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келишини прогноз қилмоқда. Шу йил коронавирус пандемияси ҳамон иқтисодий ҳаётни сусайишига таъсир қилаётган бир пайтда Хитойда ҳаётни суғурталашдан бошқа суғурта (non-life insurance) секторида ўсиш 8 фоизни, 2021 йилга келиб 12 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Шу билан бирга, 2020 йилда Еврохудуд таркибига қирмайдиган Европа давлатлари ва Марказий Осиё давлатларида ушбу суғурта тармоғи бўйича суғурта мукофотлари ҳажми кескин қисқариши кутилади.

---

<sup>214</sup> COVID-19 related losses and impact on insurance rates. World insurance: riding out the 2020 pandemic storm, Sigma, No 4 /2020// [www.swissre.com](http://www.swissre.com).

Пандемиядан кейинги давр, яъни 2021 йилда глобал ҳаётни суғурталашдан бошқа суғурта (non-life insurance) секторидан бизнесни тиклаш имконияти вужудга келади. Натижада глобал ўсиш 3 фоизни ташкил этиши прогноз қилинапти. Бу ўсиш, асосан иқтисодийнинг фаоллашуви, карантин режимининг бекор қилиниши эвазига содир бўлади. Маълумотлардан кўриниб турибдики, 2021 йилда ривожланган давлатлар АҚШ, Япония ва Еврохудудга кирувчи давлатлар суғурта бозорига нисбатан ривожланаётган мамлакатлар Хитой, Жанубий Корея, Гонконг, Таиланд, Сингапур каби давлатларда глобал ҳаётни суғурталашдан бошқа суғурта (non-life insurance) сектори жадал суръатлар билан таракқий этади.

Swiss Re Institute халқаро тадқиқот маркази маълумотларига кўра, 2019 йилда бутун дунё бўйича табиий ва техноген рискларнинг юз бериши натижасида иқтисодий йўқотишлар ҳажми 146 млрд.АҚШ долларини ташкил этган<sup>215</sup>. Шундан, 60 млрд.АҚШ доллари миқдоридан зарарлар, бевосита, суғурталовчилар томонидан қопланган. Ваҳоланки, 2018 йилда табиий ва техноген ҳодисалар оқибатида юзага келган иқтисодий зарарлар 176 млрд.АҚШ долларига тенг бўлган эди<sup>216</sup>. 2019 йилда 2018 йилга нисбатан кўрилган иқтисодий зарарлар ҳажмининг пастлиги АҚШда довул ва бўронлар мавсумида етказилган зарарларнинг камлиги билан изоҳланади.

2020 йилда коронавирус пандемияси туфайли кўрилган зарарларнинг қанча қисми суғурталовчилар томонидан қопланиши тўғрисида турлича қарашлар ва фикрлар мавжуд. Масалан, “Willis Tower Watson” компанияси мутахассислари АҚШ ва Буюк Британия суғурта компанияларига тақдим этилган суғурта даъволари бўйича тўловлар миқдори 32 млрд.АҚШ долларидан 80 млрд.АҚШ долларигача суммани ташкил этишини прогноз

<sup>215</sup> Natural catastrophes in times of economic accumulation and climate change. Swiss Re sigma No 2/2020. <https://www.swissre.com/dam/jcr:85598d6e-b5b5-4d4b-971e-5fc9eee143fb/sigma-2-2020-en.pdf>.

<sup>216</sup> Global catastrophes caused USD 56 billion insured losses in 2019. Estimates Swiss Re Institute. <https://www.swissre.com/media/news-releases/nr-20191219-global-catastrophes-estimate.html>.

қилмоқда<sup>217</sup>. Swiss Re Institute халқаро тадқиқот маркази прогнозларига кўра, мулк ва бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича COVID-19 келтирган иқтисодий зарарларни қоплашга суғурта компаниялари 55 млрд.АҚШ доллари миқдоридан суғурта тўловларини амалга оширади. Бу сумма 2017 йилда “Maria” довули оқибатларини бартараф этиш учун суғурталовчилар тўлаган 34 млрд.АҚШ долларидан бироз кўпроқ, бироқ, 2005 йилда рўй берган “Katrina” довули келтирган зарарларни қоплаш учун суғурта компаниялари томонидан тўланган 90 млрд.АҚШ долларидан камроқни ташкил этади<sup>218</sup>.

Умуман, коронавирус пандемияси даврида глобал суғурта секторига оид халқаро тажриба ва тадқиқотларни ўрганиш натижалари COVID-19 пандемияси глобал иқтисодий ўсишга жиддий салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳамда бу ҳолат пирвард натижада, глобал суғурта секторининг ҳам асосий кўрсаткичларини пасайишига, яъни рецессия ҳолатига олиб келаётганлигини кўрсатди. Халқаро даражадаги кўплаб тадқиқот марказлари ва эксперт доираларининг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда таъкидлаш жоизки, пандемиянинг иқтисодиётга келтирган зарарлари миқдори, фақат прогноз тусига эга бўлиб, унинг аниқ миқдори 2021 йилнинг ўрталарига келиб маълум бўлади.

Глобал суғурта секторидан рецессия ҳолатининг янада кучайишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

биринчидан, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари томонидан суғурта компанияларига суғурта эътирозларининг одатдагидан кўп бўлишини ҳисобга олган ҳолда суғурталовчининг тўлов қобилятини мустаҳкамлаш чораларини кўриш лозим;

иккинчидан, пандемия шароитида молия бозорида ноаниқлик, акция ва облигациялар нархининг тушиб кетиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда суғурталовчи инвестиция портфелини

<sup>217</sup> COVID-19 general insurance losses range from \$32 billion to \$80 billion across key classes in U.S. and U.K., says Willis Towers Watson. [https://www.willistowerswatson.com/en-US/News/2020/05/covid-19-general-insurance-losses-range-from-32-billion-dollar-to-80-billion-dollar?mod=article\\_inline](https://www.willistowerswatson.com/en-US/News/2020/05/covid-19-general-insurance-losses-range-from-32-billion-dollar-to-80-billion-dollar?mod=article_inline).

<sup>218</sup> World insurance: riding out the 2020 pandemic storm. Swiss Re sigma No 4/2020. <https://www.swissre.com/dam/jcr:d50acbcd-ce5c-4ee9-bc60-a3c1e55f8762/sigma-4-2020-en.pdf>.

самарали бошқариш, бунда юзага келадиган турли рискларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, COVID-19 коронавирус пандемиясининг глобал иқтисодиётга зарари жуда юкори эканлигини инобатга олиб пандемик рисклардан суғурталаш бўйича давлат-хусусий шерикчилигига асосланган суғурта пулини (Insurance Pool) ташкил этиш зарур;

тўртинчидан, суғурта компанияларининг масофадан туриб (онлайн) электрон суғурта хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш, бунда суғурта секторига рақамли технологияларни жадаллик билан жорий этиш, “ақлли суғурта”, суғурта телематикаси, сунъий интеллект, блокчейн ва Big Data технологияларидан суғурта соҳасида самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

### **§3.2. Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари**

COVID-19 коронавирус пандемиясининг республикамизда кенг кўламда олдини олишга қаратилган чеклов тадбирлари, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг пасайишига, бинобарин, аҳоли даромадларининг камайишига олиб келди. Бу ҳолат, шубҳасиз, иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан бири бўлган суғурта бозори тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши, экспорт-импорт операцияларининг қисқариши ва тадбиркорлик фаолиятининг сусайиши оқибатида суғурта хизматларини кўрсатишнинг прогноз кўрсаткичлари бажарилмай қолди. Натижада, Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият юритаётган айрим суғурта компаниялари 2020 йилга мўлжалланган бизнес-режаларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди.

Пандемиянинг суғурта бозорига таъсири кўплаб олим ва мутахассислар томонидан илмий ва амалий жиҳатдан ўрганилмоқда. Жумладан, суғурта соҳасидаги таникли экспертлардан бири Jeffery Yongning фикрича, суғурта компаниялари COVID-19 билан

боғлиқ суғурта даъвогарини қаноатлантиришдан кўра, кўпроқ молия бозоридаги нобарқарорликдан азият чекиши кутилади<sup>219</sup>. Унинг фикрини Jörg von Fürstenwerth ҳам қўллаб-қувватлаб шундай ёзади: “Узоқ муддатли истиқболда суғурта компаниясининг тўлов қобилияти кўрсаткичларига қоронавирус инқирози қанчалик таъсир кўрсатишини олдиндан айтиш қийин. Бироқ, пандемиянинг бир қатор таъсирларини эътиборга олиш муҳим: 2020 йил бошидан акция ва облигациялар нархининг пасайиши, ўз навбатида, суғурта компанияси инвестиция портфели қийматининг камайишига сабаб бўлади”<sup>220</sup>.

Глобал пандемиянинг суғурта компанияларига таъсирини баҳолаш мақсадида жаҳоннинг етакчи рейтинг компанияларидан бири Fitch Ratings 2020 йил май ойида Германиянинг 10 та суғурта гуруҳларининг рейтинг кўрсаткичларини қайтадан ўрганиб чиқди<sup>221</sup>. Ўрганиш натижаларига кўра, 10 та суғурта гуруҳидан 7 тасининг рейтинги “Барқарор” деб, қолган суғурта гуруҳларининг рейтинги эса “Салбий” деб баҳоланди.

COVID-19 қоронавирус пандемиясининг Ўзбекистон суғурта бозорига таъсири бўйича ҳам олим ва мутахассислар томонидан илмий изланишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, Т.Иминов ва Е.Кимнинг қуйидаги қарашлари эътиборга молик: “Қарантин чораларининг жорий этилиши, аксарият йирик ва кичик корхоналарнинг фаолиятини тўхташига ҳамда ходимларнинг иш ҳақи сақланмайдиган таътилга чиқарилишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида, янги суғурта шартномаларининг тузилишига ва амалдаги шартномалар муддатини узайтиришга салбий таъсир кўрсатади”<sup>222</sup>.

<sup>219</sup> Jeffery Yong. Insurance regulatory measures in response to Covid-19. April 2020, FSI Briefs, No 4, 2020// <https://www.bis.org/fsi/fsibriefs4.htm>.

<sup>220</sup> Jörg von Fürstenwerth, Chairman of the GDV Management Board. “In my view, a slight delay of the Solvency II review is worthwhile to reflect the impact of the coronavirus”. // <https://www.en.gdv.de/en/issues/column-joerg-von-fuerstenwerth/the-solution-to-the-corona-crisis--think-outside-of-the-box---59272>.

<sup>221</sup> Coronavirus Impact Puts Pressure on German Insurers' Ratings, 18 May, 2020. // <https://www.fitchratings.com/research/insurance/coronavirus-impact-puts-pressure-on-german-insurers-ratings-18-05-2020>.

<sup>222</sup> Иминов Т., Ким Е. Готовность к новым реалиям. // <https://pv.uz/ru/newspapers/pravda-vostoka-85-ot-25-aprelja-2020-goda>.

Э.Абдуллаевнинг қайд этишича, “...Шунингдек аҳоли даромадларининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда бюджет маблағларини тежаш юзасидан Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан суғурта компанияларига коронавирус пандемиясига қарши суғурталаш, вакцинация, амбулатор даволаш бўйича пакет суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиб аҳолига тақдим этилиши маълум даражада суғурта мукофотларининг ўсишига, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, бюджет маблағларининг тежалишига, мамлакат инфратузилмасининг яшиланишига, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришга қўшимча туртки бўлади”<sup>223</sup>.

С.Насретдинов ва Ж.Жорабаев амалга оширган тадқиқот ишида коронавирус пандемияси даврида суғурта компанияларининг фаолияти ёритилган бўлиб, муаллифларнинг фикрича Ўзбекистон суғурта бозорида, асосан, чет элга чиқувчиларни суғурта қилиш, аҳоли мол-мулки (иморатлари) суғуртаси турлари қисман пасайган, бу албатта, халқаро авиакатновларнинг тўхта-тилиши ва ходимлар ҳамда суғурта агентларининг пандемия шароитидаги иш режимлари билан боғлиқ<sup>224</sup>.

У.Фазилов ўз илмий ишида коронавирус пандемиясининг суғурта бозорига таъсирини ўрганар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорининг 3-илувасига мувофиқ 2020 йил 1 июлдан бошлаб умумий суғурта ёки ҳаётни суғурта қилиш тармоғида (ихтиёрий суғурта) фаолият юритаётган суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) учун устав капиталининг минимал миқдори 15 млрд.сўм миқдорида белгиланганлигига диққатни қаратади. Унинг таъкидлашича, ушбу талабнинг ўрнатилиши карантин чекловларининг жорий этилиши туфайли мамлакат иқтисодиёти кўплаб

<sup>223</sup> Абдуллаев Э. Коронавирус пандемиясининг мамлакат суғурта бозорига таъсири: мулоҳазалар, муаммолар ва ечимлар// “Молия ва Банк иши” электрон илмий журнали, 2/2020, 142-б.

<sup>224</sup> Насретдинов С. С., Жорабаев Ж. А. Коронавирус пандемияси даврида суғурта ташкилотларининг фаолияти. “Суғурта компаниялари инвестицион фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси материаллари тўплами. - Тошкент.: “Инновацион ривожланиш-нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 11-б.



тармоқларининг тўхтаб қолиши ҳамда Бухорода рўй берган кучли шамол ва Сардоба сув омборининг ўпирилиши боис суғурталовчилар томонидан амалга оширилган тўловлар нисбатан кичик суғурта компанияларининг бозордан чиқиб кетишига олиб келади. “Шу сабабли, - дея фикрини давом эттиради У.Фазилов, - суғурталовчиларнинг устав капиталига нисбатан ўрнатилган минимал талабнинг амал қилишини яқин 12 ойга узайтириш лозим”<sup>225</sup>.

COVID-19 коронавирус инфекциясининг дунё бўйлаб шиддат билан тарқалиши ҳукуматлар олдига бир томондан, карантин чекловларини жорий этиш орқали аҳолини ушбу балодан ишончли ҳимоялаш тизимини яратиш, иккинчи томондан, иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни кўндаланг қилиб қўйди. Табиийки, иккала ҳолатда ҳам ишларни тизимли ташкил этиш, пировардида, давлат бюджети харажатларининг кескин ошиб кетишига ва аксинча, солиқ ва бошқа тушумларнинг камайиб кетишига олиб келди.

Қатъий карантин чекловларининг жорий этилиши оқибатида дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ЯИМ ҳажми жорий нархларда 255 252,6 млрд.сўмни ташкил этган ва 2019 йилнинг январь-июнь ойи билан таққослаганда 0,2 фоизга ўсган<sup>226</sup>. Ҳолбуки, 2019 йилнинг январь-июнь ойида ЯИМнинг ўсиши 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 6 фоизга тенг бўлган. Демак, 2020 йилнинг дастлабки олти ойи якуни бўйича ЯИМ ўсиши 2019 йилнинг тегишли даври ўсиш суръати билан солиштирганда 5,8 фоизга камайган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, COVID-19 коронавирус пандемиясига қарши курашиш ортидан ЯИМ ҳажмининг пасайиши дунёнинг аксарият мамлакатларида кузатилган. Жаҳон банки 2020 йил январь-июнь ойларида дунё бўйича ЯИМнинг ҳажми ўтган йилнинг январь-июнь ойлари кўрсаткичига нисбатан 5,2 фоизга камайишини прогноз қилган. Шунингдек, мазкур даврда АҚШ

<sup>225</sup> Фазилов У. Переживут ли страховые компании кризис? // <https://www.gazeta.uz/2020/06/19/insurance/>.

<sup>226</sup> Yalpi ichki mahsulotni ishlab chiqarish. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2020- yil yanvar-iyun//www.stat.uz.

иктисодиёти 6,1 фоизга, Еврохудуд давлатлари иқтисодиёти 9,1 фоизга ва Япония иқтисодиёти 6,1 фоизга қисқариши Жаҳон банкининг 2020 йил июнь ойида эълон қилган ҳисоботида қайд этилган<sup>227</sup>. 2020 йилнинг биринчи ярмида Россия Федерациясининг ЯИМ ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,6 фоизга қисқариши кутилмоқда<sup>228</sup>, Қозоғистон Республикаси ЯИМ ҳажми эса, дастлабки маълумотларга қараганда, 2020 йил январь-июнь ойида 27 737,1 млрд.тенгени ташкил этган ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 фоизга камайган<sup>229</sup>.

Табийики, иқтисодиётда юз берган инкироз Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиш кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилнинг I чорагида ихтиёрий суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари ҳажми 413,4 млрд.сўмни ташкил этган (3.1-расмга қаранг).

Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг I чорагида 449,8 млрд.сўмга тенг бўлган ёки 2020 йил I чорагининг тегишли кўрсаткичидан 36,4 млрд.сўмга кўп бўлган. Бошқача сўз билан ифодалаганда, 2020 йилнинг I чорагида мамлакат суғурталовчилари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 2019 йилнинг I чорагида йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмига нисбатан 8 фоизга камайган.


Таққослаш учун, 2019 йилнинг I чораги якунларига кўра, ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари тушумининг ўсиши 2018 йил I чорагининг мос кўрсаткичига нисбатан 142 фоизни ташкил этган эди.

---

<sup>227</sup> Global Economic Prospects. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. // <https://www.worldbank.org/en/publication/global-economic-prospects>, ISSN: 1014-8906; ISBN (paper): 978-1-4648-1553-9; ISBN (electronic): 978-1-4648-1580-5; DOI: 10.1596/978-1-4648-1553-9, statistical appendix, p. 207.

<sup>228</sup> Минэкономразвития России отмечает улучшение динамики национального ВВП в июне. Картина деловой активности за июнь 2020 года. Экономическая активность. Министерство экономического развития Российской Федерации, 17 июля 2020 г. // [https://www.economy.gov.ru/material/directions/makroec/ekonomicheskie\\_obzory/minekonomrazvitiya\\_otmechaet\\_uluchshenie\\_dinamiki\\_nacionalnogo\\_vvp\\_v\\_iyune.html](https://www.economy.gov.ru/material/directions/makroec/ekonomicheskie_obzory/minekonomrazvitiya_otmechaet_uluchshenie_dinamiki_nacionalnogo_vvp_v_iyune.html).

<sup>229</sup> Валовой внутренний продукт за январь-июнь 2020 года (предварительные данные). Министерство национальной экономики Республики Казахстан, Комитет по статистике. // <https://stat.gov.kz/news/ESTAT370106>.



**3.1-расм. 2016-2020 йилларнинг I чорагида Ўзбекистон суғурта бозори бўйича тўпланган суғурта мукофотлари динамикаси (млрд.сўм)<sup>230</sup>**

Коронавирус пандемияси туфайли, Ўзбекистон Республикасида карантин чекловлари расман 2020 йил март ойининг иккинчи ярмидан жорий этилди. Демак, шу йил январь-февраль ойлари миллий суғурта бозори, одатдагидек, ривожланишни давом эттирган. Бироқ, 2020 йил март ойининг иккинчи ярмидан мамлакат ҳудудида коронавирус пандемияси сабаб иқтисодий фаолиятни издан чиққанлиги суғурта бозорининг асосий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатган. Шу ерда баҳс-мунозара талаб бир жиҳат мавжуд.

Манتيқан ўйлаганда, коронавирус пандемиясининг оқибатларини юмшатиш мақсадида мамлакатимизда 2020 йил март ойининг иккинчи ярмидан карантин чекловларининг жорий этилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, 2020 йилнинг I чорагида Ўзбекистон суғурта бозорига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги керак эди. Ҳолбуки, 3.1-расмда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижалари, ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта

<sup>230</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

мукофотлари ҳажми 8 фоиз даражасида камайганлигини кўрсатмоқда.

3.1-расмдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, 2019 йилнинг I чораги бўйича Ўзбекистон суғурта бозорида йиғилган ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари ҳажми 2018 йилнинг I чорагида йиғилган ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари ҳажмига нисбатан 133,8 млрд.сўмга кўп бўлган ёки ўсиш 142 фоизни ташкил этган. 2018 йилнинг I чорагида эса 2017 йилнинг I чорагига нисбатан ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари тушуми 220 фоизга ошган. Шуларга асосланган ҳолда эксперт фикримизча, коронавирус пандемияси туфайли карантин тадбирлари жорий этилмаганда эди, балки 2020 йил I чораги якунида ихтиёрий суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари ҳажми ўртача 140 фоизга ўсган бўлар эди.


Суғуртанинг бир маромда барқарор равнақ топиши, ўз навбатида, иқтисодиёт тараққиёти учун замин яратади. Жаҳон банки экспертлари Erik Feyen, Rodney Lester ва Roberto Rochанинг қайд этишича, суғурта сектори молиявий ва иқтисодий ривожланишни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга<sup>231</sup>. Суғуртанинг иқтисодиётдаги аҳамияти, нафақат, суғурта мукофотларини тўлаб, уларни инвестиция мақсадларида фойдаланишларида, балки тузилган суғурта шартномаларига мувофиқ суғурта ходисалари содир бўлганда кўрилган зарарларни қоплашда ҳам намоён бўлади (3.2-расмга қаранг).

2016-2020 йилларнинг I чораги якунлари бўйича мамлакат суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари томонидан юридик ва жисмоний шахслар кўрган зарарларни қоплаш учун 550,5 млрд.сўм миқдоридида суғурта тўловлари амалга оширилган. Унинг 446,3 млрд.сўми ёки 81,1 фоизи ихтиёрий суғурта турлари, қолган 18,9 фоизи мажбурий суғурта турлари

---

<sup>231</sup> Erik Feyen, Rodney Lester, Roberto Rocha. What Drives the Development of the Insurance Sector? An Empirical Analysis Based on a Panel of Developed and Developing Countries// Policy Research Working Paper/ The World Bank Financial and Private Sector Development Finance and Policy Units February 2011, 5572. <https://doi.org/10.1596/1813-9450-5572>. <https://elibrary.worldbank.org/doi/abs/10.1596/1813-9450-5572>.

бўйича амалга оширилган суғурта тўловларига тўғри келади. Буни юқорида келтирилган расмдаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин.



**3.2-расм. 2016-2020 йилларнинг I чорагида Ўзбекистон суғурта бозори бўйича амалга оширилган суғурта тўловлари динамикаси<sup>232</sup>, (млрд.сўм)**

3.2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган даврда энг кўп суғурта тўловлари 2019 йилнинг I чорагида амалга оширилган бўлиб, унинг миқдори 159,9 млрд.сўмни ташкил этган. 2020 йилнинг I чорагида коронавирус инфекцияси тарқалмаган эди, ушбу даврда ҳам биз суғурта тўловлари ҳажмида катта ўсиш бўлганлигини кузатишимиз мумкин эди. Бироқ, COVID-19 пандемияси сабабли 2020 йилнинг I чорагида амалга оширилган суғурта тўловлари миқдори 141,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, бу ўтган йилнинг I чораги яқунлари бўйича амалга оширилган суғурта тўловлари миқдоридан 18,7 млрд.сўмга ёки 12 фоизга камайган. Ҳолбуки, 2019 йилнинг I чораги яқунлари бўйича суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажми 2018 йилнинг I чорагида амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажмига нисбатан 95,8 млрд.сўмга кўп бўлган ёки ўсиш 249 фоизни ташкил этган.

<sup>232</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон суғурта ҳамжамияти томонидан оммавий ахборот воситаларида коронавирус пандемияси шароитида ҳам суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш учун суғурта тўловлари амалга оширилиб келинаётганлиги ёритилган. Масалан, “Кафолат” суғурта компанияси томонидан Бухоро вилоятида 2020 йил 27 апрель куни юзага келган кучли шамол ва ёғингарчилик натижасида зарар кўрган объектлар бўйича компаниянинг жами жавобгарлиги 21,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, 13 та мурожаат бўйича жами 195,1 млн. сўм миқдорида суғурта қопламалари тўлаб берилган<sup>233</sup>. 2020 йил 6 апрелдан 17 апрелгача бўлган муддат давомида “Ўзбекинвест” суғурта компанияси 132,9 млн сўм суғурта қопламасини тўлаган<sup>234</sup>.

Бизнинг эксперт баҳоларимизга кўра, COVID-19 коронавирус пандемияси бўлмаганда, 2020 йилнинг I чорагида Ўзбекистон суғурта бозори бўйича суғурта мукофотлари тушумининг ўсиши 2019 йилнинг I чорагига нисбатан камида 140 фоизни ташкил этган бўлар эди. Жадвал маълумотларининг таҳлили эса бунинг аксини кўрсатиб турибди. Яъни юқорида қайд этилганидек, 2020 йилнинг I чорагида суғурта мукофотлари тушуми 4 фоизга камайган.

Юқорида баён этилганларни умумлаштириб айтиш мумкинки, COVID-19 коронавирус пандемияси ортидан жорий этилган карантин чеклов тадбирлари иқтисодий фаолликни кескин секинлаштириши баробарида суғурта бозори ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Натижада, 2020 йилнинг I чорак якунлари бўйича Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишига оид айрим кўрсаткичларнинг камайиши кузатилган. Бирок, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олди олиниши, ушбу вирус билан касалланиш ҳолатларининг бартараф этилиши, вирусни йўқотиш қобилиятига эга вакциналарнинг ишлаб чиқарилиши ва аҳолини

<sup>233</sup> “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” AJ аҳолига 10 кунда деярли 1 млрд. сўм суғурта қопламаларини тўлади. 18.05.2020//<http://uza.uz/oz/society/kafolat-sug-urta-kompaniyasi-aj-a-oliga-10-kunda-deyarli-1-m-18-05-2020>.

<sup>234</sup> “Ўзбекинвест” иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси бўйича 132,9 млн сўм тўлаб берди. //<https://uzbekinvest.uz/news/uzbek-invest-ish-beruvchilarning-fuk-arolik-zhavobgarligi-mazhburijsugurtasi-bujicha-1329-mln-sum-tulab-berdi>.

оммавий эмлаш жараёнининг амалга оширилиши муносабати билан яқин истиқболда иқтисодиёт ҳам тикланади, демак, суғурта сектори ҳам барқарор ривожланиш йўлига тушади.

COVID-19 коронавирус пандемияси дунёнинг аксарият мамлакатларида кузатилгани каби Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам сезиларли салбий таъсир кўрсатди. Ушбу вируснинг аҳоли ўртасида кенг тарқалишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати томонидан қатъий карантин чораларининг белгиланиши кўплаб йирик ва кичик корхоналар фаолиятининг вақтинча тўхтаб қолишига ёхуд чекланган шароитда фаолият юритишига сабаб бўлмоқда. Айтарли барча давлат ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотлар масофавий иш режимида ўтказилди. Пандемия туфайли ишсизлик даражаси ошди ва аҳоли даромадлари нисбатан камайди.

Пандемия даврида суғурта хизматлари кўрсатиш кўламининг сусайиши оқибатида 2020 йилнинг I чорагида мамлакат суғурта бозори бўйича суғурта мукофотлари тушуми 4 фоизга камайди. Айниқса, ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта шартномалари тузиш ва амалдаги суғурта шартномаларининг муддатини узайтиришда муаммолар юзага келганлиги боис суғурта мукофотлари ҳажми 8 фоизга камайди.

Пандемия даврида Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг асосий кўрсаткичларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар 12-иловада келтирилган бўлиб, унга кўра 2020 йилнинг II ва III чорақларида ҳам мамлакат миқёсида суғурта мукофотлари тушумида камайиш кузатилган. Масалан, 2020 йилнинг II чорагида суғурта мукофотлари тушуми 1015,6 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг мос кўрсаткичидан 237,7 млрд.сўмга ёки 19,0 фоизга камайган. Худди шундай, 2020 йилнинг III чораги бўйича суғурта мукофотлари ҳажми 1587,7 млрд.сўмга тенг бўлган ва мазкур кўрсаткич 2019 йилнинг мос кўрсаткичидан 204,8 млрд.сўмга камайган.

2020 йил давомида Ўзбекистон суғурта бозори бўйича суғурта мукофотлари тушумининг камайиши, асосан, ҳаётни суғурта қилиш

тармоғи бўйича суғурта мукофотлари тушумининг кескин камайиши билан боғлиқ (13-иловага қаранг). Шу йили ҳаётни суғурта қилиш тармоғи бўйича тўпланган суғурта мукофотлари миқдори 334,4 млрд.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг тегишли кўрсаткичидан 252,0 млрд.сўмга ёки 57 фоизга камайган. Айти пайтда пандемия туфайли суғурта тўловлари миқдориди ҳам кескин камайиш кузатилган. 2020 йилда ҳаётни суғурталовчи компаниялар томонидан жами 318,0 млрд.сўм миқдориди суғурта тўловлари амалга оширилган бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилнинг мос кўрсаткичидан 211,4 млрд.сўмга ёки 60,1 фоизга камайган.

2020 йилда суғурта мукофотларининг суғурта тармоқлари бўйича тақсимланишидаги ўзгаришларни атрофлича таҳлил қилиш натижалари умумий суғурта тармоғидаги суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 2019 йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан 151,8 млрд.сўмга ёки 108,7 фоизга ошганлигини кўрсатди (14-иловага қаранг). Юқориди қайд этганимиздек, мамлакат суғурта бозори бўйича суғурта мукофотлари ҳажмидаги салбий ўзгариш ҳаётни суғурта қилиш тармоғида юзага келган ҳолат билан боғланган. Шунингдек, 2020 йилда амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажмини 2019 йилнинг тегишли кўрсаткичи билан таққосласак, камайиш 75,9 млрд.сўмни ёки 9,3 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин (15-иловага қаранг).

Кўриниб турибдики, 2020 йилнинг II чорағида Ўзбекистонда карантин тадбирларининг кучайтирилганлиги сабабли COVID-19 пандемиясининг суғурта бозорига таъсири янада салбий натижаларни кўрсатган. Бирок, 2020 йилнинг 15 августидан мамлакатимизда босқичма-босқич карантин чекловларининг юмшатилиши иқтисодиётнинг фаоллашувига, бинобарин, суғурта бозорининг тикланишига олиб келади<sup>235</sup>. Демак, хулоса қилиш мумкинки, 2021 йилда иқтисодиётнинг бир маромда ривожланиши

<sup>235</sup> Шеннаев Х.М. Пандемия ва унинг Ўзбекистон суғурта бозорига таъсири: таҳлилий ёндашув. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №5, октябрь, 2020 й.-10-б. ISSN: 2181-1016. [https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as\\_sdt=0%2C5&q=shennaev&eq=](https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=shennaev&eq=)



суғурта бозори кўрсаткичларининг яхшиланишига имконият яратади.

Бизнинг фикримизча, пандемия шароитида суғурта компанияларининг ишлаш тажрибасига эга бўлмаганлиги, масофадан туриб (online) мижозларга суғурта хизматларини кўрсатишда илғор ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича суғурталовчиларда кўникма ва электрон платформанинг яратилмаганлиги, бу борада ходимларнинг малакаси етарли эмаслиги суғурта соҳасини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатди. Шунини эътиборга олган ҳолда қуйидаги таклифларни билдирамыз.

Суғурта полисларини электрон шаклда сотишни йўлга қўйиш мақсадида барча иш ҳужжатларини рақамли платформага ўтказиш лозим. Бунинг учун интернет технологияларини ривожлантиришга катта инвестиция маблағлари киритиш талаб этилади.

Суғурта шартномалари тузган юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, транспорт воситаси ёки соғлигига суғурта ҳодисалари содир бўлиши оқибатида етказилган зарарларни қоплашда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Яъни, суғурта ҳодисалари туфайли юзага келган зарарларни аниқлаш учун зарур бўладиган маълумотларни электрон шаклда қабул қилиш ва кўриб чиқиш, бу масалани мижозни иштирокисиз масофадан туриб ҳал қилиш амалиётини жорий этиш зарур.

Суғурта компанияси ходимларини масофадан туриб (online) ишлашлари учун шарт-шароитлар яратиш, интернет тезлигини ошириш, зарур компьютер техникалари билан таъминлаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

### **III боб бўйича хулосалар**

Учинчи боб доирасида амалга оширилган тадқиқотлар суғурта соҳасидаги йирик тадқиқот ва тахлилий марказларнинг прогнозларига кўра, пандемия туфайли 2020 йилда бутун дунёда суғурта хизматларига бўлган талаб пасайиши оқибатида глобал суғурта мукофотлари ҳажми 3 фоизга камайишини кўрсатди.

Ҳаётни суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари ҳажми 6,0 фоизга ёки 175,2 млрд.АҚШ доллари миқдорига камайиши кутилмоқда. Бундай салбий ҳолатни шу билан изоҳлаш мумкинки, коронавирус пандемияси даврида ишсизлар сонининг кескин ошиши ва аҳоли даромадларининг пасайиб кетиши, ўз навбатида ҳаётни суғурталаш бўйича талабнинг, бинобарин, суғурта мукофотлари ҳажмининг камайишига олиб келади.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари, бошқа давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам COVID-19 коронавирус пандемияси ортидан жорий этилган карантин чеклов тадбирлари иқтисодий фаолликни кескин секинлаштириши баробарида суғурта бозори ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатганлигини тасдиқлайди. Таҳлил натижалари 2020 йилда суғурта мукофотлари тушуми 2019 йилнинг тегишли кўрсаткичига нисбатан 100,2 млрд.сўмга ёки 4,3 фоизга камайганлигини кўрсатди.

Тадқиқот натижалари пандемия шароитида суғурта компанияларининг ишлаш тажрибасига эга бўлмаганлиги, масофадан туриб (online) мижозларга суғурта хизматларини кўрсатишда илғор ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича суғурталовчиларда кўникма ва электрон платформанинг яратилмаганлиги, бу борада ходимларнинг малакаси етарли эмаслиги суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш ва амалга оширишга тўсқинлик қилганлиги тўғрисида хулоса чиқариш имкониятини яратди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари томонидан суғурта компанияларига суғурта эътирозларининг одатдагидан кўп бўлишини ҳисобга олган ҳолда суғурталовчининг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш чораларини кўриш лозим. Шунингдек, пандемия шароитида молия бозорида ноаниқлик, акция ва облигациялар нархининг тушиб кетиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда суғурталовчи инвестиция портфелини самарали бошқариш, бунда юзага келадиган турли рискларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ. Пандемик рисклардан суғурталаш бўйича давлат-хусусий шерикчилигига асосланган суғурта пулини (Insurance Pool) ташкил этиш зарур.

## **IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **§4.1. Суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялаш тизими ва уни такомиллаштириш**

Глобал миқёсда, жумладан, Ўзбекистонда суғурта фаолияти табиий ва техноген характердаги қўнғилсиз ҳодисалар содир бўлиши оқибатида етказилган зарарларни қоплаш орқали иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бирок, турли даврларда рўй бериб турадиган молиявий-иқтисодий инқирозлар ва суғурта компаниялари топ-менежментининг нотўғри сиёсати натижасида суғурта компаниялари оғир молиявий аҳволга тушиб қолишлари мумкин. Бу ўз навбатида, суғурта компаниялари миқозларининг манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоялаш тизимини яратишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда барча давлатларда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялаш тизими турлича мазмун ва шаклни ўзида намоён этади<sup>236</sup>. Аксарият мамлакатларда суғурта истеъмолчиларини ҳимоя қилиш вазифаси суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича ваколатли давлат органлари зиммасига юкланган. Шунинг эътиборига олган ҳолда IAIS томонидан тасдиқланган “Суғуртанинг асосий принциплари”да (Insurance Core Principles) назорат қилувчи органлар суғурталовчи ва воситачилардан суғурта фаолиятини юритишда суғурта шартномаси тузилган даврдан то ушбу шартнома бўйича барча мажбуриятлар бажарилгунга қадар

---

<sup>236</sup> Shennaev Kh.M. The Main Directions of Protection of Insurance Consumers in the Current Situation. DOI: 10.5958/2319-1422.2020.00037.5. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR), ISSN: 2319-1422. Vol 9, Issue 6, November 2020, Impact Factor SJIF 2020 = 7.126. p.32.

истеъмолчиларга адолатли муносабатда бўлишни талаб қилади, деб қайд этилганлиги диққатга сазовор<sup>237</sup>.

Суғурта фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлашда суғурта истеъмолчиларини химоялаш тизими нечоғли аҳамиятга эга эканлиги ЕИ Парламенти ва Европа Кенгашининг 2016 йил 20 январдаги 2016/97 (ЕИ) Директивасида ҳам ўз ифодасини топган<sup>238</sup>. Ушбу Директивада суғурта ва қайта суғурта воситачилари Иттифоқ ҳудудида суғурта ва қайта суғурта маҳсулотларини сотишда марказий ролни ўйнаши таъкидланган. Шу билан бир қаторда суғурта маҳсулотларини турли кўринишдаги шахслар ва ташкилотлар, хусусан, агентлар, брокерлар, “банк суғуртасининг операторлари”, суғурта компаниялари, туризм агентликлари ва автомобилларни ижарага бериш бўйича компаниялар ҳам сотиши мумкинлиги баён этилган. Бунда суғурта маҳсулотини сотиш каналлари ўртасида фарқ бўлишига қарамасдан, суғурта истеъмолчилари бир хил даражадаги химоядан фойдаланишлари зарур эканлиги кўрсатилган.

Кўриб турибмизки, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ва қонуний ҳуқуқларини химоя қилиш масаласига халқаро ва минтақавий даражада эътибор қаратилмоқда. Бунга асосий сабаб шуки, йирик ва тизимли аҳамиятга эга суғурта компанияларининг иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолиши ордидан зиммасига олган мажбуриятини бажармаслиги кўп сонли суғурта истеъмолчиларнинг, нафақат суғурта компаниясига, балки ҳукуматга қарши оммавий норозиликни келтириб чиқаради.

Суғурта истеъмолчиларини химоялашни тартибга солиш ва механизмини такомиллаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, Katarzyna Malinowska ўз тадқиқотида ички қонунчиликнинг, жумладан, суғурта қонунчилигининг истеъмолчиларни химоя қилиш асосида ётадиган концепциясини биргина яхши жумла билан ифода этиш мумкин: яхши химояланган

<sup>237</sup> Insurance Core Principles. Updated november 2018. International Association of Insurance Supervisors (IAIS). <https://www.iaisweb.org/page/ supervisory-material/insurance-core-principles/file/77910/all-adopted-icps-updated-november-2018>.

<sup>238</sup> Directive (EU) 2016/97 Of The European Parliament and of The Council of 20 January 2016 on insurance distribution (recast). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/en/TXT/?uri=CELEX%3A32016L0097>.

истеъмолчи, демак, бу суғурта ҳақида яхши ахборот берилган истеъмолчидир, деган ғояни ўртага ташлаган<sup>239</sup>. Аксинча, Sandeep Chaudhary ва Jasneet Kaur мижозлар – ҳаётни суғурталаш бизнесида асосий таянч ҳисобланишини ҳамда ҳар қандай компания юқори фойда олиш мақсадида янги мижозларни жалб этишга ва амалдаги мижозларни сақлаб қолишга ҳаракат қилишини таъкидлайди<sup>240</sup>. Уларнинг фикрига кўра, ривожланган хорижий мамлакатлар билан таққослаганда Ҳиндистоннинг ҳаётни суғурталаш саноати мижозларнинг суғурта билан етарли даражада танишмаслиги, истеъмолчиларга яхши хизмат кўрсатилмаслиги ва мижознинг дидига мос суғурта маҳсулотининг мавжуд эмаслиги боис унчалик катта ютуққа эришгани йўқ.

Суғурта маҳсулоти истеъмолчилари ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда, масалан, етказилган зарарни қоплаш учун суғурта компанияси тўловни амалга оширишдан бош тортган ҳолларда суғурта фаолиятини тартибга солувчи давлат органига мурожаат қилишлари мумкин. Мазкур қарашни маъқуллаб, Daniel Schwarcz суғурта компанияларининг суғурта қопламаларини тўлашдан асоссиз воз кечиши бўйича истеъмолчиларнинг шикоятлари тўғрисидаги ахборот тартибга солувчи органлар учун ягона ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади, дейди<sup>241</sup>. Унинг фикрича, NAIC каби АҚШнинг кўпчилик штатлари суғурта комиссариатлари суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг шикоятлари тўғрисидаги маълумотни ўз веб-сайтларига жойлаштирадilar, бироқ суғурта маҳсулоти истеъмолчиларига ушбу маълумотни тўғридан-тўғри очиклаш суғурталовчилар учун мажбурий эмас.

Gabriel Bernardino ЕИ доирасида суғурта истеъмолчилари шикоятларини кўриб чиқиш бўйича янги ёндашувлар жорий

---

<sup>239</sup> Katarzyna Malinowska. Consumer protection in e-insurance in European Union. law Insurance Review 4/2014/Wiadomości Ubezpieczeniowe 4/2014, p.43. <https://piu.org.pl/public/upload/ibrowser/WU/4%202014/WU%204-2014%2004%20en%20malinowska.pdf>.

<sup>240</sup> Sandeep Chaudhary, Jasneet Kaur. Consumer perception regarding life insurance policies: a factor analytical approach. <http://www.ijim.in/wp-content/uploads/2016/07/Vol-1-Issue-IV-30-40-paper-4-Sandeep-Choudhary-consumer-perception-regarding-life-insurance-policies-a-factor-analytical-approach.pdf>.

<sup>241</sup> Daniel Schwarcz. Transparently Opaque: Understanding the Lack of Transparency in Insurance Consumer Protection. Scholarship Repository University of Minnesota Law School 61 UCLA L. REV. 394 (2014). p.416. [https://scholarship.law.umn.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1582&context=faculty\\_articles](https://scholarship.law.umn.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1582&context=faculty_articles).

этилганлигини қайд этар экан, мижозлар суғурта маҳсулотини харид қилиш бўйича қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлишлари учун қандай кўринишдаги ахборотларга эга бўлиши кераклиги бўйича қўлланма ишлаб чиқилганлигини таъкидлаган<sup>242</sup>. Суғурта истеъмолчиларини ҳимоялаш тизимини тадқиқ этиш натижаларига асосланиб Peter Pfund шундай хулоса қиладики, унга кўра суғурта назорати органи учун асосий устувор вазифа суғурта қилдирувчиларни суғурта тарифларини суъий оширилишидан ёхуд “унинг” компаниясини тўловга қобилиятсиз бўлиб қолиш хавфидан ҳимоялаш ҳисобланади<sup>243</sup>. Бу масала бўйича Peter Pfund қарашлари Европада ягона эмас. Аксинча, Европа суғурта назорати органи техник захираларни тўғри шакллантириш ва активларни эҳтиёткорлик билан баҳолаш суғурталовчи тўлов қобилиятини назорат қилиш учун асос бўлиши ҳақидаги фикрга қўшилади.

Ю.Колесников суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатини ҳимоялашга бағишланган тадқиқотида суғурта хизматлари бозоридаги истеъмолчи доимий ҳимояланишга муҳтож эканлигига ишора қилган<sup>244</sup>. У ушбу фикрини шу билан изоҳлайдики, суғурта истеъмолчисини, нафақат, суғурта компаниясининг жиддий молиявий жиноятлари билан боғлиқ рискдан, балки суғурта шартномасига истеъмолчини ноқулай ҳолатга соладиган шартларни киритилиши ва суғурта тарифларини асосиз оширилиши хавфидан ҳимоялаш лозим. Суғурта истеъмолчилари томонидан келиб тушадиган шикоятларнинг аксарияти етказилган зарарни қоплаш учун суғурталовчи томонидан мижозга тўланиши керак бўлган суғурта қопламалари миқдоридан норозилик ва тўлов муддатларига риоя этмаслик билан боғлиқдир.

<sup>242</sup> Gabriel Bernardino. Stability and consumer protection – The EIOPA view. Central Bank of Ireland Stakeholder Conference Dublin, 27 April 2012. [https://www.eiopa.europa.eu/content/stability-and-consumer-protection-E2%80%93-eiopa-view\\_en](https://www.eiopa.europa.eu/content/stability-and-consumer-protection-E2%80%93-eiopa-view_en).

<sup>243</sup> Pfund P. Consumer Protection and Insurance Supervision. The Geneva Papers on Risk and Insurance - Issues and Practice. 18, 432–438 (1993). <https://doi.org/10.1057/gpp.1993.34>. <https://link.springer.com/content/pdf/10.1057/gpp.1993.34.pdf>.

<sup>244</sup> Колесников Ю.А. О защите прав потребителей страховых услуг. // М.-журнал “Общество: политика, экономика, право” 2016. №8. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zaschite-prav-potrebitелей-strahovyih-uslug> (дата обращения: 18.11.2020).

Биз томондан амалга оширилган тадқиқот натижалари ҳамда соҳа мутахассислари ва олимларининг эълон қилган илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилиш суғурта истеъмолчиларини ҳимоялаш тизимини вужудга келганига ҳали унча кўп бўлмаганлигини кўрсатди. Бу фикрни Gabriel Bernardino ҳам кўллаб-қувватлаб, 1960 йилларга қадар истеъмолчиларни ҳимоялаш бўйича ҳуқуқий асослар амалда бўлмаганлигини эътироф этган<sup>245</sup>. Шунингдек, у ЕИ ҳужжатларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш 1972 йилда илк марта тилга олинганлигини ва шу пайтдан эътиборан суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялаш кучайганлигини таъкидлаган.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, суғурта истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялашда суғурталовчи ва тақдим этилаётган суғурта маҳсулоти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш муҳим восита ҳисобланади. АҚШ Молия вазирлиги Валюта назорати бошқармаси мутахассислари суғурта маҳсулотини сотишнинг таъқиқланган ва чалғитувчи ҳолатга олиб келиши билан боғлиқ усуллари бўйича хавфни бартараф этиш мақсадида АҚШда суғурталовчилар муайян ахборотларни истеъмолчиларга тақдим этишлари шарт, деб ҳисоблайди<sup>246</sup>. Бунда ҳар қандай суғурта маҳсулоти ва аннуитетни сотишдан олдин ушбу маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаш талаб этилади.

Lucie Lechardoy, Adriana Rodriguez Diaz ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, Буюк Британияда ҳаёт суғуртасидан ташқари, бошқа суғурта истеъмолчиларини ҳимоялаш FCA томонидан амалга оширилади<sup>247</sup>. Ушбу ташкилот мустақил давлат органи ҳисобланади ва тўлиқ ўз

---

<sup>245</sup> Gabriel Bernardino. Towards a new virtuous cycle in consumer protection in Insurance. International Consumer Protection Conference in Bucharest, 17 March 2014. <https://www.eiopa.europa.eu/content/towards-new-virtuous-cycle-consumer-protection-insurance>.

<sup>246</sup> Insurance Consumer Protection/ Consumer Affairs Laws and Regulations, Section 1380. (2002). <https://occ.gov/static/ots/exam-handbook/ots-exam-handbook-1380.pdf>.

<sup>247</sup> Lucie Lechardoy, Adriana Rodriguez Diaz and other. Study on consumers' decision making in insurance services: a behavioral economics perspective - Final report – Country fiches, Written by London Economics, Ipsos and VVA Europe May 2017. p.329. [https://ec.europa.eu/info/files/behavioural-study-insurance-services-final-report\\_en](https://ec.europa.eu/info/files/behavioural-study-insurance-services-final-report_en).

назоратидаги компаниялар тўлайдиган йиғимлар ҳисобидан молиялаштирилади. Унинг асосий вазифаларига молия, шу жумладан суғурта соҳасидаги халқаро ҳамда Европа стандарти ва қоидаларини Буюк Британия амалиётда татбиқ этиш ҳисобланади. Шунингдек, Буюк Британияда суғурта истеъмолчиларини ҳимоялаш вазифаси Англия банки (Bank of England) таркибига кирувчи PRAга юклатилган.

Буюк Британия суғурта истеъмолчиларининг бошқа мамлакатлардаги каби суғурта компанияларига ишончи паст даражада ҳамда улар тармоқ ҳақида етарли тасаввурга эга эмас. Шунингдек, суғурта компаниялари сайтида кўрсатилган суғурта маҳсулотлари нархи шаффоф эмас. Суғурта билан боғлиқ кўпгина шартлар ва қоидаларнинг ҳозирги ҳолати истеъмолчилар учун муаммолар келтириб чиқарапти. Дарҳақиқат, суғурталаш билан боғлиқ ҳужжатлар мураккаб тилда баён этилган бўлиб, суғурта истеъмолчилари истисно ва қоплама каби ибораларни чуқур тушунмайдилар. Айрим ҳолатларда ҳужжатларнинг ҳажми 60 бетдан ошади. Бу ўз навбатида, истеъмолчиларнинг кўп вақтини олади ва охир-оқибатда суғурта маҳсулотининг хусусиятлари тўғрисида керакли маълумотларни олмайди.

Германияда ҳам суғурта истеъмолчиларини ҳимоя қилиш ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу мамлакатда суғурта истеъмолчиларини ҳимоялаш BaFin ваколатига киради. BaFin фаолияти федерал бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайди, балки ўз назорати доирасига кирадиган молия институтларининг ажратмалари ҳисобидан харажатларини қоплайди<sup>248</sup>. BaFin молиявий хизматлар истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Германия ҳудудида фаолият юритадиган ҳар хил молия муассасаларининг, шу жумладан, суғурта компанияларининг фаолиятини назорат қилади. Назорат қилиш натижасида аниқланган камчиликларга таянган ҳолда истеъмолчиларга бир қатор маслаҳатлар беради. Шунингдек, BaFin ўзининг расмий веб-сайти

---

<sup>248</sup> BaFin and consumer protection (2020). [https://www.bafin.de/EN/Verbraucher/BaFinVerbraucherschutz/bafin\\_node\\_en.html](https://www.bafin.de/EN/Verbraucher/BaFinVerbraucherschutz/bafin_node_en.html).



орқали истеъмолчиларга турли суғурта маҳсулотларининг асосларини тушунтиради ҳамда суғурта шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, суғурта даъволари юзага келганда қандай ишларни амалга ошириш зарурлиги тўғрисида доимий тарзда маълумотлар тақдим этиб боради.

Суғурта истеъмолчиларини ҳимоялаш бўйича Япония тажрибасини таҳлил қилиш илмий жиҳатдан қизиқарли ҳисобланади. Мазкур давлатда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш FSA томонидан амалга оширилади<sup>249</sup>. Суғурта истеъмолчиларини ҳимоялаш мақсадида FSA суғурта компанияларига нисбатан барвақт огоҳлантириш чорасини қўллайди. Ушбу чора суғурта компаниясининг тўлов қобилияти мақомига боғлиқ ҳолда зарурий тузатишларни киритиш бўйича назорат органининг буйруғи асосида амалга ошади ва суғурталовчининг тўлов қобилияти маржаси коэффиценти 200 фоиздан тушиб кетган компаниялар учун татбиқ этилади.

Таъкидлаш лозимки, суғурта истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишда суғурта фаолиятини назорат қилувчи органлар билан бир қаторда бошқа ташкилотлар ҳам фаол иштирок этадилар. Масалан, Буюк Британиянинг “Молиявий хизматлар ва бозорлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ 2000 йилда Молиявий омбудсман хизмати (Financial Ombudsman Service Limited) ташкил этилган<sup>250</sup>. Унинг асосий вазифаси молиявий ташкилотлар, хусусан, суғурта компаниялари ҳамда уларнинг мижозлари ўртасидаги шикоятларни адолатли, ақл-идрок ва минимал расмиятчилик билан ҳал этиш ҳисобланади. Агар суғурта компанияси ва унинг мижози ўртасидаги муаммо мустақил равишда ҳал этилмаса, у ҳолда Молиявий омбудсман ёрдамга келади. Суғурта компаниясининг айби билан истеъмолчига суғурта товони тўланмаган бўлса, омбудсманнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу пул маблағи

<sup>249</sup> Japan: Insurance Core Principles—Detailed Assessment of Observance (2012). International Monetary Fund, August 2012 IMF Country Report No. 12/228. <https://www.imf.org/en/Publications/CR/Issues/2016/12/31/Japan-Insurance-Core-Principles-Detailed-Assessment-of-Observance-26160>.

<sup>250</sup> Financial Ombudsman Service Limited. Annual report and accounts for the year ended 31 March 2020. ISBN 9781135286191809, CCS 0320299630 11/20, p.5. [https://www.financial-ombudsman.org.uk/who-we-are/governance-funding/annual-reports-accounts?utm\\_source=document&utm\\_medium=pdf&utm\\_campaign=annual-report-2020](https://www.financial-ombudsman.org.uk/who-we-are/governance-funding/annual-reports-accounts?utm_source=document&utm_medium=pdf&utm_campaign=annual-report-2020).

истеъмолчи фойдасига ҳал этилади. 2019 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар Молиявий омбудсман хизматига суғурта истеъмолчиларидан 45200 та шикоят келиб тушган бўлиб, унинг 35165 таси ижобий ҳал этилган.

Буюк Британиядан фарқли уларок, Германияда суғурта омбудсмани ассоциацияси ташкил этилган бўлиб, унинг асосий фаолият йўналишлари суғурта компанияси ва истеъмолчи ўртасида юзага келадиган низоларни суддан ташқари тартибга солишда кўмаклашиш ҳисобланади<sup>251</sup>. Суғурта компаниялари ва Германия суғурталовчилар федерацияси (German Insurance Federation (GDV)) ушбу ассоциацияга аъзо бўлиб кирган. Ассоциация ҳузурида Арбитраж кенгаши тузилган бўлиб, унинг таркибига омбудсман ва ходимлари ҳамда 45 нафардан иборат юристлар, суғурта ва маъмурий ходимлар киради.

Бизнинг фикримизча, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Россия Федерациясининг тажрибасини ўрганиш илмий-амалий жиҳатдан катта қизиқиш ўйготади. Мазкур давлатда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш қатор ташкилотлар, жумладан, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича ваколатга эга Россия Банки, молиявий хизматлар соҳасида молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Молиявий вакиллик хизмати, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва инсон фаровонлигини ҳимоя қилиш бўйича Федерал хизмат томонидан амалга оширилади.

Суғурта фаолиятининг шаффофлик ва очиқлик даражасини баҳолашда, қайсидир маънода, суғурта қилдирувчилар томонидан суғурталовчиларнинг фаолиятдан норозилик билдирилган шикоятлар сонини инобатга олиш муҳим. Шу нуқтаи назардан, Россия Федерациясида фаолият кўрсатаётган суғурталовчилар устидан ваколатли органларга тақдим этилган шикоятлар бўйича қуйидаги статистик маълумотни келтириб ўтишни лозим, деб ҳисоблаймиз (4.1-жадвалга қаранг).

---

<sup>251</sup> The Insurance Ombudsman. Association (2020). <https://www.versicherungsombudsman.de/welcome/>.

**Россия Федерациясининг суғурта субъектлари устидан ТОП-5  
та суғурта маҳсулотлари бўйича келиб тушган шикоятлар  
сони<sup>252</sup>**

№	Суғурта маҳсулотлари	2018 й. (бирлик)	2019 й. (бирлик)	2019 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариш (%)	2018 йилда умумий шикоятлар сонигаги улуши (%)
Жами, шу жумладан:		63063	41646	-34,0	100,0
1.	Автофукаролик жавобгарли-гини мажбурий суғурта қилиш	52492	33244	-36,7	83,2
2.	Мулкни суғурта қилиш, шу жумладан, автокаска	2274	2035	-10,5	3,6
3.	Бахтсиз ҳодисалардан ва касалликлардан суғурта қилиш, шу жумладан, четга чиқувчиларни суғурта қилиш	4821	3988	-17,3	7,6
4.	Ҳаётни суғурта қилиш	2062	1887	-8,5	3,3
5.	Юридик ва жисмоний шахс-ларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш, шу жумладан, туроператорларнинг жавоб-гарлигини суғурта қилиш	1414	492	-65,2	2,3

Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижалари 2019 йилда 2018 йилга нисбатан ТОП-5 та суғурта

<sup>252</sup> “Направления защиты прав потребителей финансовых услуг”. Информационный доклад. Материал подготовлен Службой по защите прав потребителей и обеспечению доступности финансовых услуг Центрального банка Российской Федерации. – М.: 2021. – с.31. [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/117853/inf\\_note\\_jan\\_1921.pdf](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/117853/inf_note_jan_1921.pdf).

маҳсулоти бўйича суғурта қилдирувчилардан келиб тушган шикоятларнинг кескин камайганлигини кўрсатмоқда. Бу асосан автофуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шикоятлар сонининг 2018 йилдаги 52492 тадан 2019 йилга келиб 19248 тага ёки 36,7 фоизга камайганлиги билан изоҳланади. Жадвал маълумотлари баъзи суғурта маҳсулотлари, масалан, юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш, шу жумладан, туроператорларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича шикоятлар сони катта фарқ билан камайганлигидан далолат беради. Ушбу суғурта маҳсулоти бўйича шикоятлар сони 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 922 тага ёки 65,2 фоизга камайган. Бунга суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида суғурта қилдирувчиларга етказилган зарарларни қоплаш учун суғурта тўловларини ўз вақтида амалга оширилганлиги сабаб бўлган. Чунки, бизнинг эксперт фикримизча, шикоятларнинг салмоқли қисми суғурталовчилар томонидан суғурта тўловларини тўлашда сансалорлиликка йўл қўйилаётганлиги ёки уларнинг суғурта тўловларини амалга оширишдан асоссиз бош тортаётганлиги билан боғлиқ.

Жадвал маълумотларининг таҳлиliga асосланиб хулоса қилиш мумкинки, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан суғурта компаниялари фаолияти устидан шикоятлар сонининг сезиларли тарзда камайганлигини Россияда суғурталовчилар фаолияти устидан тизимли назоратнинг йўлга қўйилганлиги, суғуртага доир ахборотларнинг шаффофлиги ва очиклик кўламининг кенгайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, 2019 йилдан бошлаб Россияда молия маҳсулотлари истеъмолчилари, шу жумладан, суғурта маҳсулотлари истеъмолчилари ва суғурта компаниялари ўртасида вужудга келадиган низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан шуғулланадиган Молиявий вакиллик хизматини ташкил этилганлиги шикоятлар сонига таъсир кўрсатган.

Биз суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи органнинг Ўзбекистон суғурта бозорининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш борасида амалга оширган ишларини

муносиб баҳолаган ҳолда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларидан мазкур давлат органига келиб тушган мурожаат ва шикоятлар сони динамикасидаги ўзгаришларни таҳлил қиламиз (4.1-расмга қаранг).

Мазкур расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2014-2017 йиллар давомида юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва нозорат қилувчи органга мурожаат ва шикоятлари сони мунтазам ўсиб борган. Айниқса, 2016 йилда фуқаро ва корхоналардан келиб тушган шикоят ва мурожаатларнинг сони 2015 йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан 2,2 мартага ошган.



Буни 2016 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхоналарини ташкил этилганлиги ва аҳоли мурожаатлари билан ишлаш соҳасида туб ўзгаришлар содир бўлганлиги билан тушунтириш мумкин. Таҳлил этилаётган даврда энг кўп келиб тушган мурожаатлар сони 2020 йилга тўғри келган. Яъни, шу йили мурожаатлар сони 616 тани ташкил этган. Мурожаат ва шикоятларнинг аксарияти суғурта қилдирувчиларнинг суғурта компаниялари томонидан тўланиши лозим бўлган суғурта тўловлари муаммоси билан боғлиқ.

<sup>253</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигига суғурта маҳсулоти истеъмолчиларидан келиб тушган мурожаатларнинг салмоқли қисми жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келган (4.2-жадвалга қаранг).

4.2-жадвал

**Юридик ва жисмоний шахслар кесимида суғурта маҳсулоти истеъмолчилари мурожаатлари сонидagi ўзгаришлар<sup>254</sup>**

№	Мурожаат турлари	2019 йил		2020 йил		Фарқи (+, -)
		сонда	фоизда	сонда	фоизда	
1.	Юридик шахслар	31	8,6	23	2,7	-8
2.	Жисмоний шахслар	328	91,4	593	96,3	+265
	Жами	359	100,0	616	100,0	+257

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларидан Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигига келиб тушган мурожаатлар сони 616 тани ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг тегишли кўрсаткичидан 257 тага кўпдир.

Маълумотларга кўра, келиб тушган мурожаатларнинг 244 таси ихтиёрий суғурта турлари ва 101 таси мажбурий суғурта турларига тўғри келган. 2019 йилда жами мурожаатларнинг 328 таси ёки 91,4 фоизи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2020 йилда ҳам бу тенденция сақланиб қолган. Яъни, 2020 йилда жами мурожаатларнинг 458 таси ёки 74,4 фоизи жисмоний шахслар улушини ташкил этган.

2020 йилда Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигига келиб тушган мурожаатларнинг 158 таси ёки 25,6 фоизи қаноатлантирилган. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

<sup>254</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

**Суғурта маҳсулоти истеъмолчиларидан келиб тушган  
мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича маълумот**<sup>255</sup>

№	Кўрсаткичлар	2019 йил		2020 йил		Фарқи (+,-)
		сонда	фоизда	сонда	фоизда	
1.	Қаноатлантирилган мурожаатлар сони	89	24,8	158	25,6	+69
2.	Тушунтириш берилган мурожаатлари сони	270	75,2	458	74,4	+188
Жами		359	100,0	616	100,0	+257

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари 2020 йилда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларидан келиб тушган муурожаатларнинг 458 тасига ёки 74,4 фоизига тушунтириш берилганлигини кўрсатди. Шунингдек, 2019 йилда агентликка келиб тушган муурожаатларнинг 24,8 фоизи қаноатлантирилган, 75,2 фоизига эса тушунтириш берилган. Шуниси эътиборлики, 2019 йилда қаноатлантирилган муурожаатлар бўйича суғурта маҳсулоти истеъмолчиларига тўлаб берилган суғурта қопламалари миқдори 4539,7 млн.сўмни ташкил этган. Ушбу сумманинг 1518,0 млн.сўми мажбурий суғурта турларига ва 3021,7 млн.сўми ихтиёрий суғурта турларига тўғри келган. 2020 йилда эса қаноатлантирилган муурожаатлар доирасида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларига 4750,0 млн.сўм суғурта тўловлари тўлаб берилган<sup>256</sup>.

Суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, статистик маълумотлар сўнгги йилларда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг суғурта фаолияти билан боғлиқ турли мазмундаги, хусусан, суғурта компанияларининг ҳатти-ҳаракатлари устидан суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ваколатига эга давлат органига

<sup>255</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>256</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

мурожаатлари сони кескин ошганлигини кўрсатмоқда. Масалан, ушбу давлат органига 2015 йилда 75 та мурожаат келиб тушган бўлса, 2020 йилга келиб мазкур мурожаатлар сони жами 616 тани ташкил этган ёки қарийб 8,2 мартага кўпайган. Ушбу ҳолат бир томондан, аҳоли, корхона ва ташкилот раҳбарларининг суғурта фаолияти бўйича хабардорлик даражаси ошганлигини, иккинчи томондан, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатлари лозим даражада ҳимояланмаганлигини кўрсатади.

Бизнинг назаримизда, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялаш борасида қуйидаги муаммолар мавжуд:

суғурта шартномаларида маълумотларнинг асимметрик тусда эканлиги. Яъни, суғурта шартномаларида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатлари етарли даражада эътиборга олинмаган. Суғурта шартномасида акс этган шартлар мураккаб ва уларнинг мазмуни истеъмолчилар томонидан тўлиқ англаб олинмайди;

суғурта маҳсулотларининг нархлари шаффоф эмас, айрим ҳолатларда, суғурта тарифлари асоссиз оширилмоқда, суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида қўрилган зарарларни қоплашда суғурта ташкилотлари томонидан бюрократик тўсиқлар ва зарарларни асоссиз тўлашдан бош тортиш ҳолатлари кузатилмоқда. Суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялаш бўйича базавий стандартлар ишлаб чиқилмаган.

Суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

суғурта маҳсулоти истеъмолчилари томонидан келиб тушган мурожаатларнинг таҳлилига бағишланган мавзули телекўрсатувлар ташкил этиш ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш. Суғурта шартномаларида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатлари қанчалик инобатга олинганлигини таҳлил қилиш мақсадида суғурта шартномаларини экспертлар томонидан мустақил, ҳолисона ва адолатли экспертизасини ташкил этиш;



суғурта шартномаси шартларини соддалаштириш, уларни суғурта маҳсулоти истеъмолчилари учун тушунарли ва аниқ баён этиш, суғурта маҳсулотлари нархларининг илмий асосланганлигини таъминлаш, суғурта тарифларини адолатли, аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг тўловга қодирлигини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

суғурта ҳодисалари содир бўлиши оқибатида етказилган зарарларни қоплашда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларидан талаб этиладиган ҳужжатлар сонини кескин қисқартириш ва қисқа муддатларда зарарларни қоплаш чораларини кўриш, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини лозим даражада ҳимояланишини таъминлаш мақсадида уларнинг манфаатларини ҳимоялаш бўйича базавий стандартлар ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялаш тизими кучаяди, суғуртанинг кенг омма орасига кириб бориши учун шарт-шароитлар яратилади, суғурталовчилар томонидан амалга ошириладиган суғурта тўловлари ҳажми кескин ошади.

#### **§4.2. Суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлашнинг асосий йўналишлари**

Суғурта компаниялари фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш бугунги кунда глобал суғурта бозори, шу жумладан, Ўзбекистон суғурта фаолиятида марказий ўринда турган вазифалардан бири ҳисобланади. Зотан, ҳар қандай соҳа учун шаффофлик ва очиклик барча даврларда адолат ва тараққиётнинг асосий шarti сифатида намоён бўлган. Шу ерда қайд этиш керакки, суғурта фаолиятининг жамиятдаги нуфузи ва обрўси, айнан, умуман соҳа, хусусан, суғурта маҳсулотларининг омма учун шаффофлиги ва очиклигига чамбарчас боғлиқ.

IAIS томонидан қабул қилинган ва 2018 йилда янгиланган “Суғуртанинг асосий принциплари” (Insurance Core principles,

updated november 2018)да ҳар бир давлатнинг суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи органларига суғурта компанияларидан суғурта фаолиятига оид ахборотларнинг шаффофлиги ва очиклигини таъминлашни талаб этиш тавсия этилганлигини инобатга олсак, мазкур тадқиқот йўналиши нечоғлик долзарб эканлиги янада ойдинлашади<sup>257</sup>.

Эътироф этиш зарурки, мамлакатимизда суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш бўйича амалий қадамлар қўйилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорида суғурта бозорининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган<sup>258</sup>. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди ва унинг зиммасига бошқа вазифалар қатори суғурта бозорининг ишлаши ва унинг профессионал иштирокчилари фаолияти очиклиги ва шаффофлигини, шу жумладан суғурта фаолияти соҳасидаги статистик ва молиявий кўрсаткичларни мунтазам эълон қилиш йўли билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Маълумки, суғурта компанияларининг фаолияти ушбу соҳадан анча узоқ бўлган аҳоли қатламлари ва корхона раҳбарлари учун тушуниш ҳамда англаш биров мураккаб бўлган суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва сотиш билан боғлиқ. Суғурта бозори энди шаклланаётган 1990 йиллардаги суғурта маҳсулотлари сонига нисбатан 2020 йилларга келиб юридик ва жисмоний шахсларга таклиф этилаётган суғурта маҳсулотлари сони кескин

---

<sup>257</sup> Insurance Core principles, updated november 2018. International Association of Insurance Supervisors. <https://www.iaisweb.org/page/supervisory-material/insurance-core-principles-and-comframe/file/87203/all-icps-adopted-in-november-2018>.

<sup>258</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори. <https://www.lex.uz/docs/4459802>.

ошган. Шу билан бирга, суғурта компаниялари халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ўз миқозлари доирасини кенгайтириш учун янги рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиши баробарида истеъмолчиларни зарурий ахборот билан таъминлашга, яъни суғурта маҳсулотининг шаффофлиги ва очиқлигига етарли эътибор қаратмадилар. Бу ҳолат, пировард натижада, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари томонидан суғурта компанияларига нисбатан салбий кайфиятни шаклланишига сабаб бўлди.

Суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш масаласи, нафақат суғурта соҳасидаги хорижий ва мамлакатимиз олимларининг, балки халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда.

IAIS томонидан 2017 йил 21 февралда эълон қилинган “Суғурта саноатида молиявий технологияларнинг ривожланиши” (FinTech Developments in the Insurance Industry) номли рисолада технологик компаниялар ёки суғурта компаниялари суғурта қилдирувчиларга индивидуал суғурта маҳсулотларини таклиф этишлари, бироқ бунда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатлари тўлиқ ҳисобга олинмаслик rischi юзага келиши мумкинлиги баён этилган<sup>259</sup>. Яъни, технологик компания ёки суғурта компаниялари томонидан тақдим этилган рақамли суғурта маҳсулотининг шаффофлиги талаб даражасида таъминланмаслиги оқибатида манфаатлар тўқнашуви вужудга келиши мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда ушбу халқаро ташкилот миллий суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи органлар суғурта компанияларидан рақамли суғурта маҳсулотларини сотиш жараёнида унинг юқори даражада шаффоф ва очиқлигини таъминлашларини талаб этишлари керак, деб ҳисоблайди.

ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 2009 йил 25 ноябрдаги “Суғурта ва қайта суғурта фаолиятини амалга оширишни ташкил этиш ва амалга ошириш тўғрисида (Solvency II)”ги 2009/138/EC-сон директивасида (Directive 2009/138/EC of the European Parliament and

<sup>259</sup> FinTech Developments in the Insurance Industry. 21 February 2017. International Association of Insurance Supervisors. p.6-7. <https://www.iaisweb.org/page/news/other-papers-and-reports//file/65625/report-on-fintech-developments-in-the-insurance-industry>.

of the Council of 25 November 2009 on the Taking-up and Pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II) (recast) (Text with EEA relevance) (OJ L 335, 17.12.2009, p.1) кенг жамоатчиликни суғурта ва қайта суғурталовчилар фаолияти билан яқиндан таништириб бориш, қолаверса, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини химоя қилиш мақсадида суғурта фаолиятига оид ахборотларнинг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу Директиванинг 3-бўлими “Ахборотларни оммавий ошкор қилиш” деб номланади ва унинг 51-моддасида ЕИГА аъзо-давлатлар ҳар йили ўз ҳудудларидаги суғурта ва қайта суғурта компанияларидан уларнинг тўловга қобилияти ва молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни оммавий ошкор этишларини талаб қилишлари зарурлиги таъкидланган<sup>260</sup>.

Нобель мукофоти лауреати Joseph E. Stiglitz ва бошқалар “Асимметрик ахборотни эндоген ва асимметрик очиклаш билан боғлиқ суғурта бозорининг тавсифи, амал қилиши ва Парето-оптималлик: Ротшильд-Стиглиц қарашларини қайта кўриб чиқиш” (Characterization, Existence, and Pareto Optimality in Insurance Markets with Asymmetric Information with Endogenous and Asymmetric Disclosures: Revisiting Rothschild-Stiglitz) мавзусидаги илмий ишларида суғурта маҳсулотини харид қилиш тўғрисидаги маълумотнинг ошқоралигини таъминлаш эндоген тусда эканлигидан келиб чиқиб, ҳар бир суғурта компанияси ва истеъмолчи кимга қандай ахборотни очиклаш ҳақидаги қарорни шу мазмунда қабул қиладики, бунда контракт харидлари тўғрисидаги ахборот, нафақат, эндоген маънога, балки асимметрик хусусиятга эга бўлади, деган ғояни илгари сурганлар<sup>261</sup>. Бошқача сўз билан айтганда, суғурта маҳсулотларини харид қилишда ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаш суғурта компанияси ва суғурта

<sup>260</sup> Directive 2009/138/EC of the European Parliament and of the Council of 25 November 2009 on the Taking-up and Pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II) (recast) (Text with EEA relevance) (OJ L 335, 17.12.2009, p.1) p.48. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=celex%3A32009L0138>.

<sup>261</sup> Joseph E. Stiglitz, Jungyoll Yun, and Andrew Kosenko. Characterization, Existence, and Pareto Optimality in Insurance Markets with Asymmetric Information with Endogenous and Asymmetric Disclosures: Revisiting Rothschild-Stiglitz, NBER Working Paper No. 24711, June 2018, JEL No. D82, D83, DOI 10.3386/w24711. <https://www.nber.org/papers/w24711>.

қилирувчининг ички сиёсати бўлиб, бу жараёнда бир томон иккинчи томонга нисбатан суғурта маҳсулоти ҳақида аниқ ва кўпроқ маълумотга эга бўлиши (ахборотнинг асимметрик хусусияти) мумкин.

Giampaolo Gallінинг фикрича, шаффофлик бошқарув ва бизнес билан боғлиқ барча жабҳаларда етакчилик ролини ўйнайди. Айниқса, узоқ муддатли ҳаёт суғуртасида маҳсулотларнинг шаффофлиги муҳим аҳамиятга эга<sup>262</sup>. У ўтказган тадқиқот натижалари Италияда ҳаёт суғуртасининг жадал суръатлар билан ривожланишига суғурта фаолиятига оид ахборотларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилган юқори стандартларнинг мавжудлиги жиддий таъсир кўрсатганлигини тасдиқлаган. Мазкур тадқиқотчининг фикрига шу маънода қўшилиш мумкинки, қайси мамлакатда суғурта фаолияти ривожланишининг юқори поғоналарини банд этган бўлса, шубҳасиз, бу ҳолат суғурта маҳсулотларининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашнинг самарали механизми йўлга қўйилганлиги билан боғлиқдир.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда шаффофлик ва очиқликни таъминлаш йўналишида ҳам тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Масалан, Daniel Schwarcz тартибга солувчи органнинг қўллаб-қувватлаши натижасида суғурта фаолиятининг шаффоф ва очиқлигини таъминлаш суғурта бозорининг самарадорлигини кескин ошириши мумкин, деб ҳисоблайди<sup>263</sup>. Унинг фикрича, айрим ҳолатларда суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш амалдаги суғуртага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қараганда ҳам суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши нуқтаи назаридан фойдали бўлиши мумкин.

---

<sup>262</sup> Galli G. Towards a Good Governance in Financial and Insurance Services: Transparency in the Life Insurance Industry in Italy. Geneva Pap Risk Insur Issues Pract 30, 443–450 (2005). <https://doi.org/10.1057/palgrave.gpp.2510039>. p.449-450. <https://link.springer.com/article/10.1057/palgrave.gpp.2510039#citeas>.

<sup>263</sup> Daniel Schwarcz. Transparently Opaque: Understanding the Lack of Transparency in Insurance Consumer Protection. Scholarship Repository University of Minnesota Law School 61 UCLA L. REV. 394 (2014). [https://scholarship.law.umn.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1582&context=faculty\\_articles](https://scholarship.law.umn.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1582&context=faculty_articles).

Суғурта фаолиятини амалга оширишда корпоратив шаффофлик ва очиқлик ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, Sangyong Han ва бошқаларнинг тадқиқотларида суғурталовчи молиявий ҳисоботининг муҳим таркибий қисми бўлган зарарлар бўйича захиранинг қанчалик зарур эканлиги ҳеч кимда шубҳа ўйғотмайдиган бир пайтда, корпоратив шаффофликнинг мавжуд бўлмаслиги тартибга солувчи органга зарарларнинг суғурталовчи захирасига мувофиқ келишини аниқ текшириш имкониятини бермаслиги илмий асосланган<sup>264</sup>. Бизнинг назаримизда, бошқа томондан, фаолияти шаффоф бўлган суғурта компаниясининг менежерлари ушбу компаниянинг ҳаққоний молиявий ҳолатини шунчаки яшириш имконига эга эмас. Бир сўз билан айтганда, корпоратив шаффофликнинг юқори даражаси суғурталовчиларнинг зарарлар бўйича шакллантирган захирасининг ҳақиқий ҳолатини яширишга бўлган қизиқишини пасайтиради. Шу маънода, корпоратив шаффофлик суғурталовчи захирасини нотўғри бошқаришни аниқлашга ёки юмшатишга кўмак беради.

Irina Gemmo ва бошқалар адолатли нарх бўйича рискларни тўлиқ қоплашни назарда тутувчи суғурта полиси тақдим этилган тақдирда маълумотларни очиқлиги талаб этиладиган ҳолатни ўрганишган<sup>265</sup>. Ушбу муаллифлар томонидан амалга оширилган таҳлил натижалари рискни аниқлаш бўйича ахборотни ошқор қилиш усулини танлаш истеъмолчи учун унинг ўрнига франшизани алмаштириш мумкинлигини кўрсатган. Суғурта қилдирувчидан шахсий маълумотларнинг шаффофлигини талаб этмайдиган суғурта полисининг нархи ушбу маълумотлар суғурта шартномасининг шартларига киритилган ёки киритилмаганлигига ҳамда шундай шартномани танлаган суғурта маҳсулоти истеъмолчилари сонига боғлиқ.

Г.Б. Ермолаевнинг таъкидлашича, суғурта фаолиятига оид ахборотнинг шаффофлигини таъминлаш суғурта

<sup>264</sup> Sangyong Han, Gene C. Lai, Chia-Ling Ho. Corporate Transparency and Reserve Management: Evidence from U.S. Property-Liability Insurance Companies. *Journal of Banking & Finance* Volume 96, November 2018, p.380. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0378426618301663>.

<sup>265</sup> Irina Gemmo, Mark J. Browne, Helmut Grundl. Transparency Aversion and Insurance Market Equilibria, ICIR Working Paper Series No. 25/2017, p.2. <https://www.econstor.eu/handle/10419/169405>.

компанияларининг оммавийлашиши, биринчи галда, суғурта хизмати истеъмолчилари, суғурта бозорининг бошқа иштирокчилари ва инвесторлар учун зарур<sup>266</sup>. Бизнинг фикримизча, ушбу муаллифнинг қарашлари мақсадга мувофиқ бўлиб, суғурта фаолиятининг шаффофлиги қанчалик ошган сайин суғурта бозори учун хос бўлган ташкилотлар, яъни суғурта брокери ва суғурта агенти, диспашер, сюрвейерлар, авария комиссарлари ҳамда бошқаларнинг сифатли ахборотга эга бўлиши ҳисобидан таъсири кучаяди. Яъни, ушбу ташкилотларнинг истеъмолчиларга ахборот етказиш имконияти кенгайди, бинобарин, улар суғурта фаолияти билан боғлиқ ахборотларни тарқатиш каналларидан бири ҳисобланади.

Richard Harding ўз тадқиқотида ҳозирги вақтда суғурта бозорида шаффофлик асимметрияси кузатилаётганлигини таъкидлаб, мижозларнинг манфаатига таъсир этувчи қарорлар ва ўзгаришлар қабул қилинаётганлигини, бироқ бу ҳақда уларга шаффоф ахборот берилмаётганлигига ўз эътиборини қаратган<sup>267</sup>. Ушбу тадқиқотчининг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда тан олиш керакки, бу ҳолат суғурта амалиётида мавжуд. Масалан, электр энергияси ёхуд газдан фойдаланганлик учун хизмат ҳақи ўзгарса, дарҳол бу борада истеъмолчиларга, деярли, барча оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилинади. Аммо, суғурта маҳсулотининг таркиби ва тузилиши, шартлари бўйича рўй берган ўзгаришларга доир ахборотлар барча мижозларга етказилаёпти, деб бўлмайди.

А.Цыганов ва Т.Глухова суғурта фаолиятига оид ахборотларнинг ошқоралигини таъминлаш муаммоларига тўхталиб ўтар экан, суғурта компанияси ахборотларнинг асимметриясини камайтиришга ва инвесторлар томонидан ахборот олиш учун тенг шароит яратишга ҳаракат қилиши лозим, деган ғояни илгари

---

<sup>266</sup> Ермолаев Г.Б. Информационная прозрачность и ее влияние на развитие инфраструктуры страхового рынка. // ЭТАП: “Экономическая Теория, Анализ, Практика”. 2011. №6. стр.135. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/informatsionnaya-prozrachnost-i-ee-vliyaniye-na-razvitiye-infrastruktury-strahovogo-rynka> (дата обращения: 10.02.2021).

<sup>267</sup> Richard Harding. The insurance industry needs to increase transparency. A speech by Richard Harding at the Insurance Council of New Zealand Conference on 5/11/19. <https://www.scoop.co.nz/stories/BU1911/S00102/the-insurance-industry-needs-to-increase-transparency.htm>.

сурган<sup>268</sup>. Ахборотлар шаффофлигининг юқори даражаси, нафақат, инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг, балки капитал бозори самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаш суғурта компанияларининг инвестициявий жозибadorлигини оширади.

Суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари бизнинг мамлакатимизда етарли даражада амалга оширилмаган. Суғурта соҳасидаги адабиётларни таҳлил этиш натижалари ҳам ушбу фикримизни қўллаб-қувватлайди. Тўғри, суғурта соҳасининг у ёки бу йўналишларида тадқиқот ишлари амалга оширилган. Масалан, С.Умаров суғурта фаолиятини ташкил этиш, уни бошқаришнинг институционал асосларини такомиллаштириш, суғурта хизматлари бозорини ривожланиш тенденцияларини баҳолаш ҳамда уни давлат томонидан тартибга солиш ва ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларининг фаолият юритиш механизмларини, шунингдек суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг концептуал қондаларини, миллий суғурта компанияларини бошқаришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда суғурта бозорини истикболда ривожланишини белгилаш муаммоларини тадқиқ этган<sup>269</sup>. Бирок, унинг тадқиқот ишида суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш масалалари тадқиқот доирасидан четда қолган.

Қ.Қўлдошев суғурта фаолиятининг мамлакатимиз учун янги шаклларида бири бўлиши кутилаётган ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш методологияси ва ҳуқуқий асослари, ушбу жамиятларда суғурта ишини ташкил этиш ва амалга ошириш йўналишлари каби масалаларни ўрганган, аммо суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлашга оид

<sup>268</sup> Цыганов А.А., Глухова Т.С. Практика раскрытия информации российскими страховыми компаниями // Финансовая аналитика: проблемы и решения. 2009. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/praktika-raskrytiya-informatsii-rossiyskimi-strahovymi-kompaniyami> (дата обращения: 10.02.2021).

<sup>269</sup> Умаров С.А. “Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш” мавзусида 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги бўйича и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2012. -49 -6.



масалалар тадқиқ этилмаган<sup>270</sup>. Г.Халикулова эса суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмининг назарий ва услубий асослари, Ўзбекистон суғурта тизимининг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланишининг асосий муаммолари ҳамда такомиллаштириш йўналишлари бўйича тадқиқот ишларини амалга оширган. Бирок, муаллиф суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш йўналишида тадқиқот ўтказмаган<sup>271</sup>.

Суғурта соҳасининг турли йўналишларида илмий изланишлар олиб бораётган Т.Баймуратов<sup>272</sup>, И.Абдурахмонов<sup>273</sup>, И.Кенжаев<sup>274</sup> ва Н.Маврулова<sup>275</sup> каби олимларнинг илмий ишларини ўрганиш натижалари улар томонидан суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш масаласи тадқиқ этилмаганлигини кўрсатди.

Бизнинг назаримизда, суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини илмий жиҳатдан тушунтириш ҳамда баҳолаш мезонлари юзасидан тадқиқотчилар ўртасида ягона ёндашув мавжуд эмас. Масалан, Д.Липатова ва А.Яниннинг фикрича, суғурта ташкилотларининг ахборот шаффофлигини баҳолашда куйидаги учта мезондан фойдаланиш етарли<sup>276</sup>:

1. Сайтни баҳолаш – сайтнинг қулайлиги ва жозибadorлигини баҳолаш;

2. Ахборотларнинг ошкор этилиши – компания тўғрисидаги маълумотларнинг унинг сайтида тўлиқлигини баҳолаш;

---

<sup>270</sup> Қўлдошев К.М. “Ўзбекистонда ўзаро суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш” мавзусида 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича и.ф.д (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2019. – 75 б.

<sup>271</sup> Халикулова Г.Т. “Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмини такомиллаштириш” мавзусида 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Т.: 2019. – 63 б.

<sup>272</sup> Баймуратов. Суғурта фаолиятининг назарий-методологик тамойиллари. // Т.: “Молия” илмий журнали, 1/2018. – 132-137 б.

<sup>273</sup> Абдурахмонов И.Х., Ахмедова М. Суғурта - мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кучли молиявий воситаси. // Т.: “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 й.

<sup>274</sup> Кенжаев И.Ф. Иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида суғурта фаолиятини ривожлантириш масалалари. // Т.: “Молия” илмий журнали, 2/2016. – 129-134 б.

<sup>275</sup> Маврулова Н.А. Қайта суғуртани суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини бошқариш омилли сифатида ривожлантириш. // Т.: “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, 2019 йил №3, 43-47 б.

<sup>276</sup> Липатова Д., Янин А. Оценка информационной прозрачности страховых компаний. Бюллетень рейтингового агентства “Эксперт РА”. с.3. <https://raexpert.ru/researches/insurance/transparency/>.

3. PR (Public Relations) - компаниянинг PR-хизмати ишининг сифатини баҳолаш (тезкорлик, кулайлилик, сўровларнинг мазмуни бўйича амалга оширилган ишлар).

Бизнинг фикримизча, бир қараганда, юқорида қайд этилган мезонлар суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини баҳолаш учун етарлидек туюлади. Бироқ, келтирилган мезонларни чуқурроқ таҳлил қилсак, унда камчиликлар мавжуд эканлиги яққол сезилади. Масалан, суғурта компаниясининг сайтида ёритилиши шарт бўлган ахборотлар рўйхатини келтириш ва уни баҳолаш зарур. Чунки, суғурта бозори кучли бўлган давлатларда белгиланган талабга кўра, суғурта компаниялари тегишли ҳужжат ва ахборотларни ўз сайтларида жойлаштиришлари мажбурий ҳисобланади.

Германиянинг “Суғурта шартномалари тўғрисида”ги Қонуни (Insurance Contract Act)да суғурта компаниясига тегишли ахборотларнинг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш қатъий нормалар шаклида ўз аксини топган<sup>277</sup>. Масалан, суғурталовчи суғурта шартномаси тузилгунга қадар суғурта қилдирувчига ушбу суғурта маҳсулотининг хусусиятлари, шартлари, истиснолари, қабул қилиши мумкин бўлган рисклар рўйхатини кўрсатган ҳолда ахборот тақдим этиши шарт ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи суғурта маҳсулотининг таркиби ва тузилишини ўрганиб чиққандан сўнггина шартнома тузишга рози бўлади. Ахборот суғурта қилдирувчига аниқ, содда ва тушунарли тилда тақдим этилиши талаб этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Германиянинг “Суғурта назорати тўғрисида”ги Қонуни (German Insurance Supervision Act)да BaFinга нисбатан суғурта фаолиятига оид ахборотларнинг очиклигини таъминлаш бўйича қатор мажбуриятлар юклатилган<sup>278</sup>. Унга кўра, BaFin ўз назорати доирасидаги суғурта

<sup>277</sup> German Insurance Contract Act 2008. Insurance Contract Act of 23 November 2007 (Federal Law Gazette I p. 2631), as last amended by Article 2 of the Act of 10 July 2020 (Federal Law Gazette I p. 1653). [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_vvg/englisch\\_vvg.html](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_vvg/englisch_vvg.html).

<sup>278</sup> Act on the Supervision of Insurance Undertakings (German Insurance Supervision Act. Versicherungsaufsichtsgesetz – VAG). 04.06.2019. [https:// www.bafin.de/SharedDocs/Downloads/EN/Aufsichtsrecht/dl\\_vag\\_en\\_va.html](https://www.bafin.de/SharedDocs/Downloads/EN/Aufsichtsrecht/dl_vag_en_va.html).

компанияларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили эълон қилиши шарт. Шунингдек, у қуйидагиларни ўз сайтида эълон қилиши талаб этилади:

суғурта назоратига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

суғурта назорати жараёнига тааллуқли ҳуқуқий ва маъмурий ҳужжатлар;

суғурта назоратининг функцияси ва мақсади.

Бунда фойдаланувчилар Германия суғурта назорати тизимини ЕИга аъзо бўлган бошқа давлатларнинг суғурта назорати тартиби билан солиштириш имкониятига эга бўлиши учун ахборотлар етарли миқдорда жойлаштирилиши зарур.

Юқоридагилар билан бир қаторда BaFin ўз сайтида суғурта фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини бузганлиги учун суғурта компанияси ижроия директорига нисбатан қўллаган жазо чоралари тўғрисидаги ахборотларни ҳам эълон қилиб бориши мажбурий ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш бўйича бундай тажрибанинг айрим МДХга аъзо-давлатларда ҳам қўлланилаётганлиги, фақат, эътирофга сазовор. Шу муносабат билан Россия Федерациясида бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни тадқиқ этишни ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида суғурта ишини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида суғурта ташкилотларининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мажбурий бўлган ахборотлар рўйхати келтирилган<sup>279</sup>. Унга кўра, суғурта шартномасини тузишни мўлжаллаётган суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар, наф олувчиларнинг эътиборига етказиш учун суғурталовчи глобал Интернет тармоғида сайтига эга бўлиши ва ўз фаолияти тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни мазкур сайтда жойлаштиришлари зарур:

<sup>279</sup> Закон Российской Федерации “Об организации страхового дела в Российской Федерации” (наименование в редакции Федерального закона от 31.12.1997 № 157-ФЗ, с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.02.2021 г.). <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd= 102019955 &intelsearch=4015-1>.

суғурталовчи ва унинг филиаллари, ваколатхоналарининг тўлиқ номи, манзили (жойлашган жойи), телефон рақамлари ва иш вақти;

суғурталовчининг акциядорлари (иштирокчилари, аъзолари), раҳбарлари тўғрисидаги маълумот;

суғурталовчининг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), суғурта бозори субъектини ягона давлат реестридаги қайд рақами ҳамда суғурталовчи лицензияси ва унинг амал қилиш муддати тўғрисида маълумот;

амалга оширилаётган суғурта турлари рўйхати;

суғурталаш қоидалари ва суғурта тарифлари;

сўнги уч йил ичидаги суғурталовчининг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи ва унинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи аудиторлик хулосаси;

сўнги уч йил ичидаги суғурталовчининг консолидациялашган (жамланган) молиявий ҳисоботи ва унинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи аудиторлик хулосаси;

суғурталовчига берилган кредит рейтинги (агар берилган бўлса) ҳамда уни қайта кўриб чиқилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

суғурталовчининг фаолияти тўғрисидаги, шу жумладан суғурта турлари бўйича унинг иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотлар;

суғурталовчининг ассоциация (иттифок), шу жумладан молия бозори ва суғурталовчиларнинг профессионал бирлашмалари соҳасидаги ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотларига аъзолиги тўғрисидаги маълумотлар;

мазкур қонуннинг талаблари ва ишбилармонлик қоидаларидан келиб чиққан ҳолда бошқа маълумотлар.

Қизиғи шундаки, суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш юзасидан юқорида санаб ўтилган ахборотлар суғурталовчининг, ваколатли органнинг қарорлари қабул қилингандан сўнг, зарурият бўлганда, уни рўйхатдан

ўтказилган кундан бошлаб беш иш кунда ушбу суғурталовчининг глобал Интернет тармоғидаги сайтида жойлаштирилиши талаб этилади.

Бизнинг назаримизда, суғурта компаниялари томонидан фойдаланувчилар учун керакли ахборотларни ўзининг глобал Интернет тармоғидаги сайтида жойлаштиришга ўрнатилган талаб ўринли ва барча параметрлар бўйича суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлашга хизмат қилади. Бироқ, Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида суғурта ишини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунининг юқорида кўрсатиб ўтилган талабларини Германиянинг “Суғурта назорати тўғрисида”ги Қонуни билан солиштирсак, айрим жиҳатлар бўйича фарқ мавжудлигига кўзимиз тушади. Аввало, Германияда суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган иккита қонун амал қилади: “Суғурта назорати тўғрисида”ги ва “Суғурта шартномалари тўғрисида”ги Қонунлар. Россия Федерациясида эса “Россия Федерациясида суғурта ишини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонун мазкур соҳани тартибга солувчи махсус қонун ҳисобланади. Унда суғурта фаолиятини назорат қилиш масалалари ҳам ўз аксини топган. Суғурта шартномалари бўйича ҳуқуқий нормалар Россия Федерациясининг Фуқаролик кодексида ёритилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда суғурта фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш юзасидан маълум ишлар амалга оширилмоқда. “Кафолат”, “Ўзбекинвест” ва “Gross Insurance” каби суғурта компаниялари томонидан мазкур суғурталовчилар фаолиятига доир маълумотлар кенг халқ оmmasига оммавий ахборот воситалари ва расмий веб-сайтлари орқали етказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1060-сон қарорига асосан мазкур Агентлик фаолиятининг тўлиқ йўлга қўйилганлиги суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини

таъминлаш даражасини юксалишига хизмат қилади<sup>280</sup>. Ушбу қарор билан Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги зиммасига суғурта бозорининг шаффофлиги ва очиклигини ошириш вазифаси юклатилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайти ([www.mf.uz](http://www.mf.uz))да суғурта фаолиятига оид ахборотларни эълон қилиб борадиган рукн мазмунан яна бойитилди. Агентлик томонидан бозорнинг очиклигини таъминлаш бўйича қилинган дастлабки қадамлардан бири мазкур сайтда эълон қилинаётган суғурта фаолиятига оид статистик маълумотларнинг таркиби ва тузилиши ҳамда сифатини яхшилашга қаратилганлиги таҳсинга сазовор.

Тўғри, илгари ҳам мамлакатимизда суғурта фаолиятига оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти орқали ёритиб борилган. Биз буни инкор қилишдан йироқмиз. Бироқ, суғурта статистикаси илгари суғурта класслари кесимида очикланмаган. Шунингдек, суғурта компаниялари кесимида суғурта тармоқлари бўйича статистик маълумотлар ҳам етарли даражада ёритилмаган.

Бизнинг эксперт фикримизча, суғурта фаолиятининг шаффофлик ва очиклик даражаси ҳамда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органига келиб тушган мурожаат ва шикоятлари сони ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжуд. Бунинг сабаби шундаки, мантиқан фикрлаганда, суғурта компанияларининг бутун фаолияти суғурта қилдирувчилар учун шаффоф ва очик бўлганда, назаримизда, суғурта қилдирувчиларнинг шикоят ва мурожаатлари сони бунчалик йилдан-йилга ўсиб бормаган бўлар эди.

Бизнинг фикримизча, республикаимизда умумий ҳолатда суғурта фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги етарли даражада таъминланмаган. Назаримизда, бу қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

потенциал суғурта қилдирувчиларнинг суғурта компаниялари фаолияти ва улар томонидан тақдим этилаётган суғурта

<sup>280</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1060-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4677911>.

маҳсулотлари тўғрисидаги хабардорлик даражасини ошириш лозим, суғуртанинг устунлик ва афзаллик тарафларини содда ва оддий тилда ёритувчи оммабоп қўлланмалар ишлаб чиқилмаган;

шаҳар жойларда истиқомат қилувчи аҳолига нисбатан қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг суғурта фаолияти тўғрисидаги билими ва тасаввурлари талабга жавоб бермайди, суғурта маҳсулотларининг шаффофлигини таъминлашга қаратилган стандарт талаблар ишлаб чиқилмаган ва аксарият суғурта компанияларининг веб-сайтларида потенциал суғурта қилдирувчи учун зарар бўлган маълумотлар етарли эмас;

суғурта компанияларининг расмий веб-сайтларида ҳар бир суғурта тури бўйича суғурталаш қондалари тўлиқ ўз аксини топмаган, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органларининг суғурта компанияларини текшириш натижаларини ҳамда уларга нисбатан қўлланилган жазо чораларини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, тармоқни тартибга солувчи ва назорат қилувчи органнинг расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ;

суғурта компанияларининг расмий веб-сайтида мажбурий тартибда эълон қилиниши лозим бўлган ахборотлар рўйхатини ўз ичига олган норматив ҳужжат ишлаб чиқиш лозим.

IAIS томонидан маъқулланган “Суғуртанинг асосий тамойиллари” (Insurance Core Principles), ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 2009 йил 25 ноябрдаги “Суғурта ва қайта суғурта ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тўғрисида (Solvency II)”ги 2009/138/EC Директиваси (Directive 2009/138/EC Of The European Parliament and Of The Council of 25 November 2009 “On the taking-up and pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II)”, Россия Федерациясининг 1992 йил 27 октябрда қабул қилинган “Россия Федерациясида суғурта ишини ташкил этиш тўғрисида”ги, Қозоғистон Республикасининг 2000 йил 18 декабрда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунларида суғурта фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича ўрнатилган

талаблар ҳамда кўплаб давлатларнинг илғор тажрибалари, тадқиқотчи ва экспертларнинг хулосаларини умумлаштириш асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

суғуртанинг устунлик ва афзаллик тарафларини содда ва оддий тилда ёритувчи оммабоп қўлланма ҳамда суғурта маҳсулотининг очиклигини таъминлаш бўйича стандарт талаблар ишлаб чиқиш;

суғурта компанияларининг веб-сайтларида ҳар бир суғурта тури бўйича суғурталаш қоидаларини жойлаштириш, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари томонидан ўтказилган суғурта компанияларини текшириш натижаларини ҳамда уларга нисбатан қўлланилган жазо чораларини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, тармоқни тартибга солувчи ва назорат қилувчи органнинг расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш;

суғурта компанияларининг расмий веб-сайтларида мажбурий тартибда жойлаштирилиши лозим бўлган ахборотлар рўйхатини ўз ичига олган норматив ҳужжат ишлаб чиқиш. Ахборотлар рўйхатига суғурта компаниясининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг рақами ва берилган санаси, таъсисчилари, ижроия аппарат раҳбар ходимлари, кўрсатилаётган суғурта хизмати турлари, камида сўнги уч йилни қамраб олган фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот, ташқи аудиторлик текширувидан ўтказилган камида уч йиллик молиявий ҳисобот, суғурта ташкилотига маҳаллий ва халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинг ҳамда суғурта ташкилотининг профессионал ва профессионал бўлмаган ассоциацияларга аъзолиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижалари суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта фаолияти ҳақида хабардорлик даражасининг ошишида, суғуртанинг иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли ичига кириб бориш кўламининг кенгайишида, аҳолининг суғурта саводхонлигини



ошишида ва суғурта маҳсулотли истеъмолчилари томонидан суғурта маҳсулотларини танлаш имкониятининг юксалишида муҳим омил бўлиб ҳисобланишини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган таклифларнинг амалиётга татбиқ этиш натижасида юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта фаолияти ҳақида хабардорлиги ошади, суғуртанинг иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли ичига кириб бориш кўлами кенгайди, суғурта маҳсулотлари сифати ва нархини таққослаш учун юридик ва жисмоний шахсларга тенг шарт-шароитлар яратилади, суғурта фаолияти бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш самарадорлиги ошади.

#### **§4.3. Суғурталовчилар фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш самарадорлигини ошириш**

Суғурта компанияларининг самарали фаолият юритиши ва уларнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини ошириш, шубҳасиз, суғурта хизматларининг оммабоплиги ва жозибадорлигига чамбарчас боғлиқ. Бунга, фақатгина, суғурта фаолиятида бизнес-жараёнларни яхшилаш ва суғурта хизматлари ассортиментини кенгайтириш йўли билан эришиб бўлмайди. Суғурта хизматларининг сифатини ошириш ва суғурта қилдирувчиларнинг талаб юқори бўлган янги суғурта маҳсулотларига эҳтиёжини қондиришда миллий суғурта компанияларининг халқаро суғурта бозорлари билан интеграциялашуви, халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг баҳоларини олиши, назаримизда, муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, мамлакатимизда суғурта компанияларининг фаолиятини халқаро рейтинг агентликлари томонидан рейтинг баҳоланишига эришиш борасида муайян муаммолар мавжуд. Аввало, миллий суғурта компанияларининг асосий ва молиявий фаолият бўйича кўрсаткичлари, тўлов қобилияти, ликвидлиги, рискларга мос равишда шакллантирилган захира миқдори халқаро рейтинг агентликлари (Moody's Investors Service, Fitch Ratings,

Standard & Poor's, AM Best)нинг рейтинг баҳолаш мезонларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунингдек, ушбу халқаро рейтинг агентликларининг молия институтларининг, шу жумладан, суғурта компанияларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш бўйича хизмат ҳақи миқдори, бизнинг суғурта компанияларимиз учун нисбатан қиммат. Бундан ташқари, айрим суғурта компаниялари раҳбарлари халқаро рейтингга эга бўлишнинг моҳияти ва аҳамиятини ханузгача тўлиқ тушуниб етмаган кўринади.

Суғурта компаниялари фаолиятига халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинг баҳонинг таъсири, умуман, суғурталовчиларнинг халқаро рейтингга эга бўлишнинг зарурлиги ва аҳамияти кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб этган. Жумладан, Mike Adams, Bruce Burton ва Philip Hardwick ўз тадқиқотларида молия бозорининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини назорат қилишда рейтинг агентликларининг ролига юқори баҳо берганлар<sup>281</sup>. Суғурта тармогида бозор операцияларининг мураккаб техник тусга эга эканлиги суғурта қилдирувчилар, инвесторлар ва бошқаларнинг суғурта маҳсулотларини сотиш нуқталарида ахборотларнинг ўткир асимметрик хусусиятларига тўқнаш келишларига сабаб бўлмоқда. Бизнинг назаримизда, бунга ўхшаш муаммоларни ҳал этишда рейтинг агентликлари томонидан берилган кредит рейтинги муҳим ўрин тутди.

Neil A. Doherty, Anastasia V. Kartasheva ва Richard D. Phillips амалга оширган тадқиқот натижалари рейтинг суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини улар томонидан суғурта шартномаси бўйича зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олиш қобилияти нуқтаи назаридан баҳолашнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлишини кўрсатган<sup>282</sup>. Фикримизча,

---

<sup>281</sup> Mike Adams, Bruce Burton, Philip Hardwick. The Determinants of Credit Ratings in the United Kingdom Insurance Industry. <https://doi.org/10.1111/1468-5957.00007>. Journal of business finance & accounting, United Kingdom. Volume 30, Issue 3□4, April 2003, Pages 539-572. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/1468-5957.00007>.

<sup>282</sup> Neil A. Doherty, Anastasia V. Kartasheva, Richard D. Phillips. Information Effect of Entry into Credit Ratings Market: The Case of Insurers' Ratings. <https://doi.org/10.1016/j.jfineco.2012.05.012>, Journal of Financial

рейтинг агентликлари, фақат, суғурталовчининг тўловга қобилиятини баҳоламасдан, балки унинг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи бошқа омилларни ҳам баҳолайди.

Karen Epermanis ва Scott E.Harringtonнинг таъкидлашича, суғурта хизматлари харидорлари суғурталовчиларнинг рейтингига сезгирлик билан ёндашади, улар паст рейтинг кўрсаткичига эга бўлган суғурта компанияларининг “marketplace” электрон платформаси орқали таклиф этган маҳсулотларига арзон нарх тақдим қилишади<sup>283</sup>. Бундан кўришиб турибдики, бозор муносабатлари юқори даражада ривожланган мамлакатларда суғурта маҳсулоти истеъмолчилари суғурта полисларини харид қилишда суғурталовчиларнинг олган рейтингига аҳамият беришади.

Rubayah Yakob ва бошқаларнинг фикрича, рейтинг тармоқдаги фирмаларнинг молиявий барқарорлигини нисбий аниқлашга мўлжалланган бўлиб, у истеъмолчиларнинг ишончини мустаҳкамлаш, корпоратив бошқарув, рақобат устунлиги, шаффофлик ва компания имижини яхшилашга хизмат қилади<sup>284</sup>. Мазкур тадқиқотчилар суғурталовчилар фаолиятининг рейтингига оид қарашларини ривожлантириш асносида Малайзия суғурта компанияларининг молиявий ҳолатини баҳолаш бўйича бир нечта рейтинг тизимлари амал қилишини таъкидлайди.

Рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинг баҳонинг суғурта фаолиятига таъсири ҳақида Robert W. Klein куйидаги фикрларни билдирган: “Суғурта тармоғида яқинда кузатилган молиявий қийинчиликлар ва ҳаётни суғурталовчи йирик компанияларнинг унчалик муваффақиятли чиқмаган рекламалари ортидан суғурта компанияларининг молиявий ҳолатини баҳолаш

---

Economics Volume 106, Issue 2, November 2012, Page 6. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0304405X12000943>.

<sup>283</sup> Karen Epermanis and Scott E. Harrington. Market Discipline in Property/Casualty Insurance: Evidence from Premium Growth Surrounding Changes in Financial Strength Ratings. *Journal of Money, Credit and Banking*, Vol. 38, No. 6 (Sep., 2006), pp. 1515-1544 (30 pages). Published by: Ohio State University Press. <https://www.jstor.org/stable/3839112?seq=1>.

<sup>284</sup> Rubayah Yakob, Zulkornain Yusop, Alias Radam, Noriszura Ismail (2012). Camel Rating Approach to Assess the Insurance Operators Financial Strength. *Jurnal Ekonomi Malaysia* 46(2) 2012 3–15. [https://www.researchgate.net/publication/236900920\\_Camel\\_Rating\\_Approach\\_to\\_Assess\\_the\\_Insurance\\_Operators\\_Financial\\_Strength](https://www.researchgate.net/publication/236900920_Camel_Rating_Approach_to_Assess_the_Insurance_Operators_Financial_Strength).

бўйича рейтинг агентликларининг фаолияти тез кўзга ташланмоқда”<sup>285</sup>. Ушбу муаллиф суғурталовчи рейтингининг пасайиши унинг бизнесни ушлаб туриш қобилиятига кескин таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблайди. Мантиқан ўйлаб қараганда ҳам шундай. Аслида халқаро рейтинг агентликлари суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини рейтинг баҳолашни муайян бир муддатга мўлжаллайди. Агар, навбатдаги рейтингни аниқлаш жараёнида суғурталовчининг афосий ва молиявий кўрсаткичларида салбий тенденция кузатилган бўлса, табиийки, рейтинг агентлиги ушбу компаниянинг рейтингини пасайиш томонга қайта кўриб чиқади.

Маълумки, суғурта компаниялари ва бошқа молиявий институтларнинг рейтингини аниқлаш юзасидан турли ёндашувлар мавжуд. Суғурталовчилар ўзларининг операцион фаолияти жараёнида ўзига хос “қарз маблағи” шакллантиради. Яъни, суғурталовчи мижозлари томонидан тўланган суғурта мукофотлари эвазига суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни назарда тутувчи суғурта полисини уларга тақдим этиш орқали қарз мажбуриятини, яъни суғурта мажбуриятини қабул қилади. Суғурта мажбуриятини тўлиқ бажариш учун суғурталовчи молиявий барқарор бўлиши лозим. Шу муносабат билан I.Voronova, G. Pettere банклар ва бошқа молиявий институтларга рейтинг агентликлари томонидан кредит рейтинги тақдим этилса, суғурта ва қайта суғурта компанияларига уларнинг мижозлар ва ҳамкорлар олдидаги суғурта ва қайта суғурта бўйича мажбуриятларини бажариш қобилиятини акс эттирадиган ишончлилик рейтинги берилади, деб ҳисоблайди<sup>286</sup>.

Yuling Wang суғурта соҳасида PhD илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида суғурта компаниялари фаолиятини

---

<sup>285</sup> Robert W. Klein. Insurance Company Rating Agencies: A Description of their Methods and Procedures. DOI: 10.13140/RG.2.2.32522.06088. Project: Insurance Solvency Regulation Georgia State University (1992). [https://www.researchgate.net/publication/316317052\\_Insurance\\_Company\\_Rating\\_Agencies\\_A\\_Description\\_of\\_Their\\_Methods\\_and\\_Procedures](https://www.researchgate.net/publication/316317052_Insurance_Company_Rating_Agencies_A_Description_of_Their_Methods_and_Procedures).

<sup>286</sup> I. Voronova, G. Pettere. Rating as an Assessment Instrument of the Insurance Market Participant's Security (2015). [https://www.researchgate.net/profile/Irina\\_Voronova/publication/266523792\\_rating\\_as\\_an\\_assessment\\_instrument\\_of\\_the\\_insurance\\_market\\_participants\\_security/links/551975a70\\_cf244e9a4572813/rating-as-an-assessment-instrument-of-the-insurance-market-participants-security.pdf](https://www.researchgate.net/profile/Irina_Voronova/publication/266523792_rating_as_an_assessment_instrument_of_the_insurance_market_participants_security/links/551975a70_cf244e9a4572813/rating-as-an-assessment-instrument-of-the-insurance-market-participants-security.pdf).

халқаро рейтинг агентликлари томонидан рейтинг баҳолаш масалаларини ёритган<sup>287</sup>. У ўз диссертациясида молиявий рейтинглар билан шуғулланувчи A.M. Best, Standard and Poor's ва Moody's Investors Service каби рейтинг агентликлари суғурталовчининг кредит рискинни мониторинг қилиш ва молиявий барқарорлигига нисбатан ноаникликларни пасайтиришда муҳим роль ўйнашини алоҳида эътироф этган. Унинг фикрича, суғурталовчининг рейтингини ошириш ёки камайтириш йўли билан суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисида янги ахборотларни, уни қонуний томондан тўловга ноқобил деб эълон қилишдан олдин эълон қилиниши давлат ва суғурта истеъмолчилари учун катта аҳамиятга эга.

Суғурта компаниялари фаолиятини рейтинг баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ҳам қатор тадқиқот ишлари амалга оширилганлигини таъкидлаш зарур. Масалан, В.Н.Салин ва И.А.Чуринованинг қайд этишича, суғурталовчиларнинг рейтингини аниқлаш бўйича хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган методика рейтинг ҳисоблаш, шунингдек рейтинг баҳолаш учун фойдаланиладиган миқдор ва сифат кўрсаткичлари гуруҳини батафсил ҳисобга олади<sup>288</sup>. Бироқ, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бундай методикаларнинг бирортаси кўрсаткичларни баҳолаш мезонларини очиб бермайди, бу ҳолат ўз навбатида, мазкур методикаларни амалиётда қўллашни кийинлаштиради.

Суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини аниқлаш бўйича рейтинг баҳоланиши уларнинг молия бозорида муваффақиятли фаолият кўрсатишининг муҳим шарти ҳисобланади. Айнан, Anja Theis, Michael Wolgast ушбу масалага ўз эътиборларини қаратиб, суғурта компанияси акция ёки

---

<sup>287</sup> Yuling Wang. Two Essays on Property-liability Insurer Rating Transitions. Florida State University, College of Business. A Dissertation submitted to the Department of Risk Management/Insurance in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy (2009). <https://fsu.digital.flvc.org/islandora/object/fsu:175809/DataStream/PDF/view>.

<sup>288</sup> Салин В.Н., Чуринова И.А. Методики составления рейтингов страховщиков: зарубежный опыт и отечественная практика. // Вестник ФА №1 2004 г. –с.44.

бошқа қимматли қозғаларни молия бозорига чиқариш йўли билан ўзининг капиталга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришда халқаро рейтинг агентликлари томонидан тақдим этилган рейтинг алмаштириб бўлмайдиган даражада қийматга эга бўлади, деган фикрни илгари сурганлар<sup>289</sup>. Биз бу ерда ушбу тадқиқотчиларнинг фикрларига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаيمизки, суғурталовчилар капитал маблағларга бўлган талабини молия бозоридан қондирмаган тақдирда, улар суғурта муқофотлари ҳажмини кескин ошириш орқали молиявий ҳолатини яхшилаши мумкин. Бунга эришишда суғурта компаниясига халқаро рейтинг агентликларининг рейтингига эга бўлиш етарли ҳисобланади. Чунки, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари, кўпроқ, юқори рейтинг кўрсаткичларига эга бўлган суғурталовчиларнинг суғурта маҳсулотларини харид қилишга мойиллик билдиради.

А.М. Best Europe халқаро рейтинг агентлиги таҳлилчиси Michael Zboronнинг фикрича, мазкур агентликнинг молиявий барқарорлик бўйича рейтинги – бу суғурта қилдирувчилар олдида суғурталовчининг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариш қобилияти тўғрисида рейтинг агентлигининг фикр-мулоҳазаси ҳисобланади<sup>290</sup>. Одатда, рейтинг суғурта компаниясининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда бизнес йўналиши ва балансининг барқарорлигини тўлиқ баҳолаш асосида берилади. Рейтинг баҳолаш жараёнининг муҳим компонентларидан бири рейтинг агентлиги ва суғурталовчи топ менежменти ўртасида ахборот алмашиш бўйича доимий мулоқотни йўлга қўйиш ҳисобланади. Шуниси диққатга сазоворки, Michael Zboron ўз тадқиқотида рейтинг суғурталовчининг фаолиятини яхшилашга қаратилган тавсия ёки сифатни тасдиқлайдиган сертификат эмаслигига ўз эътиборини қаратган.

---

<sup>289</sup> Theis A., Wolgast M. Regulation and Reform of Rating Agencies in the European Union: An Insurance Industry Perspective. Geneva Pap Risk Insur Issues Pract 37, 47–76. (2012). <https://doi.org/10.1057/gpp.2011.33>. <https://link.springer.com/article/10.1057/gpp.2011.33#citeas>.

<sup>290</sup> Zboron M. Reputational Risk in the context of A.M. Best's Rating Analysis. Geneva Pap Risk Insur Issues Pract 2006, 31, 500–511. <https://doi.org/10.1057/palgrave.gpp.2510088>. <https://link.springer.com/article/10.1057/palgrave.gpp.2510088#citeas>.

Рақобатга асосланган суғурта бозорида, нафақат, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари, балки банклар, инвесторлар ва давлат учун ҳам суғурта компаниясини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, молиявий жиҳатдан барқарор, ишончли ва ҳар томонлама жозибадор бўлиш учун суғурталовчи мунтазам равишда ўз фаолиятини мустақил рейтинг агентликларини жалб этган ҳолда рейтинг назоратидан ўтказиб бориши лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда молия институтлари, шу жумладан, суғурта компаниялари фаолиятини рейтинг мезонлари асосида баҳолаш билан маҳаллий аҳамиятдаги учта рейтинг агентлиги шуғулланади. Улардан бири 1996 йилда Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган “Ахбор-рейтинг” компаниясидир. Ушбу компания суғурталовчилар фаолиятининг рейтингини аниқлашда қуйидаги иккита кўрсаткичга эътибор қаратади<sup>291</sup>:

суғурталовчининг молиявий барқарорлиги (ишончилиги);  
суғурта компаниясининг тўлов қобилияти.

Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги (ишончилиги)ни рейтинг баҳолашда муайян вақт оралиғида унинг фаолиятига эҳтимол тутилган ноқулай ташқи ва ички омилларнинг таъсир этиши ортидан амалдаги тўлов қобилиятини сақлаб қолиш имконияти тегишли кўрсаткичлар асосида чуқур таҳлил этилади. Бунда энг муҳим кўрсаткичлар сифатида суғурталовчи томонидан амалга оширилаётган инвестиция сиёсати, суғурта портфелининг мувозанатлашуви, мижозлар базасининг барқарорлиги ва ривожланганлиги, қайта суғурта сиёсати, филиаллар тармоғининг ҳолати, корпоратив бошқарув ва суғурта маҳсулотларининг сифати билан боғлиқ кўрсаткичлар ўрганилади.

Рейтинг баҳолашда суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини баҳолаш муҳим ўрин тутди. Шу сабабли рейтинг агентлиги таҳлилчилари мавжуд активларни ҳисобга олган ҳолда суғурталовчининг мижозлар олдидаги мажбуриятларини бажариш қобилиятини таҳлил қилишга катта эътибор қаратади. Ушбу

<sup>291</sup> Рейтинги финансовой устойчивости страховых компаний (2020). <http://ahbor-reyting.uz/ru/rating/>.

кўрсаткични таҳлил қилишда суғурта компаниясининг молиявий ҳисоботида акс эттирилган маълумотлардан, шунингдек, инвестиция портфелини тавсифловчи рақамлардан фойдаланилади.

“Ахбор-рейтинг” рейтинг компанияси, асосан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари фаолиятига рейтинг баҳо бериш билан шуғулланади. Шу билан бирга, мазкур компания томонидан суғурталовчиларнинг рейтинги ҳам эълон қилиб борилади (4.4-жадвалга қаранг).

4.4-жадвал

**“Ахбор-рейтинг” компанияси томонидан суғурталовчиларга берилган рейтинг кўрсаткичлари<sup>292</sup>**

Суғурта компаниялари номи	Рейтинг	Рейтинг бўйича прогноз	Рейтинг берилган сана
1. “Xalq sug’urta” суғурта компанияси	uzA+	Ижобий	2020 й., май
2. “Alfa Invest” суғурта компанияси	uzA+	Ижобий	2020 й., май
3. “Asia Insurance” суғурта компанияси	uzA++	Барқарор	2020 й., март
4. “New Life Insurance” суғурта компанияси	uzA++	Барқарор	2020 й., март
5. “Gross Insurance” суғурта компанияси	uzA++	Барқарор	2019 й., август
6. “Euroasia Insurance” суғурта компанияси	uzA++	Барқарор	2019 й., октябрь
7. “Инго-Узбекистан” суғурта акциядорлик жамияти	uzA+	Ижобий	2019 й., июнь
8. “Ishonch” банклараро суғурта компанияси	uzA	Барқарор	2019 й., май
9. “Alfa Life” суғурта компанияси	uzA+	Барқарор	2019 й., апрель

<sup>292</sup> Список присвоенных рейтингов (2020). <http://ahbor-reyting.uz/ru/rating/список-присвоенных-рейтингов-2/>.



Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019-2020 йилларда республикамизда фаолият кўрсатаётган 30 дан ортиқ суғурта компанияларидан 9 таси “Ахбор-рейтинг” компаниясининг рейтингини олишга мушарраф бўлган. Улардан 4 таси “uzA++”, яна 4 таси “uzA+” ва 1 таси “uzA” рейтингини олганлигини жадвал маълумотлари кўрсатиб турибди.

Биз 2021 йил 15 февраль ҳолатига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча суғурта компанияларининг расмий веб-сайтлари орқали улар томонидан маҳаллий рейтинг компанияларининг рейтингини олганлик тўғрисидаги маълумотларни ўргандик. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, 4.4-жадвалда келтирилган суғурта компанияларидан ташқари, “Капитал суғурта” акциядорлик жамияти, “Ўзбекинвест” экспорт - импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти, “Кафил суғурта”, “Ўзагросуғурта”, “Универсал суғурта”, “DD General Insurance”, “Alfa life” ва бошқа суғурта компаниялари ҳам “Ахбор-рейтинг” компанияси томонидан рейтинг олганликлари аниқланди. Демак, “Ахбор-рейтинг” компанияси ўз сайтидаги суғурта компаниялари рейтингига оид маълумотларни янгиланган.

Мамлакатимизда суғурта компаниялари фаолиятини баҳолаш орқали уларга рейтинг берадиган компанияларидан яна бири “SAIPRO” ахборот-рейтинг компанияси ҳисобланади.

Ушбу компания 1999 йилда ташкил топган бўлиб, 2004 йилдан бошлаб суғурталовчиларнинг рейтингини аниқлаш билан шуғулланиб келади<sup>293</sup>. Мазкур компаниянинг суғурталовчиларнинг рейтингини аниқлаш методикаси бўйича суғурта фаолиятига оид кўрсаткичлар алоҳида, молия фаолиятига оид кўрсаткичлар алоҳида таҳлил қилинади.

Юқорида баён этилганларга қўшимча сифатида таъкидлаш лозимки, 2019 йилда Ўзбекистонда молия институтлари, шу жумладан суғурта компаниялари фаолиятининг рейтингини аниқлаш билан шуғулланадиган янги рейтинг агентлиги ташкил этилди. “Standard and Sensetive Ratings” деб номланувчи мазкур

<sup>293</sup> Методика определения рейтинга страховщиков (2020). <https://insurance.uzreport.uz/cgi-bin/main.cgi?raz=13&lan=r>.

агентлик Ўзбекистон молия бозори иштирокчиларининг миллий ассоциациясига аъзо бўлган 27 та ва Микромолия институтлари миллий ассоциацияси таркибидаги 37 та молия ташкилотлари билан ҳамкорликда уларнинг рейтингларини аниқлаш бўйича ўз фаолиятини йўлга қўйган<sup>294</sup>. 2021 йил 22 январь ҳолатига ушбу рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган 7 та суғурта компаниясига турли даражадаги рейтинг баҳолари берилган. Қуйидаги жадвалда ушбу суғурта компанияларига берилган рейтинг даражалари тўғрисида маълумотлар келтирилган (4.5-жадвалга қаранг).

4.5-жадвал

**“Standard and Sensetive Ratings” рейтинг агентлиги томонидан суғурталовчиларга берилган рейтинг кўрсаткичлари<sup>295</sup>**

Суғурта компанияси номи	Рейтинг	Рейтинг бўйича прогноз	Рейтинг берилган сана
1. “Hamkor sugurta” суғурта компанияси	(uz) “A+”	“барқарор”	2020 й., август
2. “PSB insurance” суғурта компанияси	(uz) “A+”	“барқарор”	2020 й., сентябрь
3. “Ўзгросуғурта” суғурта компанияси	(uz) “AAA-”	“барқарор”	2020 й., ноябрь
4. “Agros hayot” суғурта компанияси	(uz) “AA+”	“барқарор”	2020 й., ноябрь
5. “Alfa invest” суғурта компанияси	(uz) “AA”	“барқарор”	2020 й., декабрь
6. “Kapital sug'urta” суғурта компанияси	(uz) “AA”	“барқарор”	2020 й., декабрь
7. “Alfa life” суғурта компанияси	(uz) “AA”	“барқарор”	2020 й., декабрь

<sup>294</sup> Краткий пресс-релиз о деятельности Агентства (2020). <http://snsratings.uz/ru/rejtingi/13-osnovnaya/press-tsentr/press-relizy/14-kratkij-press-reliz-o-deyatelnosti-agentstva>.

<sup>295</sup> Рейтинг-лист присвоенных рейтингов РА “Standard and Sensetive Ratings” по состоянию на 22 января 2020 года. <http://snsratings.uz/ru/rejtingi/12-osnovnaya/press-tsentr/novosti/110-rejting-list-po-sostoyaniyu-na-22-yanvara-2020-goda>.

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари “Standard and Sensitive Ratings” рейтинг агентлиги томонидан тасдиқланган “Суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва ишончилигининг миллий рейтинг шкаласи”га мувофиқ энг юқори рейтинг баҳо (uz) “AAA-” “барқарор” прогнози билан “Ўзагросуғурта” суғурта компаниясига берилган<sup>296</sup>. Ушбу рейтинг бошқа суғурта компанияларига нисбатан “Ўзагросуғурта” суғурта компаниясининг тўлов қобилияти ва ишончилиги энг юқори даражада эканлигини тасдиқлайди. (uz) “A+” рейтинги берилган “Hamkor sugurta” ва “PSB Insurance” суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва ишончилиги бошқа суғурта компанияларига нисбатан юқори даражада эканлигини тасдиқлайди. Бирок, рейтинг агентлигининг фикрича, мамлакатдаги иқтисодий, молиявий ва тижорат билан боғлиқ ноқулай ўзгаришлар суғурта компанияси фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин.

Жадвалда келтирилган бошқа суғурта компаниялари ҳам “Standard and Sensitive Ratings” рейтинг агентлиги таҳлилчилари хулосаларига асосан тегишли рейтинг кўрсаткичларига эга бўлган.

Таъкидлаш керакки, сўнги йилларда мамлакатимизнинг баъзи суғурта компаниялари нуфузли глобал рейтинг агентликларининг халқаро рейтингини олишга муваффақ бўлдилар. Шу муносабат билан юқоридаги жадвал маълумотларини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (4.6-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йил 5 декабрда Moody’s Investors Service халқаро рейтинг агентлиги “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлигини юқори баҳолаб, ушбу компанияга “Барқарор” прогнози билан “Baz” рейтинг даражасини берган. Рейтинг агентлиги “Ўзбекинвест” суғурта компаниясининг Ўзбекистон суғурта бозоридаги кучли мавқеини эътироф этган ва

<sup>296</sup> Национальная рейтинговая шкала платёжеспособности и надёжности страховых компаний по методике PA “Standard and Sensitive Ratings” (2020). [http://snsratings.uz/images/ratings/NShR\\_Ins.pdf](http://snsratings.uz/images/ratings/NShR_Ins.pdf).

берилган рейтинг компания бошқарувининг кучайганлигини тасдиқлашини таъкидлаган.

4.6-жадвал

**Халқаро рейтинг агентликларининг рейтингига эга бўлган миллий суғурта компаниялари тўғрисида маълумот**<sup>297,298,299,300</sup>

№	Суғурта компанияси номи	Халқаро рейтинг агентлиги номи	Рейтинг	Рейтинг бўйича прогноз	Рейтинг берилган сана
1.	“Ўзбекинвест” суғурта компанияси	Moody’s Investors Service	Ba3	“Барқарор”	2019 й., 5 декабр
2.	“Кафолат” суғурта компанияси	Fitch Ratings	BB-	“Барқарор”	2020 й., 27 ноябр
3.	“Ўзгросуғурта” суғурта компанияси	Fitch Ratings	BB-	“Барқарор”	2020 й., 18 декабрь
4.	“Temiryol Sug’urta” суғурта компанияси	Standard&Poor’s	B+	“Барқарор”	2021 й., 25 январь

Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги “Кафолат суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг фаолиятини “BB-” рейтинг даражаси билан баҳолаганлигининг сабабини изоҳлаб, мазкур компания давлатнинг мажоритар мулки эканлиги ва коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларига нисбатан компания молиявий кўрсаткичларининг барқарорлиги ҳамда капиталлашув даражасининг яхшилигини қайд этган.

Маълумки, “Ўзгросуғурта” суғурта компанияси мамлакат суғурта бозорида етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Компаниянинг 2020 йил 18 декабрда Fitch Ratings халқаро рейтинг

<sup>297</sup> Международное рейтинговое агентство “Moody’s” объявило о повышении рейтинга Национальной страховой компании “Ўзбекинвест” до уровня “Ba3”. <https://kun.uz/ru/news/2019/12/11/mejdunarodnoye-rejtingovoye-agenstvo-moodys-obyavilo-o-povyshenii-reytinga-natsional-noy-straxovoy-kompanii-uzbekinvest-dougovnya-ba3>.

<sup>298</sup> Fitch подтвердило рейтинг компании Кафолат на уровне “BB-”, прогноз “Стабильный”. <https://www.fitchratings.com/research/ru/insurance/fitch-affirms-kafolats-ifs-at-bb-outlook-stable-30-11-2020>.

<sup>299</sup> Fitch подтвердило рейтинг компании Узгросуғурта “BB-”, прогноз “Стабильный”. <https://www.fitchratings.com/research/ru/insurance/fitch-affirms-uzagrosugurta-at-bb-outlook-stable-21-12-2020>.

<sup>300</sup> “Temiryol-Sug’urta”ra Standard&Poor’s агентлиги томонидан халқаро рейтинг берилди. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/29/temiryol-sugurta/>.

агентлигининг “ВВ-” рейтинг даражасини қўлга киритгани ҳам бежизга эмас. Бунинг сабаби шундаки, компанияга бундай рейтинг даражасининг берилиши Ўзбекистоннинг миллий валютадаги узоқ муддатли дефолт эмитенти рейтинги билан бир хил даражада бўлишига қаратилган. Шунингдек, рейтинг даражаси суғурталовчининг қишлоқ хўжалигини суғурталаш бўйича тизимли аҳамиятга эга компания эканлигини ҳам инобатга олган.

“Temiryo'l Sug'urta” суғурта компанияси Ўзбекистоннинг нодавлат суғурта секторидида халқаро рейтинг агентлигининг рейтингини олган дастлабки суғурталовчи ҳисобланади. Рейтинг агентлиги таҳлилчиларининг фикрича, тажрибали бошқарув гуруҳи компаниянинг олдига қўйилган вазифаларини бажарилишини муваффақиятли тарзда таъминлаб келмоқда. Бошқа компаниялар билан таққосланганда, “Temiryo'l Sug'urta” суғурта компаниясининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатаётган омил, бу рискларни бошқаришнинг шаклланган тизимидир.

Бизнинг фикримизча, йилдан-йилга халқаро рейтинг агентликларининг рейтингига сазовор бўлаётган Ўзбекистон суғурта компаниялари сонининг ортиб боришини, албатта, қувонарли ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ, 2021 йил 1 январь ҳолатига мамлакатимизда 40 та суғурта компанияси фаолият кўрсатаётганлигини эътиборга олсак, халқаро рейтингга эга бўлган компанияларнинг сони атиги 4 та ёки умумий суғурталовчилар сонининг 10,0 фоизини ташкил этганлиги анча ачинарли ҳолат эканлиги яққол кўзга ташланади. Айниқса, ҳаётни суғурта қилишга ихтисослашган суғурта компанияларининг бирортаси халқаро рейтинг агентликларининг рейтингига эга эмаслигини салбий ҳолат сифатида баҳолаш зарур.

Шу ўринда таққослаш учун бир мисол. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисоботида кўра, 2020 йил 1 январь ҳолатига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг сони 30 тани ташкил этган<sup>301</sup>. Эътиборли жиҳати

<sup>301</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи (2020). – Т.: 2019. – 40 б. <https://cbu.uz/upload/medialibrary/d0d/Markaziy-bankning-2019-yil-uchun-hisoboti.pdf>.

шундаки, 2020 йил 22 февраль ҳолатига жами тижорат банкларининг 26 таси ёки 86,7 фоизи халқаро рейтинг агентликлари Moody's Investors Service, Fitch Ratings, Standard&Poor's ва Россия Федерациясининг “Эксперт РА” рейтинг агентлигининг рейтингларини олишга муваффақ бўлган<sup>302</sup>.

4.7-жадвал

**Қозоғистон Республикасининг умумий суғурта тармоғида  
фаолият кўрсатаётган халқаро рейтингга эга суғурталовчилар  
тўғрисида маълумот<sup>303</sup>**

№	Суғурта компанияси номи	Халқаро рейтинг агентлиги номи	Рейтинг	Рейтинг бўйича прогноз	Рейтинг берилган сана
1.	Халык	A.M. Best	B++	“Салбий”	09.12.2019
2.	Евразия	A.M. Best	B++	“Барқарор”	26.07.2019
3.	Виктория	A.M. Best	B+	“Барқарор”	26.07.2019
4.	НОМАД Иншуранс	A.M. Best	B-	“Барқарор”	30.01.2020
5.	Basel	-	-	-	-
6.	Лондон-Алматы	A.M. Best	C++	“Ижобий”	05.03.2020
7.	КК ЗиМС “ИНТЕРТИЧ”	-	-	-	-
8.	Казахмыс	Fitch Ratings	BB-	“Салбий”	27.04.2020
9.	KazakhExport	-	-	-	-
10.	Amanat	Fitch Ratings	B	“Салбий”	28.04.2020
11.	Jýsan Garant	S&P Global Ratings	B+	“Барқарор”	22.08.2019
12.	Сентрас Иншуранс	-	-	-	-
13.	АСКО	-	-	-	-
14.	Коммекс-Өмір	A.M. Best	B-	“Барқарор”	27.02.2020
15.	Нефтяная страховая компания	S&P Global Ratings	B+	“Барқарор”	26.06.2019
16.	Зерновая страховая компания	S&P Global Ratings	D	-	20.03.2020
17.	Freedom Finance Insurance	S&P Global Ratings	B	“Барқарор”	21.11.2019
18.	Sinoasia B&R	-	-	-	-
19.	ТрансОйл	-	-	-	-

<sup>302</sup> Халқаро рейтинг агентликлари томонидан тижорат банкларига берилган рейтинг баҳолари тўғрисида маълумот (2020). <https://cbu.uz/oz/credit-organizations/banks/rating-scores/>.

<sup>303</sup> Рейтинг страховых компаний-2020. [https://forbes.kz/leader/rejting\\_strahovyih\\_kompaniy\\_2020\\_1598926704/](https://forbes.kz/leader/rejting_strahovyih_kompaniy_2020_1598926704/)

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг атиги 4 таси ёки 10,0 фоизи халқаро рейтинг агентликларининг рейтингини олган бўлса, 2020 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига Қозоғистоннинг умумий суғурта тармоғида фаолият кўрсатаётган 19 та суғурта компаниясининг 12 таси ёки 63,2 фоизи А.М. Best, Fitch Ratings ва S&P Global Ratings халқаро рейтинг агентликларининг рейтингини қўлга киритишган. Буни қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (4.7-жадвалга қаранг).

Маълумотларга кўра, 2019 йилда Қозоғистон Республикаси суғурта секторида жами 27 та суғурта компанияси фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг 19 таси умумий суғурта тармоғида, 8 таси эса ҳаётни суғурта қилиш тармоғида суғурта хизматларини кўрсатган.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига, мазкур давлат ЯИМда суғурта мукофотларининг ҳажми 0,69 фоизни ташкил этган. Ҳолбуки, 2020 йилда Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 0,4 фоизни ёки Қозоғистон Республикаси суғурта секторининг тегишли кўрсаткичидан 0,3 пунктга кам миқдорни ташкил этган.

2020 йил ноябрь ойида “S&P Global Ratings” халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси умумий суғурта секторидagi мамлакат ва тармоқ riskини Россия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Туркия ва Кения давлатларидаги каби юқори деб баҳолади<sup>304</sup>. Рейтинг агентлиги таҳлилчиларининг фикрлари бўйича мамлакат riskи, ҳар доимгидек, суғурта секторидa тармоқ ва мамлакат riskини умумий баҳолашда (Insurance Industry and Country Risk Assessment — ICRA) катта босим кўрсатади. Мамлакат riskини баҳолаш рейтинг агентлигининг иктисодиёт, сиёсат, молия тизими, тўлов маданияти ва қонунларнинг устуворлигига таъсир этувчи мамлакат riskи тўғрисидаги фикрини ўзида акс эттиради. “S&P Global Ratings” халқаро рейтинг агентлигининг таъкидлашича, Ўзбекистон аҳолиси, биринчи галда, кундалик эҳтиёж моллари ва

<sup>304</sup> Оценка отраслевых и страновых рисков страхового сектора: Сектор общего страхования Республики Узбекистан (2020). <https://www.uzdaily.uz/ru/post/57022>.

озик-овқатларни харид қилади, бироқ суғурта маҳсулотини эмас. Ушбу ҳолат ва молиявий саводхонликнинг пастлиги суғурта секторининг тараққий этишига ҳалал бермоқда. Суғурта сектори, аввалгидек, суғурта хизматларининг аҳоли орасига кириб бориш даражаси пастлиги билан ажралиб туради. 2019 йил якунлари бўйича суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши 0,34 фоизни ташкил этган. Аҳолининг суғурта полисларини сотиб олиш бўйича харажатлари ўртача аҳоли жон бошига 5 АҚШ долларини ташкил этади. Ваҳоланки, бу кўрсаткич ривожланган давлатларда 2000 АҚШ долларида кўпроқ миқдорда тенг.

Шундай қилиб таъкидлаш зарурки, суғурта секторидagi мавжуд муаммолар суғурта компанияларининг халқаро рейтинг агентликлари томонидан рейтинг баҳоларини олишларига етарли шароит яратмаяпти. Бироқ, сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан тармоқни тизимли ривожлантиришга қаратилаётган эътибор келгусида мазкур секторни иқтисодийнинг илғор тармоқларидан бирига айланишига сабаб бўлиши мумкин.

Миллий суғурта компаниялари томонидан нуфузли халқаро рейтинг агентликлари (Moody's Investors Service, Fitch Ratings, Standard & Poor's, AM Best)нинг рейтингини олиш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

суғурта компанияларининг юқори капиталлашув даражасига эришиш, бунинг учун инвестицияларни жалб этиш, уларнинг суғурта қилдирувчилар, наф олувчилар ва суғурта, биргаликда суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича бошқа суғурталовчилар олдидаги жорий ва келгусидаги мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини ошириш;

бизнес-моделни трансформация қилиш ҳисобига харажатларни оптималлаштириш ва рентабеллик даражасини ошириш, суғурта ва инвестиция портфелининг юқори сифатини таъминлаш ва диверсификациялаш;

турли рискларни ҳисобга олган ҳолда етарли суғурта захираларини шакллантириш орқали тўлов қобилиятини



мустаҳкамлаш, суғурта компанияларининг риск-менежмент тизимини сифатни бошқаришнинг замонавий стандартларига мувофиқлаштириш;

суғурта фаолияти турлари бўйича зарарлилик кўрсаткичини мунтазам таҳлил қилиш орқали суғурта операцияларининг самарадорлигини ошириш, ахборот технологиялари тизимини тўлиқ модернизация қилинишини таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, суғурта компаниялари томонидан Moody's Investors Service, Fitch Ratings, Standard & Poor's, AM Best каби халқаро рейтинг агентликларининг рейтингини олишлари бўйича ишлаб чиқилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши умуман миллий суғурта бозорининг, хусусан суғурта компанияларининг халқаро суғурта бозорларидаги обрўси ва нуфузининг ошишига, суғурталовчиларнинг ривожланган давлатларнинг суғурта ва қайта компаниялари билан ҳамкорлик қилиш имкониятининг кенгайишига сабаб бўлади. Шунингдек, мазкур таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг халқаро рейтингга эга бўлган суғурталовчилар ва уларнинг маҳсулотларини харид қилишга бўлган қизиқишининг ортишига, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг суғурта соҳасига инвестиция киритишлари бўйича ташаббусларини рағбатлантиришга ҳамда суғурта компанияларининг суғурта фаолиятини ривожлантириш, мижозлар сонини ошириш ва шу орқали молиявий барқарорлиги ҳамда ишончилигини таъминлашга эришилади.

#### **IV боб бўйича хулосалар**

Тўртинчи боб бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Чунончи, суғурта шартномаларида маълумотларнинг асимметрик тусда эканлиги, яъни, суғурта шартномаларида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатлари етарли даражада эътиборга

олинмаган, суғурта шартномасида акс этган шартлар мураккаб ва уларнинг мазмуни истеъмолчилар томонидан тўлиқ англаб олинмайди ҳамда суғурта маҳсулотларининг нархлари шаффоф эмас, айрим ҳолатларда, суғурта тарифлари асоссиз оширилмоқда.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида суғурта маҳсулоти истеъмолчилари томонидан келиб тушган мурожаатларни таҳлиliga бағишланган мавзули телекўрсатувлар ташкил этиш ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш, суғурта шартномаларида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатлари қанчалик инобатга олинганлигини таҳлил қилиш мақсадида суғурта шартномаларини экспертлар томонидан мустақил, ҳолисона ва адолатли экспертизасини ташкил этишни таклиф этамиз. Шунингдек, суғурта шартномаси шартларини содалаштириш, уларни суғурта маҳсулоти истеъмолчилари учун тушунарли ва аниқ баён этиш, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини лозим даражада ҳимояланишини таъминлаш мақсадида уларнинг манфаатларини ҳимоялаш бўйича базавий стандартлар ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Суғурта фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш юзасидан кўплаб давлатларнинг илғор тажрибалари, тадқиқотчи ва экспертларнинг хулосаларини умумлаштириш асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди: суғуртанинг устунлик ва афзаллик тарафларини содда ва оддий тилда ёритувчи оммабоп қўлланма ишлаб чиқиш; суғурта маҳсулотининг очиклигини таъминлаш бўйича стандарт талаблар ишлаб чиқиш; суғурта компанияларининг веб-сайтларида ҳар бир суғурта тури бўйича суғурталаш қоидаларини жойлаштириш; суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари томонидан ўтказилган суғурталовчилар фаолиятини текшириш натижаларини ҳамда уларга нисбатан қўлланилган жазо чораларини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, тармоқни тартибга солувчи ва назорат

қилувчи органнинг расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш.

Бундан ташқари, суғурта компанияларининг расмий веб-сайтларида мажбурий тартибда жойлаштирилиши лозим бўлган ахборотлар рўйхатини ўз ичига олган норматив ҳужжат ишлаб чиқиш, мазкур рўйхатга суғурта компаниясининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг рақами ва берилган санаси, таъсисчилари, ижроия аппарат раҳбар ходимлари, амалга оширилаётган суғурта хизмати турлари, камида сўнги уч йилни қамраб олган фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот, ташқи аудиторлик текширувидан ўтказилган камида уч йиллик молиявий ҳисобот, суғурта компаниясига маҳаллий ва халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинг ҳамда суғурталовчининг профессионал ва профессионал бўлмаган ассоциацияларга аъзолиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу боб доирасида амалга оширилган тадқиқот натижалари бўйича суғурта компаниялари томонидан нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг рейтингини олиш учун қуйидаги тақлифлар ишлаб чиқилди: суғурта компанияларининг юқори капиталлашув даражасига эришиш, бунинг учун инвестицияларни жалб этиш; суғурталовчиларнинг суғурта қилдирувчилар, наф олувчилар ва суғурта, биргаликда суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича бошқа суғурта компаниялари олдидаги жорий ва келгусидаги мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини ошириш, бизнес-моделни трансформация қилиш ҳисобига харажатларни оптималлаштириш ва рентабеллик даражасини ошириш.

Тадқиқот натижалари асосида суғурта ва инвестиция портфелининг юқори сифатини таъминлаш ва диверсификациялаш; турли рискларни ҳисобга олган ҳолда етарли суғурта захираларини шакллантириш орқали суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, суғурта компанияларининг риск-менежмент тизимини сифатни бошқаришнинг замонавий стандартларига

мувофиқлаштириш, суғурта фаолияти турлари бўйича зарарлилик кўрсаткичини мунтазам таҳлил қилиш орқали суғурта операцияларининг самарадорлигини ошириш ва ахборот технологиялари тизимини тўлиқ модернизация қилинишини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

## **V БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ВА ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

### **§5.1. Суғурта фаолиятини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш муаммолари**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш, банк-молия тизимининг халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқ ривожланиши, шубҳасиз, тармоқ ва соҳаларга инновацион лойиҳа ва ғояларнинг қанчалик татбиқ этилаётганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада мамлакатимиз иқтисодиётига иновациянинг муҳим шакли сифатида рақамли технологияларнинг тезкорлик билан жорий этилиши долзарб аҳамиятга эга. 2020 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради”<sup>305</sup>, деб алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларига, шу жумладан банк-молия тизимига рақамли технологияларни жорий этиш ҳолатини тадқиқ этиш натижалари мазкур тизимнинг таркибий қисми бўлган суғурта секторида ҳам маълум ишлар амалга оширилаётганлиги кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорида суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, суғурта хизматларининг электрон турларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш республикамиз суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва

---

<sup>305</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 26 январь.

жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги эътиборга молик<sup>306</sup>.

Суғурта хизматларининг электрон турлари интернет-суғурта ёки замонавий тилда айтганда рақамли суғурта технологияларининг шаклларида бири ҳисобланади. Ўзбекистон суғурта бозорига суғурта хизматларининг электрон турларини кўлланилиш ҳолатини таҳлил этишдан олдин ушбу йўналишда хорижий давлатларда амалга оширилаётган ишларни ўрганиш фойдадан холи эмас. IT соҳасидаги мутахассис А.Ахмедовнинг фикрига кўра, биринчи электрон суғурта турлари АҚШда жорий этилган бўлиб, бу 1994 йилларга тўғри келади<sup>307</sup>. Қизиғи шундаки, интернетдаги дастлабки суғурта ваколатхоналарини суғурта компаниялари эмас, балки суғурта брокерлари ташкил этишган. АҚШнинг “EindMyInsurance” брокерлик компанияси 1994 йилда интернет тармоғида ўзининг сайтини яратади. Кейинчалик “Progressive”, “ElektricInsurance-Company” ва “Allstate” суғурта компаниялари ҳам тармоқда ўз сайтларини яратиб, мижозларга электрон суғурта хизматларини кўрсатган.

Суғурта хизматларини электрон шаклда мижозларга тақдим этишнинг ўзига хос муаммолари мавжудлигини ёддан чиқармаслик зарур. Гап, биринчи галда, суғурта компанияларининг бизнес жараёнларини компьютерлаштириш ва дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича йирик миқдорда маблағлар сарфлашни талаб этиши ҳақида кетмоқда. Бизнинг фикримизча, рақамли платформаларга асосланган ҳолда суғурта операцияларини амалга ошириш, бир тарафдан киберриск деб аталувчи хавфни юзага келтиради<sup>308</sup>. Шунингдек, суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи фаолиятига оид кўплаб маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш муаммосини пайдо қилади.

<sup>306</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори // <https://www.lex.uz/docs/4459802>.

<sup>307</sup> Ахмедов А. Инноваци в страховании: теория и практика // журнал ICTNEWS. – 2016. - № 3. – с.44-45.

<sup>308</sup> Шеннаев Х.М., Усмоналиев Б.У. Суғурта соҳасини рақамлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. “Рақамли иктисодиётни шакллантиришнинг хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент молия институти. 2020 йил 20 май. Т.: 2020 йил. 82-б.

Қайд этиш зарурки, жаҳон суғурта хизматлари бозорида рақамли технологияларни жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган “Insurtech” деб номланувчи стартап лойиҳаларини молиялаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. “Willis Towers Watson” суғурта брокерлик компанияси ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, АҚШда 2013 йилдан 2018 йилнинг биринчи ярмига қадар ҳаётни ва соғлиқни суғурталаш бўйича стартап лойиҳаларига 5,1 млрд.АҚШ доллари, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва мулкларни суғурталаш юзасидан стартап лойиҳаларига 4,2 млрд.АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағлари сарфланган<sup>309</sup>. Ушбу суғурта турларини рақамлаштириш бўйича жаҳон суғурта бозорида амалга оширилган инвестицияларнинг қарийб 58,0 фоизи АҚШ, 7,0 фоизи Буюк британия, 5,0 фоизи Германия ва Хитой, 4,0 фоизи Ҳиндистон, 3,0 фоизи Францияга ва қолган 18,0 фоизи эса бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келган.

Келтирилган рақамлар, юқорида қайд этилганидек, 2018 йилнинг биринчи ярмига оид бўлиб, бизнинг назаримизда, ушбу рақамлар 2020 йилнинг охирига келиб кескин ошган бўлиши мумкин. Буни шу билан асослаш мумкинки, бугунги кунда жаҳон суғурта бозорида рақобат кескин кучайган бўлиб, мижозларнинг талабларига мос келадиган янги суғурта хизмат турларини таклиф этиш, айнан, Insurtech суғурта технологиялари орқали тақдим этилади. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Суғурта хизматларини кўрсатишда рақамли технологияларни қўллашга Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятида муҳим ўринни эгалловчи Россия Федерациясида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни қуйида келтирилган далиллардан ҳам кўриш мумкин. 2012-2016 йилларда Россия суғурта бозорида электрон суғурта полисларини сотиш суръати 72,0 фоизга ўсиб, 5,5 млрд.рубли ташкил этган. 2017 йилнинг 9 ойи мобайнида эса электрон суғурта хизматларини кўрсатиш

---

<sup>309</sup> Развитие электронного страхования. Стратегия развития страховой отрасли Российской Федерации на период с 2018 до 2021 года. с.20. // [https://raex-a.ru/files/research/2018\\_bsr\\_research\\_vol1.pdf](https://raex-a.ru/files/research/2018_bsr_research_vol1.pdf).

орқали 20,5 млрд.рубль суғурта мукофотлари тўпланган<sup>310</sup>. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, 2017 йилдан бошлаб Россия суғурталовчиларига автофуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича электрон полисларни сотишга қонун доирасида рухсат берилган.

“Эксперт РА” рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, Россияда автофуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам электрон суғурта хизматлари ҳажми жадал суръатларда ошишда давом этмоқда. Биргина, 2018 йилда Россия Федерацияси суғурта бозори бўйича автофуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича келиб тушган суғурта мукофотларини ҳисобга олмаганда ҳам электрон суғурта хизматлари кўрсатишдан келиб тушган суғурта мукофотлари ҳажми 6,0 млрд.рубли ташкил этган<sup>311</sup>.

Қозоғистонда ҳам суғурта хизматларини кўрсатишда интернет тармоғидан самарали фойдаланилмоқда. Ушбу мамлакатда 2018 йил 2 июлда “Қозоғистон Республикасининг суғурта ва суғурта фаолияти, қимматли қоғозлар бозори масалалари бўйича айрим қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги 166-IV-сонли Қонуннинг қабул қилиниши Қозоғистон Республикаси суғурта бозорида рақамли технологияларни қўллаш борасида муҳим қадам бўлди. Гап шундаки, мазкур қонунга мувофиқ 2019 йил 1 январдан мамлакат ҳудудида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш фақат электрон шаклда амалга оширилиши белгилаб қўйилди<sup>312</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Қозоғистон ҳудудидаги ҳар транспорт воситаси эгаси ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича полис харид қилиш учун эндиликда суғурта компанияси ёки унинг филиалига мурожаат қилиши шарт

<sup>310</sup> Цыганов А.А., Брызгалов Д.В. Цифровизация страхового рынка: задачи, проблемы и перспективы // М.: - журнал “Экономика и управление”, №2 2018 г.-с.115.

<sup>311</sup> Будущее страхового рынка: переломить тренд. // www.gaexpert.ru.

<sup>312</sup> Закон Республики Казахстан от 2 июля 2018 г. №166-IV “О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам страхования и страховой деятельности, рынка ценных бумаг”. //www.online.zakon.kz.



эмас. У хоҳлаган жойдан “Давлат кредит бюроси” акциядорлик жамиятининг ягона суғурта маълумотлари базасига киритилган суғурта компанияларининг веб-сайтига кириб, махсус дастур орқали маълум дақиқаларда суғурта полисини харид қилишлари мумкин. Маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь ойида, яъни транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта полисларини электрон шаклда расмийлаштиришга рухсат берилгандан сўнг бир ой ичида 300,0 мингта электрон суғурта полислари сотилган<sup>313</sup>. 2020 йилда Қозоғистонда 17 та суғурта компанияси автотранспорт воситалари эгаларига фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича онлайн суғурта хизматларини кўрсатган.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, мамлакатимизда ҳам рақамли технологияларнинг бир кўриниши сифатида электрон суғурта турларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, “Кафолат” суғурта компаниясининг веб-сайтида қуйидаги маълумотлар мавжуд: “Суғурта полисини уйингиздан чиқмаган ҳолда 5 дақиқада расмийлаштиришни хоҳлайсизми? [www.kafolat.uz](http://www.kafolat.uz) орқали аризаларни расмийлаштиринг”, “Суғурта хизматлари мобиль дастури орқали”<sup>314</sup>. Ушбу жумлаларни чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, унда суғурта хизматларини кўрсатишдаги инновацион ёндашувни, аниқроқ қилиб айтганда, суғуртанинг рақамлаштирилган қиёфасини кашф этиш мумкин.

2019 йилда “Ўзбекинвест” суғурта компанияси томонидан онлайн суғурта хизматлари кўрсатишга ихтисослашган “[insurance.uz](http://insurance.uz)” лойиҳаси амалиётга татбиқ этилди. Суғурта маҳсулоти истеъмолчилари ўзларини қизиқтирган суғурта маҳсулотларини онлайн тарзда интернетдаги ушбу сайтдан харид қилишлари мумкин бўлади<sup>315</sup>. Ҳозирги кунда ушбу компания, нафақат, онлайн суғурта хизматларини кўрсатмоқда, балки суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплашда ҳам

<sup>313</sup> Онлайн страхование в Казахстане. За январь в Казахстане приобретено 300 тыс. электронных полисов автострахования// <https://allinsurance.kz/news/market-kaz/9714-za-yanvar-v-kazakhstan-priobreteno-300-tys-elektronnykh-polisov-avtostrakhovaniya>.

<sup>314</sup> “Кафолат” суғурта компанияси сайтининг бош саҳифаси// [www.kafolat.uz](http://www.kafolat.uz)

<sup>315</sup> “Ўзбекинвест” онлайн суғурта соҳасида [insurance.uz](http://insurance.uz) ни тақлиф этади. (2019). //[www.uzbekinvest.uz](http://www.uzbekinvest.uz)

онлайн тизимидан самарали фойдаланмоқда. Шу ўринда, суғурта хизматларини мижозларга онлайн таклиф этиш бошқа суғурта компанияларида ҳам яхши йўлга қўйилганлигини қайд этиб ўтиш зарур.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро молия бозорларида кузатилаётган интеграция жараёнлари Ўзбекистон иқтисодиётига, бинобарин, унинг ажралмас қисми бўлган суғурта хизматлари бозори тараққиётига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида, иқтисодчи олим Ш.Жонодилов қайд этганидек, “Бугунги глобаллашув жараёнида суғурта хизматлари бозорида юқори рақобат шароитида суғурта компаниялари асосий диққат эътиборини суғурта маҳсулотларини сотишда янги технологиялардан фойдаланишга қаратиши лозим бўлади. Бунда эса суғурта компаниялари олдида Интернет технологияларига асосланган янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш талаби қўйилади”<sup>316</sup>.

Дарҳақиқат, суғурта хизматлари бозори юксак ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига назар соладиган бўлсак, суғурта компаниялари фаолиятида рақамли технологияларга асосланган хизматлар аллақачон йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, дунёнинг йирик суғурта компанияларидан бири Allianz AG компанияси 2017 йилда ўзининг бизнес жараёнларини рақамлаштиришга 800,0 млн.АҚШ доллари ажратишини маълум қилган<sup>317</sup>. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2018 йилда жаҳон миқёсида суғурта соҳасига рақамли технологиялар (digital technology)ни жорий этиш ва ривожлантиришга 2,6 млрд.АҚШ доллари миқдоридagi маблағларнинг йўналтирилганлиги суғурта хизматларини рақамлаштиришга нечоғли аҳамият берилаётганлигидан далолатдир<sup>318</sup>. Экспертларнинг фикрига кўра, бундан кейин

<sup>316</sup> Жонодилов Ш.Ў. Миллий суғурта компаниялари фаолиятини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш истикболлари. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 й. - 7-б.

<sup>317</sup> Mbracingpattern-change-model-innovation-across-banking-insurance-and-asset-management. <http://perspectives.eiu.com/financial-services/future-financial-services-transforming-industry/article/mbracingpat-tern-change-model-innovation-across-banking-insurance-and-asset-management>.

<sup>318</sup> Insurtech funding in 2018 close to all time record. <https://www.postonline.co.uk/technology/3881261/insurtech-funding-in-2018-close-to-all-time-record>.

суғурта хизматларини кўрсатишдаги инновацион йўналишлар, айнан, суғурта компаниялари фаолиятида блокчейн, булутли технологиялар, телематика, сунъий интеллект каби замонавий технологияларни қўлланилиши билан изоҳланади.

Демак, суғурта хизматларини кўрсатишда рақамли технологиялар билан боғлиқ инновацияларни қўллаш, бир томондан, суғурта компанияси томонидан ушбу йўналишда катта миқдорда инвестициялар сарфлашни, иккинчи томондан, компанияда ахборот технологиялари, дастурий инжиниринг ва интернет соҳасини чуқур биладиган мутахассислар ишлашини тақозо этади. Шунингдек, соҳага инновацияларни жорий этиш, нафақат, суғурта компанияларида бошқарув ва операцион харажатларни қискартириш, балки суғурта хизматлари истеъмолчилари учун ҳам катта қулайлик яратади. Яъни, суғурта соҳасига инновацияларни жорий этиш, суғурта полисини расмийлаштириш ва сотиб олиш, суғурта мукофотини ҳисоблаш ва тўлаш жараёнларини тўлиқ интернет технологиялари, хусусан, онлайн шаклда амалга ошириш имкониятини беради.

Маълумки, барча соҳаларда бўлгани каби суғурта тармоғида ҳам рақамли технологияларни қўллаш глобал интернет тармоғида рақамли платформалар яратиш орқали амалга оширилади. Рақамли платформа дастурий иловаларни қисқа муддатда ишлаб чиқишни назарда тутувчи бошқарув ва сервис воситаларнинг техник архитектурасини ўзида мужассамлаштиради<sup>319</sup>. Унинг асосини суғурта компаниялари, мижозлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида тезкор ахборот алмашинувини таъминлайдиган очик стандартлар ташкил этади.

Сўнгги йилларда халқаро амалиётда фуқаролар, ташкилотлар ва маҳсулотларнинг комплексини рақамли платформада бирлаштирган рақамли экотизимлар вужудга келмоқда. Масалан, дунёнинг етакчи суғурта компанияларидан бири “Ping An” (Хитой) шундай рақамли экотизим платформасига эга бўлиб, охириги беш

---

<sup>319</sup> Шеннаев Х.М. Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллашнинг баъзи масалалари. The International Online Conference Proceedings on Digital Economy: Impacts, Challenges and Prospects. 23<sup>rd</sup> of April 2020. Tashkent: Management Development Institute of Singapore in Tashkent. ISBN: 978-9943-4969-9-6. – p.162.

йилда 500,0 миллиондан ортиқ онлайн мижозларига банк иши, соғлиқни сақлаш, “ақлли” шаҳар ва уй-жой қурилиши билан боғлиқ хизматларни кўрсатмоқда. Компания турли тармоқларга хизмат қилувчи 11 та янги рақамли платформаларни яратди ва суғурта агентлари сонини 1,4 миллионга етказди<sup>320</sup>.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари ўз бизнес жараёнларини рақамли технологияларнинг энг содда шакллари кўллаш асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Аксарият суғурта компаниялари айрим суғурта хизматларини расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ва Android платформасида ишлайдиган мобиль иловалари орқали онлайн тарзда сотишни йўлган қўйган. Масалан, республика суғурта бозорининг хусусий секторидида фаолият кўрсатаётган “Gross insurance” суғурта компанияси ўзининг [www.gross.uz](http://www.gross.uz) сайти орқали мижозларга транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, кўчмас мулк суғуртаси, автосуғурта (каска), тиббий суғурта ва саёҳат суғуртаси каби суғурта хизматларини онлайн сотиш тизимини жорий этган<sup>321</sup>. Тизимнинг мижоз учун қулайлик томони шундаки, биринчидан у суғурта полисини ўзига қулай шартларда ва санокли дақиқаларда расмийлаштиради, иккинчидан суғурта компаниясига хизмат ҳақи сифатида тўланадиган суғурта мукофотини амалдаги тўлов тизимлари, масалан, Рауме тизими орқали уйдан ёки иш хонасидан туриб амалга ошириши мумкин. Мазкур жараёнда инсон омили, деярли, иштирок этмайди. Рақамли технологияларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига жорий этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасига рақамли технологияларни кўллашда бир қатор муаммолар кўзга ташланади. Жумладан,

<sup>320</sup> Building a tech-enabled ecosystem: An interview with Ping An's Jessica Tan. / <https://www.mckinsey.com/-/media/mckinsey/business%20functions/mckinsey%20digital/our%20insights/mckinsey%20quarterly%202018%20number%204%20overview%20and%20full%20issue/mckinsey-quarterly-2018-number-4.pdf>. P.90.

<sup>321</sup> “Gross Insurance” суғурта ташкилоти веб-сайтнинг бош саҳифаси (2020). [www.gross.uz](http://www.gross.uz).

hozirgi kunda sufgurta kompaniyalarida mavjud kompyuterlar va dasturlar hamda katta hajmdagi maълumotlarni qabul qiliш, saqlash va qayta ishlash qobiliyatiga эга bўlgan serverlar talabga javob bermaydi. Ikkinchidan, sufgurta kompaniyalarida qўllaniladigan online sufgurta xizmatlari raqamli platformalarga asoslanmagan. Bundan tashqari, mamakat miqёsida sufgurta shartnomalarini rўyxatga olishning yagona elektron maълumotlar bazasi ishlab chiqilmagan. Har doim ham aholida sufgurta xizmatlarini internet tarmoqi orqali harid qiliшga shartsharoitlar etarli darajada yaratilmagan.

Sufgurta sohasida zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, ўz navbatida, har bir sufgurta kompaniyasidan zarur dasturiy mahsulotlarni ishlab chiqish ёki harid qiliш, raqamli platformalar yaratish ishlariga katta miqdorda investitsiya mablaglarini jalb etishni talab qiladi. Fikrimizcha, yaqin yillarda Ўzbekiston milliy sufgurta bazorini xalqaro sufgurta bazorlariga integratsiyasini taъminlash, qolaversa, respublika hukumati tomonidan iktisodiyetning barcha tarmoqlarini raqamlashtirish bўyicha qabul qilgan qarorlari ўz natijasini beradi. Shuni alohida taъkidlash kerakki, elektron sufgurta xizmatlari juridik va jismoniy шахslar bўlmiш mijozlariga ancha qulaylik yaratishi bilan bir qatorda sufgurta shartnomasini tuziш va unga xizmat kўrsatish bilan bogliq sufgurta kompaniyasi xarajatlarini keskin qisqartiradi<sup>322</sup>.

Sufgurta sohasini keng miqёsda isloх qiliш, tarmoқning ichki va tashqi raqobatbardoshligini oshirish, sufgurta mahsulotlarining ommaobligi va aholi uchun qulayligini taъminlash, sufgurta mahsuloti isteъмolchilarining manfaatlarini himoya qiliш, biznes-jarayonlarni xalqaro norma va standartlarга muvofiqlashtirish borasida maълum ishlar amalga oshiriladiganligini taъkidlash ўrinli. Xususan, Ўzbekiston Respublikasi

<sup>322</sup> Шеннаев Х.М. Sufgurta xizmatlari kўrsatishning innovatsion йўналишlari. "Iktisodiyet tarmoqlari va soxalariga innovatsiyalarni joriy etish mexanizmlarini takomillashtirish" mavzusidagi respublika online ilmiy-amaliy konferentsiya tezislari toplami. Ўzbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi. 2020 йil 15 май. – Toshkent: "Moliya" nashriyati, 2020. 409-б.

Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4412-сон қарорига асосан суғуртанинг айрим турлари бўйича электрон полисларни (“Е-полис”), шу жумладан Интернет, мобил иловалар, инфокиосklar орқали расмийлаштириш механизмини жорий этиш, уларни қоғоз шаклидаги суғурта шартномаларига (полисларига) тенглаштирилганлиги истиқболда замонавий суғурта архитектурасини инновацион ривожланиши учун шарт-шароит яратади<sup>323</sup>.

Бизнинг фикримизча, суғурта фаолиятини яқин ва ўрта истиқболда инновацион ривожланишга ўтқир муҳтожлик сезилади. Гап суғурта компанияси фаолиятини рақамли технологияларга трансформация қилиш ҳақида бораётир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда суғурта бизнесини трансформациялаш жараёни анча суст кечмоқда. Республикадаги йирик хусусий суғурта компанияларидан бири – “Asiainsurance” суғурта компаниясининг расмий веб-сайти ([www.asiainsurance.uz](http://www.asiainsurance.uz)) орқали юридик ва жисмоний шахсларга электрон шаклда такдим этилаётган суғурта маҳсулотларини ўрганиш, фақат, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полисининг онлайн сотувини йўлга қўйганлигини кўрсатди. Бироқ, бошқа суғурта маҳсулотлари, масалан, уй-жой суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш турлари бўйича онлайн суғурта полисларини сотиш электрон шаклда мавжуд эмас. Бизнинг бу борадаги қарашларимиз масалани чуқур камраб олмаган бўлсада, суғурта компанияларида бизнес-жараёни рақамлаштириш йўналишида катта ҳажмдаги ташкилий ишларни амалга ошириш лозимлиги яққол кўзга ташланади.

Krish Krishnakanthan, Jens Lansing, Björn Münstermann, Peter Braad Olesen and Ulrike Vogelgesangларнинг фикрича, суғурта тармоғи маҳсулот ишлаб чиқиш, суғурта даъволарини баҳолаш ва ЭНГ муҳими суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаат-

<sup>323</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4412-сон қарори.// <https://www.lex.uz/docs/4459802>.

ларини қаноатлантиришда, кўпроқ, рақамли технологияларга таянмоқда<sup>324</sup>. Замонавий дунёда ахборот технологиялари ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисмига айланиши баробарида суғурта компанияларига Insurtech технологиялари хусусида тасаввур ҳосил қилиш имкониятини бермоқда.

Бизнинг назаримизда, рақамлаштириш замонавий суғурта фаолиятининг драйвери сифатида майдонга чиқиши, табиий. Суғурта фаолиятини рақамлаштириш, унинг муайян қисмини, масалан, суғурта полисларини сотиш технологиясини рақамли асосга ўтказиш билан амалга ошмайди. Суғурта фаолиятида рақамли технологиялардан самарали фойдаланишнинг энг оқилона йўли реал вақт режимида маълумотларга эга бўлиш ҳисобланади. Бундай натижага эришиш учун суғурта компанияси бизнес-моделининг барча қирраларини трансформация қилиш талаб этилади.

Суғурта фаолиятини модернизация қилиш йиллар давомида маънан ва жисмонан эскириб қолган ахборот технологиялари платформасини янгилаш, суғурта компаниясини рақамли муҳитда ишлашини таъминлайдиган стандарт дастурий маҳсулотлар комплексини харид қилиш ёхуд яратиш лозим бўлади.

Замонавий суғурта фаолиятини ахборот технологиялари тизимлари орқали инновацион ривожлантириш, дастлаб, суғурта компаниясининг Интернет платформасини яратиш, зарурий дастурий маҳсулотларни сотиб олиш, бу жараёнга ахборот технологиялари соҳасидаги малакали ходимларни жалб этиш каби йирик харажатларни амалга оширишни тақозо этади. Бирок, бизнинг фикримизча, суғурта компаниясининг бизнес-моделини трансформация қилиш, истиқболда суғурта даъволарини қайта ишлашнинг аниқлиги ва ушбу даъволарни тартибга солишда операцион харажатларни кескин қисқартириш имкониятини яратади.

---

<sup>324</sup> Krish Krishnakanthan, Jens Lansing, Björn Münstermann, Peter Braad Olesen and Ulrike Vogelgesang. IT modernization in insurance: Three paths to transformation. (2019). // <https://www.mckinsey.com/industries/financial-services/our-insights/it-modernization-in-insurance-three-paths-to-transformation>.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармонининг қабул қилиниши ва унга кўра 2022 йил якунига қадар ҳар бир аҳоли пункти 10 Мбит/сдан кам бўлмаган маълумотларни узатиш тезлигидаги Интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминланиши барча соҳалар каби суғурта фаолиятини рақамли технологияларга асосланган ҳолда илдам ривожланиши учун шарт-шароитлар яратди<sup>325</sup>. Зеро, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юқори Интернет тезлигини таъминламасдан туриб, наинки суғурта фаолиятини, балки бошқа соҳаларни ҳам рақамлаштириб бўлмайди.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикамызда фаолият кўрсатаётган барча суғурта компанияларининг глобал Интернет тармоғида расмий веб-сайтлари мавжуд ва улар орқали фойдаланувчиларга зарур маълумотлар тақдим этиб борилмоқда. Сўнгги пайтларда суғурта компаниялари томонидан расмий веб-сайт платформалари орқали салоҳиятли истеъмолчиларга онлайн суғурта хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Бироқ, суғурта соҳасига замонавий рақамли платформаларда ишлайдиган технологияларни жорий этиш талаб даражасида эмас.

Ўзбекистонда потенциал суғурта қилдирувчиларга онлайн режимда суғурта хизматларини кўрсатиш ривожланган давлатларнинг тегишли кўрсаткичларидан анча ортда қолмоқда. Масалан, бундан беш йил олдин Европада 99,3 млрд.евро миқдоридаги суғурта мукофотлари ёки умумий суғурта мукофотларининг 8,2 фоизи онлайн суғурта полисларини сотиш орқали келиб тушган. 2019 йил якунлари бўйича Россия Федерациясида глобал Интернет тармоғи орқали сотилган суғурта полислари бўйича 67,8 млрд.рубли миқдорида суғурта мукофотлари келиб тушган. Бу умумий суғурта мукофотларининг 4,6 фоизини ташкил этган.

<sup>325</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.// <https://www.lex.uz/docs/5030957>.



Фикримизча, истиқболда анъанавий суғурта компаниялари билан бир қаторда рақамли суғурта компаниялари ҳам фаолият кўрсатиши кутилади. 2019 йилда Россия Федерациясида “Манго” рақамли суғурта компанияси фаолиятининг йўлга қўйилганлигини бунга мисол бўлади. Ушбу компания 60 рубль миқдордаги ойлик суғурта мукофоти эвазига уй-жойларни ёнгин, сув босиши ва бошқа нохуш ҳолатлардан 3,0 млн.рублгача суғурта қилмоқда<sup>326</sup>.

Афсуски, Ўзбекистон суғурта бозори бўйича келиб тушган суғурта мукофотларининг қанча қисми ёки неча фоизи глобал Интернет тармоғи орқали сотилган суғурта полислари бўйича келиб тушганлиги тўғрисида статистик маълумотлар мавжуд эмас. Суғурта соҳасини рақамлаштириш мақсадида электрон платформа яратиш, йирик интеграциялашган маълумотлар базасини шакллантириш учун катта миқдорда инвестициявий маблағларга эҳтиёж мавжуд. Шунингдек, барча суғурта операцияларини рақамлаштириш учун дастурий маҳсулотлар тизими етарли эмас. Қолаверса, суғурта компанияларининг мавжуд компьютерлари, сервер қурилмалари катта маълумотлар базасини хотирасида сақлаш қувватига эга эмас.

Суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий турлари, шу жумладан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича электрон полисларни сотиш ва расмийлаштириш ишларини суғурта компанияларининг глобал Интернет тармоғидаги расмий веб-сайти орқали амалга ошириш етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Суғурта фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш, миқдорларга электрон суғурта хизматларини кўрсатиш ва бу йўналишдаги ишларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди.

суғурта компанияларини рақамли технологиялар асосида ишлашга кодир бўлган замонавий техника ва қурилмалар билан

---

<sup>326</sup> Бывший топ-менеджер Mail.ru создаёт ИТ-страховую – без офисов, посредников и возни с бумагами. Интервью с Виктором Лавренко: как устроена «Манго», в чём беда традиционных страховых компаний и почему проблемные клиенты приносят пользу. <https://vc.ru/services/103056-byvshiy-top-menedzher-mail-ru-sozdaet-it-strahovuyu-bez-ofisov-posrednikov-i-vozni-s-bumagami>.

жиҳозлаш, суғурта фаолиятини рақамли платформага ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатларнинг инвестицияларини беғараз, техник кўмак кўринишида жалб этиш;

суғурта компанияларининг иш фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, замонавий дастурий маҳсулотлар яратиш, суғурта фаолиятини рақамлаштириш бўйича инновацион ғояларни ишлаб чиқиш имкониятига эга стартап компанияларини ташкил этиш, мамлакат миқёсида суғурта шартномаларини рўйхатга олишнинг ягона электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқиш;

суғурта фаолиятини рақамли технологиялар асосида самарали ташкил этиш, суғурта компаниялари ва суғурта қилдирувчиларга тегишли маълумотларнинг ишончли сақланиши ва муҳофаза этилишини таъминлаш чораларини кўриш, суғурта хизматларини глобал Интернет тармоғи орқали харид қилиш бўйича юридик ва жисмоний шахсларга имконият ва шарт-шароитлар яратиш;

ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари, шу жумладан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича электрон полисларни сотиш ва расмийлаштириш ишларини суғурта ташкилотларининг глобал Интернет тармоғидаги расмий веб-сайти орқали амалга ошириш.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, суғурта секторини рақамли технологияли тизимга трансформация қилишга қаратилган таклифларни амалиётга татбиқ этиш натижасида юридик ва жисмоний шахсларга электрон суғурта хизматларини кўрсатиш сифати ва кўлами кенгайди, аҳолининг суғурта хизматларига бўлган талабини ҳар томонлама қондириш имконияти яратилади, суғурта компанияларининг суғурта шартномаларини тузиш ва унга хизмат қилиш билан боғлиқ меҳнати енгиллаштирилади. Шунингдек, ишлаб чиқилган таклифларни амалиётга жорий этилиши натижасида суғурта компанияларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлари қисқаради, потенциал суғурта қилдирувчиларнинг суғурта полисини сотиб олиш бўйича вақти ва сарф-харажатлари тежаллади, суғурта

ходисалари содир бўлиши натижасида суғурта қилдирувчиларга етказилган зарарларни тезкорлик билан қоплаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш имконияти яратилади.

## **§5.2. Суғурта фаолиятини тартибга солишга оид Solvency II халқаро стандарти ва уни Ўзбекистон суғурта амалиётига татбиқ этиш йўналишлари**

Суғурта олдиндан кўзда тутилмаган воқеа ва ҳодисалар содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплашнинг самарали воситаси сифатида иқтисодиёт ва аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади. Д.Султанов таъкидлаганидек, “Энг аввало, суғурта соҳаси иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш орқали иқтисодиётнинг барқарор тараққиётида асосий омиллардан бири ҳисобланса, иккинчидан, суғурта соҳаси иқтисодиётга салмоқли ҳажмдаги инвестицияларни киритиши билан ажралиб туради”<sup>327</sup>. Бироқ, суғурта фаолияти иқтисодиётнинг бошқа фаолият йўналишларидан тубдан фарқ қилади. Яъни, суғурта компанияси юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматини тақдим этар экан, келгусида, аниқроқ қилиб айтганда, суғурта шартномаси амалда бўлган ҳар қандай вақт оралиғида суғурта ҳодисаси содир бўлиши туфайли мижознинг мулкий манфаатларига зиён етганда шартномага биноан зиммасига олган мажбуриятни бажариши лозим бўлади. Бизнинг фикримизча, айнан ушбу ҳолат суғурта компаниясининг тўлов қобилияти доимий барқарор бўлишини тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан, суғурта компаниясининг тўлов қобилияти мустаҳкам бўлишидан, нафақат давлат, балки кўп сонли суғурта маҳсулоти истеъмолчилари ҳам манфаатдордир. Тан олиш керакки, кўпгина давлатларда, хусусан, Ўзбекистон суғурта амалиётида суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини баҳолаш

<sup>327</sup> Султанов Д.М. Ўзбекистонда рискларни қайта суғурталашда ўзаро суғурталаш тамойилларини қўллаш имкониятлари. // “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали, IV сон. Июль-август, 2020. - 91-б.

ва тегишли меъёрларни белгилаш Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (Европа Иттифоқининг собик номи) Кенгашининг 1973 йил 24 июлдаги “Ҳаёт суғуртасидан ташқари, умумий суғурта фаолиятига доир қонунлар, қарорлар ва маъмурий қоидаларни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги 73/239/ЕЕС (First Council Directive of 24 July 1973 On the coordination of Laws, Regulations and administrative provisions relating to the taking-up and pursuit of the business of direct insurance other than life assurance) биринчи Директивасига асосан амалга оширилиб келинмоқда<sup>328</sup>.

Ҳаёт суғуртаси бўйича тўлов қобилияти маржасини ҳисоблаш эса Европа Иттифоқи Ҳамжамияти Кенгашининг 1979 йил 5 мартдаги “Ҳаёт суғуртасига оид қонунлар, қарорлар ва маъмурий қоидаларни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги 79/267/ЕЕС (First Council Directive of 5 March 1979 On the coordination of laws, regulations and administrative provisions relating to the taking up and pursuit of the business of direct life assurance) биринчи Директиваси асосида ҳисоб-китоб қилинади<sup>329</sup>. Қайд этилган иккала ҳужжат ҳам Solvency I стандартининг асосини ташкил этади. Кейинчалик Европа Иқтисодий Ҳамжамияти Кенгашининг 88/357/ЕЕС, 90/619/ЕЕС, 92/49/ЕЕС, 92/96/ЕЕС Директиваларига мувофиқ суғурта ва қайта суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини ҳисоблаш услубиётлари биров такомиллаштирилган бўлишига қарамай бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

А.Стежкин ҳам бизнинг фикримизни қўллаб-қувватлаб шундай ёзади: “2009 йилга қадар, яъни ЕИ директиваси билан Solvency II концепцияси қабул қилинган даврга қадар қарийб 36 йил давомида Solvency I тамойиллари амал қилган эди. Ушбу тамойиллар бозор рискларини ҳисобга олмасдан техник рисклардан улуш сифатида капитал нормативларини баҳолаш учун, фақат,

---

<sup>328</sup> First Council Directive of 24 July 1973 On the coordination of Laws, Regulations and administrative provisions relating to the taking-up and pursuit of the business of direct insurance other than life assurance (73/239/EEC). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=CELEX%3A31973L0239>.

<sup>329</sup> First Council Directive of 5 March 1979 On the coordination of laws, regulations and administrative provisions relating to the taking up and pursuit of the business of direct life assurance (79/267/EEC). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A01979L0267-20021219>.

стандарт формулаларни қўллашни назарда тутади”<sup>330</sup>. Ҳолбуки, суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини баҳолашда компания фаолиятига таъсир этувчи барча рискларни инобатга олиш ва шунга мувофиқ захираларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорида тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш орқали суғурта бозорининг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш, шунингдек, суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш соҳани тараққий эттиришнинг асосий йўналишлари сифатида келтирилган<sup>331</sup>. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2020 йил 1 январга қадар суғурта ташкилотларининг фаолиятини таваккалчиликка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича халқаро стандартларни суғурта фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилган.

Бизнинг фикримизча, айнан, суғурта компанияларининг фаолиятини таваккалчиликка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича халқаро стандарт деганда, юқорида қайд этиб ўтилганидек, дастлаб, ЕИга аъзо-давлатларда, кейинчалик дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатларининг суғурта секторига

<sup>330</sup> Стежин А. Solvency II: перемены в регуляции и последствия для рынка (2019). [https://gaap.ru/articles/Vnedrenie\\_Solvency\\_II\\_peremeny\\_v\\_regulyatsii\\_i\\_posledstviya\\_dlya\\_rynka/](https://gaap.ru/articles/Vnedrenie_Solvency_II_peremeny_v_regulyatsii_i_posledstviya_dlya_rynka/).

<sup>331</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4459802>.

жорий этилган Solvency II стандартни тушунилади<sup>332</sup>. Дарвоқе, “Solvency” атамаси инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилига “тўлов қобилияти” деган маънода таржима қилинади.

Ушбу халқаро стандартни чуқур ўрганган ҳолда уни Ўзбекистон суғурта компаниялари фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш соҳанинг асосий муаммоларидан бири саналади. Solvency II стандартининг амал қилиш механизмини ривожланган мамлакатлар, энг аввало, ЕИ мисолида тадқиқ этиш ва уни мамлакат суғурталовчиларининг фаолиятига жорий этиш имкониятларини илмий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таваккалчиликка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлиги ва тўлов қобилияти бўйича Solvency II халқаро стандартини Ўзбекистонда жорий этиш натижасида мамлакатда фаолият юритаётган ҳар қандай суғурта компанияси олдиндан кўзда тутилмаган молиявий-иқтисодий инқирозлар юз беришига қарамай, ўзининг тўлов қобилиятини талаб даражасида сақлаб қолади. Бу ўз навбатида, давлат ва суғурта маҳсулоти истеъмолчилари манфаатларига мос келади.

Суғурта компанияларининг фаолиятини таваккалчиликка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлиги ва тўлов қобилияти бўйича Solvency II халқаро стандартни, унинг таркиби ва жорий этишда юзага келган муаммолар ҳамда уларни ҳал этишга оид кўплаб хорижий илмий-иқтисодий адабиётлар мавжуд.

Francisco Carrasco Bahamonde “2020 йилда Solvency II шарҳи” (The 2020 review of Solvency II) номли мақоласида Solvency II стандартини жорий этиш бўйича ЕИ директиваларини таҳлил этар экан, ўз эътиборини 2019 йил июнь ойида қабул қилинган ЕИ директиваси суғурта компанияларининг тўлов қобилияти капиталига белгиланган талабларни ҳисоблаш билан чекланган-

<sup>332</sup> Шеннаев Х.М. SOLVENCY II ва уни Ўзбекистон суғурта секторига жорий этиш истикболлари. // “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали, V сон. сентябрь - октябрь, 2020. -28-б.

лигига қаратади<sup>333</sup>. Шунингдек, у мазкур директивада суғурталовчи тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича капитал етарлигини ҳисоблаш формуласи учун зарур бўлган кечиктирилган солиқ тўловлари, суғурта таваккалчиликларининг ўзгариши, кредит рейтингсиз юзага келган қарздорлик, биржада рўйхатга олинмаган суғурта компаниялари учун капитал қўйилмалар ўз аксини топганлигини тадқиқ этган.

Дунёнинг йирик глобал суғурта компанияларидан бири Allians Groupнинг “Таваккалчиликлар ва имкониятлар тўғрисида ҳисоботи” (Risk and opportunity report)да келтирилишича, компания суғурта фаолияти ва активларини бошқариш доирасида турли таваккалчиликларга, жумладан, бозор, кредит, андеррайтинг, бизнес, операцион, стратегик, ликвидлилик таваккалчиликларига дучор бўлади<sup>334</sup>. Ушбу таваккалчиликларни самарали бошқариш мақсадида компания таваккалчиликка қаратилган ёндашув асосидаги Solvency II стандартини ўз фаолиятига жорий этган. Компанияга хос бўлган таваккалчиликлар Solvency II ички модели асосида ўлчанади.

David Teo, Sifang Zhang ва бошқаларнинг “Осиё-Тинч океани минтақасида Solvency орқали тартибга солиш. Осиё-Тинч океани минтақасининг алоҳида давлатлари ва минтақалари учун ҳаёт суғуртасидан ташқари, бошқа суғуртада Solvencyни ҳисоблаш” (Asia Pacific Solvency Regulation. Non-Life Solvency Calculations for Selected Asia Pacific Countries/regions) мавзусидаги тадқиқот ишида муаллифлар Осиё-Тинч океани минтақасидаги давлатларнинг суғурта секторини тартибга солувчи органлари томонидан ҳаёт суғуртасидан ташқари, бошқа суғуртада қўлланилаётган тўлов қобилиятига оид талаблар ва услубларни қиёсий таҳлил этганлар<sup>335</sup>. Муаллифларнинг фикрига кўра, Solvency II стандартини жорий

<sup>333</sup> Francisco Carrasco Bahamonde. The 2020 Review of Solvency II. <https://www.economiaysugetomafre.com/numero-4/the-2020-review-of-solvency-ii/?lang=en>.

<sup>334</sup> Allianz Group. Annual report, outpatient transform rebalance, Risk based steering and risk management (2018). [https://www.allianz.com/content/dam/onemar-keting/azcom/Allianz\\_com/investor-relations/en/results-reports/annual-report/ar-2018/en-AR-Group-2018.pdf](https://www.allianz.com/content/dam/onemar-keting/azcom/Allianz_com/investor-relations/en/results-reports/annual-report/ar-2018/en-AR-Group-2018.pdf).

<sup>335</sup> David Teo, Sifang Zhang. Asia Pacific Solvency Regulation Non-Life Solvency Calculations for Selected Asia Pacific Countries/Regions (2011). [http://thoughtleadership.aonbenfield.com/ThoughtLeadership/Documents/201110\\_ab\\_apac\\_solvency\\_regulation.pdf](http://thoughtleadership.aonbenfield.com/ThoughtLeadership/Documents/201110_ab_apac_solvency_regulation.pdf)

этиш билан боғлиқ Европада рўй бераётган суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича ўзгаришлар Осие-Тинч океани минтақасида бу борада кескин ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкинлигини прогноз қилган.

“Суғурта ташаббусларининг оммабоплиги” (Access to Insurance Initiative) лойиҳаси ва IAIS ҳамкорликда тайёрлаган “Инклюзив суғуртада рискка қаратилган тартибга солиш” (Risk-based Supervision in Inclusive Insurance) номли ҳисоботда рискка қаратилган ёндашувга асосланган суғурта секторини тартибга солиш тизими – бу суғурта компанияси дуч келаётган мураккаб рискларни аниқлаш ва бартараф этишга йўналтирилган жараён эканлиги таъкидланган<sup>336</sup>. Ҳисобот муаллифларининг фикрича, суғурта назорати органлари томонидан қабул қилинган амалдаги тартибга солиш тизимларини қуйидаги учта асосий тоифага бўлиш мумкин:

1) Solvency I стандарти асосида назорат қилувчи органлар барча суғурта компаниялари учун фойдаланиладиган капиталга минимал талабларни ҳисоблаш учун намунавий ёндашувни қўллайди.

2) Суғурта компанияси тўлов қобилияти доирасида рискнинг оқдид омиллари ўз таркибига олади.

3) Миқдор ва сифат омиллари комплекс тўплами асосида суғурта компанияси капиталига нисбатан талабларни белгилайди.

И.Юргенс амалга оширган тадқиқот натижалари Россия Федерациясида Solvency II тамойиллари асосида янги нормативларни амалиётга жорий этилиши суғурталовчилар иқтисодиётига босим ўтказаетганлигини кўрсатган<sup>337</sup>. Унинг фикрича, Россия ва Европалик мутахассисларнинг ҳамкорликда амалга оширган Solvency II стандартини жорий этиш бўйича Европа тажрибасининг таҳлили Европада мазкур стандартни жорий этилишидан қўлга киритилган самара кутилган самарадан кўра юқори бўлган.

<sup>336</sup> Access to Insurance Initiative. Hosted by GIZ Sector Project Financial Systems Approaches to Insurance Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH Risk-based Supervision in Inclusive Insurance, Newsletter-International Association of Insurance Supervisors (2015). [www.iaisweb.org](http://www.iaisweb.org) » file » iais.

<sup>337</sup> Юргенс И. Государство разделит риски. Страховщики добились признания системной значимости и смягчения регулирования (2020). <https://www.kommersant.ru/doc/4308094>.



Европада Solvency II стандарти асосида суғурта фаолиятини амалга ошириш бизнес-жараёнларни тартибга солишда анча қийинчилик вужудга келтирмоқда.

В.Чистюхин ва Н.Буравлева ўз илмий-тадқиқот ишларида суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятини баҳолашда рискка қаратилган ёндашув асосида Solvency II стандартини Россия Федерацияси суғурта секторида жорий этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилган<sup>338</sup>. Муаллифлар бугунги кунда суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида Россия Банки томонидан уларнинг фаолиятида юзага келадиган рискларни мос равишдаги капитал ва захиралар билан қоплашга йўналтирилган сиёсат амалга оширилаётганлигини баён этган.

Alexander Braun, Hato Schmeiser ва Florian Schreiberнинг тадқиқот ишларида Solvency II стандартида назарда тутилган бозор рисклари билан боғлиқ капиталга белгиланган талабга суғурта компанияси роя этишидан келиб чиқиб, суғурта портфелининг классик назарияси асосида ҳаёт суғуртаси бўйича компаниялар активини тақсимлашни оптималлаштириш зарурлиги илгари сурилган<sup>339</sup>. Шунингдек, олимлар рискка асосланган Solvency II стандарти ЕИга аъзо-давлатлар суғурта компанияларини тартибга солишни модернизация қилиш ва уйғунлаштиришга йўналтирилганлигини ўз тадқиқот ишларида қайд этиб ўтган. Муаллифларнинг фикрича, Solvency II илғор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига киришига қарамай, унинг бозор rischi модули стресс-омилларга нисбатан жуда оддий ҳисобланади.

Shane Magee, Cornelia Schilling ва Elizabeth Sheedy амалга оширган тадқиқотда 2004-2012 йилларда 107 та суғурта компаниясини глобал танлаш асосида рискларни бошқариш, рисклар ва самарадорлик кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро

---

<sup>338</sup> В.Чистюхин и Н.Буравлева. От Базеля II к Solvency II или что такое риск-ориентированный подход к оценке платежеспособности страховщиков: первые шаги на пути внедрения, задачи и перспективы (2016). <https://www.insur-info.ru/press/125074/>.

<sup>339</sup> Alexander Braun, Hato Schmeiser, Florian Schreiber. Portfolio Optimization Under Solvency II: Implicit Constraints Imposed by the Market Risk Standard Formula, *The Journal of Risk and Insurance*, 1 June 2015, <https://doi.org/10.1111/jori.12077>. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1111/jori.12077>.

боғлиқлик таҳлил этилган<sup>340</sup>. Тадқиқотчилар ўз илмий ишларида рискларни бошқариш индекси (RGI) Solvency II стандартининг бир қанча қоидаларини қамраб олганлигини ҳамда ўз ичига бошқарув тузилмасида рискларни бошқариш бўйича директорнинг мавжудлиги, рискларни бошқариш бўйича қўмита тавсифи ва директорлар Кенгашининг тармоқда иш тажрибасига эга эканлик ҳолатларини олганликларини таъкидлаганлар.

Jesus Huerta de Soto “Solvency II нинг ҳалокатли хатоси” (The Fatal error of Solvency II) мавзусидаги илмий мақоласида Solvency II стандартига асосланган суғурта компанияларини тартибга солиш режимини жорий этилиши тармоқдаги илмий ғояларни нотўғри қўлланилиши оқибатида пайдо бўлган деб ҳисоблайди<sup>341</sup>. Муаллиф янги режим узоқ муддатли истикболда суғурта соҳаси ривожланишини катта хавф остига қўяди, деган фикрни илгари сурган. Х.Сато Solvency II стандарти ҳақида ўз қарашларини баён этар экан, ҳозирги вақтда суғурта сектори молия ва рискларни таҳлил қилиш назариясининг “энг илғор” дастакларини амалиётга жорий этиш орқали суғурта компанияларининг тўлов қобилиятига талабларни “тузатиш” ва “модернизация” қилишга қаратилган қонунчилик ислохотлари жараёнини бошидан кечираётганини алоҳида қайд этади. Тадқиқотчининг фикрига мувофиқ сўнги 200 йил давомида суғурта компаниялари неоклассик молия назарияси ва риск асосидаги қиймат таҳлилининг ҳеч қандай замонавий дастакларисиз, Solvency II асосидаги қандайдир назариясиз, аксарият ҳолатларда ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажарган. Кўриниб турибдики, Х.Сато Solvency II стандартини суғурта секторига жорий этишга қарши бўлган.

Solvency II стандартини суғурта секторига жорий этиш билан боғлиқ мавжуд адабиётлар, ҳисоботлар ва илмий мақолаларни таҳлил этиш натижалари бир томондан, ушбу стандартни жорий этиш истикболда давлатнинг суғурта секторини тартибга солишга

<sup>340</sup> Shane Magee, Cornelia Schilling, Elizabeth Sheedy. Risk Governance in The Insurance Sector—Determinants and Consequences in an International Sample, The Journal of Risk and Insurance, First published: 17 July 2017 <https://doi.org/10.1111/jori.12218>. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1111/jori.12218>.

<sup>341</sup> Jesus Huerta de Soto. The Fatal Error of Solvency II. Economic Affairs, The University of Buckingham, first published: 01 June 2009. <https://doi.org/10.1111/j.1468-0270.2009.01900.x>. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1111/j.1468-0270.2009.01900.x>.

масъул бўлган ваколатли идоралари учун суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва капитали етарлигига нормативлар ўрнатиш орқали тармоқни барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашидан далолат берса, иккинчи томондан, мазкур стандартни ривожланаётган давлатлар суғурта амалиётида жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Баъзи олимлар, масалан, Х.Сато Solvency II стандартини суғурта секторига жорий этиш катта хато эканлигини асослашга ҳаракат қилган. Бироқ, бизнинг назаримизда, Solvency II стандартини ЕИга аъзо - давлатларда амалга киритилиши, нафақат, суғурта секторини тартибга солувчи органлар, балки суғурта компаниялари ва уларнинг мижозлари учун ҳам самарали эканлигидан дарак бермоқда.

2007-2008 йилларда юз берган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ЕИга аъзо - давлатларнинг молиявий назорат тизимида алоҳида ҳолларда ва бутун молиявий тизимида умуман жиддий камчиликлар мавжуд эканлигини намоён этди. Суғурта секторини назорат қилишнинг миллий модели Европа молия бозорларининг глобаллашув ва интеграциялашган, ўзаро боғланган реал ҳолатидан анча ортда қолганлиги ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 2014 йил 16 апрелдаги 2014/51/EU Директивасида (Directive 2014/51/EU Of The European Parliament and Of The Council of 16 April 2014) таъкидланган<sup>342</sup>.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида Европа Парламенти Иттифоқ даражасида барча аъзо-давлатлар учун тенг шароитларни яратиш ва таъминлашга қаратилган янада интеграциялашган Европа назорат тизимига ўтишга даъват этган эди. 2008 йил ноябрь ойида ЕИ комиссияси Жак де Ларозьера раислигида юқори даражадаги Гуруҳга Иттифоқ таркибига кирувчи давлатлар фуқароларини ҳимоя қилишни яхшилаш ва молия тизимига уларнинг ишончини тиклаш мақсадида молия, шу

---

<sup>342</sup> Directive 2014/51/EU of The European Parliament and of The Council of 16 April 2014. Amending Directives 2003/71/EC and 2009/138/EC and Regulations (EC) No 1060/2009, (EU) No 1094/2010 and (EU) No 1095/2010 in respect of the powers of the European Supervisory Authority (European Insurance and Occupational Pensions Authority) and the European Supervisory Authority (European Securities and Markets Authority). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=celex%3A32014L0051>.

жумладан суғурта секторини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқиш вазифасини кўйди. Юқори даражадаги Гуруҳ рискни камайтириш ва келгусидаги молиявий инқирозларнинг жиддийлигини ҳисобга олиб назорат тизимини мустаҳкамлашни тавсия этди. Шунингдек, молия бозори устидан назоратни амалга оширувчи учта Европа молиявий назорат тизимини ташкил этишни таклиф этди. Яъни, банк иши, қимматли қоғозлар, суғурта ва меҳнат пенсияси соҳасини тартибга солувчи алоҳида назорат органларини тузиш масаласи ЕИ Парламенти ва Кенгаши олдига қўйилди.

2010 йилда Европа Парламенти ва Кенгаши ЕИ миқёсида молия секторидан назорат органларини (ESAs) тузишни назарда тутувчи учта қарор қабул қилди. ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 1093/2010/ЕС қарорига асосан Европа банк тизимини тартибга солиш билан шуғулланадиган Европа банк хизмати (European Banking Authority-EBA), ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 1094/2010/ЕС қарори билан Европа суғурта ва меҳнат пенсиялари хизмати (European Insurance and Occupational Pensions Authority-EIOPA) ҳамда ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 1095/2010/ЕС қарорига биноан Европа қимматли қоғозлар ва бозор хизмати (European Securities and Markets Authority-ESMA) ташкил этилди. ЕИнинг ушбу тартибга солувчи хизматлари бугунги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, рискка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича Solvency II стандарти ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 2009 йил 25 ноябрдаги “Суғурта ва қайта суғурта ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тўғрисида (Solvency II)”ги 2009/138/ЕС Директивасига (Directive 2009/138/EC Of The European Parliament and Of The Council of 25 November 2009 “On the taking-up and pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II)” асосан жорий этилган<sup>343</sup>.

---

<sup>343</sup> Directive 2009/138/EC of The European Parliament and of The Council of 25 November 2009 “On the taking-up and pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II)”. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=celex%3A32009L0138>.

Ушбу Директива ЕИ ҳудудида фаолият кўрсатаётган суғурта ва қайта суғурта ташкилотларини назорат қилиш ва рискни баҳолашга асосланган тартибга солишнинг замонавий тизимини намоён этади.

ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 2009/138/ЕС Директивасида Solvency II стандартини 2012 йил 1 ноябрдан кучга киритиш мўлжалланган эди. Бироқ, ЕИга аъзо-давлатларнинг тартибга солиш тизимини Solvency II стандартига мувофиқлаштириш ҳамда мазкур стандартни жорий этиш бўйича тегишни тайёргарлик ишларини амалга ошириш учун белгиланган муддатни узайтиришга зарурат туғилди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда Европа Парламенти ва Кенгашининг 2012 йил 12 сентябрдаги 2012/23/EU Директивасига (Directive 2012/23/EU of the European Parliament and of the Council of 12 September 2012 amending Directive 2009/138/EC (Solvency II) as regards the date for its transposition and the date of its application, and the date of repeal of certain Directives) асосан Solvency II стандартини жорий этиш бўйича 2009/138/ЕС Директиванинг 309-моддаси биринчи хатбошисида кўрсатилган муддат 2013 йил 30 июнь деб белгиланди ва шу хатбошидан кейин “биринчи кичик параграфда кўрсатилган қонунлар, қарорлар ва маъмурий қоидалар 2014 йил 1 январдан қўлланилади” деган мазмундаги янги хатбоши киритилди<sup>344</sup>.

Афсуски, Solvency II стандартини кучга киритиш учун техник ҳужжатлар ва услубий кўрсатмаларни тайёрлаш, ЕИга аъзо-давлатларнинг суғурта соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини Solvency II стандарти талабларига мослаштириш учун анча вақт талаб этиши инобатга олиниб, ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 2013 йил 11 декабрдаги “2009/138/ЕС (Solvency II) Директивасини кучга киритиш муддатини ўзгартириш тўғрисида”ги 2013/58/EU Директиваси (Directive 2013/58/EU of the European Parliament and of the Council of 11 December 2013 “Amending Directive 2009/138/EC (Solvency II) as regards the date for its transposition and the date of its

---

<sup>344</sup> Directive 2012/23/EU of the European Parliament and of the Council of 12 September 2012 amending Directive 2009/138/EC (Solvency II) as regards the date for its transposition and the date of its application, and the date of repeal of certain Directives). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/GA/TEXT/?uri=CELEX:32012L0023>.

application, and the date of repeal of certain Directives (Solvency I)” билан Solvency II стандартини ЕИ худудида кучга киритиш 2016 йил 1 январь этиб белгиланди<sup>345</sup>. Эътибор билан қарайдиган бўлсак, Solvency II стандартини жорий қилиш бўйича бир томондан, ЕИ доирасида тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, иккинчи томондан, аъзо - давлатларнинг суғуртага оид қонунчилик ҳужжатларини Solvency II талабларига мослаштириш учун қарийб 7 йил керак бўлган.

Бизнинг фикримизча, Solvency II директиваси ЕИ суғурта (қайта суғурта) компаниялари ҳамда суғурта гуруҳларини назорат қилиш ва тартибга солишни риска қаратилган ёндашув асосида амалга ошириш бўйича халқаро стандарт ҳисобланади. Суғурта мукофотларининг ҳажми 5 млн.евродан кам бўлган кичик суғурта компанияларига нисбатан Solvency II стандарти қўлланилмайди<sup>346</sup>. Суғурта ва қайта суғурта соҳасини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича мазкур стандартнинг мақсади суғурта қилдирувчилар ва наф олувчиларнинг манфаатларини етарли даражада ҳимоялашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шуниси диққатга сазоворки, ЕИ доирасида Solvency II стандартини тўлиқ жорий этилишини таъминлаш, бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва суғурта секторини назорат қилиш учун ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 2010 йил 24 ноябрдаги 1094/2010/ЕС қарорига (Regulation (EU) No 1094/2010 Of the Evropean Parliament and of the Council of 24 November 2010 establishing a European Supervisory Authority (European Insurance and Occupational Pensions Authority), amending Decision No 716/2009/EC and repealing Commission Decision 2009/79/EC) мувофиқ ташкил этилган ЕИОРА жавобгар ҳисобланади<sup>347</sup>. ЕИ Парламенти ва Кенгашининг ушбу қарори


<sup>345</sup> Directive 2013/58/EU of the European Parliament and of the Council of 11 December 2013 “Amending Directive 2009/138/EC (Solvency II) as regards the date for its transposition and the date of its application, and the date of repeal of certain Directives (Solvency I). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=CELEX%3A32013L0058>.

<sup>346</sup> Directive 2009/138/EC of The European Parliament and of The Council of 25 November 2009 “On the taking-up and pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II)”. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=celex%3A32009L0138>.

<sup>347</sup> Regulation (EU) No 1094/2010 Of the European Parliament and of the Council of 24 November 2010 establishing a European Supervisory Authority (European Insurance and Occupational Pensions Authority),

билан ЕЮРАнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Масалан, ЕЮРА молиявий хизматларнинг глобаллашуви ва халқаро стандартларнинг аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини инобатга олиб, Иттифоқ таркибига кирмайдиган бошқа давлатлар суғурта секторини назорат қилувчи органлари билан ҳамкорлик қилиши ва мулоқот ўрнатиши лозим.

Solvency II стандарти суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини тартибга солишнинг энг муҳим компонентларини белгилайди. Қуйидаги расмда ушбу стандартнинг таркибий тузилиши келтирилган.



5.1-расм. Solvency II стандартининг таркибий тузилиши<sup>348</sup>

amending Decision No 716/2009/EC and repealing Commission Decision 2009/79/EC. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A32010R1094>.

<sup>348</sup> Directive 2009/138/EC of The European Parliament and of The Council of 25 November 2009 "On the taking-up and pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II)". <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=celex%3A32009L0138>га асосан тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Solvency II директивасида белгиланган талабларга асосан ЕИ ижроия органлари томонидан суғурта компанияларининг фаолияти устидан назорат қилувчи ва тартибга солувчи тамойилларни аниқлаштириш ҳамда суғурталовчилар ва суғурта назорати органларининг ўзаро муносабати механизмлари ва талабларини ўрнатишга қаратилган ҳужжатлар тўплами тайёрланган.

5.1-расмдан кўриниб турибдики, 1-компонент суғурта компанияси капиталининг норматив ва амалдаги миқдорларига талабларни баҳолашнинг стандарт модели ва тамойилларини ўз ичига олган. Капиталнинг амалдаги миқдорини аниқлаш учун суғурталовчининг активлари ва мажбуриятларини баҳолаш тамойиллари Solvency II Директивасида ҳам ўз аксини топган ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандарти (International Financial Reporting Standard) тамойиллари билан ўхшаш ҳисобланади. Масалан, суғурталовчи капиталининг амалдаги миқдорини аниқлаш мақсади учун балансни тузишда барча актив ва мажбуриятларни баҳолашнинг муҳим тамойилларидан бири адолатли қиймат бўйича баҳолаш ҳисобланади. Суғурта мажбуриятларини баҳолашнинг муҳим тамойили эса энг яхши баҳолаш (best estimate) тамойилидир.

Сифатни баҳолаш компоненти суғурталовчининг рискларни бошқариш тизимини самарали яратишга йўналтирилган энг муҳим бизнес-жараёнларни ташкил этишга қуйидаги сифат талабларини белгилайди:

суғурта компанияси бошқарув органлари тузилмаси ҳамда ички назорат ва аудитнинг функцияларига талабларни ўз ичига олувчи ички назорат тизимини ташкил этиш;

рискларни бошқариш тизимини яратиш;

малакали актуар функциясини таъминлаш;

ахборот оқимларининг бутунлиги ва шаффофлигини таъминлаш.

5.1-расмда келтирилган 3-компонент суғурта компаниялари томонидан ахборотларнинг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда ҳисоботларни тақдим этиш бўйича талабларни ҳамда суғурта



назорати органи ва суғурта компаниясининг ўзаро муносабатларини белгилайди. Ушбу компонент суғурта секторини тартибга солувчи орган учун ҳам, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари учун ҳам суғурта компанияси ахборотларининг очиқлиги ва шаффофлигини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Умуман, ЕИГА аъзо-давлатларнинг тажрибаси МДҲга аъзо - давлатлар, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам Solvency II стандартини суғурта фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Шу ўринда, ушбу стандартни Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида жорий этилиши билан боғлиқ амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилишни лозим деб топдик.

Маълумки, Россия Федерациясида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш функцияси Россия Банки зиммасига юклатилган<sup>349</sup>. Ушбу банкнинг таркибий тузилмасида Суғурта бозори департаменти фаолият кўрсатади. Айнан, ушбу департамент Бутун Россия суғурталовчилар ассоциацияси ва суғурта (қайта) компаниялари билан биргаликда Россия Федерациясида Solvency II стандартини босқичма-босқич жорий этилишини таъминлайди.

2019 йил якунлари бўйича Россия Банки ҳисоботида келтирилишича, рискка қаратилган ёндашув асосида суғурта бозорини назорат қилиш ва тартибга солиш механизмини жорий этилиши муносабати билан Россия Банкнинг ваколатларини кенгайтириш бўйича Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида суғурта ишини ташкил этиш тўғрисида”ги 4015-1 Федерал қонунига қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар тайёрланган<sup>350</sup>. Капитал етарлигини аниқлашда активлар қийматининг ўзгариш рискини ҳисобга олган ҳолда ўз маблағлари (капитали)ни аниқлаш услугиетини белгиловчи суғурта компанияларининг

<sup>349</sup> Закон Российской Федерации “Об организации страхового дела в Российской Федерации” (наименование в редакции Федерального закона от 31.12.1997 № 157-ФЗ, с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.02.2021 г.). <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102019955&intelsearch=4015-1>.

<sup>350</sup> Годовой отчет Банка России за 2019 год. Утвержден Советом директоров Банка России 13.05.2020. [http://www.cbr.ru/collection/collection/file/27873/ar\\_2019.pdf](http://www.cbr.ru/collection/collection/file/27873/ar_2019.pdf).

молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини аниқлаш бўйича янги ёндашувлар Россия Банкининг 2020 йил 10 январдаги “Суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигига алоҳида талаблар тўғрисида”ги 710-П низомига асосан жорий этилган<sup>351</sup>.

Россия Банки томонидан тайёрланган “2019-2021 йилларда Россия Федерацияси молия бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари”да келтирилишича, суғурта секторини барқарор ривожлантиришнинг, унинг рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири суғурта компанияларининг рискларини тўлиқ қамраб олган ҳолда баҳолаш, капитал миқдорининг қабул қилинаётган рисклар тавсифи ва даражасига мувофиқ келиши, корпоратив бошқарувнинг йўлга қўйилган тизими ҳамда фаолиятнинг шаффофлиги ва маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш ҳисобланади<sup>352</sup>. Шу мақсадда Россия Банки Solvency II тамойилларига асосланган суғурта секторини тартибга солиш ва назорат қилишнинг рискка йўналтирилган ёндашувини жорий этишга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

Қайд этиш лозимки, Россия Банки 2017 йилда “Россия Федерацияси суғурта секторини рискка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишни жорий этиш концепцияси”ни ишлаб чиқди ва кенг жамоатчилик, шу жумладан илмий доиралар эътиборига тақдим этди<sup>353</sup>. Ушбу концепцияда 2016 йил 1 январдан ЕИ ҳудудида амал қилаётган Solvency II стандартини Россияда жорий этишнинг афзалликлари, унинг таркиби ҳамда жорий этиш тартиби ва муддатлари ўз ифодасини топган. Хусусан, концепцияда суғурта секторини рискка қаратилган ёндашув асосида назорат қилиш ва тартибга солиш суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш орқали

<sup>351</sup> Положение Банка России “Об отдельных требованиях к финансовой устойчивости и платежеспособности страховщиков”. № 710-П от 10.01.2020. <https://www.cbr.ru/search/?text=710-%D0%9F+>.

<sup>352</sup> Основные направления развития финансового рынка Российской Федерации на период 2019–2021 годов. Материал подготовлен Департаментом стратегического развития финансового рынка (2019). [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/71220/main\\_directions.pdf](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/71220/main_directions.pdf).

<sup>353</sup> Концепция внедрения риск-ориентированного подхода к регулированию страхового сектора в Российской Федерации (2018). [http://www.cbr.ru/content/document/file/41412/concept\\_solvency\\_ii.pdf](http://www.cbr.ru/content/document/file/41412/concept_solvency_ii.pdf).

суғурта саноатига ишончни ошириш, миллий ва чет эл инвесторлари учун Россия суғурта компанияларининг шаффофлиги ва инвестициявий жозибadorлигини ошириш, суғурта компанияларига нисбатан тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-таомилларини халқаро тан олинган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш Solvency II стандартини жорий қилишнинг асосий мақсади эканлиги баён этилган.

Мазкур концепцияда Solvency II таркибан учта бир-бири билан узвий боғланган компонентлардан иборат эканлиги қайд этилиб, ҳар бир компонентнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Шунингдек, концепцияда 2-компонент бўйича талабларни ишлаб чиқишнинг тахминий муддати – 2018-2019 йилларни қамраб олган бўлиб, унинг кучга кириши 2020 йилга мўлжалланган. 1-компонент бўйича талабларни ишлаб чиқиш 2019 йилда бошланиши ва тахминан 2021 йилда тугаши концепцияда кўрсатилган.

3-компонент бўйича талабларни ишлаб чиқиш муддати 2020 йилда бошланиб, тахминан 2021-2022 йилларда яқунланади.

Бироқ, Россиялик эксперт ва тадқиқотчиларнинг фикрича, суғурта секторига Solvency II стандартини қўллашда айрим муаммолар юзага чиқмоқда. Чунончи, А.Бредихин суғурта захираларини ҳисоблашнинг янги тартиби илгари амалда бўлган тартибга нисбатан анча меҳнат талаб қилади, деб ҳисоблайди. У фикрини давом эттириб, шундай ёзади: “Суғурта захираларини ҳисоб-китоб қилиш ва баҳолаш учун кўп сонли малакали актуарийларни жалб этиш талаб этилади ҳамда ҳозирда мавжуд бўлган ахборот технологиялари тизимини такомиллаштиришни талаб қилади ва суғурталовчиларга маъмурий юкламани оширади”<sup>354</sup>.

Қозоғистон Республикаси суғурта секторини рискка қаратилган ёндашув асосида назорат қилиш ва тартибга солишни назарда тутувчи Solvency II стандартини жорий қилиш ҳақида, дастлаб, Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2019 йил 27

<sup>354</sup> Бредихин А. Государство разделит риски. Страховщики добились признания системной значимости и смягчения регулирования. Газета “Коммерсантъ” от 30.03.2020. <https://www.kommersant.ru/doc/4308094>.

августдаги қарори билан маъқулланган “2020-2024 йилларда Қозоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнози”да қайд этиб ўтилган<sup>355</sup>. Хусусан, суғурта бозорини такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи Solvency II халқаро стандарти амалиётга жорий этилади:

суғурта компаниясининг капиталига талаблар (капиталга минимал талаблар ва тўлов қобилиятини таъминлаш учун капиталга талаблар);

рисklarни бошқариш тизими;

рисklarни ва тўлов қобилиятини ўзи томонидан баҳолаш (ORSA);

ички назорат тизими.

Бизнинг назаримизда, суғурта назорати тизими молиявий бозорларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги зарур, аксинча, Solvency II режими микдорий чекловлар ва қатъий қоидалар ўрнига рискли бизнес орқали капитални кўпайтириш ҳисобидан эҳтиёткорлик асосидаги инвестицион сиёсатни рағбатлантиради.

Қозоғистон Республикасининг Молия бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги томонидан 2020 йил январь ойида тасдиқланган “Суғурта секторини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари”да Solvency II тамойилларини жорий этиш йўли билан рискка қаратилган ёндашув асосидаги назоратнинг такомиллаштирилиши ва унинг доирасида суғурта компанияларининг турли активлари ва мажбуриятларига хос бўлган рисklarини ҳисобга олган ҳолда ўз капиталини ҳисоблаш учун минимал микдорий талаблар ўрнатилиши таъкидланган<sup>356</sup>. Шунингдек, мазкур ҳужжатда суғурта компаниясининг рисklarига мувофиқ келадиган капиталнинг мавжудлиги бўйича талабни ўрнатишни кўзда тутувчи пропорционал тартибга солишни ҳамда халқаро тартибга солувчи тизим унсурларини (Insurance Regulatory

<sup>355</sup> Прогноз социально-экономического развития Республики Казахстан на 2020-2024 годы. Одобрено на заседании Правительства Республики Казахстан (протокол № 31 от “27” августа 2019 года). <http://economy.gov.kz/ru/kategorii/pser>.

<sup>356</sup> Основные направления развития страхового сектора. Агентство Республики Казахстан по регулированию и развитию финансового рынка (2020). <https://finreg.kz/cont/11.pdf>.

Information System (IRIS) жорий этиш орқали суғурта компанияларида рискларни бошқаришни амалга ошириш вазибалари белгиланган.

Бирок, Қозоғистон суғурта секторида Solvency II стандартини жорий этиш юзасидан олим ҳамда экспертлар турлича қараш ва фикрларга эга. Масалан, Ш.Иминов Қозоғистон суғурта секторини Solvency II стандартига ўтишини қўллаб-қувватлайди ва бу стандарт суғурта компанияларига рискларни бошқаришни оптималлаштириш, стандарт формула таркиби ҳамда тузилишидаги камчиликларни бартараф этиш ва суғурта компаниясини бошқариш тизимини буткул ўзгартириш имкониятини яратади, деб ҳисоблайди<sup>357</sup>. А.Ердесовнинг фикрига кўра, Solvency II стандартини жорий қилиш учун Европа Иттифоқига 10 йил керак бўлган<sup>358</sup>. Россияда ушбу стандарт 2018 йилда жорий этилди ва 2022 йилга келиб, уни яқунлаш режалаштирилган. Қозоғистонда Solvency II стандартини жорий этиш муддати 2020-2024 йиллар этиб белгиланган. Унинг фикрича, ушбу муддат кам, амалга ошириладиган ишлар эса кўп.

Юқорида биз ЕИ, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида рискка асосланган ёндашув асосида суғурта секторини назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича Solvency II стандартини жорий этилиши билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этдик. Энди бу борада Ўзбекистонда амалга ошириладиган чора-тадбирларни таҳлил қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистонда рискка қаратилган ёндашув асосида суғурта секторини назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш, илк марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорида тилга олинган. Яъни,

<sup>357</sup> Иминов Ш. Регулятор хочет менять рынок ускоренными темпами. <https://kursiv.kz/news/strakhovanie/2019-09/kazakhstanskije-strakhovschiki-budut-po-novomu-ocenivat-svoi-riski>.

<sup>358</sup> Ердесов А. Что такое Solvency II? <https://kursiv.kz/news/strakhovanie/2019-09/kazakhstanskije-strakhovschiki-budut-po-novomu-ocenivat-svoi-riski>.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда суғурта компанияларининг фаолиятини рискка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича халқаро стандартларни суғурта фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси юклатилган.

Ушбу вазифани бажариш мақсадида 2020 йил 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ривожлантириш стратегиясини ва суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича халқаро стандартларни суғурта фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаб, [www.regulation.gov.uz](http://www.regulation.gov.uz) порталига жойлаштирди<sup>359</sup>. Ушбу қарор лойиҳасида Solvency II режими қуйидаги учта таркибий қисмдан иборат эканлиги кўрсатилган:

1-таркибий қисм. Капиталга нисбатан миқдорий талабларни белгилаш;

2-таркибий қисм. Корпоратив бошқарув тизими;

3-таркибий қисм. Ахборот очиқлигига ва ҳисоботларга бўлган талаблар.

Қарор лойиҳасида ушбу таркибий қисмларнинг ҳар бирининг мазмуни ёритилган ҳамда уларни жорий этиш бўйича қуйидаги муддатлар белгиланган:

1-таркибий қисм бўйича талабларни ишлаб чиқиш 2020 йилда бошланади ва миқдорий тадқиқотлар натижаларига кўра, тахминан 2021 йилда тугалланади.

2-таркибий қисм бўйича талабларни ишлаб чиқиш муддати 2021-2022 йиллар.

---

<sup>359</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ривожлантириш стратегиясини ва суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича халқаро стандартларни суғурта фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (2020). <https://regulation.gov.uz/tu/document/20040>.

3-таркибий қисм бўйича талабларни ишлаб чиқиш 2023 йил этиб белгиланган.

Юқорида қайд этилганидек, рискка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича Solvency II стандарти ЕИ Парламенти ва Кенгашининг 2009 йил 25 ноябрдаги “Суғурта ва қайта суғурта ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тўғрисида (Solvency II)”ги 2009/138/ЕС Директивасига (Directive 2009/138/EC Of The European Parliament and Of The Council of 25 November 2009 “On the taking-up and pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II)” асосан жорий этилган бўлиб, суғурта компанияларини барқарор фаолият кўрсатиши ва тўлов қобилияти доимо талаб даражасида бўлишини таъминлайди.

2016 йилгача ЕИда амалда бўлиб келган Solvency I стандарти 2008-2009 йилларда юз берган глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида молия сектори, шу жумладан суғурта секторида айрим молия ва суғурта компанияларининг тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида, ушбу стандарт бўйича суғурта компанияларининг тўлов қобилияти, капитали етарлигига ўрнатилган талабларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

2016-2020 йилларда ЕИда Solvency II стандартини жорий этилиши билан боғлиқ тажриба мазкур стандарт ҳаётий эканлигини, суғурта компаниялари дуч келиши мумкин бўлган барча рискларга мос равишда капитал етарли бўлишини кўрсатди. ЕИ, Россия Федерацияси тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон суғурта фаолиятида Solvency II стандартини босқичма-босқич жорий этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бироқ, мазкур халқаро стандартни мамлакатимизда жорий этилиши учун суғурта компанияларининг етарли даражада техник ва ташкилий томондан тайёргарлик кўришларини таъминлаш зарур. Яъни, суғурта компанияларига Solvency II стандартининг таркибий қисмларини чуқур биладиган малакали мутахассисларни жалб қилиш, компьютер дастурлари ва бошқа ахборот технологиялари

тизимини модернизация қилиш таклиф этилади. Шунингдек, суғурта компанияларида стандарт формулалар орқали захираларни ҳисоблайдиган, тўлов қобилияти ва капиталга минимал талабларни тўғри ҳисоб-китоб қиладиган актуар мутахассисларга бўладиган эҳтиёжни аниқлаштириш ва ҳал этиш лозим бўлади. Solvency I тамойиллари бозор рискларини ҳисобга олмасдан суғурталовчи капиталига белгиланган нормативларни баҳолаш учун, фақат, стандарт формулаларни қўллашни назарда, тутати. Ҳолбуки, суғурта ташкилотининг тўлов қобилиятини баҳолашда суғурталовчи фаолиятига таъсир этувчи барча рискларни инобатга олиш ва шунга мувофиқ захираларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Рискка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича Solvency II стандартини Ўзбекистон суғурта секторига жорий этиш натижасида суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш таъминланади, суғурта тизимида бўлган ишонч юксалади, миллий ва чет эл инвесторлари учун миллий суғурта компанияларининг шаффофлиги ва инвестициявий жозибadorлиги ошади, суғурта компанияларига нисбатан тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-таомиллари халқаро тан олинган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилади.

Шунингдек, стандартнинг жорий этилиши натижасида потенциал объектларни суғурта ҳимояси билан қамраб олиш даражаси кенгаяди, суғурта мукофотларининг ЯИМдаги салмоғи ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотлари миқдори сезиларли равишда ошади.

Шундай қилиб таъкидлаш керакки, суғурта секторини барқарор ривожлантиришнинг, унинг рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибadorлигини оширишнинг асосий шарти Solvency II халқаро стандартини мамлакатимизда жорий этиш орқали суғурта компанияларининг рискларини тўлиқ қамраб олган ҳолда баҳолаш, капитал миқдорининг қабул қилинаётган рисклар



тавсифи ва даражасига мувофиқ келиши, корпоратив бошқарувнинг йўлга қўйилган тизими ҳамда фаолиятнинг шаффофлиги ва ахборотларнинг очиклигини таъминлашга эришиш ҳисобланади. Бу ўз навбатида, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари ва давлат манфаатларига мос келади.

### **5.3. Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда суғурта фаолиятини халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқ такомиллаштириш истиқболлари**

Жаҳон миқёсида интеграция ва глобаллашув жараёнларининг янада кучайиши кузатилмоқда. Бугунги кунда глобаллашув тушунчаси ҳаётимизнинг турли жабҳаларига чуқурроқ кириб бораёпти. Нобель мукофоти лауреати Joseph E. Stiglitz глобаллашув ҳақида шундай ёзган: “Глобаллашув замонамизнинг энг кўп ишлатиладиган терминларидан бирига айланди ва у кўплаб мураккаб иқтисодий, сиёсий, маданий, ғоявий ва экологик кучларни ўзида мужассамлаштиради”<sup>360</sup>.

Глобаллашув ва интеграция жараёнлари ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига турлича таъсир кўрсатиши, табиий. Халқаро валюта жамгармаси глобаллашув, ҳақиқатан, бутун дунёнинг тараққий этиши учун кенг имкониятлар яратади, бироқ ушбу жараён нотекис кечмоқда, деб ҳисоблайди<sup>361</sup>. Гап шундаки, айрим давлатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви бошқа давлатларга қараганда тез кечади ва мазкур давлатларда иқтисодий ўсиш билан бирга камбағалликни камайиши кузатилади.

Иқтисодиётнинг, шу жумладан молия-кредит тизимининг глобаллашуви халқаро суғурта бозорининг ривожланиш тенденцияларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Даставвал қайд этиш керакки, глобаллашув жараёни, бир томондан халқаро

<sup>360</sup> Joseph E. Stiglitz. *Globalization and Its Discontents Revisited: Anti-Globalization in the Era of Trump* Paperback – November 28, 2017. [https://www.amazon.com/Globalization-Its-Discontents-Revisited-Anti-Globalization/dp/0393355160/ref=sr\\_1\\_5?dchild=1&keywords=Joseph+E.+Stiglitz&qid=1604122436&s=books&sr=1-5](https://www.amazon.com/Globalization-Its-Discontents-Revisited-Anti-Globalization/dp/0393355160/ref=sr_1_5?dchild=1&keywords=Joseph+E.+Stiglitz&qid=1604122436&s=books&sr=1-5).

<sup>361</sup> Globalization: Threat or Opportunity? <https://www.imf.org/external/np/exr/ib/2000/041200a.htm>.

суғурта бозорининг, иккинчи томондан миллий суғурта бозорларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Ривожланган мамлакатлар суғурта компанияларининг ривожланаётган давлатлар суғурта бозорларига кириб келиши миллий суғурта бозорларида рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилиши билан бир қаторда янги инновацион, рақамли суғурта маҳсулотларининг жорий этилишига сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, глобаллашув ва интеграция жараёнларининг миллий суғурта бозорларга ижобий ёхуд салбий таъсири хусусида олим ва мутахассисларнинг қарашлари турлича. Масалан, С.Рыбаковнинг фикрича, ривожланган мамлакатлар ўзларининг суғурта бозорларини хорижий суғурта компанияларига очиб бериши илмий-техника тараққиётининг илғор ютуқларини кириб келишига эмас, балки “ноиктисодий” услублар, чунончи, монопол мавқедан фойдаланиш, ахборот ва ташвиқот технологияларидан фаол фойдаланган глобал рақобат курашининг кучли иштирокчилари билан рўпару келади<sup>362</sup>. Аксинча, Mehmet Balcilar, Godwin Olasehinde-Williams, Muhammad Shahbaz суғурта бозорларининг глобаллашуви иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олаётганлигини, бу жараёндан суғурта сектори ҳам чет қолмаганлигини баён этар экан, суғурта бозорларининг глобаллашуви тармоқда бир-бирига ўхшаш тенденцияларнинг кучайишига олиб келаётганлигини таъкидлаганлар<sup>363</sup>. Уларнинг фикрича, суғурта бозорларидаги глобаллашув, кўп жиҳатдан, суғурта маҳсулотларининг ўхшашлигида, ахборот технологиялари соҳасидаги мислсиз ўзгаришларда ва Жаҳон банки, Бутунжаҳон савдо ташкилотининг кенгайиб бораётган таъсирида намоён бўлмоқда.

---

<sup>362</sup> Рыбаков С. Развитие страхового рынка в условиях глобализации. Дисс.на соис.канд.экон.наук по специальности 08.00.07-Финансы, денежное обращение и кредит. М.: Финансовая академия при Правительстве Российской Федерации. 2006.-с.29.

<sup>363</sup> Mehmet Balcilar, Godwin Olasehinde-Williams, Muhammad Shahbaz. Examining the Causal Relationship between Globalization and Insurance Activities in Large Emerging Market (LEM) Economies: Evidence from Bootstrap Panel Granger Causality, Eastern Mediterranean University, Department of Economics, Discussion Paper 15-39, November 2018.

[https://www.researchgate.net/publication/329506017\\_Examining\\_the\\_Causal\\_Relationship\\_between\\_Globalization\\_and\\_Insurance\\_Activities\\_in\\_Large\\_Emerging\\_Market\\_LEM\\_Economies\\_Evidence\\_from\\_Bootstrap\\_Panel\\_Granger\\_Causality](https://www.researchgate.net/publication/329506017_Examining_the_Causal_Relationship_between_Globalization_and_Insurance_Activities_in_Large_Emerging_Market_LEM_Economies_Evidence_from_Bootstrap_Panel_Granger_Causality).

Бизнинг фикримизча, суғурта секторидаги глобаллашув жараёнлари суғурта компанияларининг ўзлари фаолият кўрсатаётган юрисдикциялардан ташқарида фаолият юритишларида, истеъмолчиларга суғурта хизматларини кўрсатишда ва уларни хужжатлаштиришда муайян муаммоларни келтириб чиқараяпти. Бу ҳолат ўз навбатида, глобаллашув жараёнларининг иштирокчиси бўлган давлатларнинг суғурта бозорини тартибга солувчи органларининг фаолиятларини мувофиқлаштиришни ва қонунчилик хужжатларини халқаро стандарт ва нормаларга уйғунлаштиришни тақозо этмоқда. V.Muruganandamнинг фикрича, тартибга солувчи орган ўз юрисдикциясидаги суғурта соҳасининг ривожланишини қўллаб-қувватлаши лозим ва шу билан бирга суғурта компанияларининг халқаро рақобатбардошлигини ва молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнаши керак<sup>364</sup>. Бундан ташқари, бошқа юрисдикцияларда суғурта хизматларини кўрсатаётган трансмилий суғурта компанияларини мониторинг қилиш учун назорат қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан бирга тартибга солишда янги ёндашувлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Глобаллашув шароитида суғурта компанияларининг бошқа бозорларда иштирок этишидаги асосий муаммолардан бири ривожланаётган мамлакатларнинг айримларида суғурта компаниялари фаолиятида бухгалтериянинг умумқабул қилинган тамойиллари (GAAP)га амал қилинмайди<sup>365</sup>. Натижада, суғурта компаниялари молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлаш имкониятига эга бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарорига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш

<sup>364</sup> Muruganandam V. Global Changes in Insurance Markets. International Journal of Applied Research & Studies, iJARS/ Vol. 1/Issue III/Dec, 2012/261, ISSN 2278 – 9480. <http://www.ijars.in>.

<sup>365</sup> Globalization and the Insurance Industry. October 23rd, 2008. <https://www.globalization101.org/globalization-and-the-insurance-industry-2/>.

орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни мазкур халқаро стандарт асосида тайёрлайди<sup>366</sup>.

Бизнинг фикримизча, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг IAISга аъзо бўлиб кириши мамлакатимиз суғурта фаолиятига жаҳонда умумэтироф этилган стандарт ва нормаларни жорий этилиши учун катта имконият яратди. Маълумот ўрнида қайд этиш керакки, “Суғурта назоратчилари халқаро ассоциациясининг асосий вазифаси суғурта назорати соҳасидаги халқаро тажрибани ўрганиш, суғурта назорати бўйича стандартлар, нормалар ишлаб чиқишдан, қолаверса, суғурта назорати миллий органлари ўртасида тажриба алмашиш масалаларидан иборат”<sup>367</sup>.

IAIS томонидан 2011 йил 1 октябрда ишлаб чиқилган “Суғуртанинг асосий принциплари” бугунги кунда халқаро миқёсда суғурта фаолияти ва уни тартибга солиш бўйича асосий стандарт ва норма бўлиб ҳисобланади<sup>368</sup>. Мазкур ҳужжат суғурта фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ 26 та принципни ўз ичига олади (16-иловага қаранг). Улардан энг асосийларига атрофлича тўхталиб ўтишни лозим, деб ҳисоблаймиз.

<sup>366</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>.

<sup>367</sup> Шеннаев Х.М., Халикулова Г.Т., Абдурахмонов И.Х. Ташкилоти фаолият суғуртаси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 5231200-“Суғурта иши” таълим йўналиши бўйича тахсил олаётган талабалар учун дарслик сифатида тавсия этилган –Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2014.-19-б.

<sup>368</sup> Insurance Core Principles. Updated november 2018. International Association of Insurance Supervisors (IAIS). <https://www.iaisweb.org/page/supervisory-material/insurance-core-principles/file/77910/all-adopted-icps-updated-november-2018>.

“Суғуртанинг асосий принциплари”нинг бешинчи принципи “Шахсларнинг лаёқатлилиги” деб номланади ва унга кўра суғурталовчининг мулкдорлари, шунингдек, суғурта компаниясида назорат функциясини бажаришга масъул бўлган директорлар Кенгаши аъзолари ҳамда ижроия раҳбарият ўз зиммаларига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун тегишли лаёқатга эга бўлишини назорат органлари талаб қилиши лозим. Ҳақиқатан, суғурта компаниясининг молиявий барқарор фаолият кўрсатиши, тўлов қобилиятининг мустаҳкам бўлиши ва бозорда муваффақиятли фаолият юритиши, кўп жihatдан, суғурталовчининг юқори турувчи органлари (Кузатув кенгаши, Директорлар кенгаши) ва ижроия органи раҳбарларининг суғурта соҳасидаги билими ҳамда касбий лаёқати даражаси билан белгиланади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2013 йил 30 апрелдаги “Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 42-сон буйруғига асосан “Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом” тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 30 майда 2462-сон билан рўйхатдан ўтказилган<sup>369</sup>. Тўғри, ушбу Низомга биноан суғурталовчининг раҳбари ва бош бухгалтерига нисбатан малака талаблари белгиланган. Бироқ, “Суғуртанинг асосий принциплари”-нинг бешинчи принципида қайд этилганидек, суғурта компаниясининг юқори турувчи органлари, хусусан, мулкдорлар, Кузатув кенгаши ва Директорлар кенгаши аъзоларига нисбатан касбий лаёқатлилиқ талаблари белгиланмаган.

Бизнинг фикримизча, “Суғуртанинг асосий принциплари талабларидан келиб чиққан ҳолда ”Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2013 йил 30 апрелдаги “Суғурталовчининг,

<sup>369</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2013 йил 30 апрелдаги “Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 42-сон буйруғи. <https://www.lex.uz/docs/2177702>.

суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 42-сон буйруғига суғурта компаниясининг юқори турувчи органлари, хусусан, мулкдорлар, Кузатув кенгаши ва Директорлар кенгаши аъзоларига нисбатан касбий лаёқатлилиқ талабини белгиловчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

IAIS томонидан тасдиқланган “Суғуртанинг асосий принциплари”да ўз ифодасини топган муҳим принциплардан бири суғурта компанияларининг корпоратив бошқарув тизимига қўйилган талаблар ҳисобланади. Суғурта фаолиятини назорат қилувчи орган суғурталовчилардан суғурталанган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, суғурта компаниясининг фаолиятини асосланган ва ақл-идрок билан бошқаришни таъминлашга қодир корпоратив бошқарув тузилмасини шакллантирилишини ва жорий этилишини талаб қилиши кўрсатилган. Ривожланган давлатлар суғурта фаолияти амалиётида корпоратив бошқарув механизмига катта эътибор қаратилади. Масалан, Германиянинг корпоратив қонунчилиги, айниқса, “Суғурта назорати тўғрисида”ги Қонунида суғурта компаниясини бошқаришда Кузатув кенгаши ва ижро органининг жавобгарлиги белгиланган<sup>370</sup>.

Бизнинг фикримизча, суғурта фаолиятида самарали корпоратив бошқарув тизими ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш, суғурта компанияларини бошқаришда акциядорларнинг роли, Директорлар ва Кузатув кенгаши ҳамда топ-менежерларнинг жавобгарлигини ошириш, ички назорат ва рискларни бошқариш тизимини кучайтириш, бизнесни юритиш қонидарига оғишмай рияз қилишни тақозо этади. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 12/8-сон қарорига асосан “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида низом” тасдиқланган

<sup>370</sup> Gal J. Corporate governance of insurers in Germany. German National Report. ZVersWiss 109, 41–64 (2020). <https://doi.org/10.1007/s12297-020-00467-9> World Congress of the International Insurance Law Association (AIDA). <https://link.springer.com/article/10.1007/s12297-020-00467-9#citeas>.

ва Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган<sup>371</sup>.

Бирок, ҳанузгача мамлакатимизда суғурта компанияларида корпоратив бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилмаган. Ҳолбуки, хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда суғурта компаниялари учун корпоратив бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш суғурта фаолиятини янги поғонага кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

“Суғуртанинг асосий принциплари”да суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини тартибга солишга оид алоҳида стандарт мавжуд. Унга кўра, суғурталовчининг инвестиция фаолиятини амалга оширишида юзага келиши мумкин бўлган рискларни бартараф этиш орқали уларнинг тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича назорат органи томонидан суғурта компаниясининг инвестиция фаолиятига нисбатан талаблар белгиланган.

Маълумки, суғурта фаолиятининг ўзига хослиги зарарларни қоплаш учун етарли миқдорда капитал ва техник захиралар яратиш зарурлигини талаб қилади. Бу ўз навбатида, капиталга эҳтиёж ва техник захираларни қоплаш учун етарли бўлган ҳажмдаги активларга пул маблағларини жойлаштириш ва шунга мос равишда активларга эга бўлишни тақозо этади. Суғурталовчи активи портфелининг сифати ва тавсифи ҳамда актив ва пассивларнинг ўзаро боғлиқлиги суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини баҳолашда марказий ўринни эгаллайди.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органи томонидан суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятига ўрнатилган норматив талаблар, ўз-ўзидан аёнки, унинг инвестиция стратегиясига таъсир кўрсатади. Одатда, ушбу талаблар суғурталовчининг инвестиция фаолияти бўйича тегишли қоидалар ва чекловларни назарда тутган норматив ҳужжатларда ўз аксини топади.

---

<sup>371</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 12/8-сон қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида низом”. <https://www.lex.uz/docs/4888804>.

Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низом”ни келтириш мумкин<sup>372</sup>. Мазкур Низомда суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини инвестиция объектларига жойлаштириш бўйича нормативлар белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 12 майда 1806-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги Низом”да ҳам суғурта компанияларининг активларини жойлаштириш бўйича норматив талаблар ўрнатилган<sup>373</sup>.

Ушбу таҳлил натижалари IAIS томонидан ишлаб чиқилган “Суғуртанинг асосий принциплари”нинг ўн бешинчи принципада белгиланган стандарт талабларига, маълум маънода, роя этилганлигини кўрсатди.

Суғурта фаолиятини халқаро стандартлар ва талаблар доирасида ташкил этишда бизнесни юритиш принципи алоҳида ўрин тутади. “Суғуртанинг асосий принциплари”нинг ўн тўққизинчи принципада “Бизнесни юритиш”нинг стандартлари ёритилган. Мазкур стандартга мувофиқ назорат органлари суғурта шартномаси тузилишидан олдин ва шартнома амалда бўлган даврда, шартнома

<sup>372</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низом”. <https://www.lex.uz/docs/1416862#1416879>.

<sup>373</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 12 майда 1806-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги Низом”. <https://www.lex.uz/docs/1354126#1354330>.



бўйича барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилмагунча мижозларга адолатли хизмат кўрсатиш мақсадида суғурта бизнесини юритишга талабларни белгилайди. Суғурта бизнесини юритишга талаблар истеъмолчиларнинг суғурта секторига бўлган ишончини ошишига, суғурталовчининг нуфузига салбий таъсир қилувчи рискларни юзага келтирувчи барқарор бўлмаган бизнес-моделдан фойдаланиш ортидан суғурталовчи фаолиятида юзага келадиган рискларни энг паст даражага келтиришга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

“Суғуртанинг асосий принциплари”га асосан назорат қилувчи орган суғурта компаниялари ва воситачилардан мижозлар билан ишлашда юқори даражадаги касбий лаёқатлилиқ ва зарур даражада малака бўлишини талаб қилади. Шунингдек, мазкур принциплар доирасида назорат қилувчи орган суғурталовчилар ва воситачилардан уларнинг бизнес-маданиятининг ажралмас қисми бўлган мижозлар билан адолатли муносабатда бўлишнинг принциплари ва процедураларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқиши ва жорий этиши лозим. Ушбу халқаро стандартнинг Ўзбекистон суғурта фаолиятида жорий этилганлик ҳолатини ўрганиш натижалари, бу борада мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилганлигини кўрсатди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 26 декабрдаги “Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 120-сон буйруғига мувофиқ “Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисида Низом” тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда 1891-сон билан рўйхатдан ўтказилган<sup>374</sup>.

Ўз-ўзидан равшанки, ушбу Низом бизнес соҳаси учун мўлжалланган бўлиб, унда аҳолининг суғурта маҳсулоти истеъмолчиси сифатидаги манфаатлари кўзда тутилмаган. Устига-

---

<sup>374</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 26 декабрдаги “Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 120-сон буйруғи. <https://www.lex.uz/docs/1433001?query=бизнес%20соҳаси%20учун%20суғурта%20хизматлари%20кўрсатишнинг%20ягона%20талаблари%20ва%20стандартлари>.

устак, бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатиш деганда тадбиркорлик хавфларини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта ҳимоясини тақдим этиш тушунилади. Ваҳоланки, айрим давлатларда, хусусан, Россия Федерациясида бу борада бир нечта стандартлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Чунончи, Бутунроссия суғурталовчилар иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган ва 2018 йил 9 августда Россия Банки томонидан тасдиқланган “Суғурта ташкилотлари томонидан молия бозорида операцияларни амалга ошириш бўйича базавий стандарт” суғурта ташкилотларининг суғурта маҳсулоти истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларида носоғлом фаолиятни олдини олиш, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимояланишини таъминлаш, суғурта фаолиятини амалга оширишда ахборотларнинг хавфсизлик даражасини ва суғурта маҳсулотларининг сифатини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда “Суғуртанинг асосий принциплари”да белгиланган стандартлар асосида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ стандарт талабларини ишлаб чиқиш тақлиф этилади.

Мамлакатимизда суғурта фаолиятини халқаро стандарт ва талабларга мувофиқлаштиришда жаҳон миқёсида умумтан олинган СМТни кенг жорий этиш муҳим ўрин тутди. СМТ бўйича суғурта фаолиятини стандартлаштириш дунё тажрибасида синалган бўлиб, у ISO томонидан ишлаб чиқилган стандартлар асосида амалга оширилади. СМТ бўйича сифат сертификатиغا эга бўлиш суғурта компанияларига давлат ва халқаро тендер танловларида иштирок этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ушбу сертификат суғурта маҳсулоти истеъмолчилари ва бизнес ҳамкорларнинг ишончини қозонишда суғурта компанияси учун катта аҳамият касб этади.

Британия стандартлар институти (British Standards Institution) ва “Z/Yen Group” таҳлилий маркази ҳамкорликда ўтказган тадқиқот

натижалари молиявий хизматлар соҳасидаги ташкилотлар бошқа тижорат секторлари, жумладан, кemasозлик ва озиқ-овқат саноати корхоналарига нисбатан ихтиёрий стандартлардан кам фойдаланишини кўрсатган<sup>375</sup>. Мазкур тадқиқотда қайд этилишича, суғурта тармогида қуйидаги халқаро стандартлардан самарали фойдаланиб келинмоқда:

бухгалтерия ҳисоби ва тўлов қобилияти стандартлари;  
бизнесни юритиш стандартлари (масалан, суғурта даъволарини кўриб чиқиш стандарти);

андеррайтинг стандарти;

нарх ва захирани шакллантириш бўйича актуар стандартлар;  
ахборот ва маълумотларни бошқариш стандартлари.

ISO суғурта фаолиятида янги стандартларни жорий этиш устида ишлар экан, бу борада қуйидаги стандартларни жорий этиш мумкинлигини асослайди<sup>376</sup>:

суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш бўйича стандарт;

суғурта маҳсулоти тўғрисидаги ахборотлар бўйича стандарт.

Суғурта маҳсулотини ишлаб чиқиш бўйича стандартлар кибер риск ёки табиий офатлар rischi ҳамда янги технологияларни яратишда юзага келадиган рискларни ҳисобга олган ҳолда суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишни мақбуллаштиришга кўмак беради. Суғурта маҳсулоти тўғрисидаги ахборотлар бўйича стандартлар истеъмолчиларнинг суғурта хизматларидан қаноатланиш ва уни тушуниш даражасини ошишига хизмат қилади.

Бизнинг назаримизда, сўнгги йигирма йилликда Ўзбекистон суғурта компаниялари томонидан СМТ бўйича халқаро ISO сифат сертификатига эга бўлиш юзасидан интилиш кучаймоқда. Шу ўринда қайд этиш лозимки, 2004 йилда “Ўзбекинвест” суғурта компанияси мамлакат суғурта бозорида биринчи бўлиб ўз фаолиятида ISO 9001 халқаро сифатни бошқариш тизимини

<sup>375</sup> Opportunities for Standards in Insurance. Prepared by Z/Yen Group for BSI. <https://www.bsigroup.com/LocalFiles/en-GB/standards/BSI-Standards-research-report-Opportunities-for-Standards-in-Insurance-UK-EN.pdf>.

<sup>376</sup> An opportunity for collaboration: Standards, conformity assessment, accreditation and insurance. International Organization for Standardization ISO Central Secretariat. <https://www.iso.org/publication/PUB100420.html>.

назарда тутувчи сертификатга эга бўлган<sup>377</sup>. Агар бундан 17 йил муқаддам суғурта соҳасида ISO 9001 халқаро сифат сертификатиға атиги битта суғурта компанияси эга бўлган бўлса, 2021 йил 1 март ҳолатиға уларнинг сони 5 тани ташкил этади. Ушбу суғурта компаниялари тўғрисидаги маълумот куйидаги жадвалда келтирилган (5.1-жадвалға қаранг).

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2021 йил 1 март ҳолатиға мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 5 та суғурта компанияси СМТ бўйича ISO 9001:2015 халқаро сифат сертификатиға эга. Уларнинг 3 таси, яъни “Ўзбекинвест”, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” суғурта компаниялари давлат капитали иштирокида ташкил этилган бўлиб, маскур суғурталовчилар йиллар давомида суғурта мукофотлари тушуми бўйича энг кучли “Топ-5” суғурта компаниялари таркибига киради. “Temiryo'l-Sug'urta” ва “Apex Insurance” суғурта компаниялари нодавлат секторига тааллуқли бўлиб, 2020 йил

5.1-жадвал

**ISO 9001:2015 халқаро сифат сертификатиға эга суғурта  
компаниялари тўғрисида маълумот<sup>378</sup>  
(2021 йил 1 март ҳолатиға)**

№	Суғурта компанияси	Сертификация органи	Амал қилиш муддати
1.	“Ўзбекинвест” суғурта компанияси	“SGS Tashkent Ltd” чет эл корхонаси	24.06.2022 й.
2.	“Ўзагросуғурта” суғурта компанияси	“Cert International” МЧЖ	22.12.2021 й.
3.	“Кафолат” суғурта компанияси	“ICS Group” МЧЖ	03.01.2022 й.
4.	“Temiryo'l-Sug'urta” суғурта компанияси	“Cert International” МЧЖ	15.03.2022 й.
5.	“Apex Insurance” суғурта компанияси	“Sert Management” МЧЖ	31.10.2022 й.

<sup>377</sup> “Ўзбекинвест” получил международный сертификат системы менеджмента качества. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/07/05/uzbekinvest/#!>

<sup>378</sup> Жадвал суғурта компанияларининг ва “Ўзстандарт” агентлигининг расмий веб-сайтларидаги маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

натижалари бўйича мазкур суғурталовчилар суғурта мукофотлари тушуми бўйича “Топ-10” та суғурта компаниялари рўйхатига киради.

Тан олиш керакки, республикамиз суғурта компанияларининг халқаро сифат стандартлари бўйича сертификатларни қўлга киритиши, уларнинг жаҳон ва ички суғурта бозорларидаги мавқеини мустаҳкамланишига, суғурта хизматлари сифати ва бизнес-жараёнларнинг яхшиланишига қаратилганлиги билан эътиборга лойик. Шунингдек, суғурталовчиларнинг ISO 9001:2015 халқаро СМТ асосида фаолият кўрсатиши уларнинг халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва инвестициявий жозибадорлигини ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бироқ юқорида қайд этганимиздек, ISO 9001:2015 халқаро сифат менежменти сертификатига эга бўлган суғурталовчилар сони 5 тани ташкил этади. Ваҳоланки, 2021 йил 1 март ҳолатига республикамизда жами 40 та суғурта компанияси фаолият юритишини инобатга олсак, халқаро сифат сертификатига эга суғурта компаниялари жами суғурталовчиларнинг 12,5 фоизини ташкил этиши намоеън бўлади. Бизнинг фикримизча, ушбу рақам Ўзбекистон иқтисодиётининг глобал иқтисодиётга интеграцияси мустаҳкамланаётган бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шунини эътиборга олган ҳолда миллий суғурта компанияларини халқаро стандартларга асосланган СМТ асосида фаолият кўрсатишини таъминлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик, биринчи галда, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва улар асосида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иқтисодиётни модернизация қилишнинг замонавий талабларидан анча ортда қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва глобаллашув жараёнлари чуқурлашаётган бир даврда миллий суғурта фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатлари халқаро стандарт ва нормаларга тўлиқ

мувофиқлаштирилмаган. Шубҳасиз, бу ҳолат мамлакатда суғурта фаолиятини изчил ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда суғурта фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини, жумладан, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунни IAIS томонидан маъқулланган “Суғуртанинг асосий тамойиллари ва халқаро фаол суғурта гуруҳларини назорат қилишнинг умумий тизими” (Insurance Core Principles and Common Framework for the Supervision of Internationally Active Insurance Groups), EИОРАнинг норматив ҳужжатларида баён этилган талаблар, нормалар ва стандартларга мувофиқлаштириш таклиф этилади.

Ўзбекистон миллий суғурта қонунчилигини халқаро талаблар, нормалар ва стандартларга мувофиқлаштириш натижасида суғурта ва қайта суғурта компанияларининг тўлов қобилияти янада мустаҳкамланади, аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг суғурта тизимига бўлган ишончи ошади. Шунингдек, миллий суғурта қонунчилигини халқаро норма ва стандартларга мослаштириш суғурта ва қайта суғурта компаниялари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги кучайишига, уларнинг хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш самарадорлигини ошишига ва суғурта хизматларини кўрсатиш сифати ва кўламининг кенгайишига олиб келади.

Шундай қилиб хулоса қилиш мумкинки, глобаллашув шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви унинг таркибий қисми бўлган суғурта фаолиятига босқичма-босқич халқаро стандарт ва талабларни жорий этишни тақозо этади. Бу жараёнда халқаро суғурта ҳамжамияти томонидан тан олинган ва IAIS томонидан ишлаб чиқилган “Суғуртанинг асосий принциплари”да кўзда тутилган халқаро стандарт ва талабларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда суғурта фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон суғурта компаниялари фаолиятига ISO 9001:2015 халқаро СМТ стандартларини жорий этиш орқали истеъмолчиларнинг сифатли

суғурта махсулотларига бўлган талабини қондириш, қолаверса суғурта компанияларининг халқаро бозорларга чиқишини таъминлаш лозим.

## V боб бўйича хулосалар

Ушбу боб доирасида амалга оширилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни шакллантириш имкониятини яратди.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари мамлакатимизнинг суғурта фаолиятида рақамли технологияларни жорий этишда муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, суғурталовчиларнинг мавжуд компьютерлари ва дастурлари ҳамда катта ҳажмдаги маълумотларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш қобилиятига эга бўлган серверлар талабга жавоб бермайди. Шунингдек, суғурта компанияларида қўлланилаётган онлайн суғурта хизматлари рақамли платформаларга асосланмаган. Бундан ташқари, мамлакат миқёсида суғурта шартномаларини рўйхатга олишнинг ягона электрон маълумотлар базаси ишлаб чиқилмаган.

Бизнинг фикримизча, суғурта компанияларини рақамли технологиялар асосида ишлашга қодир бўлган замонавий техника ва қурилмалар билан жиҳозлаш, суғурта фаолиятини рақамли платформага ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатларнинг инвестицияларини беғараз, техник кўмак кўринишида жалб этиш мақсадга мувофиқ. Суғурталовчиларнинг иш фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, замонавий дастурий махсулотлар яратиш, суғурта фаолиятини рақамлаштириш бўйича инновацион ғояларни ишлаб чиқиш имкониятига эга стартап компанияларини ташкил этиш, мамлакат миқёсида суғурта шартномаларини рўйхатга олишнинг ягона электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқиш лозим.

Мазкур боб доирасида амалга оширилган тадқиқот натижалари Ўзбекистонда суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича ўрнатилган талаблар ҳар қандай вазиятда

суғурта махсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ишончли химоясини таъминлаш имкониятига эга эмаслигини кўрсатди. Шу сабабли тадқиқотда, дастлаб ЕИга аъзо-давлатларнинг, кейинчалик бошқа давлатларнинг суғурта фаолияти тажрибасида синалган рискка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича Solvency II халқаро стандартини Ўзбекистон суғурта фаолиятида босқичма-босқич жорий этишни назарда тутувчи таклиф ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, жаҳон миқёсида рўй бераётган глобаллашув ва интеграция жараёнлари иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, суғурта фаолиятини халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқлаштиришни талаб этмоқда. IAIS томонидан ишлаб чиқилган “Суғуртанинг асосий принциплари” суғурта фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг халқаро стандарти сифатида тан олинган бўлиб, дунёнинг ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларида қўлланилмоқда.

Тадқиқот доирасида мазкур стандарт талабларини Ўзбекистон суғурта фаолиятида қўлланилиши атрофлича таҳлил этилди. Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, “Суғуртанинг асосий принциплари”да назарда тутилган стандартлар мамлакатимиз суғурта фаолиятида тўлиқ ўзининг аксини топмаган. Шуни эътиборга олган ҳолда тадқиқот ишида миллий суғурта фаолиятини мазкур халқаро стандарт талабларига мослаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу боб доирасида Ўзбекистонда фаолият юритаётган суғурта компанияларининг ISO халқаро СМТ асосида бизнес-жараёнларини ташкил этиш ҳолати тадқиқ этилди. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, 2021 йилнинг 1 март ҳолатига республикамизнинг 5 та суғурта компанияси ана шу тизим асосида фаолият кўрсатаётганлиги аниқланди. Бизнинг фикримизча, бу ҳолат бугунги кунда суғурта фаолиятини халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқ амалга оширишда тўсқинлик қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда



тадқиқот ишида суғурталовчиларнинг халқаро стандартларга асосланган СМТ асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланди.

## ХУЛОСА

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ қилиш асосида қуйидаги хулосалар олинди.

1. Суғурта фаолиятига оид назарий қарашлар ва ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш натижалари бу борада ривожланган давлатлар ҳамда МДХ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонлик олимларнинг қараш ва ёндашувларида фарқ мавжудлигини кўрсатди. Ривожланган мамлакатлар олимларининг суғурта фаолиятининг назарий асосларига доир илмий ишлари математик аппаратга бой бўлган рисклар назарияси, ўйинлар назарияси ва ноқулай танлаш назарияси билан ўзаро боғлиқликда эмпирик ва математик моделлаштириш асосида амалга оширилганлиги аниқланди. Бундан фарқли равишда, бизнинг илмий адабиётларда суғурта фаолиятига оид назарий қараш ва ёндашувлар анъанавий тарзда суғурта фондини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими сифатида талқин қилиниши ва бунда математик моделлаштириш ҳамда эмпирик таҳлил усулларидан етарли даражада фойдаланмаслиги хусусида хулоса қилинди.

2. Тадқиқот ишида мустақиллик йиллари Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланиши муайян мезонларга кўра бешта босқичга ажратилган ҳолда ўрганилди. Ўрганиш натижалари ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва асосланган хулосалар чиқариш имкониятини берди. 1991-2002 йилларда Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиши соҳани давлат томонидан тартибга солиш тизими тўлиқ шаклланмаган ҳолда кечган ва бу ҳолат тармоқда салбий тенденцияларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Кейинчалик суғурта фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ сиёсатнинг амалга оширилиши мазкур соҳани жадал ривожланишига шарт-шароит яратганлиги тадқиқот ишида алоҳида эътироф этилди.

3. Суғурта фаолияти ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликнинг эконометрик моделларга асосланган ҳолда ўтказилган таҳлили натижалари суғурта мукофоти ва ЯИМ ҳажми ўртасида регрессион-корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди. Мазкур эконометрик таҳлил 2019 йилда ЯИМ ҳажми бўйича дунёда энг юқори ўринни эгаллаган 16 та давлат мисолида амалга оширилди. Шунингдек, МДХ мамлакатлари мисолида ҳам суғурта фаолияти ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик эконометрик моделлаштириш асосида таҳлил қилинди.

4. Тадқиқотда суғурта маҳсулотини, шу жумладан мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта маҳсулотини сотиб олишда суғурта қилдирувчиларга суғурта компаниясини эркин танлаш имкониятини яратиш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди. Суғуртага мижозларни жалб этиш жараёнида суғурталовчилар ўртасида ўзаро ҳурмат ҳиссини шакллантириш, бунда бозор тамойилларига риоя қилиш, суғурта тарифлари ставкаларини асоссиз пасайтиришнинг олдини олиш, суғурта полисини расмийлаштириш ва суғурта тўловларини амалга ошириш жараёнида “суғурта қилдирувчининг вақтини тежаш” тамойилига риоя қилиш соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантиришнинг муҳим шарти эканлиги исботланди.

5. Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиш, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш асосида миллий суғурта бозорини ислоҳ қилиш, республика суғурта бозорини жаҳон суғурта бозорига интеграциялашувини таъминлаш бўйича халқаро стандартлар ва нормаларни мамлакат суғурта бозорига татбиқ этиш ҳамда суғурта бозорини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ва норматив ҳужжатларни тизимли такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш асосий вазифаси бўлган Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш давлат органи ҳузурида Суғурта фаолиятини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгашини ташкил этиш тавсия этилди.

6. Амалга оширилган тадқиқот натижалари 2020 йилда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам коронавирус инфекциясининг тарқалишини олдини олиш мақсадида карантин чораларининг кўрилиши суғурта фаолияти ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлигини намоён этди. Коронавирус пандемияси ҳаётни суғурта қилишнинг ривожланишини акс эттирувчи асосий кўрсаткичларнинг, хусусан, суғурта хизматлари кўрсатиш ҳажмининг кескин пасайишига сабаб бўлганлиги аниқланди. Пандемия шароитида молия бозорида ноаниқлик, акция ва облигациялар нархининг тушиб кетиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда суғурта компаниясининг инвестиция портфелини самарали бошқариши, бунда юзага келадиган турли рискларни бартараф этиши мақсадга мувофиқ эканлиги асосланди. Шунингдек, пандемик рисклардан суғурталашни амалга оширишнинг давлат-хусусий шерикчилик шакллари жорий этиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди.

7. Суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида улар томонидан келиб тушган мурожаатларни таҳлиliga бағишланган мавзули телекўрсатувлар ташкил этиш ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш, суғурта шартномаларида суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатлари қанчалик инобатга олинганлигини таҳлил қилиш мақсадида суғурта шартномаларини экспертлар томонидан мустақил, ҳолисона ва адолатли экспертизасини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди. Суғурта шартномаси шартларини соддалаштириш, уларни суғурта маҳсулоти истеъмолчилари учун тушунарли ва аниқ баён этиш, суғурта маҳсулотлари нархларининг илмий асосланганлигини таъминлаш, суғурта ходисалари содир бўлиши оқибатида етказилган зарарларни қоплашда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларидан талаб этиладиган ҳужжатлар сонини кескин қисқартириш ва қисқа муддатларда зарарларни қоплаш чораларини кўриш, суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини лозим даражада ҳимояланишини таъминлаш мақсадида уларнинг манфаатларини

химоялаш бўйича базавий стандартлар ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

8. Тадқиқот натижаларига асосан суғурта фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини ишончли таъминлаш мақсадида суғурта маҳсулотининг очиклигини таъминлаш бўйича стандарт талаблар яратиш, суғурталовчиларнинг веб-сайтларида ҳар бир суғурта тури бўйича суғурталаш қоидаларини жойлаштириш, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари томонидан ўтказилган суғурта компанияларини текшириш натижаларини ҳамда уларга нисбатан қўлланилган жазо чораларини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, тармоқни тартибга солувчи ва назорат қилувчи органнинг расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Суғурта компанияларининг расмий веб-сайтларида мажбурий тартибда жойлаштирилиши лозим бўлган ахборотлар рўйхатини ўз ичига олган норматив ҳужжат ишлаб чиқиш мақсадга мувофик. Ахборотлар рўйхатига суғурта компаниясининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг рақами ва берилган санаси, таъсисчилари, ижроия аппарат раҳбар ходимлари, амалга оширилаётган суғурта хизмати турлари, камида сўнги уч йилни қамраб олган фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот, ташқи аудиторлик текширувидан ўтказилган камида уч йиллик молиявий ҳисобот, суғурта ташкилотига маҳаллий ва халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинг ҳамда суғурта ташкилотининг профессионал ва профессионал бўлмаган ассоциацияларга аъзолиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш таклиф этилди.

9. Тадқиқот натижаларига кўра, суғурталовчиларнинг юқори капиталлашув даражасига эришиши, бунинг учун инвестицияларни жалб этиши, уларнинг суғурта қилдирувчилар олдидаги мажбуриятларини бажара олиш қобилиятининг ошиши, бизнес-моделини трансформация қилиш ҳисобига харажатларини

оптималлаштириши ва рентабеллик даражасини ошириши, суғурта ва инвестиция портфелининг юқори сифатини таъминлаши ва диверсификациялаши Ўзбекистон суғурта компаниялари томонидан халқаро рейтинг агентликларининг рейтингини олишларида муҳим омил бўлиши аниқланди.

10. Суғурта компаниялари фаолиятини рақамли технологияларга трансформация қилишда уларни шундай технологиялар асосида ишлашга қодир бўлган замонавий техника ва қурилмалар билан жиҳозлаш, суғурта фаолиятини рақамли платформага ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатларнинг инвестицияларини беғараз, техник кўмак кўринишида жалб этиш таклифи ишлаб чиқилди. Суғурта компанияларининг иш фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб замонавий дастурий маҳсулотлар яратиш, суғурта фаолиятини рақамлаштириш бўйича инновацион ғояларни ишлаб чиқиш имкониятига эга стартап компанияларини ташкил этиш, ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари, шу жумладан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича электрон полисларни сотиш ва расмийлаштириш ишларини суғурталовчиларнинг глобал Интернет тармоғидаги расмий веб-сайти орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланди.

11. Тадқиқот натижаларига асосланилган ҳолда рискка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича Solvency II халқаро стандартини Ўзбекистон суғурта фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш таклиф этилди. Бу таклифнинг жорий этилиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта тизимида бўлган ишончи юксалади, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун миллий суғурта компанияларининг шаффофлиги ва инвестициявий жозибadorлиги ошади, суғурта компанияларига нисбатан тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-таомиллари халқаро тан олинган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилади.

12. Амалга оширилган тадқиқот натижалари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик, биринчи гада, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва улар асосида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иқтисодиётни модернизация қилишнинг замонавий талабларидан анча ортда қолганлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва глобаллашув жараёнлари чуқурлашаётган бир даврда миллий суғурта фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларининг халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқлаштирилмаганлиги суғурта фаолиятини изчил ривожланишига тўсқинлик қилаётганлиги аниқланди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда суғурта фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини, жумладан, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунни Суғурта назорати халқаро ассоциацияси (International Association of Insurance Supervisors - IAIS) томонидан маъқулланган “Суғуртанинг асосий тамойиллари ва халқаро фаол суғурта гуруҳларини назорат қилишнинг умумий тизими” (Insurance Core Principles and Common Framework for the Supervision of Internationally Active Insurance Groups), Европа суғурта ва меҳнат пенсиялари хизмати (European Insurance and Occupational Pensions Authority - EIOPA)нинг норматив ҳужжатларида баён этилган талаблар, нормалар ва стандартларга мувофиқлаштириш таклифи ишлаб чиқилди.

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, тадқиқотни амалга ошириш натижасида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган таклиф-тавсиялар Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолияти ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб олишда муҳим ҳисса бўлиб кўшилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга эга бўлган нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм, 52-боб. Суғурта. <https://www.lex.uz/docs/180552>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 6 майда қабул қилинган. (Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 5 апрелдаги 359-II-сонли “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/106047>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 7 майда қабул қилинган. (Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июндаги ЎРҚ-388-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонуни билан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/101288?ONDATE=20.05.1993%2000#102842>.
4. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган. <https://www.lex.uz/docs/40253>.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган. <https://www.lex.uz/docs/1342474>.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни.



Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.:  
Адлия вазирлиги, 2009 йил, 16-сон.

7. Закон Российской Федерации “Об организации страхового дела в Российской Федерации” (наименование в редакции Федерального закона от 31.12.1997 № 157-ФЗ, с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.02.2021 г.).  
[http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102019955&intelsearch=4015-1.](http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102019955&intelsearch=4015-1)

8. Закон Республики Казахстан от 2 июля 2018 г. №166-IV “О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам страхования и страховой деятельности, рынка ценных бумаг”. [http://www.online.zakon.kz.](http://www.online.zakon.kz)

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи агентликни ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-1207-сон Фармони (Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПФ-4993-сонли “2017 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Фармониغا асосан ўз кучини йўқотган).  
[https://www.lex.uz/docs/184776.](https://www.lex.uz/docs/184776)

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 февралдаги “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-1710-сон Фармони.  
[https://www.lex.uz/docs/168879.](https://www.lex.uz/docs/168879)

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-1713-сон Фармони.  
[https://www.lex.uz/docs/358335.](https://www.lex.uz/docs/358335)

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3022-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/150015>.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. <https://www.lex.uz/docs/3107036>.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.// <https://www.lex.uz/docs/5030957>.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/5260791>.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон қарори. <https://www.lex.uz/docs/1168263>.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ПҚ-1438-сон қарори. (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Фармонига асосан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/1707681>.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 майдаги “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1544-сон қарори. (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги ПФ-5197-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Фармонига асосан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/1812843>.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4459802>.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 605-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари тўғрисида низом” (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги 125-сонли “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори билан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/547907>.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги 608-сон қарори (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997

йил 6 мартдаги 125-сон “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/897179>.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 декабрда “Фуқароларга қарашли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги 609-сон қарори (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/897181>.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг суғурта ҳимоясини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 206-сон қарори (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 524-сонли “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги қарори асосида ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/818000>.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 ноябрдаги “Ўзбекинвест интернешнл”, “Ўз-АИГ” кўшма суғурта компанияларини ва “АИГ-Ўзбекинвест” агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 565-сон қарори. [https://www.lex.uz/docs/706017?ONDATE=](https://www.lex.uz/docs/706017?ONDATE=%2000#706027) 23.11.1994 %2000#706027.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги 632-сон қарори (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-

тадбирлари ҳақида”ги қарори билан ўз кучини йўқотган).  
<https://www.lex.uz/docs/890730>.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 144-сон қарори. (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПҚ-3317-сонли “Кафолат суғурта компанияси” акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган).  
<https://www.lex.uz/docs/517076?ONDATE=14.03.1997%2000#974608>.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 286-сон қарори. (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган).  
<https://www.lex.uz/docs/806503>.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сон қарори.  
[https://www.lex.uz/docs/342368?](https://www.lex.uz/docs/342368?ONDATE=27.11.2002%2000#342386)  
[ONDATE=27.11.2002%2000#342386](https://www.lex.uz/docs/342368?ONDATE=27.11.2002%2000#342386).

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сон қарори.  
<https://www.lex.uz/docs/1366339>.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 177-сон қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик

жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари”.  
<https://www.lex.uz/docs/1493389>.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 286-сон қарори (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/806503>

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1060-сон қарори. <https://www.lex.uz/docs/4677911>.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига кириши тўғрисида”ги 202-сон қарори, <https://www.lex.uz/ru/docs/1391267>.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ривожлантириш стратегиясини ва суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича халқаро стандартларни суғурта фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (2020).  
<https://regulation.gov.uz/ru/document/20040>.

36. Суғурта бозорини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида суғурта масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилиш. 10.07.2019 й. <https://president.uz/uz/lists/view/2703>.

37. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 26 январь.

38. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

39. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 12/8-сон қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида низом”. <https://www.lex.uz/docs/4888804>.

40. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 28 январдаги “Суғурта агентлари тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 19-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 1 февралда 1213-сон билан рўйхатга олинган “Суғурта агентлари тўғрисидаги низом”. <https://www.lex.uz/docs/402720>.

41. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 19 январдаги “Суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 18-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 мартда 1328-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом”. (Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 8 февралдаги 10-сонли “Суғурталовчиларнинг алоҳида суғурта таваккалчиликлари бўйича мажбуриятлари, жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп ҳажми ва тўлов қобилияти меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига (рўйхат рақами 1565, 22.04.2006 й.) мувофиқ ўз кучини йўқотган). <https://www.lex.uz/docs/820607>.

42. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган

“Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низом”.  
<https://www.lex.uz/docs/1416862#1416879>.

43. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 12 майда 1806-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги Низом”.  
<https://www.lex.uz/docs/1354126#1354330>.

44. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 26 декабрдаги “Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 120-сон буйруғи.  
<https://www.lex.uz/docs/1433001?query=бизнес%20соҳаси%20учун%20суғурта%20хизматларини%20кўрсатишнинг%20ягона%20талаблари%20ва%20стандартлари>.

45. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2013 йил 30 апрелдаги “Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 42-сон буйруғи. <https://www.lex.uz/docs/2177702>.

46. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003-2018 йиллардаги Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича ҳисоботлари.  
[https://www.mf.uz/uz/?option=com\\_content&view=article&id=352](https://www.mf.uz/uz/?option=com_content&view=article&id=352).

47. Directive 2009/138/EC of The European Parliament and of The Council of 25 November 2009 “On the taking-up and pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II)”. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=celex%3A32009L0138>.

48. Directive 2012/23/EU of the European Parliament and of the Council of 12 September 2012 amending Directive 2009/138/EC (Solvency II) as regards the date for its transposition and the date of its



application, and the date of repeal of certain Directives). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/GA/TXT/?uri=CELEX:32012L0023>.

49. Directive 2013/58/EU of the European Parliament and of the Council of 11 December 2013 “Amending Directive 2009/138/EC (Solvency II) as regards the date for its transposition and the date of its application, and the date of repeal of certain Directives (Solvency I). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=CELEX%3A32013L0058>.

50. Directive 2014/51/EU of The European Parliament and of The Council of 16 April 2014. Amending Directives 2003/71/EC and 2009/138/EC and Regulations (EC) No 1060/2009, (EU) No 1094/2010 and (EU) No 1095/2010 in respect of the powers of the European Supervisory Authority (European Insurance and Occupational Pensions Authority) and the European Supervisory Authority (European Securities and Markets Authority). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=celex%3A32014L0051>.

51. Directive (EU) 2016/97 Of The European Parliament and of The Council of 20 January 2016 on insurance distribution (recast). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/en/TXT/?uri=CELEX%3A32016L0097>.

52. First Council Directive of 24 July 1973 On the coordination of Laws, Regulations and administrative provisions relating to the taking-up and pursuit of the business of direct insurance other than life assurance (73/239/EEC). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=CELEX%3A31973L0239>.

53. First Council Directive of 5 March 1979 On the coordination of laws, regulations and administrative provisions relating to the taking up and pursuit of the business of direct life assurance (79/267/EEC). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A01979L0267-20021219>.

54. German Insurance Contract Act 2008. Insurance Contract Act of 23 November 2007 (Federal Law Gazette I p. 2631), as last amended by Article 2 of the Act of 10 July 2020 (Federal Law Gazette I p. 1653). [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_vvg/englisch\\_vvg.html](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_vvg/englisch_vvg.html).

55. Act on the Supervision of Insurance Undertakings (German Insurance Supervision Act. Versicherungsaufsichtsgesetz – VAG). 04.06.2019. [https://www.bafin.de/SharedDocs/Downloads/EN/Aufsichtsrecht/dl\\_vag\\_en\\_va.html](https://www.bafin.de/SharedDocs/Downloads/EN/Aufsichtsrecht/dl_vag_en_va.html).

56. Insurance Business Act Japan. Act No. 105 of June 7, 1995. [http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail\\_main?re=&vm=2&id=2054](http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?re=&vm=2&id=2054).

57. Insurance Core Principles. Updated november 2018. International Association of Insurance Supervisors (IAIS). <https://www.iaisweb.org/page/supervisory-material/insurance-core-principles/file/77910/all-adopted-icps-updated-november-2018>.

58. McCarran–Ferguson Act USA. [https://en.wikipedia.org/wiki/Insurance\\_in\\_the\\_United\\_States#cite\\_ref-14](https://en.wikipedia.org/wiki/Insurance_in_the_United_States#cite_ref-14).

59. Regulation (EU) No 1094/2010 Of the European Parliament and of the Council of 24 November 2010 establishing a European Supervisory Authority (European Insurance and Occupational Pensions Authority), amending Decision No 716/2009/EC and repealing Commission Decision 2009/79/EC, <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A32010R1094>.

60. The Financial Services Act United Kingdom. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2012/21/enacted>.

61. The International Association of Insurance Supervisors. Strategic Plan 2020 – 2024. June 2019. <https://www.iaisweb.org/page/about-the-iais/strategic-plan//file/82533/2020-2024-strategic-plan>.

## **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

